Ислом маданиятининг сара асарлари

Абул Ҳасан Мовардий

ДУНЁ ВА ДИН ОДОБИ



Таржимон ва сўзбоши муаллифи
АБДУЛЛОҲ ИСМОИЛ МАХДУМ

Абулҳасан Мовардий

ДУНЁ ВА ДИН ОДОБИ

Таржимон ва сўзбоши муаллифи
АБДУЛЛОҲ ИСМОИЛ МАХДУМ

HILOL NASHR

ТОШКЕНТ
2017

УЎК: 297.17:17
ББК 86.38

Ўз даврининг забардаст адиби Абулҳасан Мовардийнинг «Дунё ва дин одоби» китобида инсоний одоб-ахлоқ, гўзал фазилат ва Ҳислатлар нозик кузатиш ва ҳаётий тажрибалар асосида таҳлил цилиб берилган. Адиб ўз қарашларини Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар кўрсатмалари бшан асослаб бериши ҳам ўқувчилар фикрини ўзига жалб этади. Мазкур китоб кўпчилик китобхонларга манзур бўлишига ишонамиз.

Узбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2434-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.

ДрВ^Н) Абулҳасан Мовардий
^ Г ^ Д у н ё ва дин одоби. Х: «Hilol-Nashr», 2017. - 456 f

УУК: 297.17:17
КБК 86.38

ISBN 978-9943-4819-8-5

© Абулҳасан Мовардий
©«HILOL-NASHR» нашриёти, 2017.

СЎЗ БОШИ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, хотамул анбиё Муҳаммад Мустафога, ул зотнинг оила ва асҳобларига дуруду саломлар бўлсин!

Ислом оламининг беназир ва етук мутафаккири, аббосийлар давлатининг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган, дунёқараши кенг ва фикри теран ажойиб адиблардан бири Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Басрий Мовардий Ислом маданиятининг турли соҳаларини қамраб олган асарлари билан ўз номини тарих саҳифаларига муҳрлади. Ҳижрий 364–450-йилларда яшаб ўтган бу алломанинг «Дунё ва дин одоби» («Адаб уд-дунё ваддин») китоби орадан шунча асрлар ўтганига қарамай илм аҳлининг юксак меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб келмоқда.

Тарихда ўтган машҳур уламолар ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида ёзилган китобларда Абулҳасан Мовардийнинг Басра ва Бағдодда ҳадис ва фиқҳдан бошқа илм соҳалари билан шуғулланган тўғрисида бирон маълумот учрамайди, чунки бу икки соҳа ўша пайтдаги ўқув дастурларнинг асосини ташкил этарди. Лекин Абулҳасан Мовардийнинг ёзиб қолдирган китоблари диний илмлардан ташқари адабиёт, шеърият, тилшунослик, фалсафа ва ижтимоий фанлардан ҳам чуқур билимга эга эканини тасдиқлайди. Бу эса, ўз навбатида, унинг бу соҳаларга оид китоблар билан танишлиги ва ўз даврининг забардаст устозларидан таълим олганига ҳужжат-далил бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, алломанинг адиблик маҳорати исломий ва ундан бошқа илмларда ҳам ўз замондошларидан илгарилаб кетганига гувоҳлик беради. Адиб бир қанча диёрларда қозилик, Нишопур вилоятида қози ул-қуззот вазифаларида ишлаб ўзига бой ҳаётий тажриба орттиради. Мамлакатнинг у чеккасидан бу чеккасигача хизмат юзасидан кезиб чиққан Абулҳасан Мовардий Бағдодга қай-

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 54730

тиб келиб, у ерда Қуръонни тўлиқ тафсир қилди, фиқҳ, усул ул-фиқҳ ва адабиёт фанидан талабаларга сабоқ берди, кўпгина асарларини шу ерда таълиф қилди. Бир қатор нуфузли хонадонлар, жумладан, халифа ал-Муқтадир ҳузурида обрў-эътибор қозонди.

Айтишларича, ҳижрий 429 санада халифа Жалолуддавла ибн Бавейҳ ўз исмига «шоҳон шоҳ» (подшоҳлар подшоҳи) лақабини қўшиб айтишларини талаб қилганда, бағдодлик қози Абуттаййиб ал-Табарий каби бир гуруҳ фақиҳлар жоиз деб фатво бердилар. Аммо Абулҳасан Мовардий қарши чиқиб, уни жоиз эмас, деб ўз фикрини исботлади. Бу эса ўз-ўзидан Жалолуддавла билан аллома ўртасига совуқчилик туширгандек бўлди. Лекин Жалолуддавла уни саройга чақиртириб: «Бўлиб ўтган воқеада динга бўлган ихлосинг туфайли менга ҳеч ким қилмаган яхшиликни қилдинг ва бу билан ҳузуримда обрў-эътиборинг янада ошди», деди.

Илмий мероси. Мовардийнинг кўпгина китоблари бизгача етиб келмаган. Ҳозиргача алломанинг ўн иккита китоб ёзиб қолдиргани маълум бўлиб, улар уч туркумга ажратилган: биринчиси – диний китоблар, иккинчиси – сиёсий-ижтимоий ва учинчиси – тилшунослик ва адабиётга оид китоблар.

«Адаб ул-дунё вад-дин» китоби. Абулҳасан Мовардийнинг мана шу китоби Ислом оламида кенг таркалиб, ҳозирги кунларда ҳам унга мурожаат қилинади. Бу асар Европада бир неча марта нашр этилиб, Берлин, Лондон ва Миср нинг нуфузли кутубхоналарида унинг қўлёзма нусхалари сақланади. Бундан ташқари, бу асарнинг яна бир қанча нусхалари Искандария, Фос шаҳри (Марокаш)даги Қаравийлар университети кутубхоналари, Ироқнинг Мосул ва Ҳиндистоннинг Рампур шаҳарларида ҳам мавжудлиги аниқланган.

Айнан мазкур китоб мавзусига тўхталадиган бўлсак, унинг соф илмий нуқтаи назардан ёритилган ахлоқий ва диний фазилатлар, «Қабул қилинган одатлар одоби» деб номланган ижтимоий одоб ва муомалага оид кўпгина мавзуларни қамраб олганига шоҳид бўламиз. Муаллиф бу китобида ўрни келганда оят ва ҳадисларни келтириш баробарида араб адабиёти ва Ислом одоби билан уйғунлашиб кетган бошқа халқларнинг адабий манбаларидаги ҳикмат ва насиҳатлар, мисол ва шеърлардан намуналар келтиради.

«Адаб уд-дунё вад-дин» китоби турли табақа вакиллари, хусусан, илмга чанқоқ талабалар учун пиҳоятда фойдали асардир. Бундан ўттиз йилларча бурун, шу мавзуда ёзилган янги дарсликлар ҳали мавжуд бўлмаган бир пайтда Миср маориф вазирлиги «Адаб уд-дунё вад-дин» китобини ўрта мактаблар ва ал-Азҳар университети ўқув дастурларига дарслик ва қўлланма сифатида киритишга қарор қилгани бежиз эмас.

Бундан юз йиллар олдин юртимиздаги Самарқанд, Тошкент ва Бухоро мадрасаларида мазкур китоб дарслик сифатида ўқитиб келинганини яхши биламиз. Бу билан мазкур китобни фақат талабаларга керакли қўлланма экан, деган маънода тушунмаслик керак. Талабалар билан бир қаторда бошқа илм ихлосмандлари ҳам бу китоб билан танишиб чиқишса, фойдадан холи бўлмайди. 1978–1979-йилларда Дамашқ университетининг шариат факультетида таҳсил олиб юрган кезларимда шаҳардаги китоб бозорларини шеригим — кейинчалик дин ишлари бўйича давлат қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган Шарафуддин ака билан бирга кўп айланардик. Дамашқдаги Умавийлар масжиди яқинидаги диний китоблар бозорида тафсир, ҳадис, фиқҳ, сарф ва наҳвга оид қўлланма китобларни қидириб юриб, бир дўконда Ливаннинг Байрут шаҳрида чоп қилинган «Адаб уд-дунё вад-дин»нинг эндигина нашрдан чиққан нусхасига кўзим тушиб қолди. Ўзимизда одамлар қўлида китобнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари борлигидан хабарим бор эди. Лекин мутолаасига қийналганим сабабли унчалик аҳамият бермас эдим. Дарҳол китобни сотиб олиб, ётоқхонада варақлай бошладим. Янги нашрдаги китоб биздаги нусхалардан мутолаа қилиш ва тушуниш учун қулайлиги билан фарқланиб турарди. Ушбу фарқ қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, китоб матнидаги қийин сўз ва маънолар шарҳи мавжуд.

Иккинчидан, замонавий китобхон ҳолати инобатга олиниб, айрим иборалардаги мураккабликлар иложи борича соддалаштирилган.

Учинчидан, китобхон ўқиганда қийналмаслиги ва тушуниши осон бўлиши учун жумлалар орасига тиниш белгилари нукта, вергул ва ҳоказолар қўйиб чиқилган.

Тўртинчидан, китоб мавзусининг ўзгаришига қараб, зарур ўринларга кичик сарлавҳалар киритилган.

Шу тарика бу одоб китобини қайта-қайта ўқир эканман, унинг кўпчиликка фойдадан холи эмаслигига амин бўлдим. Араб тили чексиз лугат уммони бўлишидан ташқари, наҳв, сарф, маоний, баён, бадиъ, фасоҳат каби яна бир қанча улуғ илмларни ҳам ўз ичига олади. Аллоҳ таолонинг ожиз қолдирувчи улуғ Китобининг айнан араб тилида нозил бўлишининг ҳикмати бу тилнинг яна кўплаб ўзига хос хусусиятлари борлигига далолат қилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиллари ҳам араб тилидир. Расулуллоҳнинг ҳадислари кўп маъноларни ўзида жамлагани ҳар қандай киши эътиборини ўзига тортади. Бу ҳақда у зотнинг ўзлари: «Менга жавомиъул-калим ато қилинган», деб марҳамат қилганлар. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг сўзларини у зотдан олдин бирорта араб айтмаган, бирор ажамий шу қабилда гапирмаган, фалончининг сўзи ёки бу менинг сўзим, деб ҳеч ким даъво қилмаган. Набий алайҳиссаломнинг сўзлари сунъийликдан холи ва такаллуфдан пок эди. Шу сабабли, ҳадиси шарифлар ҳам Қуръон оятлари билан бир қаторда мўминларнинг қалбларидан жой олди.

Қуръони Карим оятлари ва Расулуллоҳнинг суннатлари руҳида тарбия топган Абулҳасан Мовардийга замондош олим, адиб ва факиҳлар ўз асарларида иложи борича кам сўз қўллаб, кўп маъноларни ифода қилишда мусобақалашардилар. Бу соҳада улар араб тилининг турли имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилардилар. Абулҳасан Мовардий ҳам бундан мустасно бўлмади, албатта. «Адаб уд-дунё вад-дин» китоби жумлалари қисқа ва мухтасар бўлиши баробарида кўп ўринларда сажъ (вазнга эътибор қилинмаса-да, жумлалар охирининг кофияли бўлиши бахшиларимиз ижросида кўп кузатиладиган усул)дан фойдаланганига гувоҳ бўламиз.

Хулосаи калом, «Адаб уд-дунё вад-дин» китобининг жарангдор тили, гўзаллиги, латофати ва маънолар мураккаблигини бошқа тилда ифода этиш ва китобхонга етказиш осон бўлмаслиги аниқ. Албатта, бундай иш таржимондан катта маҳорат ва тажриба бўлишини талаб этади. Таржима назарияси мутахассислари фикрига

караганда, илмий ҳужжатларни таржима қилганда ҳар бир сўз (истилоҳ) фақат битта маънода қўлланади ва бу билан ҳужжатларни ҳар хил тушунишга барҳам берилади лекин бадиий адабиётнинг таржимаси ундай эмас. Қадимги дунё ва Шарқ Уйғониш даврининг мутафаккир ва файласуф олимлари тор соҳа мутахассислари бўлишмаган, балки турли илм соҳаларидан етарли даражада хабари бор комусий олимлар бўлишган. Кейинги даврга келиб эса илм-фан қамрови кенгайиб бориши натижасида муайян илм соҳасида чуқурлашиш ва шу соҳада етук мутахассис бўлиш давр талабига айланди. Бунинг оқибатида ҳар бир соҳада мисли кўрилмаган кашфиётлар амалга оширилди, инсон тафаккури ва имконияти уфқлари кенгайиб борди. Шунга карамасдан, маънавият ва амалиёт орасида муайян даражада инқироз юзага келди. Аниқ фанлар соҳаси мутахассислари билан руҳий-маънавий таълимот устозлари ўртасида муайян маънода «бўшлиқ» пайдо бўлди. Маънавий ва аниқ фанларни ўрганиш ва таълим бериш алоҳида ажралиб чиқди. Ваҳоланки, Абулҳасан Мовардий каби комусий олимларнинг фикрича, маънавий ва моддий ҳаётни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу алломанинг давлатчилик таълимоти, жумладан ана шу назария асосига қурилган, десак хато бўлмайди.

Қадимги юнон файласуфлари, форс ва ҳинд донишмандлари, юртимизнинг таниқли алломалари – Форобий, Беруний, Бухорий, Термизий, Замахшарий ўз ҳаётлари давомида диний илмлар қаторида математика, астрономия, геодезия, кимё, физика, тилшунослик, табобат ва бошқа қатор табиий фанлар билан қизиқиб, уни ўрганиш ва шу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Чунки маънавиятни деб дунё ишларини, дунё ишларини деб маънавиятни бой бермаслик инсониятнинг вазифасидир.

Шундай экан, Абулҳасан Мовардий ва у каби аллома зотларнинг давлатчиликка оид нодир ва қимматли асарларини бугунги кунимизда тилимизга ўгириш катта аҳамият касб этади. Бу аллома қаламига мансуб манбалар билан сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, ижтимоий фанлар мутахассислари, аниқ фанлар билан шуғулланувчи ва бошқа турли соҳа вакиллари обдон ўқиб танишсалар, фойдадан холи бўлмайди. Лекин бу асарларни тилимизга ўгириш осон эмаслигига ўз тажрибамизда шоҳид бўлдик.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтмоқчимизки, мазкур қомусий илмларни етарли даражада эгаллаган мутафаккирларнинг асарларини ўша илм соҳаларидан хабари йўқ ҳолда таржима қилиш кўзланган натижани бермайди. Ушбу асар таржимасига киришар эканмиз, Абулҳасан Мовардийнинг сўз санъати борасидаги маҳорати, ўзгача лутф ва нозик сўз ўйинларини китобхонга тўлигича ва мукаммал ҳолда етказиб бериш иложи йўқлигига амин бўлдик. Баҳоли қудрат асарнинг асосий ғоясини ташкил этган алломанинг фикр-мулоҳазалари, донишмандона ҳикматлари, умуминсоний қадриятлар ва дунё халқларининг умумий меросига айланиб қолган буюк зотларнинг айтган сўзларини ҳозирги кун ўқувчисига етказиб беришни ният қилдик. Бунинг қай даражада амалга ошганига ўқувчиларнинг ўзи холис баҳо беради. Таржима жараёнида Хонзода номи билан машҳур туркиялик олим Увайс Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Халил ибн Довуд Арзанжонийнинг ҳижрий 1328 йилда Истанбулда чоп этилган «Мифтоҳул яқийн шарҳу Адабид-дунё вад-дин» номли шарҳидан кенг фойдаландик. Албатта, бу ишимизни тугал ва энг тўғри, муваффақиятли таржима деган даъводан мутлақо йироқмиз. Лекин сув йўғида таяммум дейилганидек, қийинчиликни рўкач қилиб, инсоният тафаккур хазинасининг дурдоналаридан бири билан халқимизни таништирмай туришнинг фойдаси йўқ деб ўйлаймиз. Инсон хатодан холи эмас, эҳтимол, амалга оширилган таржимамиз борасида баъзи бир фикр-мулоҳаза ва эътирозлар бўлиши мумкин.

Илтимосимиз шуки, бу асар таржимаси тўғрисида пайдо бўлган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ёзма равишда нашриёт манзилига юборилса, бизга катта ёрдам бўларди, иншоаллоҳ. Таржима жараёнида ўз ёрдамини аямаган Абдулазиз Мўмин, Ҳикматуллоҳ Тоштемиров, Алоуддин Хофий ва масъул муҳаррир Бобомурод Эралига ўз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Мазкур китобни ўз тилимизга ўгиришга муваффақ айлаган Аллоҳ таолодан тавфиқ сўрайман. Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қилурман.

Абдуллоҳ Имоил Махдум
Тошкент

ДУНЁ ВА ДИН ОДОБИ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

МУАЛЛИФ МУҚАДДИМАСИ

Чексиз қудрат ва беҳисоб неъматлар эгаси бўлган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! Пайғамбарлар ва анбиёлар охири саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг оилалари ва тақводор асҳобларига саловоту саломлар бўлсин!

Дарҳақиқат, ҳар бир мақсаднинг улуғлиги натижаси улуғлигига, ҳар бир шарафнинг юксаклиги ундан қанча фойда етишига қараб белгиланади ва унга эътибор бериш лозим бўлади ҳамда шу эътиборга мувофиқ самарасидан баҳраманд бўлинади. Обрў-эътибор ва шараф жиҳатидан ишларнинг қадрлиси ва улуғи, фойда ва самараси кўпроғи дин ва дунё ишларини тартибга солиб, бандани дунё ва охират саодатига етказадиганидир. Чунки диний аҳкомларга амал қилиш туфайли ибодатлар мақбул ва ижобат бўлади. Дунё ислоҳи ва салоҳияти туфайли бахт-саодат манзилига етиб борилади.

Мазкур китобда дин ва дунё одоблари ҳақида сўз юритиб, умумий жиҳатлари ҳақида мухтасар ва лўнда услубда тушунча беришга ҳаракат қилдим. Яна бу китобда фақиҳлар таҳқиқи билан адибларнинг нозик ва аниқ ифода маҳоратини ўзаро уйғунлаштирганим боис уни тушуниш қийин бўлмайди. Аллоҳ таолонинг китоби ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан ҳужжат-далил ва иқтибос келтирганим, донишмандларнинг пурмаъно ҳикматлари ва сўз усталарининг фасоҳатли ибораларию шоирларнинг гўзал ва марокли байтларидан намуналар олганим ўқувчиларга ўзгача завқ бағишлайди. Чунки қалблар ҳар хилликдан завқ олиб, бир хилликдан зерикади. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Танамиз чарчагандек, қалблар ҳам зерикади, уларга турфа ҳикматларни

ҳадя этинг», деган экан. Бунинг маъноси шуки, тана ва қалб бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтиб туришни ёктиради. Халифа Маъмун раҳимаҳуллоҳ ўз саройида бир жойдан бошқа жойга кўчиб турар ва Абулатоҳиянинг мана бу шеърини ўқир экан:

Малол етиб чарчаган нафс муддаоси бажо айланмаса,
Биридан бошқа ҳолга кўчишдан бошқаси уни тузатмас.

Ушбу китоб асосан беш бобдан иборат:

1-боб. **Ақлнинг фазилати ва «ҳаво» нинг ёмонлиги.**

2-боб. **Илм одоби.**

3-боб. **Дин одоби.**

4-боб. **Дунё одоби.**

5-боб. **Нафс одоби.**

Аллоҳ таолодан яхши ният ила қўл урган ишимда ёрдам бериши ва Ўзи ваъда қилган ажру мукофотларга муяссар этишини сўрайман. У менга ёрдам бериш ва кифоя этишда энг яхши вакилдир.

БИРИНЧИ БОБ

АҚЛНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА «ҲАВО» НИНГ ЁМОНЛИГИ

Билгилки, ҳар бир фазилатнинг ўз асоси ва ҳар бир одобнинг ўз манбаси бор. Бу асос ва манба ақл бўлиб, Аллоҳ таоло шу ақлни дин таянчи ва дунё устуни қилиб яратди. Қарангки, шариатнинг амр-қайтариқларини ақлнинг камолот даражасига қараб белгилади ва дунё ишларини шу ақл йўриғи ва тадбирига биноан бошқаришга йўл кўрсатди, мақсад ва қизиқишлар хар хил бўлишига қарамай, қилинадиган ишларни икки қисмга ажратди. Биринчиси, ақлга биноан қилиш вожиб бўлган қисмни шариат қувватлайди. Иккинчиси, ақлга биноан қилиш жоиз бўлган қисмни шариат тасдиқлайди. Ақл ана шу икки қисмга устун ва таянч вазифасини бажаради.

Ривоят қилинишича, Набий алайҳиссалом: «Кишини тўғри йўлга бошлайдиган ёки ҳалокатдан қутқарадиган ақлга тенг келадиган нарса йўқ», дедилар. Яна у зот бир ҳадиси шарифда: «Ҳар бир нарсанинг таянадиган асоси бор. Киши амалининг асоси унинг ақлидир», дедилар. Ҳар бир бандanинг Роббига ибодати унинг ақл даражасига қараб бўлади. Фожирларнинг: «**Агар бизлар** (пайғамбар сўзларини) **тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах аҳлидан бўлмас эдик»,** деганларини эшитмаганмисиз?» (Мулк сураси, 10-оят). Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Ҳар бир киши суянадиган асос ақлидир, насаби динидир ва муруввати хулқидир», деган. Ҳасан Басрий деди: «Аллоҳ кимга ақл берган бўлса, кундан-кун ўтиб ўша ақл бир хожатига ярайди». Донишмандлардан бири: «Ақл энг яхши дўст ва подонлик энг ёмон душмандир», деди. Бир адиб: «Ҳар бир кишининг дўсти ақли ва душмани жоҳиллигидир», деди. Улуғлардан бири: «Неъматлар ичида энг яхшиси ақл, мусибатлар ичида энг ёмони жоҳилликдир», деган экан. Шоир Иброҳим ибн Ҳассон шундай дейди:

Бечораҳол йигитга соғлом ақл зийнатдир,
Насаби улуғ бўлса ҳам, калтафаҳмлик айб.
Одамлар ичида йигит ақли билан танилгай,
Илм ва тажриба юзага чиқар ақлга қараб.
Аллоҳ берган неъматлардан энг афзали ақлдир,

Бирон нарса дунёда унга тенг кела олмас.
Агар Раҳмон зот ақлни қилган бўлса гар етук,
Шу баробар хулқ ва тилагин мукаммал кўрдик.

Билгилки, кўп ишларнинг моҳиятига ақл ёрдамида етиб борилиб, у туфайли яхшилик билан ёмонликлар орасини ажратилади. Ақл ғаризий (туғма) ва муктасаб (ўзлаштирилган), деган икки қисмдан иборат. Ғаризий ақл аслий бўлиб, унинг ҳад-ниҳояси борки, шариатнинг амр-қайтариқларини бажариш ана шу ақлга боғлиқ. Шаръий амаллар ана шу ҳад-ниҳоядан ошиб ҳам, камайиб ҳам кетмайди. Мана шу ҳад-чегара туфайли инсон ҳайвонлардан фарқланади. Агар инсонда ғаризий ақл тўлиқ ва мукаммал бўлса, уни оқил деб аталади ва шу туфайли у камолотга эришади. Солиҳ ибн Абдулқуддус айтганидек:

Ақли расо ҳеч бўлмагай шошмашошар,
Қилган орзу-тилаги бир кун амалга ошар.

Заҳҳок Аллоҳ таолонинг: **«У тирик кишиларни огоҳлантириш учун»** деган (Ёсин сураси, 70-оят) сўзини «Оқил кишиларни», деб тафсир қилди.

АҚЛНИНГ ҲАДДИ ВА ЎРНИ

Ақл ва унинг сифати тўғрисида одамлар турлича фикрда бўлишган. Бир тоифа ақлни латиф жавҳар, у туфайли хабар ва маълумотларни ажратиб олинади, дейди. Бу фикр тарафдорлари ақлнинг асл жойи қаерда бўлиши тўғрисида ихтилоф қилишди. Бир тоифа ақлнинг жойини мия, уни ҳис этиш ўрни деса, бошқа бир тоифа ақлнинг жойини қалб дейди ва уни ҳаётнинг манбаи ва сезгилар асосидир, деб таърифлади. Ақлни латиф жавҳардир, деган фикр икки жиҳатдан тўғри эмас: биринчидан, жавҳарлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, бири тақозо этмаганини бошқа бири тақозо этиши мумкин эмас. Агар бири тақозо этганини бошқа бири тақозо этса, оқил киши ўзи тирик бўла туриб ақлнинг мавжуд бўлишидан беҳожат бўларди. Иккинчидан, жавҳарнинг ўзўзича мавжуд бўлиши тўғридир. Агар ақл жавҳар бўлса, унинг

ақлсиз кишида бўлишини инкор этиб бўлмасди. Худди ақлсиз жисм бўлиши жоиз бўлганидек. Мана шу икки сабаб туфайли ақлни жавҳар дейиш тўғри эмас.

Яна бир тоифанинг ақл бир нарсанинг моҳиятини идрок этувчи, деб айтган фикрини олдингисидан ҳақиқатга яқинроқ десак-да, яна бир жиҳатдан унга қўшилиб бўлмайди. Чунки идрок жонли мавжудотга хос сифатдир. Акл эса араз бўлиб, идрок араз бўла олмайди. Ҳолбуки, идрок жонли мавжудот сифатларидан биридир. Ақл араздир **(араз – ўз-ўзича мавжуд бўла олмай, мавжуд бўлиш учун асосга муҳтож нарса. Масалан, намоён бўлиш учун ўрин-маконга боғлиқ ранглар каби – тарж).** Идрок араз бўла олмайди. Чунки араз тирик нарса эмас. шундай экан, жонсиз нарсага лаззатланувчи, оғриқни сезувчи ва хоҳловчи, деган сифатни бериш тўғри эмас. Яна бир тоифа мутакаллимлар ақлни зарурий илмлар йиғиндиси, дейди. Бу таърифнинг умумийлик ва эҳтимолликни қамраб олганини инобатга олсак, уни аниқ таъриф деб бўлмайди. Чунки таърифнинг вазифаси ўзидан умумийлик ва эҳтимолликни кетказиш туфайли маҳдудликни очиб беришга қаратилган.

Яна бир тоифа ақлни идрок этиладиган нарсаларнинг энг зарурларини билишдир, дейди. Бу саҳиҳ қавл бўлиб, у икки турдан иборат. Юқорида айтиб ўтилганидек, зарурини билиш икки хил: биринчиси, сезги аъзолари пайқаши билан ҳосил бўладиган нарса. Иккинчиси, туғилганидан бошлаб инсон табиатида мавжуд бўлган нарса. Ҳис этиш аъзолари пайқашидан юз берадиган нарса кўриш орқали идрок этиладиган манзара, эшитиш орқали идрок этиладиган товушлар, татиб кўриш билан билинадиган таъмлар, ҳидлаш орқали сезиладиган бўйлар ва ушлаш орқали пайқаладиган нарсага ўхшайди. Агар инсон сезги аъзолари ёрдамида бу нарсани идрок этса, илмнинг шу тури унга собит бўлади. Чунки кўзни юмган вақтда идрок этмаслик ва шу туфайли маълумотга эга бўлмаслик инсонни ақли комил бўлишдан чиқара олмайди. Чунки сезги аъзосини ишлатиш ҳолатидан аён бўладики, агар идрок этса, муайян маълумотга эга бўлади.

ТУҒМА АҚЛ

Туғма ақлга кўра, бир нарсани вужуд ва адамдан, мавжудлик ҳудус ва қидамдан холи бўлмаслигини, яна у икки зид нарса ҳеч қачон бир-бирига бирикмаслиги ва бир рақами иккидан камлигини ҳам билишга ўхшайди. Инсондаги ана шу бошланғич билимни идрок этишни туғма ақл дейилади. Илмнинг бу тури нафақат соғлом ва ақли расо кишида мавжуд. Агар у мазкур икки турдаги зарур маълумотни идрок қилса, уни ақли етук киши деб аталади. «Ақл» сўзи туяни тушовлаш маъносини ҳам билдиради. Шунинг учун тушовни ҳам ақл, дейиш ҳолати учрайди. Чунки қочмоқчи бўлган туяни тушов тутиб қолганидек, ақл инсонни ярамас ва бузуқ ишларни амалга оширишига йўл бермайди. Шунинг учун Омир ибн Абулқайс: «Қачон ақлинг шаънингга нолойиқ ишдан қайтара олса, сен ақллисан», деган. Ақл хусусида айтилган бу фикрни Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис ҳам қўллаб-қувватлайди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Ақл ҳақ ва ботил ўртасини ажратадиган қалбдаги нурдир», дедилар. Ақлни жавҳар деганларни инкор этган тоифа у қалбда жойлашган, деган қарашни ёқлашади. Чунки қалб барча илмлар маҳалли – ўчоғидир. Аллоҳ таоло:

«Ахир улар (Макка мушриклари) **Ер юзида сайр қилмайдиларми,** (ана ўшанда) **улар учун идрокли қалблар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлар»** (Ҳаж сураси, 46-оят). Биринчидан, бу оят ақлни илм, иккинчидан, унинг жойини қалбдир, деган икки фикрга далолат қилади. Аллоҳ таолонинг: **«Идрокли қалблар»,** деган сўзини икки хил таъвил қилса бўлади: биринчиси, у (ақл) туфайли биладилар, иккинчиси у (ақл) туфайли ибрат оладилар. Мана шулар туғма ақл тўғрисида айтилган фикр-мулоҳазалардир.

ТАЖРИБА ВА КЕКСАЛАР ФИКРИ ТУФАЙЛИ МУКТАСАБ АҚЛНИНГ ЎСИШИ

Муктасаб ақл аслида ғаризий (туғма) ақлнинг ҳосиласи, билишнинг ниҳояси, тўғри тадбир ва фикрат ютуғидир. Муктасаб ақлга ҳад-чегара йўқ, чунки уни қанча кўп ишлатилса, камайиш ўрнига кўпайиб боради. Мабодо уни ўз ҳолига қўйиб қўйилса, олдинги ҳолатидан камаяди. Муктасаб ақлнинг кўпайишига икки нарса сабаб бўлади. Биринчиси, кўп фойдаланиш туфайли бўлиб, агар унга «ҳаво» ва шаҳвоний тўсиқ бўлмаса. Бу худди кекса кишиларда кўп тажриба, соғлом фикр бўлишига ўхшайди. Шунинг учун араблар кексалар ақлини мақтаб: «Кексалар виқор дарахтлари, билим ва тажрибага бой кишилар, отган ўқлари мўлжалдан адашмайди ва айтган фикрлари хато кетмайди. Агар сенда бир ёмонликни кўрсалар, ундан қайтарадилар, агар бир яхшиликни кўрсалар, ёрдам берадилар», деган. Шунинг учун айтишади: «Кексалар фикрини олинг. Уларда хотира қуввати сусайиб борса-да, ўз ҳаётида ибратли воқеаларга гувоҳ бўлиб, турли хабарларни эшитишган». «Мансур-ул ҳикам» да: «Ёш улғайган сари жисмоний қувват камайиб, ақлий қувват ошиб боради», дейилган. Яна унда: «Жоҳилни фақат ҳаёт тарбиялайди», дейилган. Донишмандлардан бири: «Одоб беришга тажриба, насиҳат қилишга кунлар ўтиши кифоядир», деган. Улуғлардан бири: «Тажриба ақлнинг ойнаси, ғафлат нодонлик мевасидир», дейди. Бир адиб шундай деган экан: «Ўтган нарса у ҳақда хабар беришга кифоя этади, ақл эгаларига тажрибадан ҳосил бўлган нарсалар ибрат олишга етарлидир». Шоирлардан бири шундай деди:

Ақл ўз аҳлига зийнат эканин кўргин,
Етук ақл узоқ йиллар тажрибасидир.

Бошқа шоир деди:

Киши ҳавою нафсга эргашмай улғайса,
Вақт ўтган сари ақлига ақл қўшилар.

ЁШЛАР ЗУККОЛИГИ

Энди иккинчи йўл – муктасаб ақл ўткир фаросат ва закийлик билан бўлади. Бу нарса тўсатдан пайдо бўлувчи ўта зийраклик, деб аталади. Агар мутуғма ақл билан бирлашса, худди ўсмирлардаги зийраклик ва ақли расолик ўзаро бирикишида кузатилгандек, муктасаб ақлнинг кўпайиб боришини келтириб чиқаради. Ҳарим ибн Қутбанинг олдига Омир ибн Туфайл билан Алқама ибн Улоса **(жоҳилият даври саййидлари – тарж.)** бир иш юзасидан тортишиб келганда, зеҳни ўткир ва ёш ўсмирга учрашишни маслаҳат беради. Эҳтимол Ҳарим бу билан баҳс-мунозарани хоҳламагандир. Лекин иккиси ҳам ноилож ҳақ сўзга бўйсуниб, ёш ва зеҳни ўткир Абу Жаҳлнинг олдига боришди. Лекин Абу Жаҳл ҳам икковига ҳакамлик қилишдан бош тортди. Алалоқибат иккиси яна Ҳаримнинг олдига қайтишга мажбур бўлди. Бу гал Ҳарим иккови ўртасида ҳакамлик қилди. Бу ҳақда Лабид **(ислом келган даврдаги шоирлардан бири – тарж.)** шундай деди:

Эй аслзодалар зурриёти Ҳарим тан бердик,
Сенга берилганини билдик ҳакамлик.

Араблар: «Ёшлар билан маслаҳатлаш. Чунки улар вақт ўтиши туфайли ҳали оҳори кетмаган ва қарилик нуқси урмаган тиниқ фикрларни ҳадя этади», дейди. Шоир шундай деган:

Кимда ақл бўлса, ундан тортиб олинмас,
Яна ёшга қараб тақсимланмас у.
Агар ёшга қараб берилганида борми,
Оталар болалар улушин олиб қўярди.

Асмаий розияллоҳу анҳу шундай ҳикоя қилади: «Мени араб болаларидан бирининг фасоҳат ва малоҳати ҳайрон қолдирди. Чунки у билан ҳамсуҳбат эдик. Мен уни синамоқчи бўлиб: «Юз минг дирҳам эвазига аҳмоқ бўлишни хоҳлайсанми?», дедим. «Аллоҳга қасамки, йўқ», деди у. «Нима учун?», дедим. «Аҳмоқлигим тутиб, бир жиноятни қилгач, бор-будимдан ажралиб, аҳмоқлик яна ўзимда қоладими?», деди». Қарангки, бу бола ўткир ақли би-

лан қандай гўзал хулоса чиқарди ва туғма қобилиятига суяниб қандай йўл тутди? Эҳтимол бундай неъмат ҳаётда ундан ёши улуғ ва тажрибали кишида ҳам бўлмас. Ибн Қутайба айтиб берган воқеа закийлик ва фатонатнинг бундан-да ажойиброғи деса бўлади. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу кўчада ўйнаб юрган болалар олдидан ўтди. Болалар орасида Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳам ўйнаётган эди. Ҳазрати Умарни кўргач, болалар ўзини четга олди. Фақат Абдуллоҳ жойидан жилмади. Ҳазрати Умар унга: «Нега сен дўстларинг каби четга ўтмадинг?», деди. «Эй мўминлар амири, айбим йўққи, сиздан қўрқсам, йўл ҳам тор эмас, уни бўшатсам?», деди Абдуллоҳ. Бу жавоб замиридаги зийраклик ва гўзал ҳозиржавоблик дурдек яширин турганига қаранг. Ҳали ёш бола бўлса ҳам, маломатни ўз фойдасига ҳал этиши ажойиб эмасми? Закийликнинг ҳад-чегара ва туғма қобилиятнинг ниҳояси йўқ.

ФАРАЗДАҚ ВА ЖАРИРНИНГ ТОПҚИРЛИГИ

Ҳикоя қилинишича, Сулаймон ибн Абдулмалик Фараздаққа олдидаги румлик асирлардан бирининг бошини олишни буюрди. Фараздақ ундан афв этишни сўради. Бироқ халифа кўнмай, унинг қўлига ўтмас қилични тутқазди. Фараздақ: «Йўқ, Абу Рағовон Мужошиъ қиличи (яъни, ўз қиличи) билан уларни чопаман», деди-да, ўрнидан туриб, румлик асирнинг бўйнига қилич солди. Қилич кесмай, сапчиб кетди. Буни кўриб турган Сулаймон билан атрофидагилар кулиб юборди. Шунда Фараздақ шундай деб шеър айтди:

Ёмғир сўралганда васила этилгувчи халифани
Кулдирганимдан одамлар нечун ажабланар?
Қиличим қўрқув ёки даҳшатдан чопишдан бош тортмади,
Балки тақдир шуни раво кўрса, менда не илож?
На ўткир қиличу на қўлни боғлаб қўйиш ҳам,
Бирон жон ажалин тақдир дафтарига битмас.
Сўнг шундай дея қиличини қинига жойлади:
Улуғ киши ёш боладек иш қилса, айб эмас,
Ўткир қилич кесмаса, қиличда не айб?
Агар шоир хато қилса, унга ҳам айб бўлмас.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 54730

Шундай дея у жойига ўтирди ва агар ибн Мароға **(Жарир деган шоирнинг лақаби – тарж.)** бўлганда, мени шундай деб ҳажв қиларди, деди:

Абу Рағавон Мужошеъ қиличи билан урдинг,
Ибн Золимнинг қиличи билан урсанг не бўлгай.

(Ибн Золим умавийлар давридаги машҳур саркарданинг лақаби – тарж.)

Сўнг ўрнидан туриб, мажлисдан чиқиб кетди. Бироз ўтиб Жарир кириб келди. Бўлиб ўтган воқеани унга айтиб берилганда, Фараздақ шеъридан бехабар ҳолда шундай шеърни айтди:

Абу Рағавон Мужошеъ қиличи билан урдинг,
Ибн Золимнинг қиличи билан урсанг не бўлгай.

Шеърни айтиб бўлиб, халифага: «Эй амирал мўминин, Ибн ул Қайн (Фараздақнинг лақаби) бўлганида менга бундай жавоб берарди:

Асирни қатл этмай қўйиб юборар эдик,
Агар бўйинга қарз кўтариш юк бўлиб тушса ҳам.

Сулаймон Жаридан кўра Фараздақнинг сўзга усталиги ва ҳозиржавоблигини мақтовга лойиқ деб билди. Фараздаққа Жарирнинг шеъри айтиб берилди-ю, лекин унинг топқирлиги тўғрисида лом-мим дейилмади. Фараздақ айтди:

Шунга ўхшаш ўткир учли ҳинд қиличлари,
Гоҳо туморлар боғичин кесгайдир, холос.
Асирларни қатл этмай, қўйиб юборар эдик,
Агар бўйинга қарз кўтариш юк бўлиб тушса ҳам,
Бир румликни қатл этиш сизларга нечун керак,
Кулайбдан бир ота ёки Дорим каби бир акали қиларми?

(Кулайб ва Дорим Фараздақнинг ота-боболари уруғи. – тарж.)

Шу билан Фараздақ воқеаси атрофга тарқалди. Ҳикоя қилинишича, халифа Маҳдий ҳузурига Румдан асирлар келтирилганда уларни қатл этишни буюрди. Халифа олдидаги Шабиб ибн

Шайбага: «Мана бу румлик кофирнинг бошини ол», деди. Шунда Шабиб: «Эй мўминлар амири, Фараздақка нима бўлганини биласиз-ку? Ҳалигача уни деб қавми бош кўтариб юра олмайди», деди. Шунда халифа: «Сенга эҳтиром кўрсатмоқчи эдим, унга лойиқ эмас экансан», деди. Ўша жойда турган шоир Абулҳавл бундай деб шеър айтди:

Қўли боғлиқ румликдан мунча қўрқасан,
Агар унга озод бўлган ҳолда рўбарў келсанг?
Амирул мўминин уни қатл эт, десаю,
Шабиб буни эшитиб, қўрқиб кетдими.
Шабибнинг қўшин сафида туриши қизиқ,
Уни безаб тўқилган сўзларга яқинлаштиринг.

Фараздақнинг сўзи тўғри ва ҳақ бўлса ҳам, лекин ажабланадиган жойи йўқ. Икки фикрнинг бир жойдан чиққанидан ҳайратланса бўлади. Шунинг учун донишмандлар: «Ақлнинг белгиси топқирлик ва мақсади мавҳумликдан қутулиш», дедилар.

ЎТКИР ЗЕҲН

Туғма қобилиятли ва ўткир зеҳнли киши ҳар қанча мушкул ва қалтис савол берилмасин, жавоб беришда довдираб, ўзини йўқотиб қўймайди. Бунга бир мисол: Али розияллоҳу анҳудан: «Аллоҳ таоло беҳисоб бандаларни қандай қилиб ҳисоб-китоб қилади?», деб сўралганда: «Қанча беҳисоб бўлишса ҳам, уларга ризқларини етказиб берганидек», деб жавоб берди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан: «Руҳлар жасаддан чиққандан кейин қаерга боради?», деб сўралди. У: «Мойи тугаган чироқ нури қаерга кетади?», деб жавоб берди. Ҳар иккала жавоб ҳам ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмай, қатъий ҳужжат-далили билан лол қолдирувчи жавоблардир. Иблис ҳақида келтирилган ҳикоя бундан ҳам ажойибдир. Иблис Исо алайҳиссаломга кўриниб: «Аллоҳ тақдирингга не битса, шу сенга етади, дейсан, шу тўғрими?», деди. Ҳа, деди Исо алайҳиссалом. Иблис: «У ҳолда ўзингни мана бу қоядан ташла-чи, агар тақдирингда бўлса, омон қоласан», деди. Исо алайҳиссалом: «Эй малъун, бандаларни си-

наш Аллоҳнинг ҳақи, Роббисини синаш банданинг иши эмас», дедилар». Аллоҳ ваҳий юбориб, қўллаб-қувватлаган пайғамбарларнинг бу тариқа жавоб беришидан ажабланмаса бўлади. Аммо фақат ақли ва зеҳнига суянадиган кишилардан бундай жавоб чиқиши ҳайратланишга арзийди. Қусам ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилиб дейди: «Ҳазрати Алига осмон билан ернинг ораси қанча?», деб савол берилганда: «Мустажоб дуо (масофасича)», деб жавоб берди. «Машриқ билан мағрибнинг ўртасичи?», деб сўралганда: «Қуёшнинг бир кунлик йўли», деди. Бу саволни берган киши ё синаш, ё билмаганини билиб олиш ниятида сўрагандир. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг жавоби эса ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмади.

АҚЛ КАМОЛОТИ

Ўткир фаросат ҳосиласи – зийраклик, туғма қобилиятдан келиб чиққан гўзал бадиҳа, шу билан бирга, кўп йиллик тажриба ва турли синовларни бошдан кечириш ва турли синовлар билан умрни ўтказиб, унда қўлланган чоралар – мана шу икки жиҳат муктасаб ақлда жамланса, фозил кишида бўладиган мутлақо етук ва комил ақл саналади. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида бир кишини мақталди. У зот: «Унинг ақли қандай?», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, унинг ибодати, хулқи, фазилати ва одобини айтинг», дейишди ҳайрон бўлиб. У зот яна: «Унинг ақли қандай?», дедилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз унинг ибодати билан бошқа фазилатларини айтсак, сиз унинг ақли ҳақида сўраяпсиз?», дедилар. У зот марҳамат қилдилар: «Обидларнинг аҳмоғи нодонлиги туфайли фожирга қараганда кўпроқ зарар етказади. Одамларнинг Раббиларига қурбатлари ақллари даражасига қараб бўлади».

МУКТАСАБ АҚЛНИНГ КЎПАЙИШИ

Одамлар муктасаб ақл ҳаддан ошса ва кўпайса, фазилат бўлиш-бўлмаслиги тўғрисида ихтилоф қилишди. Бир тоифа буни фазилат эмас, чунки фазилатлар икки ноқис фазилат ўртасидаги ўрта ҳолатдир, деди. Бу худди яхшилик икки ёмон нарса орасидаги ўрталикка ўхшайди. Агар бу ўрталик фазилат ҳаддидан ўтиб кетмаса. Донишмандлар Искандарга: «Эй подшоҳ, ҳар бир ишда мўътадил бўлишни лозим тутинг. Зеро, ҳаддан ошиш айб, ҳаддига етмаслик ожизликдир», дейишди. Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ворид бўлган «Амалларнинг энг яхшиси ўртачасидир», деган ҳадиси шариф ҳам шунга далолат қилади. Али розияллоҳу анҳу: «Амалларнинг яхшиси ўртача йўл тутишдир. Чунки юқориси унга қайтади, пастдагиси унга етиб олади», деди.

Амалларда ҳаддан ошмагин зинҳор,
Сўрасанг гар, ҳаддан зиёдини сўрама.
Одамлар орасида ўртача бўлгин доим.

Дейдиларки, ҳаддан зиёда ақл ўз соҳибини ҳийла ва макрга йўлиқтиради. Бундай ақл қораланиб, соҳиби ҳам маломат қилинган. Умар ибн Ҳаттоб Абу Мусо Ашъарийга Зиёдни волийликдан бўшатишни буюрди. Бундан хабар топган Зиёд: «Эй мўминлар амири, ғазабданми ёки айбим борми?», деди. Ҳазрати Умар: «Униси ҳам, буниси ҳам эмас, балки ақлинг кўплиги одамларга ташвиш келтиради, деб хавотир олдим», деди. Ҳазрати Умарнинг бу сўзи қадимий: «Ақлнинг ҳаддан ортиғи жисмни ҳалок қилади», деб айтилган ҳикматда ҳам ўз ифодасини топган. Бир донишманд шундай деди: «Тўғри йўл кўрсатадиган ақл сенга кифоя этади». Улуғлардан бири: «Кифоя этадиган оз нарса туғёнга солувчи кўп нарсадан яхшироқдир», деган. Бошқа бир тоифанинг ақлнинг кўпи фазилатдир, деган сўзи икки қавлнинг сахихроғидир. Чунки муктасаб нарсага ҳад-ниҳоя йўқ. Ҳаддидан ошган фазилат камчилик белгисидир. Зотан, ҳаддидан ошиб кетган нарса фазилат саналмайди. Шижоатли киши шижоатда ҳаддан ошса, уни аҳмоқ дейилади. Сахий киши саховатда ҳаддидан ошса, унга исрофгар,

деган ном тақилади. Муктасаб ақл бунга ўхшамайди. Чунки муктасаб ақлдаги зиёдалик ишларни билиш зиёдалиги ва тахминлар орқали чиройли йўл топиш ва бўлган нарсага қараб бўлмаган нарсани билиб олишдир. Бу нарса фазилат бўлиб, асло камчилик бўлмайди. Набий алайҳиссаломдан: «Инсонларнинг афзали ақлироғидир», деганлари ривоят қилинган. Яна у кишидан: «Ақл қаерда бўлса-да, улфат тутувчи ва улфат тутилгандир», деб келтирилган. Аллоҳ таолонинг: **«Айтинг: «Ҳар ким ўз равишига қараб амал қилур. Раббингиз ким тўғри йўлда эканини яхши билгувчидир»** (Исро сураси, 84-оят) оятини шарҳланиб, «Ақлига қараб» дейилган. Қосим ибн Муҳаммад: «Араблар: «Кимнинг ақли кўпроқ бўлмаса, хайрли хислатларидан унга фойда йўқ», дейди», деб келтирди. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ақлдан бошқа нарса кўпайса, баҳоси тушади, ақл кўпайса, баҳоси ошади», дейилган. Улуғлардан бири шундай дейди: «Оқил киши ақлига суяниб, тўғри йўлни топади, фикрига суяниб, нажотга эришади. Унинг сўзи тўғри ва амали мақтовга лойиқдир. Жоҳил жоҳиллиги туфайли эгриликни касб этади, «ҳаво» сига эргашиб, йўлдан адашади. Унинг сўзи бемаъни, иши ёмондир». Ибн Ланкака менга отасининг шеърини айтиб берди:

Кимнинг ақли хислатларидан кўпроқ бўлмаса,
Ҳалок этар ундаги ана шулар ўзини бир кун.

Макр ва ҳийланинг иккиси ҳам мазмум (қораланган) дир. Чунки ҳийлагар киши ортиқча ақлини ёмонликка сарфлайди. Агар яхшиликка сарфласа, албатта у мақталган бўларди. Муғийра ибн Шуъба Ҳазрати Умарни эслаб: «Аллоҳга қасамки, у алдашдан ва алданишдан юқори киши эди», деди. Умар розиялоҳу анҳу: «Мен маккор эмас, маккор мени алдай олмас», деган экан. Одамлар Зиёд ва унга ўхшаш ошиқча ақлини ёмонликка сарфлаган ҳийлагар кишиларни оқил, деб номлаш тўғрими-йўқми, дея ихтилоф қилишган. Улардан бири ҳийлагарда ақл бўлгани учун уни оқил, деб аташ керак, деса, бошқа бири ҳийладан ўзини тиймас экан, уни оқил, деб бўлмайди, деган. Чунки яхшилик ва дин ақл тақозо этган нарсалардир. Аммо ёмонлик қилув-

чини оқил, деб бўлмайди, балки уни мулоҳаза ва фикр соҳиби деб аташ керак, деган. Яна бир ривоятда Аллоҳнинг амр-қайтариқларини англаган кишини оқил, дейилган. Имом Шофеъий розияллоҳу анҳунинг асҳоблари меросининг учдан бирини одамлардан ақллироғига васият қилган кишининг мол-давлати тўғрисида: «Бундай мол-давлатни зоҳидларга бериш керак, чунки улар ақллари йўриғига юриб, орзу-ҳавасларга алданмайди», дейишган. Луқмон ибн Абу Омир Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Уваймир, ақлингни кўпайтир, Раббингга қурбатинг ошади», дедилар. **(Уваймир – улуғ саҳобий Абу Дардонинг исми. – тарж.)** Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули, ақлимга нима кафил?» дедим. У зот: «Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан четланиб, Аллоҳ буюрган фарзларни бажарсанг, оқил бўласан. Агар солиҳ амалларни кўпайтирсанг, ақлингга ақл қўшилади, Раббингга қурбатинг ошиб, азизу макаррам бўласан», дедилар. Бир адиб менга мана бу байтларни ўқиб, Али ибн Абу Толибнинг байтларидан бири деди:

Гўзал хислатлар покиза хулқлардир,
Аввалгиси ақл, иккинчиси дин бўлур.
Учинчиси илм, тўртинчиси ҳилмдир.
Бешинчиси саҳийлик, олтинчиси яхшиликдир.
Еттинчиси олийжаноблик, кейингиси матонат.
Тўққизинчиси шукр, ўнинчиси мулойимликдир.
Нафс яхши билар, ҳаргиз унга ишонмасман,
Унга осий бўлсам, тўғри йўлдан борурман,
Кўз сўзлаб турган кишининг кўзига қараб,
Ким душман, ким дўст эканин билади албат,
Кўзларинг кўзимдан яширганинг ошкор этар.

МУКТАСАБ АҚЛ ВА ТУҒМА АҚЛНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ

Билгинки, муктасаб ва ғаризий (туғма) ақл бир-биридан ажралмайди. Чунки муктасаб ақл ғаризий ақлнинг самарасидир. Баъзан ғаризий ақл муктасаб ақлдан ажралмайди. Ғаризий ақлнинг эгаси фазилати йўқ ва разолатларга тўла ҳолда ўз ақлидан фойдаланмай, ҳою ҳавасга эргашса, улардан айрилиб, разолатларга юзтубан кетган аҳмоққа ўхшайди. Аҳмоқ киши камдан-кам ҳолатда разолатдан четда туради. Набий алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисда марҳамат қилиб дедилар: «Аҳмоқ киши на ямаб, на чегалаб бўлмайдиган сополга ўхшайди».

Бошқа бир ҳадисда: «Аҳмоқ Аллоҳ яратган маҳлуқлар ичида энг ёмонидир. Чунки у энг керакли нарсадан маҳрум қилинган». Бир донишманд: «Инсон молдан кўра ақлга кўпроқ муҳтождир», деди. Улуғлардан бири деди: «Жоҳилнинг мол-давлати оқилга ибратдир». Анушервон Бузургмеҳрдан: «Кишига қайси нарсалар хайрлидир?», деб сўради. У: «Ўзи билан юрадиган ақл», деди. «Агар у бўлмаса-чи?» деди. «Айбини яширадиган дўстлар», деди. «Бу ҳам бўлмаса-чи?». «Одамлар кўнглини оладиган мол», деди. «Буниси ҳам бўлмаса-чи?», деди. «Сўзсиз сукут», деди. «Агар бу ҳам бўлмаса-чи?», деди. «Ўлим яхшироқдир», деди. Шопур ибн Ардашер айтади: «Ақл икки хил, бири матбуъ (табиий), иккинчиси масмуъ (ўзлаштирилган). Бу иккиси бир-бирисиз мавжуд бўлмайди». Шоирлардан бири буни олиб шундай деди:

Кўрдимки, ақл икки хил экан,
Бири масмуъ ва яна бириси матбуъ.
Агар матбуъ ақл бўлмаса, унисидан фойда йўқ,
Кўз кўрмаса, қуёш нури фойда бермаганидек.

ОҚИЛ ВА АҲМОҚНИНГ СИФАТИ

Бир адиб оқил кишидаги фазилатларни ва аҳмоқ кишидаги разолатларни тавсифлаб шундай деди: «Оқил киши биров билан дўстлашса, ёрдамини аямайди. Агар душман бўлса, ўз қадрини зулмдан баланд тутади, ақли билан дўстига ёрдам беради ва ўз одиллиги билан душманини маҳкам тутади. Агар биронтага яхшилик қилса, яхшилигини миннат қилмайди. Агар бирор киши унга ёмонлик қилса, уни кечириш учун сабаб ахтаради ёки кечириб, узрини қабул этади. Аҳмоқ эса хатога йўл қўядиган адаштирувчидир. Агар биронта билан дўстлашса, кибр-ҳаво қилади, ундан узоқлашилса, хафа бўлади. Бирор ишни деб ундан мурожаат қилинса, ўзини четга олади, тарк қилинса, зарда қилади. Шунинг учун у билан бирга ўтириш оғир, бирон айбидан сўз очиш мусибат. У билан тортишиш алдайди, дўстлашиш зарар келтиради, яқин бўлиш кўрлик, ҳамкор бўлиш бахтсизликдир».

Қадимда Форс подшоҳлари ақлли кишини жазоламоқчи бўлса, аҳмоқ билан бирга қамаб қўяр экан. Аҳмоқ ўзидан бошқага ёмонлик қилиб, яхшилик қилдим, деб ўйлайди, ҳатто бу иши учун ундан раҳмат кутади. Қачонки, унга яхшилик қилинса, ёмонлик қилди, деб ўч олмоқчи бўлади. Аҳмоқнинг ёмонликлари тугамас, айбларининг ҳад-ниҳояси йўқ. Мабодо, назар солинса, ундаги айб-нуқсонларнинг охири кўринмайди, бир айби ортида янада тубанроқ, разилроқ, аччиқроқ ва маккорроқ иллат борлиги кўзга ташланади. Буларни кўрган кишига қандаям ибратлар кўп, ибрат олувчи кишига фойдалар қандаям бисёр.

Аҳнаф ибн Қайс: «Аҳмоқ киши бошқа нарсадан ўзини сақласа ҳам, лекин нафсидан сақлана олмайди», деди. Бир донишманд айтади: «Дунё баъзан жоҳилга юзланиб, ҳақдор бўлса ҳам, оқилдан юз ўгиради. Агар сенга дунёдан бир улуш жоҳилликка қўшилиб келса ёки бирон орзу-мақсадинг ақл билан қўшилиб сени тарк этса, бу ҳол сени нодонликка қизиқтириб, ақлдан юз ўгиртирмасин. Жоҳилнинг давлати ўткинчи, оқилнинг давлати боқийдир. Бир нарсага осонгина эришган киши ақли, меҳнати ва саъй-ҳаракати ила эришган билан баробар эмас. Шундай қи-

либ, жоҳилнинг давлати бир жойдан бошқа жойга кўчмоқчи бўлиб турган мусофирга ўхшайди. Оқилнинг давлати меҳр-муҳаббат риштаси билан боғланган яқин қариндошга ўхшайди. Киши ақлини ишлатмай эришган улуғ мартаба ёки фазилати йўқ обрў-эътибордан хурсанд бўлмасин. Чунки жаҳл уни улуғ мартаба ва обрў-эътиборидан тушириб, олдинги ҳолига қайтаради. Бирмабир айблари очилиб, гуноҳлари кўпайгандан кейин олдин мақтаган киши энди уни ҳажв қилади, дўсти душманга айланади.

Билгилки, оқил кишининг фазилатлари тарқалишига қараб жоҳилнинг ёмон ишлари ҳам худди шундай фош бўлиб боради. Ҳатто назардан қолган жоҳил ўз замонида беобрў ва ёмон отлиққа, кейингилар орасида гап-сўз ва зарбулмасалга айланади». Жобирдан келтирилган ривоятда Атоъ: «Бани Исроилда бир кишининг эшаги бўлиб, у: «Эй Раббим, эшагинг бўлганида, албатта уни эшагимга қўшиб боқардим», деди. Буни эшитиб, Аллоҳнинг анбиёларидан бири уни койиди. Аллоҳ таоло анбиёсига ваҳий юбориб: «Ҳар бир инсонга ақлига қараб ажр-савоб берилади», деди. Муовия Калб қабиласидан бир кишини волийликка тайинлади. **(Калб – Яман арабларининг бир қабиласи. Муовиянинг хотини Майсум шу қабиладан бўлган. Калб ит маъносини ҳам беради. – тарж.)** Бир куни мажусийлар ҳақида сўз очилганда ҳалиги волий: «Аллоҳнинг лаънати бўлсинки, мажусийлар ўз оналарига уйланади. Аллоҳга қасамки, менга ўн минг дирҳам берилса ҳам, онамни никоҳлаб олмасдим», деди. Бу Муовия розияллоҳу анҳуга етиб борганда: «Аллоҳ юзини тескари қилсин, биласизларми, агар айтганидан кўпроқ берилса, шу ишни қиларкан-да», деди ва уни волийликдан бўшатиб, Робиъ ал-Омирийни Яманга волий қилиб жўнатди. Робиъ ал-Омирий ҳам аҳмоқлиги ва бошқа бўлмағур қилиғи билан олдингидан қолишмасди. У ўлдирилган итнинг қасоси учун ўлдирган итни ўлдиришга буюрган эди. Бу ҳақда шоир шундай деб шеър тўқиди:

Аллоҳ ҳузурига бориш ҳақдир шубҳасиз,
Робиъ ал-Омирий ҳам аҳмоқ ва тентак-ку.
Бир итнинг хуни учун итни ўлдирдики,
Мусулмонларнинг итлари қонин зое кеткизмади у.

(Шариатда хайвонлардан қасос олиш, деган гап йўқ. Омирий эса бир мусулмоннинг итини ўлдириб қўйган ғайридиннинг итини ўлдиртирди. Бу билан гўёки мусулмон итининг қони учун қасос олди. – тарж.)

Жоҳилнинг айбларига ҳад-чегара, аҳмоқликнинг зиён-зарарига ниҳоя йўқ. Бир шоир деди:

Ҳар бир дарднинг давоси бор, у билан тузатилгай,
Аҳмоқлик давоси йўқ, даволайман деганни чарчатар.

ФАСЛ

Ақл ва «ҳаво». «Ҳаво» яхшиликдан тўсувчи ва ақлга ғов бўлувчидир. **(араб тилида «ҳаво» сўзи пастга шўнғимоқ, севмоқ, хоҳламоқ, қизиқмоқ, интилмоқ ва мафтун бўлмоқ деган маъноларни билдиради. Бу сўз асли «ҳавон» дан олинган. «Ҳавон» хорлик ва тубанлик демакдир. – тарж.).** Чунки «ҳаво» ёмон хулқларни кўпайтириб, фазоҳат (ярамас ва пасткаш) амалларни юзага чиқаради, мурувват пардасини йиртиб, ёмонликка йўл очади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Ҳаво» Аллоҳни қўйиб, ибодат қилинадиган илоҳдир», деди ва: «(Эй Муҳаммад!) **ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олганини кўрмадингми?»** (Жосия сураси, 23-оят) оятини ўқиди. Икрима розияллоҳу анҳу: **«Ҳа, лекин сизлар ўзингизни фитнага солдингиз, кўз тутдингиз»**(Ҳадид сураси, 14-оят) оятидаги: **«Фитнага солдингиз»** ни шаҳватлар билан, **«кўз тутдингиз»** ни тавбани кечиктирдингиз деб, **«шубҳаландингиз»** ни Аллоҳнинг амри ҳақида деб, **«хом хаёллар сизларни алдади»** ни тавбани орқага суриш, **«Аллоҳнинг амри келди»** ни ўлим, **«Сизларни Аллоҳ ҳақида алдаб қўйди»** ни шайтон, деб тафсир қилди. Бир ривоятда Набий алайҳиссалом: «Шаҳватга итоат этиш касаллик, унга итоат этмаслик даводир», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу деди: «Нафсларни шаҳватдан тийинг, чунки у жуда қизиқувчи ва ҳарис, охирги ёмонликкача етиб боради. Албатта ҳақ аччиқ ва оғир, ботил хатарли ва енгилдир. Гуноҳлар-

ни тарк этиш тавба муолажасидан яхшироқдир. Кўпинча бир марталик қараш шаҳватни «экади» ва бир соатлик шаҳват узоқ маҳзунликни келтириб чиқаради». Али ибн Абу Толиб розиялоҳу анҳу: «Сизлардаги икки нарсадан қўрқаман: «ҳаво» га эргашиш ва орзу-ҳавасга берилиш. Чунки «ҳаво» ҳақдан тўсади, орзу-ҳавас охиратни унуттиради», деди. Шаъбий деди: «Ҳаво» нинг «ҳаво» дейилишига ўз соҳибини қулатиши сабаб бўлган». Бир аъробий: «Ҳаво» бу «ҳавон» дир, уни номлашда хатога йўл қўйилган», деди. Бир шоир буни олиб шундай деди:

«Ҳавон» дегани «ҳаво»дир, исми қалб қилинган,
Агар хоҳласанг, «ҳавон» га учрайсан!.

«Мансур ул ҳикам» да: «Ким «ҳаво» га итоат қилса, тақдир тизгинини душманига тутқазибди», дейилган. Донишмандлардан бири: «Ақл ғариб ҳолга тушган дўст, нафс эргаштирувчи душмандир», деди. Улуғлардан бири: «Одамларнинг яхшиси «ҳаво» сига итоат этмайдигани ва ундан ҳам яхшироғи дунёдан юз ўгирганидир», деди. Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон шундай дейди:

Агар сен «ҳаво» нгга қарши бормасанг,
Сенга қарши айтиладиган гап-сўзга қўйгай.

Ибн ал-Муътаз розияллоҳу анҳунинг айтишича, Ҳишом ибн Абдулмалик мана шундан бошқа бирон байт айтмаган экан. Шоир деди:

Инсонни «ҳаво» си жиловлаб олганин кўрсанг,
Бу ҳолига боласидан айрилган онаси йиғлар.
У ўзидан бехабар душманларин кулдирур,
У ҳақда маломатчиларга гап-сўз топилгай,
Ўжар нафсни ҳой-ҳавасдан ақли расо қайтарур.

«Ҳаво» ғолиб келувчи ва ҳалокатга олиб борувчи бўлгач, ақлни унинг устидан мужоҳид кузатувчи қилинди. Бу мужоҳид кузатувчи «ҳаво» нинг ишларини мулоҳаза қилиб, тўсатдан қилган хужумларини қайтаради ва алдамчи ҳийлаларини даф этади. «Ҳаво» нинг ҳукм ўтказиши кучли ва қувватли бўлиб, макр-ҳийлалари йўли жуда махфийдир. Мана шу икки важҳдан

«ҳаво» ҳукмлари устидан ғолиб келгунича оқил кишига ҳамроҳ қилинди. Икки важҳдан бири деганда «ҳаво» нинг ҳукм ўтказиш қуввати, бошқа бири деганда «ҳаво» нинг кўзга кўринмас макр-ҳийласини назарда тутаяпман. Аммо биринчи важҳ «ҳаво» ва шаҳватлар ақлни тўлиқ эгаллаб олмагунича ҳукм ўтказиши ва ундовлари кўплигига қараб кучли бўлмоғидир. Бас, «ҳаво» нинг ёмонликлари тобеъ қилинган ақлда кўзга ташланиб туришига қарамай уни тийиб қўйишдан чарчаб, ман этишга заифлик қилади. Бу ҳол ёшларда кўпроқ, шаҳватлари бетийиқ ва уларни буйруқ берувчи «ҳаво» нинг хоҳиш-истаклари кўпроқ ром этганидан йигитларда кучлироқдир. Шунинг учун ёшликни ёшларга узрли қилдилар. Муҳаммад ибн Башир айтганидек:

Ҳар бир киши ёшларнинг ҳар бир лаззатга
Етиб боришида сабаб бор, деб ҳисоблар.

Шунинг учун донишмандлардан бири: «Ҳаво» зулмкор подшо ва қаҳри қаттиқ ҳукмдордир», деди. Адиблардан бири: «Ҳаво» золимдир, ақл улфат тутилган дўстдир», деди. Шоирлардан бири шундай деган:

Эй «ҳаво» ақлини мағлуб қилган оқил,
Сенга не бўлди, ишларинг доим тескари.
Ақлни «ҳаво»га асир қилиб қўясанми,
Аслида ақл унинг устида амир эмасми?

«Ҳаво» ни тийишнинг бирдан-бир йўли шуки, ақл манфур ва саркаш нафсни ёрдамга чақириб, «ҳаво» нинг оқибатида қаттиқ зарар, қабоҳат ва маъсиятлар кўплигидан огоҳлантириши керак. Набий алайҳиссалом: «Жаннат машаққатлар ва дўзах шаҳватлар билан ўраб қўйилган», дедилар. У зот жаннатга йўл машаққатларга сабр қилиш ва дўзахга йўл шаҳватларга эргашишда эканини хабар бердилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Нафсингизни шаҳватларга қул бўлишдан сақланглар. Албатта тез етиб келувчи шаҳват ёмон, кечроқ келувчиси хавфлидир. Агар бу хавфни кўрмас экансан, қанча огоҳлантириш ва қўрқитишга қарамай, унга эргашасан. Бас, рағбат ва умид қилишга қарамай, хо-

ҳиш-истагингни орқага сур. Дарҳақиқат, нафсда умид ва қўрқув пайдо бўлса, унга итоат қилиб, эргашади». Ибн Саммок: «Ҳаво» нгни покла ва ақлингга ёрдам бер. Оқибати ёмон ишга қара. Нафсингни ундан четланишга ўргат. Албатта, нафснинг хоҳлагани касаллик ва хоҳлаганини тарк этиш муолажасидир. Касалдан қўрққандек давога сабр қилгин», деган. Бир шоир деди:

Кунларга сабр қилдим, ўтиб кетгунга қадар,
Нафсимни сабр-тоқатга мажбурладим мен.
Нафснинг қандай бўлиши йигитга боғлиқ,
Агар нафсни умидлантирилса, интилар ҳар вақт,
Акс ҳолда танбалга айланур албат.

Агар нафс ўзига билдирилган «ҳаво» нинг оқибатларини ўйлаб ақлга бўйсунса, «ҳаво» ақл туфайли мағлуб бўлади ва нафсга тобе бўлади. Шуни деб у Холиқ зотнинг ажр-савоби ва махлуқлар мақтовига эришади. Аллоҳ таоло деди: **«Аммо кимки Парвардигорининг** (ҳузурида) **туриши ва** (ҳисобот беришидан) **қўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас, фақат жаннатгина** (унга) **жой бўлур»** (Нозиот сураси, 40-41-оятлар).

Ҳасан Басрий: «Жиҳоднинг афзали «ҳаво»га қарши жиҳод қилишдир», деди. Донишмандлардан бири: «Энг кучли одам аслида «ҳаво» га қул бўлишдан қутулган кишидир», деган. Улуғлардан бири: «Энг яхши одам қалбини шаҳватдан поклаб, Раббисига итоат этишда «ҳаво» сига қарши борувчидир», деган. Адиблардан бири: «Ким шаҳватини ўлдирса, ўз мурувватини тирилтирибди», деди. Уламолардан бири айтади: «Аллоҳ фаришталарга ақлни бериб, шаҳватни бермади. Ҳайвонларга шаҳватни бериб, ақлдан маҳрум қилди. Одам боласига эса ақлни ҳам, шаҳватни ҳам берди. Кимнинг ақли шаҳватидан устун келса, у фаришталардан афзалдир. Кимнинг шаҳвати ақлидан устун келса, у ҳайвонлардан тубанроқ». Бир донишманддан: «Одамларнинг шижоатлиси ва курашда ғолиб бўлишга лойиғи ким?», деб сўралди. У: «Роббисига итоат этиш учун «ҳаво» сига қарши бориб, кураш вақтида қалбини шаҳвоний ўй-хаёллардан сақлай олган кишидир», деб жавоб берди. Бир шоир деди:

«Ҳаво» га исён қилиб, ақл йўриғига юрган,
Ақлли ва эҳтиётқор киши ниятига эришгай.

Иккинчи важҳ – «ҳаво» ўз макрини билдирмаслигидир. Ҳатто «ҳаво» ўз ишларини ақлга чиройли кўрсатиб, натижада ақл ёмон нарсани яхши, зарарли нарсани фойдали, дейдиган бўлади. Бунга икки нарсадан бири ундайди: ё нафснинг шунга мойиллиги. Бас, кучли шаҳват туфайли бир нарсани яхши, деган гумонга бориб, уни чиройли деб тасаввур этганидан нафс ёмон нарсани кўрмайди. Шунинг учун Набий алайҳиссалом: «Бир нарсани ҳаддан ортиқ яхши кўриш сени кўр ва кар қилиб қўяди», дедилар. Яъни тўғриликни кўрсатмайди, панд-насиҳатни эшиттирмайди. Али розияллоҳу анҳу: «Ҳаво» кўрликдир», деди. Бир шоир шундай деди:

Ҳар кўзга яхши кўргани чиройли эрур.

Абдуллоҳ ибн Муовия ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб шундай деди:

Ўзим яхши кўрган кишининг айблари,
Агар ундан рози бўлсам, кўзимга кўринмас.
Ризолик кўзи айбларни кўришдан ожиз,
Аммо ғазаб кўзи айбларни ошкор айлар.

Иккинчи сабаб шубҳали нарсани ажратишда фикрга оғир деб ҳисоблаш ва енгил бўлган нарсага эришишда роҳатни хоҳлашдир. Ҳатто икки ишдан енгилроғи яхши, оғирроғи ёмон, деб алданганидан енгилини ўз ишлари ичида энг мувофиғи ва ҳоллари ичида энг яхшиси, деб ўйлайди. Шунинг учун Омир ибн Зариб **(жоҳилият донишмандларидан бири. – тарж.):** «Ҳаво» уйғоқ, ақл ухлагандир. Ана шунда ақл «ҳаво»дан енгилади», деди. Сулаймон ибн Ваҳб: «Ҳаво» ни итоатга келтириш оғир, бироқ бу ишда ақл ёрдам берувчидир», дейди. Ҳикматларда: «Ақл маслаҳат берувчи вазир, «ҳаво» шарманда қилувчи вакилдир», дейилган. Шоир деди:

Агар киши нафс истагин бажо айласа,
Ботил нарсалардан уни тийиб қўймаса,
Нафс унга гуноҳ эшикларини очар,
Гуноҳ ва иснодни фоний лаззатни деб чақирар.

Биринчи сабабни бартараф этиш қалб амрини кўз назари устидан ҳакам қилишдир. Чунки кўз шаҳватга ундовчидир. Шаҳват эса «ҳаво» нинг хоҳиш-истаги, қалб эса ҳаққа бошловчидир. Ҳақ ақлнинг мақсад-муддаосидир. Бир донишманд деди: «Жоҳилнинг назари кўзи ва қарашида, оқилнинг назари қалби ва ақлидадир». Шундан сўнг нафс тўғри мулоҳаза юритиш ва ҳақни билиб олиш учун ўзи яхши кўрган савоб (тўғрилик) ва ўзи хоҳлаган нарсани чиройли бажариш борасида шубҳаланади. Негаки, ҳақни кўтариш оғир, уни қарор топтириш янада оғир.

Агар икки ишни қилиш оғир бўлса, киши ўзига маъқулидан воз кечиб, енгилини қолдиради. Чунки нафс ҳақдан қочувчи ва енгилликни маъқул кўрувчидир. Аббос ибн Абдулмутталиб: «Агар сенга бир вақтда икки ишдан бирини танлашга тўғри келиб қолса, ўзингга маъқулини олмай, қийинроғини ол», деди. Бунинг маъноси шуки, нафс ҳеч қачон оғир ишга шошилмайди. Аста-секинлик ва вақт ўтиши билан мужмал ишнинг зоҳири кўриниб, қийин тушуниладиган ишнинг тўғрилиги маълум бўлади. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу айтади: «Кимки фикр-мулоҳаза юритса, нафс енгил ва маҳбуб нарсага шошилади ва унга илдам етиб боради. Натижада ўз ишини адо этиш учун диққат қилиб қарашга вақти бўлмайди ва моҳиятига етиб бориш унутилади. Бир ишни қилишдан олдин диққат билан қараш керак, яъни вақт ўтиб бўлгандан кейин чиранишдан фойда йўқ». Донишмандлардан бири: «Ўзингдан юз ўгирган нарсага сен юзланма», деган. Шоир деди:

Ўтиб кетган нарса учун қайғурма асло,
Қўлингдан келмайдиган ишни сўзлама.
Агар ақл эгаси бўлса, бу нодонлик эмасми?

Улуғлардан бири «ҳаво» ҳолини ва у билан боғлиқ дунё ташвишларини таърифлаб шундай дебди: «Ҳаво» фитна ўчоғидир, дунё меҳнат-машаққат уйидир. Агар «ҳаво» ни тарк этсанг, са-

ломат бўласан. Агар дунёдан юз ўгирсанг, роҳат топасан. «Ҳаво» сени гўзал ва ёқимли ўйин-кулгулар туфайли алдаб қўймасин. Дунё ўткинчи матоҳлари билан йўлдан оздирмасин. Кайф-сафо вақти жуда оз. Дунё нимани берса, бир куни албатта уни қайтариб олади. Гуноҳлар ва ҳаром ишларинг сен билан қолади». Али ибн Абдуллоҳ ал-Жаъфарий айтади: «Каъбада тавоф пайти бир аёл:

Лаззатлар мени мафтун этса ҳам,
Дин муҳаббатини истайман албат.
Мен учун дин ва лаззат хоҳиши,
Қандай қилиб бирга бўлсин?

деб шеър айтаётганимни эшитиб: «Бу иккиси (дин ва дунё) кундош, хоҳласанг бирини олиб, бирини тарк эт», деди».

«Ҳаво» ва шаҳват. «Ҳаво» билан шаҳват сабаб ва натижа, маъно ва моҳиятда бир хилга ўхшаб кўринса-да, лекин бир-биридан фарки бор. «Ҳаво» фикр ва эътиқодларга хос, шаҳват роҳат ва лаззатларга эришиш учун интилиш демакдир. Шундай экан, шаҳват «ҳаво» нинг самарасидир. Шаҳват хосроқ, «ҳаво» асл ва омроқдир. Аллоҳдан «ҳаво» нинг чақирувчи – хоҳиш-истаклари йўлларидан бизни асраб, тавфиқни раҳбар ва ақлни йўл кўрсатувчи қилишини сўраймиз.

Ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга ваҳий юбориб шундай деди: «Аввал ўзингга насиҳат қил. Агар у фойда берса, ундан кейин одамларга насиҳат қил, акс ҳолда Мендан ҳаё қил». Муҳаммад ибн Каноса айтади:

Одобдан сўз очиб, унга қилмаган амал,
«Ҳаво» дан нафсини тиймаган одобли эмас.
Бир нарсани билиб, унга амал қилмагунча,
Ва айбдан холи бўлмаса, одобли бўла олмас.
Сўзамолнинг сўзи камдан-кам фойда берар,
Агар унинг ишлари сўзига мувофиқ эмас.

Бошқа бири деди:

Эй ўзидан бошқага ақл ўргатувчи, эй нодон,
Аввал ўзингга насиҳат қилсанг бўлмайдими?

Беморга соғайиши учун дори ич, дейсан,
Ҳолбуки, ўзингга қара, касал ва беморсан.
Ўзингдан бошла, аввал нафс саркашлигин қўй,
Агар шундай қила олсанг, сен ҳақиқий табибсан.
Шунда бошқага насиҳатинг айб саналмас,
Сўзингга эргашиб, насиҳатинг мақбул бўлар.
Ёмон амал қила туриб, қайтарма бошқаларни,
Бундай қилиш сен учун уяту шармандалик.

Абу Фарванинг ҳикоя қилишича, Холид ибн Абдуллоҳ Қасрийнинг миршаббошиси Торик бир гуруҳ аскарлар билан Ибн Шубруманинг олдидан ўтиб қолди. Шунда Ибн Шубрума:

Бундай дабдабаю асъасага ҳавас қилишса-да,
Ёз булутлари каби тез ўтиб кетгувчидир, – дея шеър ўқиди ва: «Эй Парвардигор! Менга динимни, уларга дунёсини бер», деб дуо қилди.

Орадан унча кўп ўтмай Ибн Шубруманинг ўзи қозиликка тайинланди. Бир куни ўғли Абу Бакр отасига: «Торик отлиқлар билан олдимиздан ўтганида нима деганингизни эслай оласизми?», деди. Отаси: «Эй ўғлим, улар отангга ўхшаганлар ҳолини яхши билади, аммо отанг уларнинг ҳолини билмайди. Отанг уларнинг ҳолваларидан еб, шу ҳолга тушиб қолди», деди.

Мана шундай тақводор ва фозил зотнинг ҳоли не бўлганига қаранг. Яна орадан ҳеч қанча ўтиб-ўтмай энг яқин кишиси, яъни меҳрибон фарзанди томонидан шу тарика таъна-маломатга қолди. Бизлар-чи, ундан кўра жиловимиз бўш, қалбимиз ташвишли ва безовта, маломатчиларнинг нигоҳи бизга қадалиб, тиллари нишонга олиб турган бўлса, Аллоҳ таолонинг тавфиқидан ўзга нажот ва паноҳидан ўзга паноҳ топа оламизми?

ИККИНЧИ БОБ

ИЛМ ОДОБИ

Билгилки, иштиёқмандлар қизиқадиган нарсанинг энг шарафлиси, изловчилар қаттиқ жидду жаҳд ила интиладиган нарсанинг энг афзали ҳамда инсон қўлга киритадиган ва ҳосил қиладиган нарсаларнинг фойдалиси илмдир. Чунки илм шарафи ўз эгасига фойда келтиради, унинг фазилати илм олувчи даражасини кўтаради. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деди: **«Айтинг, биладиганлар билан билмайдиганлар баробарми?»** (Зумар сураси, 9-оят). Аллоҳ таоло илм фазилати фақат олим кишигагина хос бўлгани учун олим билан жоҳилни тенг кўрмади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди: «(уларни) **фақат олимларгина англайдилар**» (Зумар сураси, 9-оят). Шундай экан, мазкур оятда Аллоҳ таоло ўз амр ва қайтариқларини фақат олим кишигина тушуниши ва англашини истисно услуби орқали билдирди.

Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз дедилар: «Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ваҳий юбориб деди: «Мен ўта билувчиман, билимлиларни яхши кўраман». Абу Умома ривоятида Пайғамбар алайҳиссаломдан бири олим ва яна бири обид – икки киши ҳақида сўралганда: «Олимнинг обиддан афзаллиги сизларнинг энг паст даражадаги кишидан афзаллигим кабидир», дедилар. Ҳазрати Али деди: «Инсонлар яхши бажарган ишлари билан таниладилар». «Мусъаб ибн Зубайр ўғлига деди: «Эй ўғлим, илм олгин. Агар молинг бўлса, у сенга кўрк-жамол, агар молинг бўлмаса, у сенга мол бўлади». Абдулмалик ибн Марвон ўғилларига шундай деб насиҳат қилди: «Эй болаларим, илм олинглар. Агар саййидлардан бўлсангиз, мартабангиз яна ошади, агар ўртаҳол бўлсангиз, саййид бўласиз. Агар оддий (авом) бўлсангиз, хорлик кўрмайсиз». Бир донишманд деди: «Илм қадри йўқ кишига шараф, одоб эса хатари йўқ молдир». Адиблардан бири деди: «Илм энг афзал мерос ва унга амал қилиш энг улуғ шарафдир». Улуғлардан бири деди: «Илм ўрган! Чунки

илм ёш пайтингда сени тўғри йўлга бошлайди, улғайганингда тўрга ўтказиб, обрўйингни оширади, ёмон ва ярамас хулқингни ислоҳ қилиб, пишитади, душманингни ва ҳасад қилувчини тупроққа қоради. Агар эгри ва қийшиқ жойинг бўлса тузатиб, ғамташвишдан халос этади ва орзу-умидингни рўёбга чиқаради». Ҳазрати Али деди: «Ҳар бир кишининг қадр-қиммати қилган яхшилиги билан ўлчанади». Бу сўзни Халил олиб, назмга тизди:

Улуғ киши пасткашдек бўлмас ҳеч қачон,
Закий киши ҳам нодон каби бўлмагай.
Киши қадри у қилган яхшилик эрур,
Бу ҳукмни имом Али келтиргандир.

Илм фазилатини фақат жоҳилларгина англамас. Чунки бу фазилат илм туфайли билинади. Бу унинг энг юқори даражасидир. Жоҳиллар илм фазлига олиб борадиган илмни бой беришгач, уни унутиб қўйдилар, илм аҳлини назарларига илмай, уларни пасткаш ва хорга чиқардилар, топган мол-дунёлари ва нафслари хоҳлаган нарсаларни илм билан машғул бўлишдан афзал ва фойдали, деб ўйладилар. «Мансур-ул ҳикам» да Ибн Муътазз шундай деди: «Олим жоҳилни танийди, чунки у ўзи илгари жоҳил бўлган. Лекин жоҳил олимни танимайди, чунки у илгари олим бўлмаган». Бу асл ва тўғридир. Шунинг учун жоҳиллар илм ва илм аҳлидан зоҳидлар дунёдан қандай юз ўгирса, шундай юз ўгириб, қайсарлар қочганидек қочадилар. Чунки ким нимани билмаса, шуни ўзига душман тутади. Ибн Ланкака менга Абу Бакр ибн Дурайднинг мана бу шеърини айтиб берди:

Жоҳилга айландинг илм ва аҳлини душман тутиб,
Ким жоҳил бўлса, худди шундай йўл тутар.
Ким бошлиқ бўлиб танилишни хоҳласа,
«Билмайман», дейишни ҳар доим ёмон кўрар,
Ана шу иши туфайли ўзига кўп зиён етар.

Бузругмехрдан илм афзалми ёки мол, деб сўралганда илм афзал, деб жавоб берди. Шунда: «Бизга не бўлдики, олимларни бойлар эшигида кўрамиз, лекин бойларни олимлар эшигида

кўрмаймиз?», дейилди. Бузругмеҳр: «Бу олимлар молнинг фойдасини билиб, бойлар илм фазлидан бехабарлигидан», деди. Бир донишманддан: «Нима учун илм билан мол бир-бири билан келиша олмайди?», деб сўралди. Донишманд: «Илмнинг қадри молдан улуғлиги учун», деб жавоб берди. Менга бу замон аҳлидан бирининг шеъри айтилди:

Ўлимдан олдинги жоҳиллик аҳли учун ўлимдир,
Ўйлаб кўрсанг, танаси қабрдан олдинги қабр.
Илмсиз яшаган кишини қандай ўлик демайлик,
Қиёматга қадар илмсиз киши тирик ҳисобланмас.

Бир талаба таниқли олимнинг эшиги олдида туриб: «Бизга тишга ботмайдиган ва жонни қийнамайдиган нарсани садақа қилинглар», деб чақирди. Таом ва нафақа чиқариб олдига қўйишди. Шунда талаба: «Таомни эмас, сўзингизни хоҳлаб келган эдим. Олдингизга илмдан бошқа нарсани деб келмадим», деди. Шунда унга киришга рухсат берилди. У бу ердан барча саволларига жавоб олиб, шод ва хурсанд ҳолда чиқа туриб: «Мавҳумликни очиб берадиган илм нафсни қондирадиган молдан яхшироқдир», деди.

ИЛМНИНГ ҲАД-НИҲОЯСИ ЙЎҚ

Билғинки, ҳар бир илм шарафли ва ҳар бирининг ўзига хос фазилати бор. Бир кишининг ўзи ҳамма илмни тўлиқ эгаллаш иложи йўқ. Бир донишманддан: «Ким ҳамма илмларни билади?», деб сўралганда: «Ҳамма», деб жавоб берди. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дедилар: «Ким илмнинг ҳад-ниҳояси бор, деб ўйласа, ҳақини камайтирибди ва Аллоҳ васф қилган мартабасига қўймабди». Аллоҳ таоло деди: **«Сизларга озгина илм берилгандир»** (Исро сураси, 85-оят).

Олимлардан бири деди: «Агар илмни охирига етиш учун изланганимизда нақийса (кам жойи) дан бошлаган бўлардик. Лекин биз илмни ҳар куни билмаганимизни камайтириш ва илмимизни ошириш учун изланамиз». Олимлардан бири деди: «Илмга шўнғувчи денгизда сузувчига ўхшайди: ерни кўрмайди, на эни ва на бўйидан хабари йўқ». Ҳаммод ар-Ровияга: «Шунча илм

олиб тўймадингми?», дейилганда шундай жавоб берди: «Илм олишга бутун куч-қувватни берсак ҳам, унинг охирига етмадик. Биз худди шоир айтганига ўхшаймиз:

Вақтики бир тоғдан ошсак, бошқа бир тоғ кўринди».

Рашид бу икки байтни Маҳдийдан бўлса керак, деб келтирди:

Эй нафс, илм уммонига шўнғи, унга ғарқ бўл,
Бас, инсонлар икки тоифа: хос ва омм.
Бу дунёда ҳеч нарсани тўлиқ эгаллаб бўлмас,
Чунки олинажак нарса ҳам, олувчи ҳам ноқис.

Агар ҳамма илмларни билиш иложи бўлмаса, у ҳолда энг муҳимроғига эътибор бериш, энг авло ва афзали билан шуғулланиш керак. Илмлар ичида энг яхшиси ва афзали дин илмидир. Чунки инсонлар дин илмини билиш туфайли тўғри йўл топадилар ва уни билмаслик билан адашадилар. Чунки ибодатни адо этиш йўллари ва шартларини билмаган кишининг амали тўғри ва мақбул бўлмайди. Шунинг учун Пайғамбаримиз: «Илмнинг фазли ибодат фазлидан яхшироқдир», дедилар. Чунки илм ибодатга йўл кўрсатади. Ибодат қилувчининг у ҳақда етарли билими бўлмаса, ибодати ибодат ўрнига ўтмайди. Шунинг учун ҳар бир мукаллаф **(шариатда амр-қайтариқларни бажариш ёшига етган ақли расо киши. – тарж.)** дин илмини ўрганиши лозим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир», дедилар. Бу ҳадис тўғрисида икки хил таъвил бор. Биринчиси, билиш шарт бўлган ибодатлар илми. Иккинчиси, ҳамма илм билан шуғулланувчилар бўлмаса, ҳаммасини ўрганиш фарзи кифояга айланади. Аллоҳ таоло дин илмидан баъзисини ўрганишни фарзи айн ва ҳаммасини ўрганишни фарзи кифоя қилиб қўйди. Шунинг учун дин илми фарзи айн ва фарзи кифоя бўлмаган бошқа илмлардан афзал.

«Уларнинг ёппасига жангга чиқишлари шарт эмас. Уларнинг ҳар бир гуруҳидан бир тоифа чиқмайдими? (Қолганлари Пайғамбардан) **динни ўрганиб, уларни қавми** (жангдан) **қайтиб келгач, гуноҳдан сақланиш учун огоҳлантирмайдилар-**

ми?» (Тавба сураси, 122-оят). Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилиб деди: «Расулуллоҳ алайҳиссалом масжидга кириб, бири Аллоҳ таолони зикр қилаётган ва яна бири фиқҳни ўрганаётган икки жамоани кўриб: «Ҳар икки жамоада ҳам яхшилик бор. Аммо менга бири унисига қараганда суюклироқдир. Улардан бири Аллоҳ таолони зикр қилиб, ундан сўраяпти. Агар У хоҳласа, беради, хоҳламаса бермайди. Яна бири фиқҳни ўрганиб, билмаганга ўргатаяпти. Мен муаллим қилиб юборилдим», дедилар ва илм аҳлининг олдига бориб ўтирдилар». Марвон ибн Жаноҳ Юнус ибн Майсарадан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз: «Яхшилик одат, ёмонлик эса лажажа (пайдо бўлиб йўқоладиган) дир. Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди», дедилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу келтирган ривоятда Пайғамбаримиз: «Умматимнинг яхшиси олимлардир. Олимлар ичида яхшиси фақиҳларидир», дедилар.

Муъоз ибн Рифоъ Иброҳим ибн Абдураҳмон Адавийдан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом дедилар: «Бу илмни ҳар бир авлоддан одиллари эгаллаб етказади. Улар илмни ғулу кетувчиларнинг бузуқ талқини, бузғунчилар ўзгартириши ва жоҳиллар таъвилидан ҳимоя қилади. Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз: «Халифаларим орқали менга келасизлар», дедилар. «Халифаларингиз кимлар?», деб сўрашди. Пайғамбаримиз: «Суннатимни тирилтириб, уни Аллоҳнинг бандаларига ўргатувчилар», дедилар. Ҳумайд розияллоҳу анҳу Анасдан ривоят қилади: Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Динни ўрганиш ҳар бир муслимга фарздир. Огоҳ бўлингларки, илм олинглар ёки илм беринглар, фақиҳ бўлинглар ва жоҳил ҳолларингизда ўлманглар!», Сулаймон ибн Ясор розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳ таолога динда фақиҳ бўлишдан кўра афзалроқ ибодат йўқ. Бир фақиҳ шайтонга минг обиддан ёмонроқдир. Ҳар бир нарсанинг устуни бор. Диннинг устуни фиқҳдир», дедилар.

ДИН ЖАМИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛАДИ

Баъзан динга лоқайд қарайдиган кимсалар ақлий илмларга ортиқча маҳлиё бўлишиб, динда буюрилган вазифаларни оғир, шариатдаги ибодат ва қайтариқларни машаққат, деб ҳисоблаганлари учун ақлий илмларни фазилатга ҳақлироқ, олдинда туришга лойиқ, деб билдилар. Аслида бу тўғрида гапириш бу фасл доирасига кирмайди.

Соғлом ақл ва фикри теран кишида ҳеч қачон бундай бузуқ тушунчани кўрмайсан. Чунки ақл инсоннинг беҳуда ва бемақсад яратилганини ўз-ўзидан инкор этади. Бинобарин, юқорида зикр қилинган кимсалар ихтилоф ва тортишувга берилиб, ишлари уларни тафовут ва зиддиятга олиб боради. Шундай экан, инсонларни бир-бирига яқинлаштириб, бирлаштириб турадиган диндан киши беҳожат эмас. Ақл динга эргашишни тақозо этади ва унга тобедир. Агар фикри лойқа киши дин ақл учун зарурий нарса ва ақл дин учун асос эканини тасаввур қила олганида, албатта хатодан тийилиб, ҳаққа бўйсунарди. Лекин у нафсига бепарво бўлиб адашади ва (бошқаларни ҳам) адаштиради.

ДИН БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМЛАР

Динга тааллукли баъзи илмлар ҳам борки, улардан ҳар бирининг фазилатини Шофеъий раҳимаҳуллоҳ баён этиб, шундай деган: «Ким Қуръонни ўрганса, унинг қадри ошади. Ким фиқҳни ўрганса, қадр-қиймати юксалади. Ким ҳадисни ёзиб қайд этса, ҳужжати кучли бўлади. Ким ҳисобни ўрганса, фикри теранлашади. Ким тилни ўрганса, табиати мулойим бўлади. Ким нафсини тиймаса, олган илми унга фойда бермайди».

Умримга қасамки, нафсни тийиш фазилатлар асосидир. Чунки ўзига илм ато этган фазилат ва покдомон деб ўйлашларига ишонганидан нафсини тиймаган кишидан илм фазилатини тортиб олинади, ножўя қилиқ ва хатти-ҳаркатлари туфайли уни ёмон отлиқ қилинади. Шунда бундай кимсага илм берган нарса вафо қилмайди. Чунки ёмон нарса яхшисига қараганда тез таркайди.

Разолат фазилатдан кўра ёйилганроқдир. Чунки инсон табиати ва феъл-атворидаги қабиҳлик, ҳасад ва ўзаро низолар туфайли яхшиликдан кўра кўпроқ ёмонликни кўрадилар. Шундай экан, яхшига инсоф қилиш йўқ ва ёмонни кечириш йўқ.

Айниқса, кимки илм туфайли танилиб, унга алоқаси бўлса, хатоси ўзига айтилмайди ва уни тузатилмайди. Ё бундай хатонинг ёмонлиги ва аксар кишилар унга алданиб қолганидан айтилмас. «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Олимнинг хатоси чўкаётган кемага ўхшайди. Кема билан бирга кўпчилик ғарқ бўлади». Исо алайҳиссаломдан: «Одамлардан энг адаштирувчироғи ким?», деб сўралди. Исо алайҳиссалом: «Хато қилувчи олим. Агар олим киши хато қилса, бу хато туфайли кўпчилик ҳалок бўлади», дедилар. Бу бир жиҳати.

Иккинчидан, жоҳиллар олимдан пешқадамлик фазилатини тортиб олиш ва алоҳида хосланиб туришидан уни маҳрум этиш учун ёмонлаб, айблашга ҳарис ва мойилдирлар. Буни билмаганларига ўжарлик қилган ва олимни хосланиб турганига ғазабланган ҳолда қиладилар. Чунки жоҳил илмни такаллуф ва маломат деб ўйлайди. Олим жоҳилликни қолоқлик ва ёмонлик, деб ўйлаганидек. Рабийъдан имом Шофеъий розияллоҳу анҳунинг шеъри ўқилди:

Аҳмоқнинг фақиҳдан фарқини билмоқчи бўлсанг,
Фақиҳнинг аҳмоққа қиёсан тутган даражасидек.
Буниси унисига яқинлашиб кела олмас ҳеч,
Унисида бунисидан юз ўгириш янада кўпроқ.
Қачон аҳмоқда бадбахтлик ғолиб келса,
Фақиҳга қарши чиқишда қаттиқ чиранар.

Яҳё ибн Холид ўғлига деди: «Ҳар бир илмни қолдирмай ўрган. Чунки кишига билмаган нарсаси душмандир. Илмдан бирор нарсанинг душмани бўлишингни хоҳламайман», деб шеър айтди:

Маҳорат кўрсат ва бирон илмни қолдирма,
Илм кишиси ҳар бир соҳада устун бўлур.
Сен билмайдиган нарса ўзингга душман,
Аммо сенга яхши билган нарсанг ошнодир.

Агар илм эгаси ўз нафсини ҳақиқатда тийиб, унга лозим ишни қила олса, дўстларининг маломати ва душманлари таҳқиридан сақланади. Шунда илм фазилат устига гўзал ҳимоя ва поклик иззатини жамлайди ва ўз фазилатлари туфайли ҳақли бўлган мартабага эришади. Абу Дардо ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир», дедилар. Чунки пайғамбарлар динор ва на дирҳамни мерос қолдирмади, балки илмни мерос қолдиришди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Набийларнинг олимлардан икки даража ортиқ фазли бор, олимларнинг шаҳидлардан бир даража ортиқ фазли бор», дедилар. Улуғлардан бири: «Шариат аҳлини улуғлашинг шариатдандир ва бир яхши ишни охирига етказишинг яхшиликдандир», деди.

Демак, ўз фатонатига суяниб, фазилатларни яхши ва разолатларни ёмон, деган хулосага келган киши ўзидан жоҳиллик разолатини илм фазилатлари ва лоқайдлик ғафлатини риёзат ўйғоқлиги билан кетказиши керак. Шунингдек, фазлини тан олувчи ва фойдасига ишонувчи қизиққанидек илмга қизиқиши, молу давлати, обрў-эътибори ва на мартабаси улуғлиги уни илм излашдан тўсиб қўймаслиги лозим. Кимнинг обрў-эътибори ошса, у илмга янада муҳтожроқ, бошқалардан кўра илм олишга ҳақлироқ бўлиб қолади. Анас ибн Молик ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Албатта ҳикмат обрўли кишининг ҳурматини оширади ва қулни кўтариб, подшоҳлар мажлисида ўтирадиган қилади», дедилар. Адиблардан бири деди: «Илмдан қувват олмайдиган азизлик хорликдир ва ақл ёрдам бермайдиган илм адашишдир». Салаф олимлардан бири: «Агар Аллоҳ одамларга яхшиликни хоҳласа, илмни подшоҳларига бериб, уларни уламолари даврасига ўтқизади», деди. Улуғлардан бири айтди: «Илм подшоҳлар ҳимоячисидир. Чунки илм уларни зулм қилишдан тўсиб, ҳалимликка йўллайди ва озор беришдан сақлаб, раиятига меҳрибон қилиб қўяди».

Шунинг учун илм ҳақини таниб, илм аҳлига ҳомийлик қилиш подшоҳлар бурчидир. Аммо мол ўтиб кетадиган соя ва қайтарилгувчи ижарадир. Шунинг учун молнинг кўплигида фазилат йўқ. Агар молда фазилат бўлганида Аллоҳ таоло танлаган

пайғамбарлари ва нубувватига сайлаган набийларига беҳисоб бойликни бериб қўярди. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг аксар анбиёлари мукаррам ва фазилатли қилиб қўйилганига қарамай фақирона ҳаёт кечириб, кифоя қилгудек нарсага ҳам эга бўлишмаган, ҳатто фақирликда бошқаларга ибрат ва намуна тимсолига айландилар. Буҳтарий айтди:

Фақирлик набийлар фақирлигига ўхшар,
Ғариблик ва ишқ уларнинг синови эрур,
Синов-имтиҳонлар ҳеч бир хил бўлмас.

Молда фазилат йўқлиги учун Аллоҳ уни кофирга бериб, мўминга бермади. Шоир айтди:

Қанча кофирлар бор, ғам-ташвиши йўқ,
Бироқ унинг моли ҳар дам кўпайиб борар.
Бир дирҳамдан маҳрумдир қанча мўминлар,
Шу ҳолига қарамай иймони ошиб борар.
Эй замон ва унинг ишларига айб тақувчи,
Сен замонингни айблашдан бўшамадинг.
Билгинки, замон буйруққа бўйсунувчидир,
Унинг устида ҳам буйруқ берувчиси бор,
Замон унинг буйругига қараб боради ўтиб.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу илм билан мол ўртасидаги фазилатни баён қилиб айтди: «Илм молдан яхшироқдир. Илм сени қўриқласа, сен молни қўриқлайсан. Илм ҳоким, мол эса маҳкумдир. Молни йиғувчилар ўлади, илмни йиғувчилар боқий қолади. Илм йиғувчилар оламдан ўтса ҳам, қалбларда зикри сақлади». Олимларнинг биридан: «Мол афзалми ёки илм?», деб сўралди. У: «Бунинг жавоби шуки, мол афзалми ёки ақл?», деди. Солиҳ ибн Абдулқуддус деди:

Одамлар ичида бой, деб мақталишини
Ёқтирган кишида яхшилик йўқ.

Баъзан инсон ёшлигида вақтни бой бериб, ёши ўтганда илм олишга уялади ва жоҳиллик тамғага рози бўлади ва уни илм

олишдан устун қўяди. Бу айни нодонлик ғурури ва дангасалик алдовидир. Чунки илмни фазилат деб тан олсак, ёши катталар унга кўпроқ қизиқиши керак. Бир фазилатни бошлаш ҳам фазилатдир. Илм олувчи қария бўлиш жоҳил қария бўлишдан яхши-ку. Ҳикоя қилинишича, донишмандлардан бири қизиқса ҳам, лекин илм олишга уяладиган кекса кишига шундай деб насиҳат қилди: «Эй фалончи, умринг охирида аввалида бўлганидан кўра афзал бўлишдан уялаяпсанми?».

Нақл этилишича, Иброҳим ибн Маҳдий Маъмун ҳузурига кириб, фиқҳ ҳақида суҳбат қуриб ўтирган бир жамоани кўрди. Маъмун: «Эй амаки, анавилар айтаётган илм ҳақида нима дейсиз?», деди. Иброҳим деди: «Эй амирал мўминин, ёшлигимизда бизларни машғул қилдилар, ёшимиз ўтганда ўзимиз машғул бўлиб қолдик». Шунда Маъмун: «Нима учун энди илм олмаяпсиз?», деди. У: «Менга ўхшаган қарияга илм олиш ярашадими?», деди. Маъмун: «Ҳа, Аллоҳга қасамки, илм ўрганаётган ҳолда вафот этиш жоҳилликка рози бўлиб яшашдан яхшироқдир», деди. У: «Қачонгача илм олиш менга ярашади?», деди. Маъмун айтди: «Аллоҳ қанча умр берса. Чунки ёшлик узрлидир, агар жоҳилликка узр бўлмаса ҳам. Албатта ёшликнинг бепарволик муддати узоқ бўлмайди ва унинг бепарво кунлари ҳам давомли эмас». «Мансур-ул ҳикам» да: «Ёшнинг нодонлиги узрли ва унинг илми ўйиб ёзилган нақш кабидир. Аммо кексанинг жоҳил бўлиши ёмон ва айб-нуқсони жуда уятдир. Чунки кексалик унга фазилат бағишламаса ва илми фойда бермаса, унинг кунлари нодонликда ўтаётган ва фазилатдан холи бўлса, ёш ундан афзалдир. Чунки ёшдан умид кўпроқ, ундаги орзу амалга ошиш эҳтимоли яқинроқ?! Жоҳилликда ёш ва кекса баробар бўлиб қолса, ёшни кексадан афзал деб қаралади. Кексанинг мана шу нуқсони ибрат олишингга етарлидир». Адиблардан бирига шеър айтилди:

Агар йиллар ўтиши инсон фазлини намоён этмаса,
Ёш бола деб атайвер ҳеч ўйлаб ўтирмасдан.
Йиллар фойда бермас, уни санаган пайтинг,
На илм ва на фазлни ўзлаштирмаган бўлсанг.
Замон ҳам аслида феъл-атвор ёмонлигидан

Ҳар бир жоҳил кишига мойилдек туюлар,
Худди замонда ҳам жоҳиллик хислати бордек.

Баъзан моддий имкон йўқлигидан илм олинмайди ва тирикчилик илм излашдан тўсиб қўяди. Гарчи бундай киши бошқага караганда узрлироқ бўлса-да. Баъзан бу ҳолат очкўз, нуқсонли ва орзу-ҳавас қулига айланган кишиларда кўпроқ учрайди. Шундай экан, бундай киши илм олиш учун ўз вақтидан бир қисмини ажратиши керак. Чунки куну тунни, яъни бутун умрини тирикчилик ташвишида ўтказиш тўғри эмас. Балки истироҳат ва дам олишга ҳам вақт ажратиш керак. Ким бутун вақти ва кучқувватини тирикчиликка сарфлаб, шу билан овора бўлиб қолса, у дунё қули ва ҳирс асиридир. Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ҳар бир нарсанинг бўш вақти бор. Ким бўш вақтини илмга сарфласа, нажот топибди», дедилар.

Яна Расулуллоҳ алайҳиссалом дедилар: «Солиҳ олим бўлинглар. Агар солиҳ олим бўла олмасанглар, олимлар билан ўтиринглар ва сизларни ҳидоятга олиб борадиган ва ҳалокатдан қутқарадиган илмга қулоқ тутинглар». Олимлардан бири: «Ким илмни яхши кўрса, уни шу илм фазилатлари ўраб олади», деди. Донишмандлардан бири деди: «Кимда-ким олимлар билан дўстлашса, улуғланади. Кимда-ким ахмоқлар билан ўтирса, назардан қолади».

Баъзан илм олиш қийин ва унинг охирига етиб бўлмайди, деган шубҳа кишини илм излашдан тўсади, зеҳни пастлиги ва хотираси сустлиги панд беришидан қўрқади. Бундай шубҳа калтафаҳм кишилар баҳонаси ва ожиз кишилар қўрқувидир. Чунки синаб кўрмай туриб хабар бериш нодонлик, амалда синаб кўришдан олдин қўрқиш ожизликдир. Шоир айтди:

Албатта бир ишни қилишдан қўрқсанг,
Қўрқоқликдан умидсизлик юзага чиқар.

Бир киши Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга: «Илм олишни хоҳлайману, аммо уни зое кетказишдан қўрқаман», деди. У киши: «Илм олмаслигинг зое кетказиш эмасми?», деб жавоб берди.

Агар зеҳнлар фазилатда бир-биридан устун бўлиб, фаросат бир-биридан фарқланса ҳам, зеҳн ва фаросат камдан-кам одам-

да бўлишини эътиборга олиб, оз нарсага эришганидан ноумид бўлмаслиги лозим. Чунки у оз нарса туфайли жоҳиллик ҳаддидан олимликнинг энг паст даражасига кўтарилади. Чунки юмшоқ бўлишига қарамай, сув қаттиқ тошни тешганини кўрмаганмисиз? Шундай экан, кўпаювчи илм қаттиқ истаб турган нафсга ва холис талаб қилувчига қандай таъсир қилмасин? Айниқса, илм талаб қилувчининг ёрдам берувчиси ва қўллаб-қувватловчиси бўлса. Набий алайҳиссалом: «Фаришталар илм талабида юрган кишидан рози бўлиб, унинг йўлига қанотларини тўшайди», дедилар.

Баъзан аҳмоқ кишини оила ташвиши ва ишлари кўпайиши илм олишдан тўсади. Ҳатто илм йўлидан чекинишга мажбурлаб, маҳрумлик даражасига етказади. Агар сиёҳдонни кўрса, кўнгли айниб, бурун жийиради, мабодо китобни кўрса, қўлига олиб-олмай ундан юз буради. Агар бирон илмли кишига дуч келиб қолса, тезроқ олдидан кетиш пайида бўлиб туради. Худди олимни ҳеч қачон омадли ва жоҳилни ҳеч қачон омадсиз ҳолда кўрмагандек.

Ҳақиқатда мен ҳам мана шунга ўхшаган бир жамоани кўрдим. Ҳар доим ёнимда олиб юрадиган китоб билан сиёҳдонимни уларга малол келмасин деб яширишга уринардим. Агар улардан узоқроқ бўлишимда яхшилик билан фойдани, яқин бўлишимда зарар билан зиённи кўрсам ҳам. Бузругмеҳр: «Қалбдаги жаҳолат худди ерга томиб, атрофини бузаётган сувга ўхшайди. Лекин Абу Ашъас Абу Усмондан, Абу Усмон Совбондан, у Набий алайҳиссаломдан: «Инсонларга хулқларида аралашинглар, амалларида уларга ўхшаманглар», деб келтирган ҳадисга мувофиқ улар билан бирга бўлардим. Шунинг учун улуғлардан бири айтди: «Кўпинча жоҳилликка қараб илмимни эҳтиёт қилдим, аҳмоқликка қараб ҳилмни ҳимоя қилдим». Бу нодон тоифанинг тузалиши ва нажот топишига умид йўқ. Чунки илм олишни ўзига айб ва уни тарк этишни зийнат, илмсизлик учун омадли иқбол, илм учун эса омадсизлик бор, деб ишонадиган киши қаттиқ адашади ва ҳаётда тўғри йўл топиши маҳолдир. Бундай киши Али розияллоҳу анҳу айтган ҳалок бўлувчи бешинчи киши-

дир: «Олим бўл, ё илм олувчи бўл, ё тингловчи бўл, ё уларни яхши кўрувчи бўл. Лекин асло бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан». Бу ҳадисни Холидул Ҳуззо Абдураҳмон ибн Бакрадан, у Набий алайҳиссаломдан санад билан ривоят қилиб келтиради. Бу ҳолдаги кишини маломат қилишдан фойда йўқ ва бир ҳисобда тузалиб қолар, деб умид қилмаслик ҳам яхши. Бузругмеҳрга: «Сизларга не бўлдики, жоҳилларга танбеҳ бермайсизлар?», дейилди. У: «Албатта кўрларни кўришга ва карларни эшитишга мажбурлай олмаймиз», деди.

ЖОҲИЛЛАР АҚЛ ЭГАЛАРИГА ДУШМАН

Илмдан мана шу тариқа юз ўгириб қочадиган, қайсарлик қилиб, илм аҳлидан бўйин товлайдиган бу тоифа ақлни шу тарзда кўриб, ақлли кишилардан ўзини тортади. Энг ёмони, улар ақлли кишининг ризқини кам ва аҳмоқнинг ризкини кўп деб ўйлайди. Илм ва ақл тўғрисида бундай қарашда бўлиш унинг адашганини билдиради. Айтинг-чи, у яхшиликка аҳл ва фазилатга эга бўла оладими? Улуғлардан бири деди: «Инсонларнинг энг ёмони яхшилик ва ёмонликни баробар кўрувчидир». Бунга улар оқил кишини бенасиб ва олимни ризқдан маҳрум, деб илм ва ақл насиба ва ризқини камайтиради, деб ўйлашлари сабаб бўлади. Аммо ҳаётда кўп аҳмоқларнинг ризқ-насибадан маҳрумлиги ва кўп жоҳилларнинг омади чопмасдан яшаётганига қарамайди. Чунки олим ва оқиллар кам ва ноёб бўлишса-да, лекин фазилатлари отнинг қашқасидек кўзга ташланиб туради. Шунинг учун жоҳиллар кўплиги учун олимлар ғариб (камёб) дир, дейилган.

Агар олимларнинг фазилат белгиси намоён бўлишига баъзиларининг насибалари кам бўлиши ҳам қўшилса, уларга алоҳида ишора қилиниб, ажратиб кўрсатилади. Натижада улар қайсарлар ишораси ва ичи қоралар имоси нишонига айланади. Жоҳил ва аҳмоқлар ҳамма замонда кўплиги учун билинмайди ва хосланиб турган олимларга қаралмайди. Жоҳил ва аҳмоқларнинг илмдан маҳрумлигига айбловчи эътибор бермайди ва жоҳил

ҳолда яшаётганини ўйланмайди. Шунинг учун ризқи кенг жоҳил, фақир ва муҳтожликни жоҳиллик ва ахмоқликка эмас, илм ва ақлга хос, деб адашади.

Аслида озлигига қарамай, олимлар ва оқиллар ҳолини кузатсанг, албатта кўплари омадли, кўплигига қарамай, аксар жоҳил ва аҳмоқлар маҳрум ва омадсиз эканига гувоҳ бўласан. Лекин аҳмоқ ва жоҳилларнинг омадлилари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Чунки унинг ризқ-насибаси ажабланарли ва омади ғаройибдир. Худди илмли оқил кишининг маҳрумлиги кам ва камбағаллиги ажиб бўлганидек, ўтган замонларда одамлар ундан ибрат олардилар. Бузругмеҳрдан: «Қайси нарса ажойиб?», деб сўралди. У: «Жоҳилнинг омади ва оқилнинг омадсизлиги. Лекин ризқ илм ва ақлга эмас, балки насиба ва ҳаракатга боғлиқ. Лекин бунда Аллоҳ таолонинг Ўз қудрати ва хоҳиш-иродасига кўра ҳар бир ишни жорий этишига далолат этадиган ҳикмат мавжуд». Донишмандлар дедилар: «Агар ризқ ақлларга яраша тақсимланганда, албатта чорвалар нобуд бўларди». Буни Абу Таммом ат-Тоий шундай деб назмга тизди:

Йигит жоҳил бўлса ҳам, кўп нарсага эришар,
Яна бири олим бўлса-да, зўрға кун кўрар.
Агар ризқлар ақлга қараб берилганида,
Ақли йўқ чорвалар тўлиқ нобуд бўлар.

Каъб ибн Зуҳайр ибн Абу Сулмо деди:

Агар бирор нарсадан ажаблансам,
Тақдир не битганин билмаган ҳолда
Йигитнинг саъй-ҳаракатидан ажабланардим.
Йигит иложи йўқ ишлар учун уринди қанча,
Ахир жон битта, орзу-ҳаваслар эса кўп,
Албатта илм ва ақл бахт-саодатдир.

Албатта, илм ва ақл бахт ва омаддир, агар шу иккиси туфайли мол озайиб, ҳоли ночор бўлса ҳам. Жоҳиллик ва аҳмоқлик маҳрумлик ва омадсизликдир, агар шу туфайли мол кўпайиб, ризқ кенгайса ҳам. Чунки бахт ва омадни молнинг кўплигига боғлиқ деб қара-

маслик керак. Ҳаётда моли кўп қанча бахтсиз бойлар бор ва моли йўқ қанча бахтли камбағаллар бор. Жоҳил бойни қанақасига бахтли деб бўлади, ахир жоҳиллиги уни пастга туширса? Камбағал олимни қанақасига бахтсиз деб бўлади, илм уни юқорига кўтарса?

«Мансур-ул ҳикам» да: «Қанча-қанча хорлар борки, уни илми азизу мукаррам қилиб қўйибди, қанча-қанча азизлар борки, уни жоҳиллиги хор ва забун қилиб қўйибди», дейилган. Абдуллоҳ ибн Муътазз деди: «Жоҳилнинг неъмати ҳожатхона устидаги боғчага ўхшайди». Бир донишманд айтди: «Жоҳилнинг неъмати кўпайиб боргани сари ёмонлиги ҳам кўпайиб боради». Бир олим ўғилларига шундай деб насиҳат қилди: «Эй ўғилларим, илм олинглар. Агар илм туфайли дунёдан бирон нарсага эришмасангиз ҳам. Менга сизлар учун замон ёмон бўлиши сизлар туфайли унинг ёмон бўлишидан яхшироқдир». Адиблардан бири деди: «Ким илми билан молга эришмаса, у туфайли жамол-кўркка эришади». Бир адиб Ибни Таботобонинг мана бу шеърини ўқиди:

Қалби касал ҳасадчи дардин яширар,
Олдимда ғамимга ҳамдардлик изҳор этиб.
Илм олишга чиққаним учун маломат қилар,
Ровийлардан илмларни тўплашим кўриб.
Ўрганарман сўзларни эскисию кўркамин
Олғанларимдан энг сарасин ёдлайман.
Илм бойлик келтирмас, дея даъво қилар у,
Ёмон жоҳиллик билан гумонларини безар.
Эй маломат қилувчи, мени ўз ҳолимга қўй,
Қадру баҳомни оширай, шу менга яхшироқ,
Ҳар бир инсон қиймати яхшилигига боғлиқ.

Мен Аллоҳдан жоҳилликнинг хорловчи алдовлари, аҳмоқликнинг адаштирувчи хатоларидан паноҳ сўрайман, хато қилган кишига тўғри йўлни кўрсатувчи акл ва адашган кишига тўғри йўлни топишда ёрдам берувчи илмга эришиш бахтини сўрайман. Ривоят қилинадики, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Агар Аллоҳ бир бандани хорламоқчи бўлса, уни илмдан маҳрум қилиб қўяди», дедилар. Илмни истамаган киши унга қизиқмоғи, илмга қизиққан киши

уни изламоғи ва илм излаган киши уни кўпайтирмоғи ва илмини кўпайтирган киши унга амал қилмоғи лозим. Аммо илмни тарк қилиш учун баҳона ва ўзи айбдор бўла туриб илм олишга узр изламаслиги лозим. Шоир деган эди:

Мендан узр сўраманг ёмонлик борасида
Энг ёмон киши уни қилиб, узр сўраганидир.

Яна киши ўзига ёлғон ваъдалар бериб, илм олишни орқага сурмасин ва давом этиб турган илм олишини тўхтатиш билан орзу-хаёлга берилмасин. Чунки ҳар бир вақтнинг ўз машғуллиги ва ҳар бир замоннинг узр-баҳонаси бор. Яна бир шоир деди:

Эртаю кеч елиб-югурамиз тирикчилик деб,
Тирик жон борки, ҳожатлари асло тугамас.
Чунки у бир умр ҳамроҳдир, ўлгунга қадар,
Модомики тирик экан, ҳожат асло тарк этмас.

Яна илм олувчи Аллоҳ таоло осон қилишига ишониб, Унинг ризосини истаб холис ният ва чин қатъият билан илм изламоғи лозим. Набий алайҳиссаломдан шундай деганлари ривоят қилинди: «Ким Аллоҳдан бошқаси учун илм ўрганса ва Аллоҳдан бошқасини ирода этса, ўрнини дўзахдан тайёрлаб қўяверсин». Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломнинг: «Илм кўтарилмасдан олдин илм олинглар. Илмнинг кўтарилиши илм аҳлининг ўтиб кетмоғидир. Чунки сизлардан бирортангиз қачон илмга муҳтож бўлишини ёки ўзидаги илмга қачон муҳтож бўлинишини билмайди», деганларини ривоят қилган.

Илмни талашиб-тортишиш ва риё мақсадида ўрганишдан ҳазар қилсин. Чунки илм билан тортишувчи фойдаси йўқ ортиқча кишидир ва илм туфайли риё қилган киши тубан ва пасткашдир. Ривоят қилинадики, Набий алайҳиссалом: «Илмни аҳмоқлар билан тортишиш учун ҳам, олимлар билан баҳслашиш учун ҳам ўрганманглар. Ким шундай қилса, дўзах унинг жойидир», дедилар. Илмда тотишувчи тўғриликни истаб мунозара қилувчи эмас. балки у ўзига қарши қўйилган тўғри ва нотўғри фикрни даф этишни қасд қилувчидир. Шундай кишилар ҳақида

Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ҳадис нақл этилган: «Фақат мунофиқ ёки динда шубҳа қилувчигина талашиб-тортишади». Имом Авзоий деди: «Аллоҳ таоло бир қавмга ёмонликни ирода қилса, баҳс-мунозара қилувчини бериб, ўзларини амал қилишдан тўсиб қўяди». Рийоший Мусъаб ибн Абдуллоҳга шеър ўқиди:

Ҳар бир шубҳачи қарши чиқувчи билан тортишиб,
Унинг динини ўз динимга ғараз қиламан.
Бошқанинг фикрига билганимни чоғиштираман,
Чунки фикр яқийн илмдек бўла олмас.
Нима керак хусумат қилиб, ундан фойда йўқ,
Қасамки, у ўнгга ва чапга ҳам оғувчи нарса.
Бас, билган нарсам ҳақиқатда менга кифоя қилур,
Аммо билмаганимдан мени четлатинглар.

Олимлардан бири тортишиш нималигини тушунтириб, дўстига шундай деди: «Ортиқча баҳс-мунозарадан сақланиш сени чиройли баҳс-мунозарадан тўсиб қўймасин. Чунки тортишадиган кишидан бирон киши илм олишни хоҳламайди ва ўзининг ҳам илм олишига умид йўқ».

Билгинки, ҳар бир талаб этилган нарсанинг сабаби бўлиб, у иккитадир: рағбат ёки хавф. Шундай экан, илм олувчи ҳам рағбат, ҳам хавфда бўлсин. Аммо рағбат Аллоҳ таолонинг розилигини талаб қилувчилар ва буюрган фарзларини адо этувчиларга берилажак ажр-савобга қизиқишдир. Аммо хавф Аллоҳнинг буйруқларини тарк этувчи ва қайтариқларига бепарво бўлувчиларга берилажак азобдан қўрқишдир. Агар рағбат ва раҳбат бир жойда жамланса, илмнинг моҳияти ва зуҳднинг ҳақиқатига етказади. Чунки рағбат илмга икки ундовчининг кучлироғи ва хавф зуҳддаги икки сабабнинг энг кучлироғидир. Донишмандлар айтади: «Илмнинг асли рағбат, унинг самараси саодатдир. Зуҳднинг асли хавф, унинг самараси ибодатдир».

Агар зуҳд билан илм ўзаро бирлашса, саодат тўлиқ бўлиб, фазилат мукаммал бўлади. Агар бир-биридан ажралса, иккисининг ҳам ҳолига вой бўлсин. Зуҳд ва илмнинг бир-биридан ажралиши қандаям зарарли ва алоҳида бўлиши қандаям ёмон. Ри-

воят қилинадики, Набий алайҳиссалом: «Кимнинг илмда рушди кўпайиб, дунёда зуҳди кўпаймаса, фақат Аллоҳдан узоқлашиши зиёда бўлибди», дедилар. Молик ибн Дийнор деди: «Ким дунёдан тиядиган илмни олмаган бўлса, олган илми унга фойда бермабди». Донишмандлардан бири деди: «Тақвоси йўқ фақиҳ хонани ёритиб, ўзини ёқадиган чироққа ўхшайди».

ТАЪЛИМ ҲАҚИДА ФАСЛ

Билгинки, илмларнинг охирига олиб борадиган боши бўлганидек, моҳиятига йўл очадиган муқаддимаси ҳам бор. Илм олувчи илмнинг охирига етиш учун дастлаб уни бошидан бошласин ва моҳиятини тушуниш учун муқаддимасини ўргансин. Бироқ у бошини қолдириб, зинҳор охиридан бошламасин ва муқаддимани ўрганмай моҳиятига етишга уринмасин. Бас, шундай йўл тутса, илмнинг охирига етиб бора олмайди ва моҳиятини англамайди. Чунки иморат пойдеворсиз қурилганини ва мева ниҳолсиз терилганини ҳеч ким кўрган эмас. Бунинг учун бузувчи сабаблар ва заиф баҳоналар бор:

Шундай сабаблардан бири кишида илмнинг бирон турига хосланадиган мақсадлар бўлишидир. Ана шу мақсад илм олувчини шу турдаги илмни ўрганишга қизиқтириб, унинг аввалидан бошлашдан чалғитади. Бундай киши қозиликни танлаб, ҳукм чиқаришга бел боғлаган кишидек фиқҳ илмидан бирданига қозилик одоби ва унга тааллуқли даъвою ҳужжатларни ўрганишга киришади ёки гувоҳлик бериш билан танилишга қизиққанидан энг керакли нарсани билмаслиги ошкор бўлиб қолмаслиги учун шаҳодат китобини ўқиб-ўрганади. Агар у мақсадига эришса, ўзини бу илмдан кўпини эгаллаб, энг машҳурига эришдим, деб ўйлайди. У шундан қолган қисмини ўрганишни қийин ва унинг тубигача етишни иложсиз нарса, деб ўйлайди. Бунга ўрганиши керак бўлган нарсага қизиқмаслиги ва тарк қилган нарсадан юз ўгириши сабаб бўлади. Агар у ўз-ўзига насиҳат қилганида, албатта тарк этилгани эришганидан муҳимроқлигини биларди. Чунки ҳар бир илм бир-бирига боғлиқ, ундаги ҳар бир боб ўзидан олдинги бобнинг давомидир. Демак, ҳар бир илмнинг охири фақат аввалги қисми,

яъни бошини ўрганиш орқали эгалланади. Баъзан аввалгиси ўзўзича барпо бўлиши тўғри бўлса-да, уни қолдириб, охиридан ўрганишни бошлаш аввали ва охирини тарк этиш демакдир. Шундай қилган киши маломатдан қутулмайди ва гарчи ҳамма илмни тарк этувчи бундан-да маломатга лойиқроқ бўлса ҳам.

Шундай сабаблардан яна бири илм туфайли машҳур бўлишни яхши кўришдир. Буни ё тирикчилик, ё ўзини илм аҳлидан қилиб кўрсатиш учун қилса ҳам. Бундай киши илмнинг кенг тарқалган баҳс-мунозара масалалари ва мубоҳаса йўлларини ўрганишни қасд этади ва иттифоқ қилинганини қўйиб, балки ихтилофга борилган жойни ўрганишга вақт сарфлайди. Ваҳоланки, у бир мазҳабни тутмаган ҳолда рақиби билан талашиб-тортишади ва келиша олмайди. Мана шундай тоифалардан бир қанчасини кўрдимки, улар мутакаллимлар ўрганганидек илмни ўрганиб, таҳқиқ этувчи олимлар танилганидек танилишди. Агар у рақиби билан мунозара қилса, гап-сўзлари ютиб чиқади. Агар ундан тутган йўли ҳақида сўралса, фаҳмлари тойиб, хатто кўр туядек тусмоллаб жавоб берадилар. Уларнинг тўғрилиги аниқ эмас, жавоблари қатъий эмас. Энг ёмони, ана шуни нуқсон деб билмайдилар.

Мажлисларни чиройли сўзлари билан безашиб, рақибига қарши одатий баҳс-мунозара қилишганда, мазҳабга оид оддий одам билган ва муҳокама этадиган нарсани билмайдилар. Бас, шу тариқа адаштирувчи бақир-чақир ёки таҳқирловчи хатодан нарига ўтилмайди. Яна улардан бир тоифасини кўрдимки, мазҳаблар (йўл, диний таълим) билан шуғулланишни ортиқча ва бу тўғрида кўпроқ билимга эга бўлишни қолоқлик, деб биладилар. Улардан бири мен билан тортишиб деди: «Мазҳаб тарафдорининг илми қандай қилиб кўзга ташланмайдию мунозара қилувчининг илми эса машҳур илм бўлади?». Мен унга: «Қанақасига мазҳаб тарафдорининг илми кўзга ташланмайди? Ахир, у ҳозиржавоб ва сўзлари тўғри бўлса-чи?», дедим. Чунки ундан сўралмаса, жим ўтиради ва кўзга ташланишга ҳаракат қилмайди. Мунозара қилувчи сўралмаса ҳам, сўрайди ва кўзга ташланишга ҳаракат қилади. Айтдимки: «Агар мазҳаб тарафдоридан сўралганда, тўғри жавоб берса, бу унинг фазли эмасми?». У: «Ҳа»,

деди. Мен: «Агар мунозара қилувчидан сўралса-ю у хато жавоб берса, бу унга айб эмасми? Имтиҳон пайтида киши ё мақталади, ё изза қилинади, дейилган», дедим. У сўзимга жавоб бермай жим бўлиб қолди. Чунки у сўзимни инкор этса, ақл тасдиқлаган нарсадан такаббурлик қилган агар маъқулласа, унга ҳужжат-далил келтириш лозим бўларди. Жим бўлиш бўйсуниш ва сукут ризолик аломатидир. Албатта ҳаққа бўйсуниш ундан ботил устун келганидан авлороқдир. Бу танимаган ва на танилмаган ҳолда мени таниб қўйинглар, деган кишининг йўлидир. Илм ҳақини билмаган киши у туфайли танилишдан узоқдир. Зуҳайр деди:

Бир кишида қандай бир хулқ бўлса,
Агар одамлардан яширса ҳам, маълум бўлар.

Шундай тақсир (хатога йўл қўйиш) **сабабларидан яна бири** ёш пайтида ўзига керакли илмни олмай улғайганда илм билан шуғулланишдир. Бундай киши вақтни бой бергандан кейин ёш бола ўрганадиган илмдан бошлашга уялиб, уни ўзига тенг кўришдан ор қилади. Шундан сўнг у зарур илмни олиш ўрнига эндигина таҳсилни бошлаган бола қаторида бўлишни истамай, ўзидан анча илгарилаб кетган ёши катталарга етиб олиш учун илмларнинг охири ё атрофидан бошлайди, хошиялари ё четларига қизиқади. Бу ўзини алдашга рози бўлиб, ҳиссиёти макрига қаноат қилган кишидир. Ўзининг ҳам ва ҳар бир соғлом кишининг ҳам мантиқи бу тасаввур хато эканига гувоҳлик беради ва нотўғри эканини тасдиқлайди. Чунки у тасаввурга сиғмайдиган маҳол ишдир. Илм ўрганувчи илмда бошлайдиган нарсани билмаслик олим охирига етиб борадиган нарсани билмасликдан ёмонроқдир. Шоир айтди:

Кичик ишга ҳаракат қилсанг,
У сени каттасига кўтариб қўяр.
Бас, кичик иш ҳақида тафаккур қилиб,
Кичик ишни билгандан кейин,
Катта ишни албат биласан.

Шу маъно ва шунга ўхшашлар туфайли ёшликда илм олиш таҳсинга лойиқдир. Марвон ибн Солим Исмоил ибн Абу Дар-

додан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақшга ўхшайди. Кексаликда олинган илм сувга ёзилган хатга ўхшайди», дедилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу: «Ёш йигитнинг қалби бўмбўш ерга ўхшайди. У ташланган нарсани қабул қилади», деди. Ҳа, илм худди шундай. Чунки ёш боланинг қалби холи, ташвиши кам, камхарж ва кўп тавозеълидир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Худди пастлик жойда сув кўп тўпланганидек, тавозеъ йўлини тутган илм олувчиларнинг илми серобдир. Агар халақит бериб, чалғитилмаса, ёш бола катта ёшлига қараганда тез олиб, тўсқинлик бўлмаса, ёдда сақлаши осон, аксинча бўлса, йўқ».

Ривоят қилинишича, Аҳнаф ибн Қайс бир кишидан: «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақшга ўхшайди» деганини эшитди. Шунда Аҳнаф: «Катта ёшли кишининг ақли кўп бўлса ҳам, лекин қалби машғул бўлади», деди. Умримга қасамки, Аҳнаф бу гапнинг маъносини очиб, уни тушунтириб берди ва сабабини кўрсатди. Чунки катта кишида илмдан тўсувчи ҳолатлар кўпроқ учрайди. Биз илгарироқ айтиб ўтган уялиш ҳам шулар қаторига киради. «Мансур-ул ҳикам» да: «Кимнинг эти юмшоқ бўлса, илми ҳам юпқа (саёз) бўлади», дейилган. Халил ибн Аҳмад: «Илмсизлик ҳаё ва кибр ўртасида «ўтлаб» юради», деди.

Шундай сабаблардан яна бири илм олувчида ҳою ҳаваслар кўплиги ва фикр тарқоқлигидир. Шоир деди:

Нафси ҳаво эгасидан ҳою ҳавасни кетказиш осон эмас,
Албатта нафси ҳаво фойда-зарарни ажрата олмас.

Улуғлардан бири: «Агар қалб бир нарсага боғланса, гаровга ўхшайди. Гаровга қўйилган нарса бой берилганга ўхшар», деди.

Шундай сабаблардан яна бири халақит берувчи бало-офатлар ва тасодифий ғам-ташвишлардир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ғам-ташвиш ҳис-туйғулар кишанидир», дейилган. Улуғлардан бири: «Ким балоғат ёшига етса, ташвиши янада кўпаяди», деган.

Шундай сабаблардан яна бири илм олувчининг машғуллиги кўпайиб, турли ҳолатларга дуч келишидир. Ҳатто бу кабилар унинг вақтини олиб, умрини зое кетказади. Агар илм олувчи раёсат эгаси бўлса, уни чалғитади, агар оддий касб-ҳунар эгаси

бўлса ҳам, илм олишдан тўсилади. Шунинг учун: «Бошлиқ бўлишдан олдин илм олинглар», дейилган. Бузругмеҳр: «Машғуллик фойдага, бекорчилик зарарга сабабдир», деган.

Шундай экан, илм олувчи лоқайд бўлмаслиги ва бўш вақтдан унумли фойдаланмоғи лозим. Қарангки, баъзан замон сахийлик қилган нарсасига бахиллик қилиб, берганини қизғанади. Шундай экан, илм олувчи илмнинг аввалидан бошласин ва унга муқаддимасидан келсин. Бироқ билмаслиги зарар қилмайдиган нарсани ўрганишга вақтини сарфламасин. Шунга вақтини сарфласа, ўзига керак илмларни ўргана олмайди. Чунки ҳар бир илмнинг ортиқча жойлари ва машғул қилувчи қисмлари бор. Ким вақтини шу тариқа илм олишга бағишласа, ундан муҳимроқларини ўрганиш четда қолиб кетади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: Илмнинг охирига етиб бўлмайди. Ҳар бир нарсадан танлаб энг яхшисини олинглар», деди. Донишмандлардан бири: «Ўзингга кераксиз нарсани тарк эта олсанг, фойдали нарсага эришасан», деган. Бу нарса илм олувчини бу илмни ортиқча, уни эгаллаш қийин деб ҳисоблаганидан қийин нарсани тарк этишга ундамаслиги лозим. Чунки шундай фикрда бўлиш аҳмоқлар улови ва ожизлар баҳонасидир.

Илмнинг осонини ўрганиб, қийинидан воз кечаман, деган киши худди ўлжасини тута олмаса, ноумид бўлиб қўл силтайдиган овчига ўхшайди. Чунки у ўлжани тутиш имкони йўқ, деб билади. Илм ҳам шундай. Илм ўрганиш уни билмаган кишига қийин, билган кишига эса осон. Чунки илмнинг етиб бориладиган маънолари уларни шарҳу баён этувчи жумла ва сўзлар қатига жойланган. Илм эшитиладиган лафз ва тушуниладиган маъно ҳолида жамланади. Каломнинг лафзи эшитиш билан англанса, лафз остидаги маъно ҳолида жамланади. Лафз эшитиш орқали англанадиган каломдир, лафз ичига жойланган маъно қалб билан фаҳмланади. Донишмандлардан бири айтади: «Илмларнинг кириш жойи уч жиҳатдан ҳосил бўлади: «Фикрловчи қалб, ифодаловчи тил ва тасаввур қилдирувчи баён».

Агар калом эшитиш орқали тушунилса, маънолари қалб билан фаҳмланади. Қачонки ундаги маънолар тушунилса, хуло-

са чиқариш осонлашиб, ёдлаш ва уни қарор топтириш қолади. Чунки маънолар ялт этган фикр бўлиб, эътиборсизлик туфайли зое кетади. Ваҳоланки, илмлар қўлдан чиқариш билан ҳуркиб қочадиган ёввойи ҳайвонга ўхшайди. Агар илмни билиб олгандан кейин ёдида сақласа, бир умрлик унс-улфатга айланади. Агар унс-улфатга айлангандан кейин уни такрорлаб турилса, хотирага қаттиқ ўрнашади. Бир олим шундай дебди: «Ким олган илмини кўп такрорласа, билганини унутмайди ва билмаганини ўзлаштиради». Шоир деди:

Агар илмлар эгаси илмини такрорламай қўйса,
Илмдан фойда бўлмас, ўрганганин унутар.
Ҳар бир жабҳадан ёзувларни тўпловчилар борки,
Кунлар ўтиб, тўплаганида кўрлик зиёда бўлар.

Агар эшитилган нарсанинг маъноси тушунилмаса, тушунишга халал бераётган иллатни билиш учун унга тўсқинлиқ қилаётган сабабни очсин. Чунки нарсаларнинг сабаб ва иллатларини билиш орқали эътибордан четда қолган нарсани жойига қўйиш ва бузилган нарсани тузатишга олиб келади. Тушунишдан ман қилувчи иллат уч қисмдан иборат: **биринчиси,** маънони баён этадиган каломдаги иллат. **Иккинчиси,** лафзда жойланган маънодаги иллат. **Учинчиси,** маънони чиқариб оладиган эшитувчидаги иллат. Агар маънони тушунишдан ман этувчи иллат шу маънони очиб берадиган иборадаги иллат сабабли бўлса, бу ҳам уч ҳолатдан холи бўлмайди.

Биринчиси, маънога нисбатан лафзнинг қисқа бўлиши. Яъни маънога нисбатан лафзнинг қисқалиги маънони тушунишдан тўсувчи сабабга айланади. Бу қисқалик икки жиҳат: ё сўзловчининг етказиб беролмаслиги ва ожизлиги, ё аҳмоқлиги ва калтафаҳмлигидан келиб чиқади.

Иккинчиси, маънодан кўра лафзнинг зиёда бўлиши. Бундай зиёдалик ҳам кўзланган маънони тушунишдан тўсувчи иллатга айланиши мумкин. Баъзан бу икки тарафдан сўзловчининг мақсаддан четланиб, кўп гапириши, ё унинг тингловчи фаҳмини ёмон деб ўйлашидан пайдо бўлади.

Учинчиси, сўзловчи ўз гапида назарда тутган истилоҳ туфайли бўлиши. Агар тингловчи истилоҳни тушунмаса, гапнинг маъносини ҳам тушунмайди. Аммо лафзни қисқартириш ёки зиёда қилиш умумий эмас, балки хос сабаблардир. Чунки буни ҳар бир гапда эмас, балки айрим гапда учратасан. Агар қиска гапдан тўлиқ гапга, зиёдадан кифояга ўтсанг, фикрни лойқалайдиган такаллуфдан ўзингни қутқарган бўласан. Агар бошқа гап келтириб чиқарган зарурат ёки шу гапни фаҳмлаш мушкул бўлганида пайдо бўлган хоҳишинг туфайли хулоса чиқармоқчи бўлсанг, қисқалик ва зиёдалик сабабига қара. Агар қисқалик етказиб беролмаслик ва зиёдалик ортиқча сўзамолликдан пайдо бўлса, бу гапдан маъно чиқариб олиш осон. Чунки гапнинг тартиблисидан тартибсизи кўпроқ эмас. Демак, кўпда озга далил бор. Агар маънога нисбатан гапнинг кўпроқ бўлиши сўзловчида тингловчининг фаҳми ҳақидаги ёмон гумондан пайдо бўлса, маъно чиқариш ундан-да осонроқ. Агар маънога нисбатан лафзнинг камлиги сўзловчининг яхши тушунмаслигидан келиб чиқса, бу оғир ҳолат бўлиб, бундай лафздан хулоса чиқариш осон бўлмайди. Чунки сўзловчининг ўзи тушунмаган нарсани сен қандай тушунардинг? Лекин ўткир заковат ва кучли хотиранг туфайли сўзловчи тушунтира олмаган ва қийналган маънони чиқариб олишда унинг ишорасидан англаб оласан. Тўла-тўкис (англаб олиш) фазилати сенга боғлиқ, биринчи (сўзлаш) ҳақи уники бўлади.

Аммо истилоҳ умумий ва хос деган икки қисмга бўлинади. Умумий истилоҳ илм олувчиларга фойдаси йўқ маънолар учун олимлар томонидан қўйилган истилоҳлардир. Илм олувчи мутакаллим гаплари маъносидан фақат ўша истилоҳларни билиш орқали хабар топади. Худди мутакаллимлар жавҳар, араз ва жисмлар каби сўзларни ўзлари иттифоқ қилган маъноларга истилоҳ қилиб қўйганларига ўхшатиш мумкин. Ҳеч бир илм истилоҳлардан холи эмас. Бундай умумий истилоҳларни «урф» деб номланади.

Энди хос истилоҳларга келсак, у бир кишига тегишли истилоҳ бўлиб, сўзнинг ботини билан зоҳиридан бошқа маънони қасд қилади. Агар бу истилоҳ жумлада бўлса, уни «рамз» деб аталади. Агар у шеърда бўлса, «луғз» дейилади. Аммо рамз маънавий

илм ва на луғавий гапда учрамайди. Кўпинча бу рамз икки нарсадан бири билан хосланади. Ё эътиқод қилувчиси яширадиган ёмон мазҳабга хос рамзни одамлар ўрганиши ва ундаги таъвил қилиш эҳтимоли ўзи эътиқод қиладиган мазҳабидан туҳматни кетказишга сабаб бўлади. Ёки бу рамзни қўйган одамлар рамзни қийин илм ва уни идрок этишни эса мўъжизавий бадеъ деб даъво қиладилар. Худди «сунъат» сўзига ўхшаш. Кимёгарлар қизғаниб, ошкор этишни хоҳламаганлари учун бу сўзнинг асл маъносини яшириб, оммага билдирмаслик мақсадида ўзлари шуғулланадиган соҳани «кимё» деб номладилар. Шу боис унинг сифатларини рамзга айлантириб, маъноларини яширдилар. Бир шоир деди:

Бир нарсадан ман қилинсам, унга муҳаббатим ошар,
Инсонга энг севимли нарса ман этилган нарсадир.

Агар яхшилаб тажриба қилиб кўрилса, сўз масъулиятини зиммаларидан соқит қилиш учун унинг сифатларини рамзларга айлантириб, маъноларини яширадилар. Агар умумий ва хусусий бўлган бу икки турни ва шунга ўхшаш бошқа рамзларни қамраб олган истилоҳлар саҳиҳ маъно ва истеъфода этилган илм бўлса, албатта яширин рамзлардан очиқ илмга чиққан бўларди. Чунки мақсад ва хоҳиш-истаклар турлича бўлишига қарамай, одамлар тўғри нарсани яшириш ва фойдали нарсани беркитишга иттифоқ қилмайдилар. Шоир Зуҳайр айтди:

Фаҳш ишларнинг қаршисида парда бордир,
Яхшиликлар олдида сенга бирор парда йўлиқмас.

Баъзан рамз гапда маъноларни бўрттириш, лафзларни зийнатлаш, қалбларда яхши ўрнашиш ва дилларда юксак эътиборга эга бўлиш мақсадида қўлланади. Шундай рамзларни қўллаш натижасида гап кенг тарқалиб, саҳифаларда абадий сақланиб қолади. Пифагорнинг рамзий васиятларидан бирида шундай дейилади: «Мезонингни адабсизлик ва вазнларингни кирликдан сақла». Яъни бунда мезонингни адабсизликдан сақла, деганда тилни уят сўзлардан сақлаш, вазнингни кирликдан сақла, деганда, ақлни ҳою ҳавасдан сақлашни ирода қилган. Мана шу рамз туфайли

Пифагорнинг сўзи чиройли деб қаралиб, ёзиб қолдирилган. Агар уни очиқ лафз ва фасиҳ маъно билан баён этилганида, балки бу қадар машҳур бўлмай деб қаралмаслиги мумкин эди. Бунга сабаб шуки, фаҳмлардан тўсилган нарса кўзлардан тўсилган нарсага ўхшайди. Шундай нарсага нисбатан қалбларда улуғлаш ва тилларда эҳтиром ҳосил бўлади. Маъноси очиқ, равшан ва тўсилмаган иборалар аста-секин назардан қолиб, машҳур бўлмайди. Аммо бундай рамзлар баъзи ҳолларда чиройли ва ёқимли бўлиб, у очиқ лафз билан ажралиб туради.

Кўпчилик интиладиган, кенг тарқалган илмлар ўз жозибаси ва жалб этиш хусусияти туфайли ажойиб лафз ва гўзал рамзлар билан ўзига чақиришдан беҳожатдир. Бироқ бу рамзлар кенг тарқалган илмлардан узоқлаштиради, чунки уларнинг моҳиятини тушуниш кўп вақтни олади ва илмни идрок этиш ва маъноларини тасаввур қилишни орқага суради. Ана шу рамзнинг ҳоли.

Аммо луғз бекорчилар мусобақаси ва ишёқмаслар машғулотидир. Чунки бекорчилар ва ишёқмаслар қобилият жиҳатидан бирбиридан фарқ қилганидан мусобақалашадилар ва ўзларининг тезхотирлиги билан фархрланиб, фойдасиз нарсани деб кучли хотираларини қийнайдилар. Улар соғлом танасини кураш учун чиниқтирган полвонларга ўхшайди. Мана шу кураш ақлларини мағлуб қилиб, жисмларини заифлаштиради. Аммо уларга бу нарса мақтов ва на манфаат келтирмайди. Шоирнинг мана бу сўзига қара:

Бир киши ўлди-ю, отасининг синглисининг
Отасининг ўғлининг онасининг ўғлини ортида қолдирди.
У билан бирга болаларининг боласининг онаси ва
Акасининг амакиси болалари опасининг отасини қолдирди.

Хўш, айтинг-чи, бу икки байтни тушунтириб бера оласизми? Дарҳақиқат, маънони чиқариб олишда фикр қаттиқ зўриқса ҳам, шу маъно қамраб олган саволнинг машаққати сизни даҳшатга туширади. Биласизки, шоир бу сўзи билан орқасида отаси, хотини ва бир амакини қолдириб кетган маййитни назарда тутади. Бу байт сенга қандай илмни ҳосил қилиб, билмаганингни билдирсин? Бу байтни ўқигандан кейин олдин қандай бўлсанг, кейин ҳам ўшан-

дай илмсиз ҳолингда қолмайсанми? Агар сўровчи бу саволни олдингисини орқага, орқадагисини олдинга олиб ўтиб ўзгартирган тақдирда ҳам олдин қандай ҳолда бўлсанг, маънони билиб олгандан кейин ҳам шундай бўласан. Шундай экан, ўзингни қийнаб, ақлингни зўриқтиришдан бошқа фойда топмайсан.

Бунга ўхшаш каломлар туфайли билмаганингни билиш имконига эга бўлмайсан. Бас, олдин қандай бўлсанг, ундан кейин ҳам шу ҳолингда қоласан. Аллоҳ сени тўғри йўлдан адаштирмасин, ўзингни аҳмоқлар илми ва бекорчилар такаллуфидан четлантир. Набий алайҳиссалом дедилар: «Ўзига фойдаси йўқ нарсани тарк этиш кишининг исломи гўзал эканини билдиради». Демак, Аллоҳ таоло неъмат қилиб берган соғлом қобилият ва ўткир хотирангни шундай ишга сарфлагинки, унга ақлингни инфоқ қилишинг (охиратда) захира ва у ҳақда ўйлашинг Аллоҳ берган неъматга шукрона бўлсин.

Саййид ибн Абу Ҳинд Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Кўпчилик қадрига етмайдиган икки неъмат бор: соғлик ва бўш вақт», дедилар. Бизни берган неъматлари қадрига етмаслик ва унинг яхшиликларидан бебаҳра қолишдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин. «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилди: «Бекорчиликдан ёшлик бебошлиги келиб чиқади». Бир донишманд шундай деди: «Ким ўз вақтини бирор ҳақни адо қилмай, ё бирон фарзни бажармай, ё бирор фазилатни кўпайтирмай, ё ўзига мақтов келтирадиган ишни қилмай ва ё бирон илмни ўрганмай ўтказса, ўша кунини бекор ўтказиб, ўзига зулм қилибди». Шоирлардан бири деди:

Бўш вақт сенга шундай машғулликни келтирар,
Билсанг, бало сабаби айнан бўш вақтдандир.

Мана шулар гапда унинг маъноларини тушунишга халақит берадиган сабаблар бўлиб, у сўзамолликдан керакли мақсадга йўллаб, яширин маъноларни очишга ёрдам беради.

* * *

Аммо **иккинчи қисмга** кўра, гап маъносида учрайдиган иллат туфайли тингловчи тушуниб олишига халақит берадиган сабабнинг бўлишидир. Бу уч қисмдан иборат: биринчиси, ўзи муста-

қил маъно бўлиши, иккинчиси, ўзидан бошқа бир маънога муқаддима (олдин ўтган) бўлиши, учинчиси, ўзидан бошқа маънонинг натижаси бўлишидир. Ўзи мустақил маъно бўлиши икки хил: биринчиси, очиқ маъно, иккинчиси, яширин маъно. Аммо очиқ маъно тасаввур қилувчи фаҳмига биринчи мартадаёқ етиб бориб, тасаввур эгасига мушкул туғдирмайди. Аммо яширин маънони тушунишда махфий тутилган нарса аниқ бўлиши ва ноаниқ маънони билиш учун бироз тааммул қилиб, қийналишга тўғри келади. Яна маънони англаб олишда фикрни ишлатиш туфайли риёзат чекиш керак. Чунки риёзат туфайли қийин ва мураккаб маънони англаниб, узоқ маънога яқин борилади. Дарҳақиқат, риёзатда журъат ва дирорят (ўрганиш) да таъсир қилиш бор.

Аммо бошқа маънога муқаддима (олдин ўтган) бўлиш икки хил: биринчиси, муқаддима бўлувчи маъно ўзидан бошқа бир маънога тегишли бўлса-да, ўзича барпо бўлиши мумкин. Бу пайтда у тасаввур қилиш ва фаҳмлашда ўзича мустақил маънога ўхшайди. Иккинчиси, натижасига муҳтож бўлишидир. Бунда муқаддима (олдин ўтган) маънони фақат унга эргашиб келган натижасига қараб тушуниб олса бўлади. Чунки муқаддима (олдин ўтган) маъно бир қисмдир. Маънони қисмга ажратиш тушунишга оғирлик қилади. Маънонинг баъзи қисми кулл (умумий) маънони бермайди. Аммо бошқага натижа бўлиши фақат олдингиси орқали идрок қилиниб, унинг моҳияти фақат муқаддима (олдин ўтган) ёрдамида тасаввур этилади. Муқаддимани қўйиб, натижа билан машғул бўлиб қолиш машаққат, маънони чиқариб олишда фикрни зўриқтиришдир. Бу эса маъноларни фаҳмлашга монеълик қилувчи сабаблар иллатини очиб беради.

Учинчи қисмга кўра, тингловчидаги иллатга монеълик қилувчи сабабнинг бўлишидир. Бу икки хил: биринчиси, тингловчининг ўзида нуқсон бўлиши; иккинчиси, тўсатдан пайдо бўлувчи ҳодиса сабабли нуқсон бўлишидир. Аммо тингловчининг ўзида нуқсон бўлиши икки турга бўлинади. Биринчиси, маънони тасаввур қилиш ва тушунишга халақит берадиган иллат бўлиши. Иккинчиси, маънони тасаввур қилиб, тушунгандан кейин ёдлаб олишга халақит берадиган иллат бўлиши.

Аммо маънони тасаввур қилиб, тушунишга халақит берадиган иллат аҳмоқлик ва фаҳм-фаросат камлигидан бошқа нарса эмас. Чунки у бедаво дарддир. Бир донишманд деди: «Агар олимнинг зеҳни сусайса, мунозарада ҳужжат-далил келтириши камаяди ва китобларни кўришга эҳтиёжи ошади. Бундай иллатга мубтало бўлган киши сабр қилиши ва илмини оз-оздан ошириб бориши керак. Чунки унинг оз нарсани ўрганишга кучи етади ва сабр билан мақсад ва ютуққа эришади».

Донишмандлардан бири деди: «Ҳожатинг учун сабр-тоқатингдан баъзисини илгари қўй. Бундай ҳолатда бўлмаган киши сабр қилишга қодир эмас. Лекин истак-хоҳишини енга олган ва ҳиммати баланд кишигина бунга қодир бўлади». Шундай экан, унинг қалби қизиқиш кучлилигидан сабрни ҳис этиб, ҳиммати баландлигидан қийинчиликни кўтаришга ўзини мажбурлайди. Агар қизиқиш ёрдамида маънони англаса, бу нарса унда умид қилувчилар қатъиятини ва идрок этувчилар ғайратини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, кўп нарсалар камаяди ва қийин нарсалар осонлашади. Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Яхши кўрганларингга фақат ёмон кўрганларингга сабр қилиш орқали эришасизлар. Орзу-ҳавасингизга фақат яхши кўрганларингиздан воз кечиш орқали етасизлар», дедилар. «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилади: «Қадамингни қийна, сени пешқадам қиладиган қанча қийинчиликлар бор». Улуғлардан бири деди: «Агар қизиқиш кучайса, машаққатни енгиш осон бўлади». Адаб аҳлидан бири Абу ибн Толибнинг шеърини айтиб берди:

Ожизлик қилма, ҳеч қачон сен оғрина кўрма,
Омад ожизлик ва зерикиш орасида йўқолар.

Аммо маънони тушуниб, тасаввур этгандан кейин ёдлашга халақит берувчи ўз хатосига қарамаслик, лоқайд ва эътиборсизликдан келиб чиқадиган унутишдир. Бундай иллатга мубтало бўлган киши олаётган дарсини кўпайтириш билан қолдирганига етиб олишни ва эътиборни ошириб, ғафлатдан уйғониши керак. Бир ривоятда: «Мунтазам дарс қилмаган ва нафсини қийнамаган киши ҳеч қачон илмга эришмайди», дейилган. Кўп дарс қилиш

оғирлигини фақат илмни ўлжа, жоҳилликни зарар, деб билган кишигина кўтаради, илм лаззатини тотиш ва жоҳиллик иснодидан қутулиш учун барчасига чидайди. Албатта, улуғ нарсага эришиш улуғ ишни қилишга боғлиқ. Нимани хоҳлаган бўлса, шунга яраша изланиб, роҳатига яраша машаққат тортиш керак. Айтишларича, роҳатнинг сабаби истироҳат камлигидир. Донишмандлардан бири: «Энг яхши роҳат меҳнат ва машаққат тортиш ва илмнинг энг улуғи қийналиш туфайли ҳосил бўлганидир», деди.

Баъзан илм олувчи дарсни ва ёд олишни ўзига оғир ҳисоблаб, озроқ илм олгандан кейин зарурат бўлгандагина китобларга қараш ва мутолаа қилишга одатланади. Бундай илм олувчи тутиб олишига ишонган ҳолда ўлжасини қўйиб юбориб, овдан воз кечган кишига ўхшайди. Бундай ишонч уни фақат хижолатга қўяди ва лоқайд бўлиш фақат афсус-надоматни келтириб чиқаради.

Бунга илмни ёдлаш ва ёдда сақлаш машаққатидан зерикиш, жидду жаҳд вақтида орзу-ҳавас кўпайиши, мақсади йўлида фикр бузуқлигидан бири ундайди. У зерикиш умидсизлик, узун орзулар алдамчи ва бузуқ фикр мусибат эканини билмайди. Арабларнинг масалларида шундай дейилган: «Қалбингдан ўрнашган бир ҳарф китобларингдаги мингтасидан яхшироқ». Яна улар айтдилар: «Сен билан бир водийни ўтмайдиган ва сен туфайли бир йиғин обод бўлмайдиган илмда яхшилик йўқ». Робеъдан Шофеъий розияллоҳу анҳуга шеър ўқилди:

Илмим ўзимга ҳамроҳ, қайга борсам эргашар,
Қалбим унга идишдир, сандиқлар «қорни» эмас.
Агар уйимда бўлсам, илмим ҳам бирга бўлар,
Агар бозорда бўлса, илмим ҳам бозордадир.

Баъзан илм олувчи тушуниб, англаб олмасдан бурун ёдлашга киришади. Ҳатто лафз маъноларини ёд олиб, маъносини англамай тиловат қилади. Ҳолбуки, у лафзларни ва шу лафзлар қамраб олган маъноларни англамайди. Натижада у ҳали англамай туриб ривоят қилади ва билиб олмай туриб хабар беради. Бу эса худди шубҳани кетказмайдиган ва ҳужжат-далилни қўлла-қувватламайдиган китобга ўхшайди. Ривоят қилинишича, Набий алайҳиссалом: «Аҳмоқлар мақсади хабар бериш, олимлар мақсади риоя

қилишдир», дедилар. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай деди: «Илмга риоя қилувчи бўлинглар, уни ривоят қилувчи бўлманглар. Баъзан ривоят қилмаган киши риоя этувчи, риоя қилмаган киши ривоят қилувчидир». Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу бир ҳадис айтди. Шунда бир киши унга: «Эй Абу Саид, кимдан?», деди. «Кимданлигини нима қиласан? Сенга бу гапнинг насиҳати етиб, ҳужжати келмадими?», деди Ҳасан Басрий.

Баъзан илм олувчи бир илмни тушуниб, ёдлаганига суянади ва зеҳнига ўрнашганига ишониб, олган илмини ёзиб, қайд этиб қўйишга одатланмайди. Бу унинг хатосидир. Чунки шубҳа доимо рўбарў келиб, унутиш хоҳлаган пайтида ўз ишини қилади. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг: «Илмни ёзиш билан қайд қилиб қўйинглар», деганлари нақл қилинган. Яна бир ривоятда бир киши унутиб қўяётганидан шикоят қилганида Пайғамбаримиз: «Қўлингни ишлат (яъни ёзиб қўйгин), ёдингдан чиқса, ёзиб қўйганингга қараб билиб оласан», дедилар. Халил ибн Аҳмад розияллоҳу анҳу деди: «Китобдаги илмни сармоя, қалбингдаги илмни инфоқ қилгин». Маҳбуз: «Агар олдингиларнинг тажрибасини китобларга ёзиб қўйилмаганда, унутиш оқибатида кейингилар муаммоси ҳал бўлмасди», деди. Улуғлардан бири шундай деди: «Бу илмлар зеҳнлар тушовидан қочувчидир, уларга китобларни қўриқхона ва қаламларини чўпон қилиб қўйинглар».

Аммо тингловчидаги иллат туфайли монеълик қилувчи тасодифан юз бериб, у икки турлидир:

Биринчиси, маънога зид келиб, уни англаб олиш ва моҳиятга етиб боришга йўл бермайдиган шубҳадир. Моҳиятини тушуниб, маъносини тасаввур қилишга эришиш учун илм олувчи савол бериш ва фикрлаш орқали ўзидан ана шу шубҳани кетказиши лозим. Шунинг учун олимлардан бири: «Бепушт (унумсиз) бўлиб қолмаслик учун қалбингни музокарадан холи қилма, заиф бўлиб қолмаслик учун таъбингни мунозарадан ман этаман», деди. Башор ибн Бурд деди:

Омиликнинг шифоси кўп савол бериш,
Омилик давом этиши жоҳилликда узоқ қолишдир.

Ўзингга муҳим деб билган нарсани сўрагин фақат,
Чунки оқил киши билан ақлинг ила баҳсга чақирилдинг.

Иккинчиси, ақлга зид келувчи фикрлар бўлиб, у маънони англашга халақит қилади. Кам ҳолларда киши бу сабабдан холи бўлади. Айниқса, бу нарса илмдан бошқасини орзу қилмаган ва ўзга мақсади бўлмаган кишида кам учрайди. Бундай қарама-қарши фикрлар инсонда тўсатдан пайдо бўлса, ўзига-ўзи тушунтиришга ва қалбини тасаввур устидан ғолиб қилишга қодир бўлмайди. Чунки қалб мажбурлаш туфайли қаттиқ қочувчи ва ижобатдан узоқ турувчидир. Ривоятларда келганки, агар қалб мажбурланса, сўқир бўлади. Лекин тўсатдан пайдо бўлувчи ғуғула ёки макр-ҳийлани даф этишда қалб кишига итоат билан қабул қилиш учун амал қилаверади. Шоир деди:

Агар қобурғалар ўртасида шафеъ (ҳимоячи) бўлмаса,
Муҳаббатда шофеъ (даволовчи) бўлмайди.

Донишмандлардан бири деди: «Бу қалбларнинг ёввойи ҳайвон қочгандек, қочиши бор. Бас, қалблар итоатли ва фаол бўлиши учун таълимда мўътадил йўл тутиб, дарсни меъёридан оширманглар». Бу маъноларни тушунишдан эшитувчини ман қилувчи сабаблар изоҳидир.

Мана шу ўринда гапни тушуниш ва маъноларини фаҳмлашдан тўсадиган яна тўртинчи сабаб бор. Лекин айрим гапларда учрагани учун уни бу қисмларга киритилмади ва келтириб ўтиш билан халал етказишни жоиз деб ҳисобламаймиз. У ёзувдир. Чунки қулоққа етган бир гапни тушунишда ёзувни тааммул қилишга эҳтиёж бўлмайди. Шуни ҳам айтиб қўяйликки, гапни тушунишга биз юқорида айтиб ўтган қисмлар монеълик қилади. Баъзи гаплар ёзув натижасида сақлаб қўйилган, тадвин ила муҳофазаланган ва керакли вақтда мурожаат қилиш учун китобларда битилган. Ёзув шу гапларни ўзида сақловчи ва ифода этувчидир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан Аллоҳ таолонинг: «**Агар ростгўй бўлсангиз, менга ушбу** (Қуръон) **дан илгари** (нозил бўлган) **бирор китобни ёки бирор илмий асарни** (ҳужжат) **ни келтиринг!**» (Аҳқоф сураси, 4-оят) сўзи ва Мужоҳиддан Аллоҳ таолонинг: «**У ўзи хоҳ-**

лаган кишиларга ҳикмат (пайғамбарлик ёки Қуръон илмини) **беради. Кимга** (мазкур) **ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Ундан фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар»** (Бақара сураси, 269-оят) ояти ривоят қилиниб, илмдан мурод ёзув деб айтилган. Араблар: «Ёзув икки тилнинг, чиройли ёзув икки фасоҳатнинг биридир», дейди. Жаъфар ибн Яҳё: «Ёзув ҳикмат дастурхонидир, у туфайли ҳикматлар ушоғи ажратилиб, сочилганлари тартибга солинади», деган. Ибн Муқаффаъ: «Тил ҳозир ва яқин билан ҳадланади, қалам шоҳиду ғойибларни ўз ифода ва баёни ила қамраб олади. У олдин ўтган ва келажакда бўладиган ва шунга ўхшаш ҳозирда бўлиб турадиган нарсаларга ҳам тегишлидир», деган. Рум донишманди: «Ёзув руҳоний ҳандасадир, агар у жисмоний асбоб (қўл) воситасида намоён бўлса ҳам», деган. Араб донишманди: «Ёзув руҳдаги асл нарсадир, агар у тана ҳиссиёти туфайли намоён бўлса ҳам», деган.

* * *

Биринчи бўлиб ёзувда ким ёзгани хусусида ихтилоф қилинган. Каъбул Ахборнинг хабар беришича, Одам алайҳиссалом энг биринчи ёзувда ёзган кишидир. У зотнинг вафотидан уч юз йил олдин китобларни лойга ёзиб, пиширилган. Набийимиз Нуҳ алайҳиссалом даврида ер юзини сув босгач, ёзув сақланиб қолди. Кейинчалик ҳар бир қавм ўз китобига эга бўлди.

Арабий ёзув Исмоил алайҳиссаломнинг пайғамбарлик давригача сақланиб, у зот уни топиб ўрганди. Ибн Кутайбанинг ҳикоя қилишича, биринчи бўлиб ёзувда ёзган киши Идрис алайҳиссаломдир. Араблар ёзувни юксак қадрлар, фойдали эканини билганларидан уни улуғ нарса деб ҳисоблардилар. Ҳатто Икрима розияллоҳу анҳу: «Бадр аҳлининг фидяси тўрт минг дирҳамга етган эди», деди. Ўша даврдаги арабларда хат-саводнинг қадри юксак, фойда ва таъсири юқори бўлгани учун хат-саводни билган кишидан уни ўргатишини фидя сифатида қабул қилинган, деган. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбари Набий алайҳиссаломга: «**Ўқи, ваҳоланки, Роббинг карамли Зотдир. У қалам билан таълим берди»,** (Алақ сураси, 5-оят)

деди. Аллоҳ таоло Ўзини карамли деб тавсифлагандек қалам билан ўргатди деб, унинг улуғ неъматлари ва улкан мўъжиза аломатларидан бири эканини билдирди. Ҳатто Ўз китобида қалам билан қасам ичиб, шундай дейди: «**Нун. Қалам билан ва улар** (фаришталар ва одамлар) **ёзадиган нарсалар билан қасам ичаман**» (Қалам сураси, 1-оят). Қалам билан ёзиладиган нарса билан қасам ичгандек қалам билан ҳам қасам ичди.

* * *

Биринчи бўлиб арабий ёзувда ким ёзгани тўғрисида ихтилоф қилинган. Каъбул Ахбор арабий ёзувда дастлаб Одам алайҳиссалом ёзганини келтириб, тўфондан кейин бу ёзувни Исмоил алайҳиссалом топиб олган, дейди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ҳикоя қилишича, арабий ёзувни биринчи бўлиб Исмоил алайҳиссалом ўз лафзи ва нутқида қўллаган. Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг келтиришича, бу ёзувдан биринчи бўлиб қадимда яшаган Абжад, Ҳавваз, Ҳутти, Каламан, Саъфаз ва Қорашат деган қавмлар фойдаланган. Улар Мадян подшоҳлари бўлишган. Ибн Кутайба «Маориф» номли китобида арабий ёзувда биринчи бўлиб ёзган киши анбор аҳлидан Муромир ибн Мурра, ёзув шу анбордан тарқалган, деб келтиради. Мадоинийнинг айтишича, араб ёзувида биринчи бўлиб Муромир ибн Мура, Аслан ибн Сидра ва Омир ибн Жадра ёзган. Муромир асосан ҳарфга шакл берган, Аслан фасл ва васлни, Омир турли белги ва ҳаракатларни қўйиб чиққан. Хат мана шу ҳолатда бўлгани учун илмни сақлашни истаган киши икки нарсадан бирига эътибор бериши керак:

Биринчиси, ҳарфларни қўйилган аслий шаклларига мослаб тўғрилаш. **Иккинчиси,** бир-бирига ўхшаган ҳарфларга нуқталар ва уларни ажратиб турадиган белгиларни қўйиш. Бу икки қоида устига ёзувни чиройли қилиш ва тартиб жиҳатидан гўзал ҳолатга келтириш ҳам қўшилиб, бу хат санъатида маҳорат ошганини билдиради. Ёзув тўғри бўлиши учун юқоридаги икки қоидадан бошқа нарса шарт эмас. Али ибн Убайда: «Ҳуснихат қўлнинг тили ва қалбнинг гўзаллигидир», деган. Абу Аббос Мубаррат: «Хунук хат одобнинг офатидир», деган. Абдул Ҳамид:

«Баён тилда, хат бармоқларда», дейди. Илм аҳлидан бири менга басралик шоирлардан бирининг шеърини айтиб берди:

Биродаринг битган хатни хунук дея айблама,
Зеҳни ўткирлиги учун бу айбини кечиргил.
Билгинки, хатни ёзишдан аслида фақат
Хат маржонларин тизиш мақсад қилинур.
Агар хат маънони очиб баён қилиб берса,
Унинг чиройи фақат шартин зиёда қилиш бўлур.

Тушунарли ёзувнинг ҳарфларини тузатиш ва шаклларига жило бериш муайян жумлага фасоҳатли сўзларни танлаш ва эъробларини тўғрилашга ўхшайди. Шунинг учун араблар: «Ҳуснихат икки фасоҳатнинг биридир», дейди. Моҳир нотиқ бўлишга қизиққан кишининг фасоҳат ва эъробга эътибор бермаслигини кечириб бўлмаганидек (агар сўзи тушунарли бўлиб, тушунтира олса ҳам), ҳуснихатда маҳорат касб этишни истаган кишининг ҳарфларни тўғрилаш ва шаклига жило беришни эътиборсиз қолдириши (агар хати тушунарли бўлса) узрли бўлмайди. Айрим ҳолларда улуғ фазилат ва шарафли хислатлардан бири – ҳуснихат туфайли киши машҳур ва таниқли кишига айланиши мумкин. Лекин уламолар бутун эътиборни фақат чиройли ёзишга қаратмайди. Чунки чиройли ёзиш аслида илмдан чалғитиб, ўзини унга бутунлай бағишлашга тўсқинлик қилади. Шунинг учун баъзан олимларнинг хати хунук бўлади. Фақат тақдир раво кўрган олимнинг хати чиройли бўлиши мумкин. Фазл ибн Саҳл: «Хати хунуклик кишининг бахтидир, чунки чиройли ёзишга кетадиган вақтини ёдлаш ва мулоҳаза қилишга сарфлайди», деди. Аслида хати хунуклик бахт эмас, балки илмдан чалғитувчининг бўлмаслиги бахтдир.

Кўпинча ҳуснихат эгаси илмни қўйиб, фақат чиройли ёзиш маҳоратини ошириш билан овора бўлиб қолади. Шу жиҳатдан қаралса, хати хунук олимни бахтли инсон деса хато бўлмайди. Агар хати хунукликни бахт деб қаралмаса ҳам. Агар ҳолат шундай бўлса, баъзан бир жумлани тушуниш ва тўғри тузилишини бузадиган сабаблар бўлганидек, ёзувда ҳам уни ўқиш ва билишдан тўсадиган сабаблар учраб туради. Хатни ўқиш ва унда ифода этилган маънони тушуниб олишга халақит берадиган саккизта сабаб бор:

Биринчиси, гап ўртасидан бирон-бир лафзни атай тушириб қолдириш. Бу билан жумланинг қолган қисми узуқ-юлуқ тус олиб, ўзини ва ундан чиқадиган маънони англаб бўлмайди. Бундай хато ё котиб, ё ўша жумла нотўғри тузилганидан юз беради. Ана шу вақтда гапда йўл қўйилган хатони англаб, ундан маъно чиқаришни фақат хуснихатда маҳорати ошиб, қаттиқ риёзат чеккан киши уддалайди. Хат-ёзувни ўқиётганда тушиб қолган ёки талафот етган қисмидан ҳошияларни ва соғ қолган қисмига қараб йўл қўйилган хатони тузатади. Айниқса, бундай хато кам бўлса. Чунки ҳар бир сўз ўзидан кейин қандай сўз келишини тақозо этади. Маънони билиш шу маъно яширинган жумлани аниқлаб беради. Бу борада тажрибаси кам кишининг гапдан маъно чиқариб олиши қийин. Айниқса, жумлада йўл қўйилган хато кўп бўлса. Чунки маънони тушуниб олишда фикрлашга ва ёзувдаги чиқариб оладиган нарсага қарашга мажбур бўлади. Агар маънони ифодалайдиган гапни тўлиқ билмаса, тушуна олмай, маънони чиқариб олиш осон эмас.

Иккинчиси, жумла ўртасига бирон сўзларни қўшиб юбориш. Бу ҳолатда ноўрин қўлланган сўздан ўз ўрнида қўлланган тўғри сўзни ажратиб ололмай, уни тўлиқ тушуниш қийинлашади. Бундай хатолик кам учраса-да, лекин котиб ўз фикрини очиқ баён этишни хоҳламаган вақтда онда-сонда рўй беради ва унинг орасига тушунишга халақит берадиган сўзни қўшиб юборилади. Бу эса махсус истилоҳ ёрдамида билиб олинадиган рамзга айланади. Сўзнинг жумла орасига хато туфайли кириб қолиши баъзан у бир ёки икки сўзда учраб, бу соҳанинг маҳорат соҳибига ҳам, ундан бошқага ҳам тушунишни қийинлаштиради.

Учинчиси, гапда келган сўз орасидан бирон ҳарфни тушириб қолдириш. Бу эса сўзни тўғри тушуниб олишга халақит қилади. Баъзан бундай хато адашиш туфайли рўй берса-да, лекин жуда кам учрайди. Баъзан аниқ ёзиб қўймаслик туфайли учраб туради. Бу ўриндаги сўз аввалги қисмдаги сўзга ўхшайди.

Тўртинчиси, гапда келган сўз орасига ҳарфларни қўшиб юбориш. Шу туфайли ҳарфлардан қайси бири тўғри эканини билиш қийин. Бу котибнинг хатоси туфайли юз берса ҳам кам

учрайди, у тўғри ҳарфларни ажратиб олишга халақит бермайди. Баъзан бу каби ҳолатлар сўзни яшириш ва махсус истилоҳни деб қилинади. Котиб бу билан мақсадини яширишни кўзлайди ва бу ҳолат кўп учрайди. Айниқса, тарожим (таржимаи ҳол) каби асарларда кўп. Бу важҳдаги сўз иккинчи важҳдаги сўзга ўхшайди.

Бешинчиси, ажратилган ҳарфларни қўшиш ва қўшилган ҳарфларни ажратиш. Бу қийинчилик туғдиради. Чунки ҳарфларни қўшиш сўзга ишора қилади. Ҳарфларни қўшмасдан ёзиш сўзнинг бошқасига қўшилишига йўл бермайди. Бу ҳолат хато туфайли юз берса ҳам кам учрайди ва маъно чиқариб олиш осон бўлади. Бу ёзишни яхши билмаслик ёки тез ёзишдан келиб чиқса, бу соҳадан хабари йўқ киши маъно чиқаришда қийиналади. Шунинг учун Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Қироатнинг ёмони тез ўқиш бўлганидек, ёзувнинг ёмони машқ (тез ёзилгани) дир», деган. Агар бу нарса мақсадни яшириш ва рамз учун қилинса, уни фақат махсус истилоҳлар ёрдамида билиб олиш мумкин.

Олтинчиси, ҳарфлар шаклини ўзгартириш ва бошқасига алмаштириш. Ҳатто котиб «ҳо» ни «бо» шаклида, «сод»ни «ро» шаклида ёзади. Бу тарожим (асарлари) рамзларида учраб, махсус истилоҳ ёки ақл-фаросати кучли кишигина маъно чиқаришга қодир бўлади.

Еттинчиси, ёзувда ҳарфларни ҳақиқий шаклида бера олмаслик ва уни шу шаклига жойлаштира олмаслик. Ҳатто ҳарфларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Масалан, қўшиб ёзиладиган «айн» ҳарфи «фо» га, ажратиб ёзиладиган «айн» «хо» га ўхшаб қолади. Бу хато ёзув хунуклиги ва қўли ёзувга яхши ўрганмаганликдан юз беради. Бундай жумладан маъно чиқариш кўп машқ ва чуқур мулоҳаза орқали ҳосил бўлади. Баъзан бундай ёзув ўқувчини бездириб, маъноларини англашда қийнайди. Шунинг учун: «Албатта ҳуснихат ҳақни янада очади», дейилган.

Саккизинчиси, ўхшаш ҳарфларни бир-биридан фарқловчи нуқта ва шаклларини қолдириб кетиш. Бунинг иши осонроқ ва ҳоли енгилроқдир. Чунки маъно чиқариш ва ёзув илмини билган кишига нуқта ва шакллар аниқ бўлмаслиги ёзув ва унинг маъносини тушунишда қийинчилик туғдиради. Балки котиблар ўзаро

ёзишмаларида нуқта ва белгиларни қўйишни хуш кўришмай, ҳатто нуқта ва белгиларни қўйишни котибнинг камчилиги ёки мактуб жўнатиладиган кишининг фаҳм-фаросати ҳаминқадар деб ўйлашдан келиб чиқади. Котиблар нуқта ва шаклларни қўйишни унчалик ёқтирмаслиги бошлиқларнинг ўзаро ёзишмаларида учрайди.

Қудома ибн Жаъфар ҳикоя қиладики, девон котибларидан бири иш бошқарувчидан ҳисоб беришни талаб қилди. Иш бошқарувчи унинг устидан Убайдуллоҳ ибн Сулаймонга шикоят қилиб, ёзган хатида даъвоси тўғрилиги ва шикояти аниқлигига ҳужжат келтирди. Убайдуллоҳ ибн Сулаймон унинг шикоятини «Ҳаза, ҳаза», яъни бу, бу, деб тасдиқлади. Иш бошқарувчи хатни ўқиб кўриб, ўзича Убайдуллоҳ бу сўзи билан даъвоси тўғри ва гапи ростлигини тасдиқлаб, шикоятини эътиборга олди, деб ўйлади ва унинг сўзига ишонди. Бир нарсани тўғри деб тасдиқлашда «шундоқ, шундоқ», дейилганидек. У хатни дарҳол девон котибига олиб борди ва хатни кўрсатиб: «Убайдуллоҳ сўзимни тасдиқлади ва мен айтган гапларни тўғри деб топди», деди. Котиб тушунмади ва уни девон котиблари олдига жўнатди. Улар ҳам Убайдуллоҳ нима демоқчилигини тушунишмади. Ниҳоят, мақсадини аниқлаш учун хатни ўзига қайтаришди. Убайдуллоҳ «ҳаза, ҳаза» деб иккинчи сўзга ташдид қўйиб, тагига мақсадини котиблар тушунмагани, ҳатто шаклни аниқ билдириш кераклигини катта камчилик ҳисоблаб, Аллоҳ ёрдам сўраладиган Зотдир, деб ёзиб қўйди.

Шунинг учун котиблар мактубларда ҳарфлар устига нуқта ва ҳаракатларни қўйиб ёзишни унчалик хуш кўрмайдилар. Аммо ўзаро ёзишмалардан бошқа илмларда ҳарфлар устига нуқта ва ҳаракатларни қўйиб ёзиш айб ҳисобланмайди, балки яхши деб маъқулланади. Ўрганишдан мақсад лафзларнинг сийға ва махраж ҳолатларини билишга эътибор берадиган наҳв, луғат, шеър ва ғариб соҳасига ўхшаш адабий китобларда буни яхши ҳисоблаганлар. Чунки уларни ўрганишда шакл ва ҳаракатларни қўйишга эҳтиёж катта. Бундан бошқа илмларда камроқ. Суфён Саврий деди: «Ёзувга қўйилган белгилар худди йўлни кўрсатувчи белгиларга ўхшайди». Улуғлардан бири: «Ёзувда ҳарфлар устига ҳаракат қўйиш тушунишни енгиллаштириб, сўзни нотўғри

ёзиб қўйишдан сақлайди», дейди. Адиблардан бири: «Баъзан бир илмнинг фасллари аниқ бўлмаса, унинг маҳсули ҳам тушунарсиз бўлади», деган.

Агар илмий китобларда яхши деб қаралса ҳам, котиблар ўз мактубларида ҳаракат, нукта ва шакл қўйишни маъқул кўришмаганидек. Худди бу каби ҳолатлар бўлиши илмий китобларда айб деб қаралса ҳам, ўзаро ёзишмаларда хат машқини фазилат деб қаралган. Бунинг сабаб шуки, котиблар хат битиш санъатида ўзига ортиқча ишонганидан ишора билан кифояланиб, талвиҳ (имо-ишора) билан чекланганлар. Шунинг учун баён қилиш шартларини тўлиқ келтиришни айб-нуқсон деб караганлар. Ана шу ҳолатни деб ўзлари ишонган бу фазилатни деб сиёҳнинг қоралигини чиройли аломат, фазилат ва хосланиб туришга далил деб билганлар. Ҳикоя қилинишича, Убайдуллоҳ ибн Сулаймон кийимига сариқлик текканини кўрганида сиёҳ билан устидан бўяб: «Сиёҳранг биз учун заъфарондан яхшироқ», дея шеър айтди:

Албатта заъфарон келинчаклар атридир,
Сиёҳдон ранги эса эркаклар атри эрур.

Хоҳ лафзда, хоҳ ёзувда бўлсин, ана шулар жумла ва унинг маъноларини тушунишда халақит берадиган сабабларни билиб олишга етарлидир. Аллоҳ тавфиқ Эгасидир.

***

Илм олувчи илмга осон эришиш учун маънони тушунишга халақит берадиган сабабларни билиб олиши керак. Шундан кейин у ўз нафсини бошқариб, илм ўрганиш вақтида уни жиловлай олади. Чунки нафсда хатога йўл қўйишга олиб борадиган нуфур (кочиш) бор, исрофга бошлайдиган кўпайтириш бор. Нафсни бошқариш жуда қийин. Бунинг уч йўли бор: мўътадил ва инсоф ҳолати, ҳаддан ошиш ва исроф ҳолати, тақсир (хатога йўл қўйиш) ва зиён ҳолати.

Мўътадил ва инсоф ҳолатида нафс куввати икки қарамақарши томондан фойдаланади: ёрдам берувчи итоат ва тиювчи шафқатдир. Нафс тоати хатодан тўсса, шафқати исрофдан қайтаради. Булар ҳолатлар ичида энг мактовлисидир. Чунки хато-

дан тўсувчи нарса ўсувчидир ва исрофни тўсувчи нарса давом этувчидир. Агар ўсиш давом этиб турса, нафснинг комил бўлиши қандай ҳам яхши! Донишмандлардан бири деди: «Сен мўътадил (ўртача бўлиш) дан ажралишдан сақлан. Чунки ҳаддан ошувчи ҳаддан чиқишда нуқсонга йўл қўювчига ўхшайди».

Энди ҳаддан ошиш ва исроф ҳолатида нафс фақат тоат қуввати билан хосланиб, унда шафқат қуввати бўлмаслигидир. Тоатнинг хосланиши нафсни тўлиқ қувват сарфлашга мажбурлайди ва у нафсда заифликни келтириб чиқаради. Кейин бу заифлик бутунлай тарк этиш билан бепарволикка олиб боради. Шундай экан, бу зиёдалик нуқсонга ва фойда эса зарарга айланади. Донишмандлар: «Илм олувчи ва яхшилик қилувчи таом сювчига ўхшайди, агар уни меъёридан оширмаса, ўзини ҳалокатдан сақлайди, агар меъёридан оширса, ўзини бўктиради ва баъзан ўлимига сабаб бўлади. Шунга ўхшаш меъёрида ичилган дори беморга шифо бўлади, меъёрида ичилмаса, беморни бевақт ўлдирадиган заҳарга айланади», дейишган.

Нафснинг нуқсон етказиш ва зарар бериш ҳолати у ўзига раҳм қилиш қуввати билан чекланиб, тоат қувватини йўқотади. Раҳм-шафқат нафсни маъсиятга ундайди ва маъсият уни ижобатдан тўсади. Шундай экан, нафс илм олишни хоҳламайди, ўзига фойдали нарсани қабул қилмайди ва ўзига берилганини муҳофаза қилмайди. Кимки илм талаб қилмаса, фойдани қабул қилмаса ва ўзига берилганини сақламаса, мавжуд нарсани йўқотиб, йўқолганини топмайди. Ким мавжуд нарсани йўқотса, у мусибатга учраган ҳазиндир, ким йўқотган нарсани тополмаса, у зиёнга учраган ғамгиндир. Донишмандлардан бири деди: «Ожизлик сусткашлик, йўқотиш бепарволик билан биргадир».

Баъзан нафсда мана шу уч ҳолатга муштарак яна икки ҳолат бўлиб, икки қувватдан бирининг бошқасидан устун бўлиши билан боғлиқ. Нафсда тоат ва шафқат бўлиб, бири иккинчисидан кучлироқ. Агар тоат кучли бўлса, нафсда ҳаддан ошишга майл пайдо бўлади. Агар раҳм-шафқат кучли бўлса, нуқсонга яқин туради. Қачонки, киши ўз нафсининг тоат даражасини билса, раҳм-шафқат даражасидан аниқ хабардор бўлса, энг яхши ҳолатда бў-

лиши учун уни чиниқтиради. Фараздақ ўз сўзида таърифланган нафс ҳолатига шундай ишора қилади:

Ҳар бир кишида икки нафс бор:
Киши итоат этадиган олижаноб нафс,
Яна бири итоат этмайдиган нафс.
Сенинг нафсинг шу икки нафсдан иборат,
Нафсинг сахийликни ёқтирар,
Қачонки кам бўлса ёрдамчиси бетарафлардан.

Агар инсон ўз нафсини бошқаришга етарли эътибор бермаса ва риёзатини диққатдан қочирса, қўполлик билан тутиш ва зулм билан қаҳр қилишни хоҳласа, нафс ғазабланиб қочади, қайсарлиги тутади ва итоатдан бўйин товлаб, маъсиятдан тийилмайди. Собиқ Баририй айтади:

Қайсарни (бир нарсадан) ман қилсанг,
Унинг қайсарлиги ошади аниқ.
Унинг нафси қайсарликда давом этар.
Агар унинг нафси бош тортса, сен унга
Мулойимлик билан мурожаат қил.
Чунки уни мулойимлик эгиб олар.

Агар кишига нафсни бўйсундириш оғир бўлса, бошқариш ва уни йўлга солиш қийинчилигида қалби чўчишда давом этса, уни ўз ҳолига қўйгандан кейин тарбияни қайтадан бошлайди. Чунки шундай қилинса, осон бўйсуниб, нафс итоатга қайтади. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ривоят қилинади: «Албатта қалб ўлади ва тирилади. Агар бир оз вақтдан кейин бўлса ҳам». Ибн Масъуд айтади: «Қалбда қизиқиш, олдинга интилиш, бўшашиш ва ортга чекиниш мавжуд. Унга қизиқтирган томонидан бориб, бўшашиш томонидан ёндашманглар», дейди. Шоир айтади:

Инсонни унс учунгина инсон дейилган,
Қалбни эса ўзгариб тургани учун.

Илм олувчига лозим бўлган, хоҳлаган киши тўлиқ тавфиққа эришишига ёрдам берадиган ва эътибор бериш керак бўлган шартлар тўққизтадир:

Биринчиси, ишларнинг моҳиятига етказадиган ақл.

Иккинчиси, илмларнинг ноаниқ ва мубҳам ҳолатларини англатадиган фаросат.

Учинчиси, тасаввур қилиб, ёдлаганини ва ўрганганини тушунтирадиган зийраклик.

Тўртинчиси, илм олувчи давом этадиган ва малол олмайдиган қизиқиш.

Бешинчиси, илм олувчи кифоя озуқага қаноат қилиши.

Олтинчиси, илм олувчида тўлиқ олиш мумкин бўлган ва илмни кўпайтирадиган бўш вақт.

Еттинчиси, илм олишдан чалғитадиган ғам-ташвиш ва касаллик каби тўсиқлар бўлмаслиги.

Саккизинчиси, кўп илм олишда юксак даражага етиб бориши учун узоқ умр ва узун муддат бўлиши.

Тўққизинчиси, илмини хотиржам ўргатадиган олимни топиш. Агар мана шу тўққиз шарт тўлиқ топилса, у энг бахтли ва энг омадли илм олувчидир. Искандар: «Илм олувчига тўрт нарса керак. Вақт, жилду жаҳд, туғма қобилият ва қизиқиш. Буларнинг барчаси насиҳатгўй устоз билан тўлиқ бўлади», деди.

ИЛМ ОЛУВЧИЛАР ОДОБИ

Энди илм олувчи риоя этадиган одоблар ва олим кишига лозим бўлган бир қанча хислатларни айтиб ўтмоқчиман. Билгинки, илм олиш вақтида илм олувчида (устозга) хушомад ва унинг ҳузурида ўзини хор тутиш бўлиши керак. Агар шу икки хислатни ўзида шакллантирса, максадга эришади, агар тарк этса, илмдан бенасиб қолади. Чунки илм берастган олимга хушомад яширин илмини юзага чиқаради ва ўзини хор тутиш эса унинг сабр-тоқат билан илм беришига сабаб бўлади. Яширин илмни юзага чиқариш туфайли ўзига фойда олса, сабр-тоқат билан илм беришдан илмига илм қўшилади. Муоз розияллоҳу анҳу ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Хушомад мўминнинг хулқларидан эмас, лекин илм олишда хушомад жоиз», дедилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Илм олиш йўлида хорландим, сўнг матлуб (изланган олим) бўлиб азизликка эришдим», деди. Донишмандлардан бири: «Ким илм олиш хорлигига озгина сабр қилмаса, жоҳиллик хорлигида абадий қолади», деди. Форс донишмандларидан бири: «Ёшлигингда ўзинг яхши кўрган жойга ўтирсанг, улгайганингда яхши кўрмаган жойга ўтирасан», деди.

Яна илм олувчи олим илмининг фазлини билсин ва қилган яхшиликларига раҳмат айтсин. Чунки Оиша онамиз Расулуллоҳ алайҳиссаломдан: «Ким олимни улуғласа, батаҳқиқ, Роббисини улуғлабди» деган ҳадисни ривоят қилган. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Илм аҳлининг фазлини фақат фазл эгаларигина билади», деди. Шоирлардан бири деди:

Муаллим ҳам, табиб ҳам иккиси
Ҳурмат қилинмаса, насиҳат қилмас.
Табибни ҳурмат қилмасанг, касалингга сабр қил,
Муаллимга жафо қилсанг, нодонликка сабр қил.

Агар илм берувчи олим унча таниқли бўлмай, илм олувчининг мартабаси баланд бўлса ҳам, бу ҳолат уни ҳурмат қилишдан тўсмасин. Чунки олим кишилар на куч-қудрат, на моли билан эмас, эришган илмлари туфайли ҳурмат-эҳтиром қозонди-

лар. Адиблардан бири менга Абу Бакр ибн Дурайднинг мана бу шеърини айтиб берди:

Олимни таҳқирлама, кийимлари жулдур деб,
Балки сен унга одоб назари билан қарагин.
Мушк аттор ва ёргучоқ тошда эзилгай,
Тезда у подшоҳнинг икки чаккаси
Ва тожида хушбўйлик таратиб турар.

Яна илм олувчи яхши феъл-атвор ва хуш хулқли олимларга эргашиб, барча ишларида улфатига айлансин, хулқларидан ибрат олган ҳолда камол топиш ва унга зид ишларни қилишдан четланиш учун уларга ўхшашга ҳаракат қилсин. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ёпларингизнинг яхшилари ўзларини кексаларга ўхшатганлари, кексаларингизнинг ёмонлари ўзларини ёпларга ўхшатганларидир», дедилар. Ибн Умар розияллоҳу анҳумо Набий алайҳиссаломнинг: «Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, улардандир», деганларини ривоят қилиб келтиради. Адиблардан бири менга Абу Бакр ибн Дурайднинг шеърини айтиб берди:

Ақлли олим ҳеч кимнинг фарзанди эмас,
Илми уни ўз жинсидан беҳожат қилур.
Кимнинг ўғли бўлсанг ҳам, одобли бўлгил,
Киши зийраклиги билан фазилат топур.
Сен ўзидан бошқаси учун ҳурмат қилган киши
Айнан ўзи учун ҳурмат қиладиган кишидек бўлмас.

Агар ўзига яқин олиб, яхши кўрса ҳам, илм олувчи илм берадиган кишига ҳазил-ҳузул қилиш ва олдин суҳбатдош бўлса ҳам, ҳузурида ўзини бемалол тутишдан эҳтиёт бўлсин. Бир донишманддан: «Энг хорланган инсон ким?» деб сўралди. У: «Жоҳил ўз ҳукмини ўтказган олим», деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом билан асир тушган бир жория гаплашди. У зот ундан кимлигини сўраганларида: «Сахий Ҳотамтойнинг қизиман», деди. Шунда у зот: «Хорликка учраган қавм азизи (бошлиғи) га раҳм қилинглар, фақир бўлиб колган бойга раҳм қилинглар ва жоҳиллар ичида зоб (эрмак) бўлган олимга раҳм қилинглар», дедилар.

Илм олувчи олган илми етарли бўлганини ва беҳожатлигини олимга билдирмасин. Чунки бу нарсада олимнинг қилган яхшилигини тан олмаслик ва унинг ҳақини унутиш мавжуд. Баъзан айрим илм олувчилар зеҳни ўткир ва хотираси яхшилигидан кибр-ҳаво қилиб, илм берган кишини ранжитади, ҳар хил айблар тақиб, унга малол келтирган ҳолда устидан кулишга ҳаракат қилади. Бундай киши худди Абу Бадҳонинг машҳур масалидаги кишига ўхшайди:

Мен унга ҳар куни ўқ отишни ўргатдим,
Билаги кучга тўлгач, у ўзимга отди ўқ.

Ўзлари илм бериб, пешқадамликка олиб чиққанлар наздида жоҳил ва хор ҳисобланишлари олимлар йўлиққан мусибат ва ҳақлари поймол этилишидир. Солиҳ ибн Абдул Қуддус айтди:

Жоҳилга таълим беришинг бир машаққат,
У жоҳил ҳолида сендан ўзни олим ҳисоблар.
Қайси кун қурган иморатинг охирига етса,
Агар сен тиклаган бўлсанг, бошқаси уни бузар.
Қачон ёмонлик қилган киши ундан тийилган,
Агар шу қилиғини деб афсус-надомат қилмаса.

Кўп донишмандлар олим киши ҳақини ота ҳақидан устун кўйиб, ҳатто баъзи бирлари шундай деди:

Эй ўтганлар билан фахрланувчи ақли йўқ киши,
Олийлик ва шарафни тарк этувчи нодон киши,
Оталар дунёга келишимизга сабабдир бешак,
Чунки биз бало-уқубатга рўбарў қилиндик.
Ким илми йўқларга илм берса, отанинг яхшиси бил,
У руҳнинг отасидир, бир томчи нутфанинг эмас.

Аммо илм олувчи ҳар доим устоз ҳақини яхши билиши, ундан шубҳа қилмаслиги ва малол келтирмаслиги устозидан олаётган илмга кўр-кўрона тақлид қилишига сабаб бўлмаслиги керак. Баъзан айрим шогирдлар ўз устозига ортиқча баҳо бериб, ҳатто сўзлари далил бўлишга ярамаса ҳам, уни далил қилиб оладилар, агар фикрлари ҳужжатга ярамаса ҳам, уни

ҳужжат деб биладилар. Бундай кайсарлик устозидан олади-ган ҳукмга ўзини кўр-кўрона топшириб қўйишдир. Бу эса ол-ган илми старли бўлмаганини билдиради. Чунки у ҳужжатни кимдан олса, ўшанинг ҳукмига биноан йўл тутади. Бундай йўл тутиш олган илмида устозига ўзини тўлиқ топширишга олиб боради ва устозидан содир бўлган ишда хато қилишни юзага келтиради. Чунки у кимдан илм олса, унинг ижтиҳодига қараб ижтиҳод қилади. Агар бу сўз ёлғиз бўлса ҳам, ботил бўлиш ёки унинг уламолар сафидан чиқиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки ўзи илм оладиган устозини бошқалар илм оладиган устозчалик кўрмайди. Шундай экан, хато айтган ҳукмига ҳужжат-далил талаб қилинса, уни келтира олмайдилар, унга ёрдам беришга кучлари етмайди. Натижада вақтлари зое кетиб, ўзлари даъво қил-ган нарсани исботлай олмай ожиз-нотавон бўлиб қоладилар.

Кўпчилик тўпланган мажлисда баҳс-мунозара қиладиган бу тоифага мансуб бир кишига қарши рақиби саҳих ҳужжат-далил келтирди. Унинг жавоби бор-йўғи шундай дейиш бўлди: «Бу далил тўғри эмас. Унинг тўғри эмаслигига сабаб шуки, устозим бундай деб айтмаган, устозим айтмаганида яхшилик йўқ». Ҳуж-жат-далил келтирувчи ҳайрон бўлиб, дарҳол баҳс-мунозарани тўхтатди. Чунки унинг устози обрў-эътиборга эга таниқли киши эди. Мажлисда мана шу жоҳил фикрлагандек фикрлайдиган тои-фа ҳам бор эди. Сўнгра ҳужжат-далил келтирувчи менга юзланиб шундай деди: «Аллоҳга қасамки, жоҳиллиги билан менинг оғзим-ни очирмай қўйди. Бу жаҳолатга ҳали мубтало бўлмаган бошқа одамлар на кулишни, на йиғлашни билмасдилар. Аллоҳдан паноҳ сўрайдилар. Жоҳилликка ғулу кетган ва ақли камлигига далолат қиладиган мана шунақа олимни кўрганмисиз?».

Агар илм олувчини қайсарлик танбеҳ берувчилар эътирозига дучор қилмаслиги ва ғулу кетиш кўр-кўрона тақлидга ундамаслиги учун устози ва илм ўрганаётган киши ҳақида мўътадил фикр ва ўртача эътиқодда бўлса, икки мазаммат, яъни кайсарлик ва кўр-кўрона тақлиддан қутулади ва олим киши ҳам ҳар иккисидан саломат бўлади. Ноаниқ ва чигал нарса хусусида кўп савол бериш қайсар-лик эмас ва аслида тўғри бўлган нарсани қабул қилиш тақлид эмас.

Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илм хазинадир. Унинг калити саволдир. Аллоҳ сизларга раҳм қилсин, сўранглар, албатта, илмда уч кишига ажр берилади: айтувчи, эшитувчи ва олувчи», дедилар. Яна Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Агар билмасалар сўрамайдиларми? Билимсизлик шифоси саволдир», деб марҳамат қилдилар. У зот сўрашга буюриб, унга тарғиб қилдилар. Яна бир ҳолатда бошқаларни савол беришдан қайтариб, шундай дедилар: «Мен сизларни қийлу қол, кўп савол бериш ва молни исроф қилишдан қайтараман».

Яна: «Кўп сўрашдан сақланинглар, чунки сизлардан олдингилар кўп савол бериш туфайли ҳалок бўлдилар», дедилар. Кейинги келтирилган ҳадислар олдингисига зид эмас. Чунки у зот билмаган нарсани билмоқчи бўлган кишини сўрашга буюриб, эшитганига амал қилиш ниятида йўқ кишини сўрашдан қайтардилар. Агар савол ўринли ва жоиз бўлса, шак-шубҳани кетказади. Ибн Аббос розияллоҳу анҳуга: «Бунча илмга қандай эришдингиз?», дейилганда у зот: «Сўровчи тил ва ақлли калб билан», деган. Ибн Умардан Нофеъ келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Чиройли савол илмнинг ярмидир», дедилар. Мубаррад Абу Сулаймон ал Ғанавийдан шеър айтиб берди:

Фақиҳдан сўра, сен ҳам ўшандек бўласан,
Тадаббурсиз илмда яхшилик йўқдир.
Ишлар оғир бўлса, уларни кечиктир,
Ўзингга осон ва енгил ишни лозим тут.

Илм олувчи ўз талабини қондирадиган ва дарс беришга лаёқатли машҳур кишидан керакли илмни олсин. Аммо мартабаси улуғ олимлардан илм олганидан шуҳрат ва мақтов қозониш пайида бўлмасин. Агар бошқаларига қараганда фойдали бўлса бошқа ган. Лекин икки манфаат баробар келса, машҳур ва таниқли кишидан илм олиш яхшироқдир. Чунки машҳур кишига ўхшашга интилиш чиройлироқ, ундан илм олиш шуҳратлироқдир. Шоир айтди:

Ғарчи илминг сенга машҳурлик ато этмаса,
Балки, илмингни оладиганни топмайсан.

Кўтариб юрган илминг сени (гуноҳлардан) сақласа,
Илмингни олувчи ва теручи олдингга келар.

Агар оладиган илм яқинингда бўлса, узоқда турганини кўзлама. Агар сенга бир жиҳатдан енгил бўлса, илмни оғир бўлган томонидан излама. Агар сенга илмли деб мақталган бўлса ҳам, яхши билмаган кишидан илм олишни ўйлама. Яқиндан узоққа ўтиш машаққат ва қийинини деб осонидан воз кечиш балодир. Синалгандан бошқасига кўчишда хатар бор. Али Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Ахмоқнинг оқибати зарардир, ўзбошимча иш тутган кишидаги хурсандчилик узоққа бормайди», деган. Донишмандлардан бири деди: «Тўғри йўл тутиш ўз билганича иш қилишдан осон ва бир нарсадан тийилиш такаллуфга ўрин қолдирмайди».

Баъзан нафс ўз яқинидаги кишини писанд этмаганидан узоқдаги кишининг ҳузурига илм олишга боришга буюради. Ўзига енгил нарсани хақир санаганидан қийин нарсани талаб қилади, синалган кишини писанд қилмай, синалмаган кишининг ҳузурига қатнайди. Натижада на мақсадига эришади ва на бирон фойда кўради. Араблар ўз масалларида: «Олим киши Каъбага ўхшайди, унга узоқдагилар келади, лекин яқиндагилар қизиқмайди», деган. Устозлардан бири менга Маҳс ибн Хотимнинг шеърини айтиб берди:

Кўрсанг бир олимнинг қавмга меҳмон бўлганин,
Кўрурсан унинг энг ёмон жойга тушганин.
Саломатлик ва сиҳатни топган инсон кам бўлур,
Соғлик ва сиҳат узоқда бўлса ҳам, нафслар талпинар.
Мана азиз Маккага – Байтуллоҳнинг ҳажига
Йўл олишар узоқдан инсу жинлар баробар,
Лек яқин бўлганидан Макка аҳли унга қизиқмас.

ОЛИМЛАР ХУЛҚИ

Илм берувчи олим кишиларга лойиқ ва лозим бўлган хулқлар тавозеъ ва ужб **(ички кибр-ҳаво, манманлик, ўз-ўзига мафтун бўлиш. – тарж.)** дан сақланиш керак. Чунки тавозеъ раҳм-шафқатни, ужб нафратни қўзғайди. Бир кишида ужб бўлиши ёмон, олимларда бўлиши янада ёмон. Чунки инсонлар олимлардан ибрат олиб, уларга эргашади. Кўпинча олим кишида илм фазилати кўзга ташланиб турганидан унинг хулқига ужб аралашади. Агар улар ҳақиқий назар солиб, билганига амал қилсалар, албатта тавозеъ авло ва ужбдан сақланиш тўғри эканини кўрардилар. Чунки ужб фазилатдан маҳрум этадиган иллатдир. Айниқса, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг: «Олов ўтинни еганидек, ужб яхшиликларни ейди», деган ҳадисларига биноан олимлар эришган илм фазилати уларга етган ужб билан баробар эмас. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Озгина илм ибодатнинг кўпидан яхшироқдир», дедилар.

Агар Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қилса, кишига олган илми кифоя этади ва агар ўз раъй-фикри билан кибр-ҳавога берилса, унга жоҳиллиги кифоя этади. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Илм олинглар, илм учун сакинат ва хилмни ўрганинглар. Сизларга ҳам тавозеъ кўрсатиш учун илм олаётган кишига тавозеъли бўлинглар. Илм беришда қўпол ва кўрс бўлманглар. Илмга жоҳиллик билан эришиб бўлмайди», деди. Салафлардан бири айтади: «Ким олган илми туфайли кибр-ҳаво қилиб, ўзини баланд тутса, Аллоҳ уни пасайтириб қўяди. Ким олган илми туфайли тавозеъли бўлса, Аллоҳ уни кўтариб қўяди». Олимларнинг ужбга берилиш сабаби шуки, ўзидан пастда жоҳиллар кўплигини кўрса ҳам, ўзидан юқоридаги олимларни кўрмаслигидир. Чунки илмнинг интиҳоси йўқ, агар интиҳоси бўлганида албатта олим киши ўзидан олимроқ киши борлигини кўрарди. Илмни тўлиғича эгаллаб олишнинг иложи йўқ». Аллоҳ таоло: «**Ўзимиз хоҳлаган кишиларни даражаларга кўтарамиз** (яъни илмда), **ҳар бир илм эгасидан юқорида илмлироқ бор**», (Юсуф сураси, 76-оят) дейди. Яъни, илмда.

Таъвил аҳли айтади: «Яъни, ҳар бир илмли кишидан юқорида яна бир илмли бор. Ҳатто бу Аллоҳ таолога қадар давом этади». Донишмандлардан бирига: «Ким ҳамма илмларни билади?», дейилганда, «Ҳамма», деб жавоб берди. Шаъбий: «Ўзимга ўхшашини кўрмадим. Агар ўзимдан олимроқ кишини учратишни хоҳласам, албатта уни учратардим», дер эди. Шаъбий розияллоҳу анҳу буни ўзини афзал кўриш маъносида айтмади, чунки шу маънода айтганида шаънига лойиқ сўз бўлмасди. Балки илмни тўлиғича эгаллаб бўлмас даражада улуғлигини билдириш учун айтди.

Илмли киши олган илми туфайли ўзида пайдо бўлган ужбдан қутулиш учун нафсига қараши лозим. «Мансур-ул ҳикам» да: «Агар билсанг, ўзингдан пастда турган жоҳиллар кўплигини ўйлама. Яхшиси, ўзингдан юқорида турган олимларга қара», дейилган. Менга Ибн Умайднинг шеъри ўқиб берилди:

Ким дунё ва охирати учун фойдали яхши ҳаёт истаса.
Одобда ўзидан тепага, мол-дунёда пастга қарасин.

Одатда илм туфайли кибр-ҳавога берилиб, эришган ютуғи туфайли фахр-ифтихор қилувчининг илми озлиги ва ноқислигини кўрасан. Чунки у ўз қадрини билмайди ва илм олишни бошлаб, олган озгина илми туфайли ғурурланади ва кўп нарсага эришдим, деб ўйлайди. Аммо анча вақт илм билан машғул бўлса, тубига етиб бориш қийинлиги ва охиригача эгаллашдан ожизлигини ҳис этади. Фақат ана шундай хулосага келган кишигина олган илмини деб кибр-ҳаво қилмайди. Шаъбий айтади: «Илм уч қаричдан иборат. Ким бир қаричга етса, бурни кўтарилиб, илмга етдим, деб ўйлайди. Ким иккинчи қаричга етса, нафси кичрайиб, унга етмаганини тушунади. Аммо учинчи қаричга ҳайҳот, ҳеч ким ҳеч қачон етолмайди».

Яна айни ўз ҳаётимда кўрган бир воқеани сизларга айтиб берсам. Савдо-сотиқ масалалари ҳақида бир китоб таснф қилиб, илложим етганича шу мавзуга оид масалаларни тўплашга кўп вақтим кетиб, анча қийналдим. Ниҳоят, ёзган китобим сайқалланиб, охирги нуқтани қўйдим. Шу ишимдан бироз ғурурланиб, ичимда фиқҳ илмини бошқалардан яхшироқ биламан,

деб ўйладим. Бир куни мажлисда ўтирсам, икки аъробий келиб, мендан саҳрода олди-сотти битими тузадиган тўртта масалани ичига олган савдо шартларини сўради. Тап олиб айтаманки, бирорта саволга жавоб бера олмадим. Хижолатдан бошимни эгиб, ерга қараб қолдим. Аъробийдан бири: «Ахир сен бу қавмнинг олими бўлсанг, наҳотки биз сўраган оддий саволларга жавоб бера олмасанг», дейишди. «Ҳа, шундай», дедим. «Аттанг, аттанг», деди иккови чиқиб кета туриб. Мендан тайинли жавобни ололмай, илмда кўп шогирдларимдан ҳам оркада юрадиган бир кишининг олдига бориб, шу масалаларни сўрашганда у тўлиқ жавоб беради. Иккови жавобдан рози бўлиб, илмига таҳсин айтиб қайтиб кетишади. Шунда мен саросимага тушиб қийналдим. Бундан ўзимга етарли панд-насиҳат ва сабоқ олдим. Шу икки аъробий туфайли нафсим жилови бўшашди, кибр қаноти пасайди. Яхши бажарган амали туфайли ужбни тарк этган кишн яхши бажармаган амални деб такаллуфни таплаши шарт. Одамлар бу иккисидан қайтарилган ва Аллоҳ таолодан иккисини деб балоланишдан паноҳ сўрашади.

Буни Жоҳиз ўзининг «Китоб-ул баён» китобида очиқроқ келтириб, Аллоҳ таолодан паноҳ сўраб айтган сўзидир: «Эй Аллоҳим, Сендан амал фитнасидан паноҳ сўрагандек, сўз фитнасидан ҳам паноҳ сўраймиз. Яхши адо этилган амални деб ужбдан паноҳ сўрагандек, яхши адо этолмаган амални деб такаллуфдан ҳам паноҳ сўраймиз. Дудуқлик ва ҳасар (тил тутилиши) дан паноҳ сўрагандек, тил аччиқлиги ва вайсақилик ёмонлигидан ҳам Сендан паноҳ сўраймиз».

Биз ҳам у паноҳ сўрагандек Аллоҳ таолодан паноҳ сўраймиз. Яхши бажармаган ишни деб ўзини қийнаган кишининг мўлжали ва тўхтайдиган чегараси йўқ. Кимнинг такаллуфи ҳаддан ошса, у адашиш ва адаштиришга мубтало бўлибди. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Кимдан сўралса, билмай туриб фатво берса, адашибди ва адаштирибди», деб марҳамат қилдилар. Донишмандлардан бири: «Билмаганингни биладиган кишидек сўзламаслигинг илм, тушунмаганингни тушунгандек сўзлашинг калтафаҳмликдир», деди. Ибн Зайд қандай ҳам чиройли айтибди:

Қачон илмим охирига етса, уни деб ҳаддан ошибман,
Гойиб кишидан менга унинг иши хабар етказар,
Киши яширган нарса ҳақида унинг иши хабар берур.

Агар илмни тўлиғича эгаллаб бўлмас экан, ундан бир қисмини билмаслик уят ҳисобланмайди. Агар бир қисмини билмаслик уят бўлмаса, билмаганини «билмайман», дейиш ҳам ёмон деб қаралмайди. Ривоятга кўра, бир киши: «Ё Расулуллоҳ, қайси жойлар яхши-ю, қайси жойлар ёмон?», деб сўради. У зот: «Жаброилдан сўрамагунча билмайман», дедилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Биронтангиздан билмаган нарсаси ҳақида сўралса, «Аллоҳ билгувчидир», дейиши қалбга қандаям роҳат», деди. Дарҳақиқат, билмаганидан билгани камлигини билган киши олимдир. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Агар олим «билмайман», деган сўзни тарк қилса, ҳалок бўлибди», дедилар. Олимлардан бири: «Ким «билмайман», деган сўзни тарк этса, ҳалок бўлибди», деди. Донишмандлардан бири: «Менинг ортиқча илмим йўқ, фақатгина билмаслигимни билишим бор, холос», деди. Улуғлардан бири: «Ким «билмайман» деса, унга билдирилади ва билади. Ким билмаганини «биламан», деб даъво қилса, ўз ҳолига ташлаб қўйилади ва ҳалок бўлади», деди.

Агар фозил олимлар табақасида бўлса ҳам, такаллуф (сохталик) дан қутулиш учун киши ўзида йўқ илмни ўрганишдан уялмаслиги керак. Ийсо алайҳиссалом: «Эй илм соҳиби! Билмаганингни ўрган, билганингни жоҳилларга ўргат», деганлар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Беш нарсани мендан олинглар. Агар кема (узоқ сафар) га чиксангиз ҳам, мендан олган нарсани бошқа жойдан топа олмайсизлар. Огоҳ бўлингларки, биронтангиз Роббисини қўйиб, бошқасидан умид қилмасин. Фақат гуноҳидан қўрқсин. Олим киши ўзида бўлмаган илмни ўрганишдан уялмасин. Агар кимдан билмагани ҳақида сўралса, «билмайман», десин. Сабрнинг имондаги мақоми бошнинг танадаги мақомига ўхшайди», деди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Агар илмдан қониқиш мумкин бўлганда, Мусо алайҳиссалом илмдан қониқардилар. У киши Хизр алайҳиссаломга: «**Сизга ўргатилган яхшиликни менга ҳам ўргатишингиз учун сизга эргашсам майлими?**» (Каҳф сураси, 66-оят) деган эдилар.

Халил ибн Аҳмаддан бунча илмга қандай эришганини сўралганда: «Қачон бир олимни учратиб қолсам, илмини олиб, унга ҳадя берар эдим», деди. Бузургмеҳр айтади: «Илмдан бирор нарсани ҳақир санамаслигинг илмдир ва ҳамма илмларни фазилатли деб билишинг ҳам илмдир». Мансур розияллоҳу анҳу Шарк розияллоҳу анҳудан: «Бунча илмни қаердан олдинг?», деб сўраганда: «Оз бўлса ҳам фойда берадиган илмдан юз ўгирмадим, бировга нафи тегадиган илмимни қизғанмадим», деди.

Албатта илм ҳали ўрганилмаганини ўрганишни ва ўрганганларини такрорлаб туришни тақозо этади: Илмга қизиққан киши қанча илм олган бўлса ҳам унга тўймайди. Ави ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Икки очкўз сира тўймайди: илм олувчи ва дунё талаб қилувчи. Аммо илм олувчи Раҳмоннинг розилиги деб қурбни зиёда этади», деди ва сўнгра: «**Фақатгина Аллоҳдан бандалари ичида олимларгина қўрқади»,** деган оятни ўқиди. (Фотир сураси, 28-оят) Аммо дунё талаб қилувчи тугёнга кетади, дея: «**Дарҳақиқат, инсон *ҳаддидан ошар* (бунга) *сабаб ўзини бой-беҳожат санашидир»***, деган оятни ўқиди (Алақ сураси, 6-7-оятлар).

Илм олувчи ўзидаги илм фазлини кам деб ўйласа, илми янада кўпаяди, қусурларини кўп деб билса, унинг охирига етиб боради. Олим киши ўзи олган илмга қаноатланмаслиги керак. Чунки олган илмига қаноатланиш зуҳд, яъни илмга қизиқмасликни билдиради. Қизиқмаслик тарк этиш, тарк этиш эса айни жаҳолатдир. Донишмандлардан бири: «Илм олиб, доим уни кўпайтириб боришни ўйла. Чунки илмнинг ками оз яхшиликка, кўпи кўп яхшиликка ўхшайди. Яхшилик фақат камлиги туфайли айблидир. Яхшиликнинг кўпи эса орзудаги нарсадир», деди. Улуғлардан бири: «Сен олган илмингни кам деб билишинг илм фазлидир, ақлингдан устун бўлишинг ақлинг камолидир», деди.

Илм олувчи қанча илм олган бўлса ҳам, уни ўзидан деб билмаслиги ва илм ҳақини адо этишни унутмаслиги керак. Бу эса ўз нафсини қусурли ҳисоблаб, камтарликни тарк этиб, илм ололмай қолишидан яхшироқдир. Чунки ким ўз нафсини яхши билмаса, бошқа ҳеч ким у билганчалик билмаслиги аниқ. Оиша

розияллоҳу анҳо:»Ё Расулуллоҳ! Инсон қачон Роббисини танийди», деганида, у зот: «Қачон ўзини таниса», деб жавоб берди. Халил ибн Аҳмад билган-билмаганларига қараб инсонларни тўрт қисмга ажратиб, ҳар қайсиси шулардан бирида бўлади, деб шундай деди: «Биринчиси, билади, билишини ҳам билади. У олимдир, ундан сўранглар. Иккинчиси, билади, лекин билишини билмайди, у унутувчидир, унга эслатинглар. Учинчиси, билмайди ва билмаслигини ўзи ҳам билади. У тўғри йўл сўровчидир, унга тўғри йўлни кўрсатинглар. Тўртинчиси, билмайди ва билмаслигини ҳам билмайди, у жоҳилдир, уни уйғотинглар». Абулқосим Омидий ўз шеърида айтади:

Агар билмасанг, биладигандан сўрамасанг,
У ҳолда сен қаердан ҳам била олардинг?
Агар нодон бўлсангу ўзинг шуни билмасанг,
Уни билишингда сенга ким ёрдам берар?
Ҳар бир ишда сумолисини келтирсанг,
Ердек бўл, сени биладиганлар босиб ўтсин,
Энг ажойиби, билмайсан ва билмаслигингни ҳам билмайсан.

БИЛГАНИГА АМАЛ ҚИЛИШ ОЛИМНИНГ ШИОРИ

Олим киши билганига амал қилиши, нафсини буюрилган ишга итоат эттиришни ўзига шиор қилиб олиши керак. Аллоҳ таоло: «**Таврот юклатилган** (берилган) **сўнгра уни кўтармаган** (унга амал қилмаган) **кимсаларнинг мисоли худди китобларни ортиб кетаётган эшакка ўхшайди**» (Жума сураси, 5-оят), деган кишилардан бўлиб қолмасин. Қатода розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг: «**Зотан у биз** (ваҳий орқали) **берган таълимимиз сабабли** (чуқур) **билим эгасидир**» (Юсуф сураси, 78-оят), деган сўзи ҳақида: «Яъни, у билган илмига амал қилувчидир», деган эди. Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Кўп ган йиғувчилар ва кўп ғапирувчиларга вайл бўлсин», дедилар. У зот бу билан эшитганига амал қилмайдиганларни назарда тутган. Абдуллоҳ ибн Ваҳб Суфён розияллоҳу анҳудан келтирилган ривоятда Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга: «Эй Имрон

ўғли! Илмни амал қилиш учун ўрган, агар гапириш учун ўргансанг; сенга ҳалокат ва нури бошқаларга бўлади», дедилар. Али ибн Абу Толиб: «Инсонлар илм олувчининг олган илмидан ўзига фойда кам, деб ўйлаганлари учун илм олишга қизикмадилар», деди. Абу Дардо: «Энг кўп қўрққаним Аллоҳ таолонинг ҳузурида турганимда сен билар эдинг, унга қандай амал қилдинг, деб айтишидир», дер эди. Яна у киши: «Қуруқ гапдан кўра унга амал қилувчи, тўғри гапдан кўра, уни айтувчи, илмдан кўра уни олувчиси яхшироқдир», деди. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ким олган илмига амал қилмаса, илмидан унга фойда етмабди», дейилган. Олимлардан бири: «Илмнинг меваси унга амал қилиш, амалнинг меваси унга ажр олишдир», деган. Солиҳлардан бири айтади: «Илм амални чақиради, агар амал жавоб берса, илм келади, аксинча бўлса, илм кетади». Донишмандлардан бири: «Илмнинг яхшиси фойдалиси бўлиб, сўзнинг яхшиси тўхтатиб қолинадиганидир», дейди. Адиблардан бири: «Илмларнинг самараси билиб олганига амал қилишдир», дейди. Улуғлардан бири: «Илмнинг тўлиқлиги ундан фойдалана олиш, амалнинг тўлиқлиги уни кам деб ҳисоблашдир. Ким илмидан фойдаланишни билса, тўғри йўлдан адашмайди, ким амалини кам ҳисобласа, мақсадига етади», дейди. Абу Таммом Тоий шъер айтди:

Амал қилмайдиган олимни мақтамаслар,
Худди шундай илмсиз амал қилувчини ҳам.
Шараф йўлларин эгри-бугри деб билдилар,
Улар наздида дахшатли ожизлик доно ожизлигидир.

Чунки олимнинг илмини олганлар унга амал қилмасалар, илм уларнинг зарарига ҳужжат бўлганидек, илмли кишининг ўзига ундан-да қаттиқ ва зарарли ҳужжат бўлади. Шунинг учун илмли киши ўз илмига шогирдларидан кўра кўпроқ амал қилиши керак. Чунки илмнинг мартабаси амал мартабасидан олдинда бўлганидек, илм мартабаси сўз мартабасидан ҳам олдиндадир. Абу Атоҳия раҳимаҳуллоҳ айтади:

Ровийлар сен тўғрингда етказган ҳукмларига қулоқ сол,
Биламан, улар зарарингга ҳужжат бўлур, ибрат ол.

Илмли киши ўзи амал қилмайдиган гапни айтиш ва ўзи қилмайдиган ишга буюриш ва сирти бошқаю, ичи бошқа бўлишдан сақланиши керак. Шоирнинг мана бу:

Ўзим амал қилмасам, сўзимга қилгил амал,
Сўзим сенга фойдали, нуқсоним қилмас халал,

деб айтган байтини олим киши ўз нуқсонларига узр қилиб олмасин, ўзига зарар бўлади. Агар ундан бошқага зарар бўлмаса ҳам. Чунки нафснинг қайсарлик қилиб, итоат этмаслиги унинг хоҳиши бўлиб, мана шу қайсарлик унга ёмонликларни чиройли қилиб кўрсатади. Ким ўзи қилмайдиган ишни айтса, ҳийла қилибди, ким ўзи итоат этмайдиган ишга буюрса, алдабди, кимнинг ичи сиртига ўхшамаса, мунофиқлик қилибди. Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Макр ва хиёнатнинг соҳиби дўзахдадир», деганлар. Чунки ўзи итоат этмайдиган ишга буюриш ва ўз нафсига ёқмаган нарсани рад этиш ярамас одатдир. Баъзан бу нарса бир ишга буюрилган киши қайсарлик қилиб уни тарк этиши ва буюрилмаган ишни қилишига сабаб бўлади. Ҳикоя қилинишича, бир аъробий Ибн Абу Зиъбнинг олдига келиб, ундан талоқ масаласини сўради. У аъробийга талоқ тушибди, деб фатво берди. Шунда аъробий: «Яхшилаб қаранг», деди. «Қарадим, ҳақиқатан ҳам унга талоқ тушибди», деди. Аъробий қуйидаги шеърни айта-айта қайтиб кетди:

Ибн Зиъб ҳузурига фиққи хоҳлаб келдим.
Хотинимни талоқ қилди, қуриб кетгур, нажот топмадим.
Ибн Зиъбнинг фатвоси билан ҳалолимни қилгум талоқ,
Ваҳоланки, у уйида жуфтию аҳли ила апоқ-чапоқ.

Аъробий ўз жоҳиллиги туфайли талоқ қилиши лозим бўлмаган одамнинг сўзига биноан талоқ тушмайди, деб ўйлаган эди. Энди буюрувчи ҳам, буюрилувчи ҳам амал қилиши вожиб бўлган сўзга нима дейсиз? Ўзи амал қилмаса, қандай қилиб унинг сўзи мақбул бўлсин? Йўқ, ундай эмас! Аҳмад ибн Юсуф айтади:

Яхшиликка буюрур, ўзи фужурда бўлиб,
Гўё зулматга шўнғиётган йўлбошчидек.

Ё бир табибки, касал уни беҳол қилган,
Касалликни даволар, ўзида ҳам шу касал.
Эй одамларга ваъз айтувчи, ўзи эшитмас насиҳат,
Аввал кийимингни покла, қилмай насиҳат.

Яна бир шоир айтади:

Тилингни ўргатгин камгапликка,
Сўзингни сақлагин ҳушёрликка.
Одамларга насиҳат қилишдан сақлан,
Ўзинг насиҳатга муҳтож бўлганда.

Аммо илм тақозосига кўра, амал қилиб, илмни қўйиб амалга, амални қўйиб илмга ўтиш ҳақда Зуҳрий шундай ҳикоя қилади: «Бу тўғрида бошқалар такаллуфидан халос этадиган ривоят нақл қилиниб, унда шундай дейилган: «Билмаган киши учун илм амалдан афзал, билган кишн учун амал илмдан афзал». Аммо илм билан ибодат ўртасидаги фазлга келсак, агар обид бирор вожибни нуқсонли бажармаса ёки фарзни бажаришда камчиликка йўл қўймаса, Расулуллоҳ алайҳиссаломдан: «Олим ва обид қайта тирилганда, обидга жаннатга кир, дейилади. Олимга эса, одамларни шафоат қилгунингча кутиб тур, дейилади», деган ҳадисдаги ҳолатга дохил бўлади.

* * *

Яхши эгаллаган илмларини ўргатишни қизғанмаслик ва етказишдан юз ўгирмаслик олимларнинг одобларидир. Чунки илмни қизғаниш пасткашлик ва зулмдир, ундан ман этиш ҳасад ва гуноҳдир. Ахир олимлар ўзи илмни қизғанишсиз, сахийлик ва сарф-харажатсиз олган бўлсаю, қандай қилиб илмини бошқалардан қизғансин ёки илмни сарфланса, кўпайишини, беркитилса, камайиб боришини билсаю, қандай қилиб бахиллик қилсин. Агар олдинги олимлар мана шунақа йўл тутганларида, илм унгача етиб келмасди ва олимлар ўтиб кетиши туфайли илм ҳам инқирозга учрарди. Ўзлари кундан-кун жоҳилга айланиб, ҳолат ўзгариши ва нуқсонга юз тутиш билан разилга айланишарди. Аллоҳ таоло айтади: «**Эсланг,** (эй, Муҳаммад!) **Аллоҳ**

аҳли китоблардан, уни (Таврот ва Инжилни) **одамларга, албатта, аниқ баён қиласиз, уни** (ҳеч кимдан) **сир тутмайсиз, деб аҳд олган эди...»** (Оли Имрон сураси, 187-оят)

Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илмни ўз олувчилардан ман қилманглар. Чунки динингиз фасоди ва акл-идрокингиз (бошқа одамни) адаштириши ана шундадир». Сўнг у зот мана бу оятни ўқидилар: **«Биз нозил қилган оятлар ва ҳидоятдан иборат парсаларни** (Муҳаммаднинг барҳақ Пайғамбар эканини) **одамларга Китоб** (Таврот) **да аниқ қилиб берганимиздан кейин** (уни) **яширганларни, шубҳасиз, Аллоҳ лаънатлагай ва уларни лаънатловчилар** (фаришталар ва мўминлар) **ҳам лаънатлагай»** (Бақара сураси, 159-оят). Ривоят қилинадики, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ким ўзи яхши билган илмни яширса, Аллоҳ таоло қиёмат куни уни оловли юган билан юганлайди», дедилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло токи илм аҳлидан илм бериш ваъдасини олмагунча жоҳиллардан илм олиш ваъдасини олмади». Донишмандлардан бири: «Сарфлаш билан камаядиган нарсани сарфлаш ҳикмат қоидаларидандир. Энди сарфлаш билан кўпаядиган нарсани сарфлаш эса, ҳикмат қоидалари бўлишга лойиқроқдир», дейди. Олимлардан бири: «Илм олувчига илм олиш нафл ибодат бўлганидек, илмни етказиш олимга худди шундай фарздир», деган. «Мансур-ул ҳикам» да: «Илмни яширган кишининг жоҳилдан фарқи йўқ», дейилган. Холид ибн Сафвон айтади: «Муаллимдан фойда олганимдан кўра, шогирдимга илм беришдан кўпроқ хурсанд бўламан». Илм беришда олимга икки фойда бор:

Биринчи фойда, Аллоҳ таолодан умид қилинадиган ажр-савоб. Расулуллоҳ алайҳиссалом илм ўргатишни садақа деганлар: «Биродарингизга тўғри йўлга йўллайдиган илмни ва тузатадиган фикрни садақа қилинглар». Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг: «Илм олинглар ва илм берингглар, чунки илм берувчи билан илм олувчининг ажри баробар», деганларини ривоят қилди. Уларнинг ажри ҳақида сўралганда: «Юз мағфират ва жаннатдаги юз даража», дедилар.

Иккинчи фойда, илмнинг кўпайиб, ёд олинганини ишитиш. Халил ибн Аҳмад: «Илм беришингни илминг учун дарс қилгин, илм олувчининг баҳс-мунозарасини ўзингда бўлмаган нарсадан огоҳлантириш деб қабул қилгин», деди. «Мансур-ул ҳикам» да Ибн Муътаз айтади: «Оловни оловдан олинадиган нарса ўчирмайди, лекин уни ўтин тополмаслигинг ўчиради». Худди шунга ўхшаш илм иктибос олиш билан йўқолмайди, балки ҳомил (етказувчи) ларнинг кетиши унинг йўқолишига сабаб бўлади. Олган илмингни қизғанишдан сақлан. Олимлардан бири деди: «Илмингни ўргатиб, бошқалар илмини ол. Агар билмаганингни ўрганиб, билганингни ёд олган бўлсанг ҳам».

Билгинки, илм олувчилар икки тоифа бўлади: илмга чақирилувчи ва илмни излаб борувчи. Илмга чақирилувчининг зеҳни ўткир ва хотираси кучли эканини билган олим киши илм бериш учун уни олдига чақириб олади. Агар олимнинг бу таклифи шогирдни қизиктирса, катта ютуққа эришилади. Чунки олим киши уни таклиф қилиш билан ўзи илмга чукур кириб борса, илм олувчи қизиқиш ва закийлик туфайли илмини янада кўпайтиради. Илм излаб борувчини илмга даъват этадиган ҳолат икки хил, агар ундаётган истак ва чақираётган сабаб диний бўлса ва илм олувчида закийлик ва фаҳм-фаросат бўлса, олим киши уни самимий қабул қилиши ва илм беришда мутаваффир (тўлиқ қилиб берувчи) бўлиши лозим. Ўзидаги бор илмни сир тутмаслиги ва тўплаган илмини ундан яширмаслиги лозим.

Агар талабанинг зеҳни паст ва ўзи аҳмоқ бўлса, озгина илмни ҳам раво кўрмай, маҳрум қилинмаслиги ва кўп илмни юклаб, уни қийнаб кўймаслик керак. Илм олувчининг зеҳни пастлигини ундан маҳрум этишга баҳона қилиб олмасин. Чунки қизиқиш сабаб бўлишини, сабр таъсир қилишини билиши керак. Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илм олувчидан илмни қизғанмангларки, унга зулм қилган бўласизлар. Илмни қизиқмаган кишига бермангларки, гуноҳкор бўласизлар», дедилар. Донишмандлардан бири деди: «Бирон кишини илмдан тўсманглар. Чунки илм ўз тарафига тортувчи эмас» **(яъни машаққатларни била туриб, илмга интилган кишининг йўлини тўсмаслик керак. – тарж.).**

Аммо илм олишга чақирувчи сабаб диний бўлмаса, бу ҳолатда унга қарайди. Агар ўрганиш мубоҳ бўлса **(масалан, бир кишини илм излашга машҳур бўлиш ва риёсат чақирган бўлса. – тарж.),** бу тўғридаги сўз илм беришдаги олдинги сўзга яқиндир. Чунки илм олувчини илм кейинги ҳолатда динга боғлайди. Гарчи олдинги ҳолатда диний илм олишни ният қилмаган бўлса ҳам. Суфён Саврийдан ривоят қилинади: «Биз илмни Аллоҳ таолодан бошқаси учун ўргандик, лекин илм бошқаси учун бўлишдан бош тортди». Абдуллоҳ ибн Муборак деди: «Илмни дунё учун ўргандик, у бизни дунёни тарк этишга йўллади».

Агар илмга чақирувчи сабаб паҳий-таъқиқ этилган бўлса, **(масалан, бир киши илмни диний шубҳалар ва фиқҳий ҳийлаларда фойдаланмоқчи бўлиб, яширин ёмонлик ва ботиний макр ила ўрганса. – тарж.)** аҳли салоҳ ундан қутилиш ва ҳимоя чорасини топа олмай қолади. Расулуллоҳ алайҳиссалом айтганларидек: «Умматимни икки киши ҳалок қилади: фожир олим ва ибодатли жоҳил». «Ё Расулуллоҳ, қайси инсон ёмонроқ?», дейилганда у зот: «Олимлар, агар фасод иш қилсалар», дедилар.

Агар олим бир кишини фасод ҳолда кўрса, уни қайтариб, истагидан буриши керак, макрини ва ёмонлигини амалга оширишга ёрдам бермаслиги лозим. Анас ибн Молик ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илмни хоҳламаган кишига илм берувчи худди тўнғизга марварид, гавҳар ва тилла таққан кишига ўхшайди». Ийсо алайҳиссалом: «Жавҳарни тўнғизга бермангларки, илм марваридан афзалдир. Илмга ҳақли бўлмаган киши тўнғиздан ёмондир», дедилар. Ҳикоя қилинишича, бир шогирд олимдан баъзи илмларни ўрганмоқчилигини сўради. Олим унга сабоқ бермади. «Нега бундай қилдинг?», деб сўралганда: «Ҳар бир сринг ўз экини, ҳар бир бинонинг ўз пойдевори бор», деди. Улуғлардан бири: «Ҳар бир кийимнинг ўз кийувчиси, ҳар бир илмнинг олувчиси бор», деди. Адиблардан бири: «Тўнғиз оралаб юрган боғ учун ачин ва ёмон киши жамлаган илм учун йиғла», деди.

Олим ўз фаҳм-фаросати ила илм олувчининг тоқат даражаси ва закийлик ила илмни олишга унинг ҳақдорлигини билиши ёки ақли камлиги боис қувваи ҳофизаси заифлигига эътибор бериши

керак. Бу олим учун роҳат, илм олувчи учун фойдалидир. Собит Анас ибн Моликдан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Аллоҳ таолонинг шундай бандалари борки, улар инсонларни фаросати билан танийдилар», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Мен кўрмаган нарсамни билмасам кўрган нарсамни ҳам билмабман», деди. Абдуллоҳ ибн Зубайр айтади: «Ким кўзи билан кўрмаганини фикрлаб кўра олмаса, яхшилик билан яшай олмайди». Ибн Румий деди:

Зийрак киши фикрининг аввалидаёқ
Гойиб нарса ортидаги ишнинг охирин билар.
Иқтидор эгаси закий қалбли, заковатда тенги йўқ,
Одамлар ҳайрат ва изтиробда бўлсалар ҳам,
У назарин қаратмайди ва англамайди.

Агар олим киши илм олувчиларга мана шу тариқа эътибор бериб, уларга кифоя этадиган илм миқдорини билса, илм беришда қийналмайди ва илм олувчи ҳам ноумид бўлмайди. Агар илм олувчиларга эътибор бермаса, унинг ҳоли ва ҳақдорлик даражасини билмаса, илм олувчилар ундан илм олишда қийналади. Чунки илм берувчи талабалари ичида илмга муҳтож зийраклари ва озгина илм ҳам оғирлик қиладиган зеҳни пастлари борлигини билади. Ана шуни инобатга олмаса, илмга чанқоқ талаба илмдан зерикади, зеҳни паст талаба вазифани уддалай олмайди. Кимнинг талабалари зерикиш ва ожизлик тараддудида қолса, уларни ўзига малол олади ва ўзи ҳам малоллик келтиради.

Абдуллоҳ ибн Ваҳб Суфён Ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади: «Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга: «Эй илм олувчи, сўзловчининг эшитувчига қараганда малоли камроқдир. Эй Мусо, агар сўзласанг, олдингдагиларни зериктирма. Билгинки, қалбинг идишдир. Бу идишга нимани қуйганингга қара», дедилар. Донишмандлардан бири: «Олимларнинг яхшиси камайтирмайдиган ва зериктирмайдиган кишидир», деган. Олимлардан бири: «Эшитувчига кўпайган ва фаҳмлашга тоқати етмаган ҳар бир илм қалб кўрлигини оширади», деди. Қачонки танадаги қалбларнинг фаҳмлаши кучайса, қулоқлар эшитиши фойдали бўлади.

ОЛИМНИНГ СУЛТОН ҲУЗУРИДАГИ ОДОБИ

Баъзан нафс фазилати ва яхши табиат туфайли айрим султонларда илмга қизиқиш пайдо бўлади. Ана шуни билган олим султон ҳузурига борганда ўзини бемалол тутиб, талтайиб кетишдан тийилсин. Балки султон ва унинг мартабасига қараб ҳақини тўғри адо этишни ўйласин. Чунки итоат этиш ва улуғланиш султон ҳақи бўлса, қабул қилиш ва ҳурмат кўрсатиш илм берувчининг ҳақидир. Мабодо султон илм олишни хоҳласа, чақирилгандан кейингина илм беришни бошлаши керак. Шунда ҳам султонга илмни кифоя даражасидан оширмасин.

Баъзан айрим олимлар султон ҳузурида ўз илмини кўз-кўз этишга қизиқиб, ҳаддан ошади. Бу эса султонга малол келиб, илмдан безишига сабаб бўлади. Чунки султон ҳар доим беҳаловат ва вақти зиқ кишидир. Илм билан шуғулланишга вақти ва сабр-тоқати етмайди. Асмаъий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ҳорун ар-Рашид менга: «Эй Абдулмалик, сен биздан кўра илмлисан, биз эса сендан ақллироқмиз. Кўпчилик ичида бизга илм берма, холи қолган вақтимизда бирор нарсани эслатишга шошилма. Токи сенга савол бермагунимча, ўз ҳолимизга қўй. Тўлиқ жавоб бергач, унга қўшимча қилма. Бир парсани сендан сўралсагина айтгин. Одоб беришда юмшоқ бўлиб, илм беришда ўртача йўлни танла. Жуда қисқа ва тўғри сўзлар билан етказишни ўйла».

Олим кишининг султонга илм бериши баҳс-музокара ва маърузага ёки унга ақл ўргатишга ўхшаб қолмасин. Чунки ўз вақтида илм олмагани учун айбдорлик ҳисси борки, султон буни кўтара олмайди. Агар султоннинг сўзи ёки амалида бироп хатолик ва адашиш юз берса, унга ошкора танбеҳ бермасин, хатосини тушунтириш ва айбини тузатишга берилиб кетмасин. Ҳикоя қилинишича, Абдулмалик ибн Марвон Шаъбийга: «Кам атоака (мукофот пулинг канча?)», деди. У: «Алфайни (икки мингни)», деди. Абдулмалик ибн Марвон: «Хато айтдинг», деди. «Амирул мўминин эъроб (турлаш) га риоя қилмагач, мен ҳам эъроб билан айтишни хуш кўрмадим», деди у. **(Аслида халифа «Кам атоука» дейиши, у эса «алфони» дейиши керак эди. – тарж.)**

Яна олим киши султонга ёқиш ва ҳавои нафсига эргашиш туфайли динига таъсир қилиш ва ҳаққа қарши боришда унга эргашишдан сақлансин. Кўпинча ё рағбат, ё хавф туфайли олимлар ўз кадрини йўқотади ва ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштиради. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Бу уммат ҳар доим Аллоҳнинг қўли ва ҳимояси остида яхшиликда бўлади, модомики, қорилари амирларига мойил бўлмаса, фозиллари фожирларини мактамаса, яхшилари ёмонлари билан бахслашмаса. Агар шундай қилинса, улардан Аллоҳ таолонинг ёрдами кўтарилади. Шундан кейин улар устидан золим подшоҳлар ҳукм юритиб, қаттиқ азобга дучор этадилар, муҳтожлик ва фақирликка йўлиқади ва қалблари қўрқувга тўлади».

Шубҳали касб-корлардан нафсни пок тутиш ва ҳожатмандчик ташвишидан қутулиб, озгинасига қаноат этиш олим кишилар одобларидан биридир. Шубҳали касб-кордан ризқ топиш гуноҳ ва уни талаб қилувчининг машаққати хорликдир. Гуноҳдан кўра ажр-савоб унга лойиқ ва азизлик хорликдан кўра лойиқроқдир. Адаб аҳлидан бири менга қози Али ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳнинг шеърини айтиб берди:

Менга улар айтар нега четда юрасан деб,
Улар хорликдан сақланган кишини кўрдилар.
Одамларга ким яқин борса, хор бўлганин кўрдим,
Ким обрўйини сақласа, ҳурмат қилишар.
Илм ҳақини тўлиғича адо этмадим афсус,
Қачон тамаъ бошланса, ўзимга уни нарвон айладим.
Мен қилган ҳар бир тамаъ мени хорлаган каби
Мен учратган ҳар киши неъматга рози бўлмас.
Мана чашма дейилса, кўриб турибман, дейман,
Лек ҳур кишининг нафси ташналикка тоқат этар.
Нафсимни баъзи ёмон эмас нарсалардан тияман,
Нима учун, нега деган гапим сўзидан қўрқиб.
Илм хизматида бор ғайратимни ишга солмадим,
Менга учраган кишига холис хизмат қилиш учун.
Балки менга хизмат қилишларини истадим.
Шу илмни деб айтинг бадбахт ё хор бўлайми?

Ундай бўлса жоҳилликни афзал билайми?
Гар илм аҳли илмига риоя этса, илм ҳам уларни сақлар,
Қалбларда илм улуғланса, илм ҳам уларни улуғлар.
Лек илмни хорладилар, бас, илм хорланди, қаранг,
Илм юзини таъмалар булғаб, янада бўлур хунук.

ИЛМ ЛАЗЗАТИ ҲАР ҚАНДАЙ ЛАЗЗАТДАН АФЗАЛ

Илм ҳар қандай лаззатдан эваз ва ҳар қандай шаҳватдан беҳожат бўлишга қодир. Ким илмга тўғри ва холис ният билан ёндашса, ундан бошқа бирон нарсага қизиқмай қўяди. Улуғлардан бири: «Ким илм билан ёлғиз қолса, ёлғизликдан қўрқмайди. Ким китоблар билан овунса, қалбига тасалли топади. Кимни Қуръон тиловати ўзига ошуфта этса, дўстлардан ажралиб ёлғиз қолиш уни чўчитмайди», деди. Олимлардан бири деди: «Илмдек ҳамроҳ йўқ, ҳилмдек ёрдамчи йўқ».

Яна илм олувчиларга Аллоҳ таолонинг розилиги ва тўғри йўлга йўллаш савобини умид қилган ҳолда илм бериш олим кишилар одобидандир. Бундан ташқари, шу берган илмлари учун бирон эвазни тамаъ қилиб ризқ топишни ўйламасликлари керак. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Ўзингиздаги нарса** (Таврот ва Инжил) **ни тасдиқ этган ҳолда нозил қилган нарсам** (Қуръон) **га имон келтирингиз. Уни биринчи бўлиб инкор этувчи бўлмангиз. Оятларимни** (ўзгартириш эвазига бериладиган) **озгина баҳога сотмангиз ва Мендангина қўрқингиз»** (Бақара сураси, 41-оят). Абул Олия: «Илм учун ҳақ олманглар, ҳақ олмаслик ҳузурингиздаги олдинги китобда: «Эй одам боласи, ҳақ тўламай илм олганингдек, ўзинг ҳам ҳақ олмай илмни ўргат», деб қўйилган. Нақл қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илм берувчининг ҳақ-ажри кундузи рўза тутиб, кечани ибодат билан ўтказадиган киши оладиган ҳақ-ажрга ўхшайди. Мана шу ажрни деб, ажр-савобни излаш етарлидир».

Яна илм олувчиларга насиҳат қилиш, мулойим бўлиш, енгил ва осон йўлни кўрсатиш, иложи етса ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш олим кишилар одоби ҳисобланади. Албатта шундай қили-

ши улар оладиган ажр-савобнинг энг улуғидир, улар зикрининг шарафлиси, улар илмининг машҳур бўлиши ва уларга маълум нарсанинг мустаҳкам бўлиб, ёдда қолувчироғидир. Бир ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом Али каррамаллоҳу важҳаҳуга: «Эй Али, Аллоҳ таоло сен туфайли бир кишини тўғри йўлга солиши қуёш нури етиб турган ҳамма нарсалардан яхшироқдир», деган эдилар.

Яна илм олувчига қўпол бўлмаслик, иззат-нафсига тегмаслик ва илм олиш йўлига кирган кишининг иштиёқини сўндириб қўймаслик ҳам олим кишиларнинг одобидир. Бундай одоб илм олувчиларни ўзига чорлаб, илм олишга қизиқтиради. Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илм беришда қўпол бўлманглар. Албатта илм берувчи қўполлик қилувчидан яхшироқдир», деганлар. Ривоятга кўра Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Сизлар илм олаётган кишини ҳам, илм берадиган кишини ҳам ҳурмат қилинглар», дедилар.

Яна илм олмоқчи бўлган кишининг раъйини қайтармаслик, иштиёқини сўндирмаслик ва ноумид қилмаслик ҳам олим кишилар одобидир. Бундай одобларга риоя қилмаслик олимларнинг камайиб, илмнинг йўқолишига олиб боради. Ривоятга кўра Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Сизларга ҳақиқий фақиҳ кимлигини хабар берайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расулуллоҳ», дейишди. У зот: «Одамларни Аллоҳ таолонинг раҳмати ва меҳрибонлигидан ноумид қилмаган ва бошқа нарсага қизиқиб, Қуръонни унга алмаштирмаган кишидир. Огоҳ бўлингларки, илмсиз ҳолда адо этилган ибодатда ва тушунмасдан олинган илмда ва тадаббурсиз қироатда яхшилик йўқ», дедилар. Мана шу айтиб ўтилганлар ўқувчига етарли бўлиб, Аллоҳ таоло муваффақ этувчидир.

УЧИНЧИ БОБ

ДИН ОДОБИ

Шуни билгинки, Аллоҳ таоло бандаларни ибодатга буюриб, фарзларини бажаришни шарт қилиб қўйди, пайғамбарларини юбориб, шариатини етказди. Аслида, бандалар зиммасига масъулият юкланиб, Аллоҳ таолога ибодат қилишларига ҳеч қандай ҳожат ҳам, зарурат ҳам йўқ. Бундан мақсад уларга беҳисоб неъмат бериб, Ўз фазлини кўрсатганидек, яна Ўз фазли-марҳамати билан уларга манфаат ва фойда етказишдир. Неъматнинг ибодат билан бирлашиши энг улуғ бахтдир. Зеро, тоат-ибодатдан бошқа амалларнинг фойдаси шу дунёнинг ўзида интиҳосига етиб тугайди. Аммо тоат-ибодатнинг фойдаси дунёда ҳам, охиратда ҳам аскотади. Дунё ва охиратдаги фойдани ўзида жамлаган парса энг улуғ неъмат ва энг кўп фазилат дейишга арзийди.

Яна Аллоҳ таоло бандаларига буюрган тоат-ибодатларни бир-бирига эргаштадиган ва бир-бирини тинглайдиган ақл ва шариатдан олди. Демак, ақл шариат ман этмаган ишларни маъқулласа, шариат ақл ман этмаган ишларларга қулоқ солади. Чунки шариат ақл маъқул кўрмаган ишларга буюрмайди, ақл шариат маъқул кўрмаган ишларга эргашмайди. Шу боис таклифлар **(амр ва қайтариқлар. – тарж.)** фақат ақли тўлиқ ва унда нуқсони йўқ кишиларга юклатилган.

Қанчалик қарши бўлишмасин, Аллоҳ таоло Ўз динини юзага чиқариш учун мушрикларга расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан юборди. Пайғамбар уларга Аллоҳ таолонинг рисолатини бекаму кўст етказди, шариатини баён қилиб, Улуғ Китобидаги ҳалол, ҳаром, мубоҳ, таъқиқ, мустаҳаб, макруҳ, амр ва қайтариқ, итоат этувчиларга ваъда қилинган ажр-савоб ва осийларга тайин этилган азобларни тиловат қилиб берди. Аллоҳнинг ваъдаси тарғиб, ваиди эса тарҳиб-кўрқитишдир. Чунки рағбат итоатга чақирса, раҳбат маъсиятдан қайтаради. Итоатга буюриш ва маъсиятдан қайтариш таклиф дейилади. Шунинг учун таклиф доим рағбат ва раҳбат билан ёнма-ён юради. Аллоҳ таолонинг китобида зикр

этилган пайғамбарларнинг қиссалари ва олдинги қавмларнинг хабарлари рағбатни кучайтириб, раҳбатни оширади. Бу эса Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатган лутфи, фазли ҳамда марҳаматидир. Неъматлари беҳисоб ва шукрини адо қилиб бўлмайдиган Зот – Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Сўнг Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга мужмал ишларни баён қилиш, ноаниқ ишларни тафсир қилиш ва эҳтимолли ишларни аниқлаштириш (неъмати) ни берди. Бу эса мазкур ишлар фақат Аллоҳ таолога хослиги, расулнинг вазифаси эса фақат етказиш эканини англатади. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Ва биз инсонларга ўзларига нозил қилинган нарсани баён қилиб беришинг учун сенга Зикрни нозил қилдик. Ва шояд улар фикр қилсалар»** (Наҳл сураси, 44-оят).

Сўнг Аллоҳ таоло уламоларга Китобнинг маъно ва усулларига таянган ҳолда ўз ижтиҳодлари билан хулоса чиқариш (неъмати) ни берди. Бу билан улар бошқалардан ажралиб, ижтиҳодларига ажр-савоб оладилар.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: **«Аллоҳ сизлардан имон келтирган кимсаларни ва илм ато қилинган кимсаларни даражаларга кўтаради»** (Мужодала сураси, 11-оят).

Аллоҳ таоло яна айтади: **«Ва унинг таъвилини Фақат Аллоҳ ва пухта илмлиларгина билади.** (Мужодала сураси, 11-оят).

Демак, Китоб (Қуръон) асл манба, суннат (ҳадис) фарз (тармоқ), уламолар хулоса чиқариши эса изоҳ ва баёндир. Ривоятга кўра, Пайғамбар алайҳиссалом: «Қуръон шариат илмининг асоси, унинг матни ва далилидир», дедилар. Ҳикмат Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг баёни, кўпчилик умматнинг иттифоқи ва улардан оз кишиларнинг зарарига ҳужжатдир. Аллоҳ таолонинг бандаларига яна бир фазлу марҳамати шуки, уларни тоқат ва кучлари стадиган амалларга буюрди, ибодатлардаги қийинчиликларни кўтарди. Буларни тоат-ибодатларини жидду жаҳд ила бажаришлари ва маъсиятлардан қайтишлари учун қилинди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Аллоҳ жонни фақат тоқати етадиган нарсагагина буюради».** (Бақара сураси, 286-оят).

Яна Аллоҳ таоло деди: **«Ва Аллоҳ сизларга динда ҳеч қандай қийинчилик қилиб қўймади».** (Ҳаж сураси, 78-оят).

Аллоҳ таоло Ўз таклифларини уч қисмга ажратди. **Биринчиси,** эътиқод қилиш, **иккинчиси,** бажариш ва **учинчиси,** тийилишдир. Таклифнинг бу тарздаги тақсими уни қабул қилишни осонлаштириш ва бажаришга ёрдам бсришини таъминлайди. Бу Аллоҳ таолонинг ҳикмати ва лутфи карамидир. Шунингдек, эътиқод қилишга буюрган нарсаларни икки қисмга ажратди. **Биринчиси,** исбот қилиш, **иккинчиси,** инкор қилишдир. Исбот қилиш деганда Аллоҳ таолонинг бирлиги, сифатлари, пайғамбарларни юбориши ва Муҳаммад алайҳиссалом келтирган нарсаларни тасдиқлаш тушунилади. Инкор қилиш деганда Аллоҳ таолонинг хотини, боласи йўқлигини, бирон нарсага ҳожати тушмаслигини ҳамда ёмонлик ва камчиликлардан пок эканини эътироф этиш тушунилади. Аллоҳ таоло оқилнинг зиммасига дастлаб шу икки масъулиятни юклаган.

Яна бажаришлари керак бўлган ишларни уч қисмга ажратди. **Биринчиси,** намоз ва рўза каби баданга тегишли амаллар. **Иккинчиси,** закот ва каффорат каби молга тегишли амаллар. **Учинчиси,** ҳаж ва жиҳод сингари ҳам баданга, ҳам молга тегишли амаллар.

Бу буйруқларни бажариш осон ва енгил бўлиши учун Аллоҳ таоло Ўз фазли ва раҳмати билан уларни шундай тақсимлади. Таъқиқлаб, ман этилган ишларни уч қисмга ажратди. **Биринчиси,** жонларини ва баданлари саломатлигини сақлаш учун. Масалан, ноҳақ одам ўлдириш, ҳаром ва ифлос нарсаларни ейиш, заҳар ва зарарли нарсаларни истеъмол қилиш ва ақлнинг айниб, завол топишига олиб келадиган маст қилувчи ичимликларни ичишдан қайтарди. **Иккинчиси,** ўзаро бирлашиш ва оралариии ислоҳ қилиш учун. Масалан, ғазаб қилиш, урушиш, зулм, ихтилоф ва низоларга сабаб бўладиган исрофгарчилик ва ёвузликдан қайтарди. **Учинчиси,** насл-насабни сақлаш ва қариндошликни мустаҳкамлаш учун. Зинодан ва қариндошларга никоҳланиш кабилардан қайтарди.

Демак, таъқиқланган ишлар бизга мубоҳ қилинган неъматлар каби яна бир неъматдир, тийилишга буюриши бажарингга буюришдек Аллоҳ таолонинг фазлидир. Ахир, оқил киши ўзига

неъмат қилиб берилган ишни бажаришда локайд бўладими ёки таъқиқланган ишни қиладими, ахир ундан тийилиш ўзига фойдаку!? Ўзи шу неъматга мухтож бўлсаю, шариат бу неъматдан юз ўгиргапларга қаттиқ азобни ваъда қилган бўлса, шуни била туриб, ундан юз ўгирса, неъмат берган Зотга беҳурматлик бўлмайдими?!

Яна Аллоҳ таолонинг бандаларига лутфи ва фазли шундан иборатки, ҳар бир фарз ибодат турига кирган нафл ибодатларни тайин қилди, унга ажр-савобни белгилаб, бу нафлларни мандуб ҳисоблади. Шунингдек, бир яхшилик килганлик савобини ўн баробар кўпайтириб қўйди, уни тарк этган кимсага эса азоб тайин этмади.

Аллоҳ таоло ҳикматининг улуғлиги шундаки, У зот ҳар бир ибодатни комил ибодат ва яна бирини жоиз ибодат деб иккига ажратиб қўйди. Бу Аллоҳ таолонинг бандаларига кўрсатган раҳм-шафқатидир. Чунки Аллоҳ таоло азалдан бандалари орасида буйрукни эшитган захоти сўзсиз адо этадигани, эриниб хоҳлаб-хоҳламай адо этадигани ҳамда етук ва мукаммал тарзда адо қилишга сабри етмайдиганлари борлигини билишига асло шубҳа йўқ. Ибодатнинг бу икки ҳолатга бўлиниши фарзни чиройли тарзда бажарилишини таъминлаб, ажр-савобдан баҳраманд бўлишга халал бермайди. Бу Аллоҳ таолонинг бизга ато этган неъматлари ва эътибори улуғлигига далолат қилади.

Аллоҳ таолонинг Пайғамбари алайҳиссаломни тасдиқлашдан кейинги биринчи фарз қилинган амал баданий ибодатлардир. Аллоҳ таоло баданий ибодатларни молиявий ибодатлардан устун қўйиб, биринчи фарз мақомига кўтариши бежиз эмас. Чунки инсонлар молларини қизғанишса-да, аммо бадан билан боғлиқ нарсаларни қизғанмайди. Бу баданий амаллар намоз ва рўзадир. Аллоҳ таолонинг намозни рўзадан олдинги ўринга қўйишига сабаб шуки, намозни адо этиш осон ва енгил амал бўлиб, Аллоҳ таолога хузуъ-итоаткорлик ва Унга муножотни ўзида мужассам этган ибодатдир. Хузуъ-итоаткорлик Аллоҳ таолодан қўрқиш бўлса, ёлвориш эса Унга рагбат қилишни билдиради. Бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дедилар: «Қачон бирортангиз намозга турса, Роббингизга муножот қилаётган бўлади. Шундай экан, нима би-

лан муножот қилаётганингизга эътибор беринг!». Али розияллоҳу анҳу ҳақида ривоят қилинишича, намоз вақти кирганда у зотнинг ранглари бир сафар сарғайса, бошқа сафар қизариб кетар экан. Бунинг сабабини сўрашганда, у: «Менга сру осмонларга ва тоғларга кўтариш таклиф қилинган, улар эса бош тортиб, уни кўтаришдан қўрккан омонат келди. Мен уни кўтардим. Уни ёмон адо этаманми ёки яхши адо этаманми, билмайман».

Яна Аллоҳ таоло намоз учун зарур ва керакли шартларни белгилаб қўйди. Масалан, таҳоратсизлик ва нажосатни кетказиш бандани Роббиси билан учрашувини ва фарзни адо қилишни поклик талабига кўра бажаришни таъминлайди. Сўнг Аллоҳ таоло намознинг ичида Ўзи нозил қилган Китобидан тиловат қилишни буюрди. Бу Қуръондаги амр ва қайтариқни тушуниш ҳамда унинг мўъжизавий лафзлари ва маъноларини тадаббур қилишга ёрдам беради.

Яна Аллоҳ таоло намозни муайян вақт ва тартиб асосида адо этишни буюрди. Намоз вақтларининг бундай кетма-кет ва тартибли бўлиши Аллоҳ таолога итоаткорлик ва Унга бўлган тазаррунинг мунтазам равишда адо этилишини таъминлаб, Аллоҳ таолодан қўрқиш ва Унга бўлган рағбатни янада оширади. Рағбат ва қўрқув мавжуд экан, бандаларнинг салоҳият ва диёнатига футур етмайди. Рағбат ва қўрқувнинг кучайиб боришига қараб, намоз мукаммал тарзда тўла-тўкис ёки жоиз бўлса-да, нуқсон ва камчиликка йўл қўйилиши мумкин. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дан ривоят қилинади: «Намоз ўлчовдир. Ким вафо қилса (тўғри ўлчаса), унга ҳам вафо қилинади. Ким ўлчовдан уриб қолса, Аллоҳ ўлчовдан уриб қолувчилар ҳақида «Мутоффифийн» да нима деганини яхши биласизлар». Ривоят қилинадики, Набий алайҳиссалом: «Ким намозига енгил караса, Аллоҳ азза ва жаллага енгил қаровчироқдир», дедилар. Адибларнинг биридан шундай шеър келтирилди:

Адо эт беш вақт намозни мукаммал ва тўлиқ,
Қанча одам кечгача етиб бормаслигини бил.
Янги кунни кечаги гуноҳларингни ўчириб,
Афсус-надоматлар, тавба билан қарши ол.

Гуноҳлар тун пардаси қуёшни тўсганидек,
Гўзал юзингни тўзитиб юборар.

Яна Аллоҳ таоло рўзани фарз қилиб, уни мол закотидан олдинги ўринга ўтказди. Чунки рўза баданий ибодатлардан биридир. Рўзанинг фарз бўлишида фақирларга раҳм-шафқат, қорнини тўйғизиш ва оч қолиш олдини олиш каби ҳикматлар мавжуд. Чунки рўзадор рўза тутиш билан очликнинг нақадар машаққат ва оғир эканини ҳис этади. Юсуф алайҳиссаломдан: «Ернинг хазиналари қўлингда турибди, нега оч юрасиз?», деб сўралди. Юсуф алайҳиссалом: «Қорним тўйса, очларни унутиб қўйишдан қўрқаман», деб жавоб берган экан.

Шунингдек, рўзада нафсга итоат эттириш, уни хорлаш, уни эгаллаб олган шаҳватни синдириш, озгина таом ва ичимликка ҳам сабр қилиш мумкинлигини эслатиб қўйиш каби ҳикматлар мавжуд. Бирор нарсага муҳтож бўлиш ўша нарсага зор бўлиш демакдир. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссалом ва у зотнинг оналарини илоҳ деб билганларга айнан шуни ҳужжат қилиб шундай дейди: **«Масиҳ Ибн Марям ўзидан олдин ўтган пайғамбарлар каби бир пайғамбардан бошқа нарса эмас. Ва унинг онаси тўғри сўз аёлдир. Иккиси ҳам таом ер эдилар»** (Моида сураси, 75-оят). Мазкур оятда Исо алайҳиссалом ва оналарининг таомга муҳтож бўлиши илоҳ мақомига кўтарила олмасликларига сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Ҳасан Басрий еб-ичишга бўлган эҳтиёжни тавсифлаб шундай дейди: «Мискин одам боласининг ажали белгиланган, орзулари беркитилган, иллатлари яширин, гўшт (тил) билан гапиради, ёғ (кўз) билан кўради, суяк (қулоқ) билан эшитади. У очлик асири ва тўқлик қулидир. Кўзга илинмас капа ҳам унга озор беради, гер уни бадбўй қилади, қурғоқчилик уни ўлдиради. У ўзига на зарар, на фойда бериш, на ўлим, на ҳаёт ва на қайта тирилишга қодир». Аллоҳ таолонинг рўзани фарз қилиб, бизга кўрсатган меҳрибончилигини қаранг! Рўза туфайли олдин ғафлат ва лоқайдликка чўмган ақллар уйғонади! Олдин фойда ва манфаат нималигини билмаган нафслар рўза туфайли фойда олади!

Яна Аллоҳ таоло закот беришни фарз қилиб, уни ҳаж ибодатидан олдинги ўринга ўтказди. Чунки ҳаж ҳам молни инфоқ қилиш, ҳам машаққатли сафар демакдир. Шу боис нафс ҳаждан кўра закотга осон рози бўлади. Закотнинг фарз бўлишида фақирларга ҳамдардлик, муҳтожларга ёрдам бериш, ғазабларини тийиш ва уларни ажратиб қўймасдан ўзаро алоқада бўлиш каби ҳикматлар мавжуд. Чунки орзу қиладиган одам киришимли ва умид киладиган одам камтар бўлади. Агар орзу йўқолиб, умид пучга чиқса ва эҳтиёж кўпайса, нафрат пайдо бўлади ва ҳасад кучаяди. Натижада бойлар билан фақирлар орасида тафовут юзага келиб, муҳтожлар билан муҳтож эмаслар орасида адоват пайдо бўлади. Ҳатто, бу борада мол топиш учун курашиш ва жонни хатарга қўйишгача борилади.

Шу билан бирга, закотни адо этишда нафсни яхши хулқ – сахийликка одатлантириш ва ёмон хулқлар – бахилликдан узоқлаштириш каби ҳикматлар мавжуд. Чунки сахийлик ҳақларни ўз ўрнида адо этишга чақирса, бахиллик унга тўсқинлик қилади. Ҳақларни ўз ўрнида адо этишга ундаган нарса мақтовга лойиқдир. Бунга тўсқинлик қилувчи нарса эса таънага лойиқдир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ривоятида Пайғамбар алайҳиссалом шундай дедилар: «Бандага берилган энг ёмон нарса ўта бахиллик ва ўта қўрқоқликдир». Ўз ҳикматининг латофати билан бизга тадбир қилган, аксар неъматларини зеҳнимиздан яширган, махфий ва пинҳон неъматларга шукр қилиш ажрини зоҳирий неъматга шукр қилиш ажридан улуғ қилиб қўйган Зот айб-нуқсонлардан покдир, субҳаналлоҳ!

Яна Аллоҳ таоло ҳажни фарз қилдики, бу ибодат буюрилган фарзлар ичида охиргисидир. Чунки ҳажда ҳам баданий, ҳам молиявий ибодат мавжуд. Баданий ва молиявий фарзлардан кейин ҳажнинг фарз бўлиш сабаби шундаки, баданий ва молиявий фарзлардан кейинги ўринда келишида ўзига яраша енгиллик мавжуд. Шунингдек, яна бир ҳикмат шуки, ҳаж қиёматни эслатади. Чунки ҳажга борганда ҳар бир банда моли ва оиласидан ажралиб чиқади, яхшию ёмон бирдай Аллоҳнинг ҳузурида бўйин эгиб туради, итоат қилувчилар ва осийлар Аллоҳ-

нинг ғазабидан қўрқиб, раҳматидан умидвор ҳолда бир жойга тўпланадилар, осийлар ва гуноҳкорлар қилган ишларини эслаб афсус-надомат чекадилар, буларнинг ҳаммаси қиёматни ёдга туширади. Ҳажни адо этиб гуноҳу маъсиятдан тийилмаган одамнинг ўзи йўқ, десак хато бўлмайди. Шунинг учун Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Ҳажжи мабрурнинг белгиси шуки, эгасининг ҳаждан кейинги ҳолати ҳаждан олдинги ҳолатидан яхшироқ бўлади». Бу гап тўғридир, чунки гуноҳлардан пушаймонлик яна гуноҳ қилишнинг олдини олади, тавба эса олдинги гуноҳларни ўчиради. Ҳаждан кейин гуноҳ ишлардан тийилиш тавбанинг ҳақиқий бўлганини билдиради, тавбанинг ҳақикийлиги эса ҳажнинг қабул бўлишига далилдир.

Яна ўз юрти ва ватанида бўлиш роҳатидан кечиб, ҳаж сафарининг машаққатларини тортиш, натижада бу қулайлик ва роҳатлардан айрилган мусофирларга меҳрибон бўлишга эътиборни қаратди. Сўнг Аллоҳ Ўз динини тарқатган ва Ўз расулини юборган жой, яъни Ҳарамга боришни, сўнг ҳижрат макони, яъни Аллоҳ итоат этувчиларни азиз қилиб, Ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга нусрат ато этиб, катта золим ва мутакаббирларни Ўз расули олдида тиз чўктирган жой Мадинага боришни таълим берди. Чунки дунёдан узилиб қолган Мадинада заиф ҳолга келган Ислом дини фақат илоҳий мўъжиза ва Аллоҳ тарафидан етган улуғ нусрат туфайли Ер юзининг бутун шарқию ғарбига тарқалди. Шундай экан, Аллоҳнинг бундай вазифани зиммангизга юклаб, сизга кўрсатган инъомига ва шундай улуғ ибодатга буюриб, қилган яхшилигига эътибор қаратинг, Аллоҳ сизга шукр ва тақво неъматларини берсин! Аллоҳнинг буйруқларини бажарсангиз ва зиммангизга юклаган вазифаларни қабул қилсангиз, Унга бўлган шукрингиз чиройли тарзда уйғонармикан, деган умидда сизга ростгўй ва мушфиқ насиҳатгўй сифатида бу гапларни айтиб, қалбингизга ва зеҳнингизга йўл топишга ҳаракат қилдим. Аслида Аллоҳ шукрни вожиб қиладиган неъматни бермайди. Чунки неъматлар шу даражада кўпки, бирининг шукрини адо қилмасдан иккинчиси етиб келаверади. Ҳасан ибн Али бу тўғрида шундай деган: «Аллоҳнинг неъматлари шукр қилиб адоғига етиб бўлмай-

диган даражада кўп. Лекин банда Аллоҳ қодир қилганича шукр қила олур. Одам фарзандининг гуноҳи кечириб бўлмайдиган даражада кўпдир. Лекин Аллоҳ уларни кечиб юборади». Мансур ибн Исмоил Фақиҳ Мисрийнинг шундай шеъри бор:

Аллоҳга шукр қилиш уни вожиб этувчи неъматдир,
Агар шукр қилишинг ўзи Аллоҳнинг неъмати бўлса.
Ато этган яхшиликлар шукрини қандай адо қилай,
Аллоҳнинг неъматлари шукрини қила олмас экансан,
Буйруқ ва таклифда хато қилсанг, ҳолинг не кечар?

Ахир бу буйруқ ва таклифларни адо этсанг, улардан жуда катта фойда борлигини англаб етгандинг. Неъматларнинг кўплигини сен инкор қиласанми, уларнинг мунтазам ва кетма-кет келиши ақлингни шошириб қўяди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Аллоҳнинг неъматини билишади, сўнг уни инкор қилишади»** (Наҳл сураси, 83-оят). Мужоҳид бу оятни шундай тафсир қилади: «Аллоҳнинг тайёрлаб қўйган неъматларини била туриб, уларни инкор қилишади, яъни уларни ота-боболаримиздан мерос қилиб олганмиз ва ўз меҳнатимиз орқали эришганмиз, дейишади». Расулуллоҳ алайҳиссаломдан шундай ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло шундай дейди: «Эй одам фарзанди, сен Менга инсоф қилмадинг! Мен неъматларим билан кўнглингни олишни хоҳлайман, сен эса гуноҳларинг билан мени нафратлантирасан, яхшилигим сенга тушиб турибди, ёмонлигинг Менга кўтарилиб турибди. Қанчадан-қанча улуғ фаришталар Менга сенинг ёмон амалингни кўтариб чиқмоқда!». Солих салафлардан бири шундай деган: «Гуноҳимиз кўплигига қарамасдан Аллоҳнинг бизга берган неъматлари адогига етиб бўлмас даражада кўпайди. Яхши амалларимизни ошкор қилади, ёмонларини яширади, бу иккисининг қай бирига шукр қилишни билмаймиз».

Неъматнинг неъмат эканини таниган киши уни қабул қилиши ва зиммасидаги бурчини бажариши лозим. Неъматни қабул қилиш уни адо қилиш ва Аллоҳга шу неъматни бергани учун шукр қилиш туфайли бўлади. Чунки Аллоҳнинг неъматларига мухтожлигимиз зиммамизга юклатилган шукрни адо қилишга

қараганда кўпроқдир. Агар шукр қилиш вожиб бўлган неъматлар ҳаққини адо этадиган бўлсак, Аллоҳ шукр қилиш вожиб бўлмаган неъматларни ҳам кўпайтириб беради ва натижада икки неъмат ҳосил бўлади. Кимда шу икки неъмат бўлса, дунё ва охиратдаги насибасига эришибди. Бу том маънодаги бахтдир. Агар шукри вожиб бўлган неъматлар ҳақини адо қилишга енгил қарасак, Аллоҳ шукри вожиб бўлмаган неъматларни камайтиради. Натижада икки неъмат бир-биридан узоқлашади. Кимда бу икки неъмат бўлмаса, у дунё ва охиратдаги насибасидан айрилибди. Унинг тириклигида насиба бор, ла ўлимида роҳат бор. Бундай кимса бадбахт бўлишга лойиқдир. Соғлом ақл ва фаросат эгаси бадбахтликни саодатдан устун қўймайди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Ким ёмонлик қилса, унинг жазосини олади»** (Нисо сураси, 123-оят). Аъмаш роҳматуллоҳи алайҳ Сулайм розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтиради: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу шундай деди: «Ё Расулуллоҳ, бу оят қандаям оғир!» Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Эй Абу Бакр, албатта, дунёдаги мусибат ҳам жазо (мукофот) дир».

Муфассирлар **«...Уларни икки марта азоблаймиз...»** (Тавба сураси, 101-оят) оятининг таъвили хусусида турлича фикрда бўлишган. Баъзилари айтишича, бу икки азобнинг бири дунёда шарманда бўлиш, иккинчиси қабр азобидир. Абдураҳмон ибн Язид шундай деган: «Икки азобнинг бири дунёда молу дунё ва фарзандларга етадиган мусибатлар, иккинчиси охиратдаги олов азобидир». Ҳаёт лаззатини тотиб, дунёда тинч-хотиржам яшашлари гуноҳкорларга берилган неъмат эмас, балки истидрож, яъни охиратда азоблари янада кўпайиши учун берилган муҳлат ва жазодир. Ибн Лаҳиъа роҳматуллоҳи алайҳ Укба ибн Муслим ибн Омирдан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Агар Аллоҳ таолонинг гуноҳкор бандаларга хоҳлаган неъматларини бераётганини кўрсанг, (билгинки) бу улар учун истидрождир». Сўнг мана бу оятни тиловат қилдилар:

«Бас, улар эслатма берилган (огоҳлантирилган) **нарсани унутишгач, уларга барча эшикларни очиб қўйдик. Ҳатто улар берилган нарсалар билан шодланишганларида, биз тў-**

сатдан уларни (азоб) **билан ушладик. Шунда бехос улар ҳеч нарсасиз қолдилар».** (Анъом сураси, 44-оят)

Шариат манъ этиб, ҳам ақл, ҳам шаръий жиҳатдан қайтарилган ҳаром ишлар икки қисмга бўлинади.

Биринчиси, қон тўкиш, хамр ичиш каби нафс ва шаҳват доим хоҳлаб, унга интилиб турувчи ишлар. Аллоҳ таоло майл ва рағбат кучлилигидан бу ишлардан икки турдаги зажр (қайтарик) билан уларга яқинлашишни ман қилиб қўйган. Биринчиси ҳадд бўлиб, шу дунёнинг ўзидаёқ жиноятчига жазо тариқасида қўлланади. Иккинчиси ваъид бўлиб, бу жазо қиёматга қолдирилади, бундан тақводорларгина эслатма оладилар.

Иккинчиси, ифлос нарсаларни сийиш, инсон ва ҳайвон чиқиндилари ва заҳар ичиш каби нафс хоҳламай ва рад қилган ҳаром ишлардир. Аллоҳ таоло булардан фақат ваъид билан қайтарган бўлса-да, аммо ҳаддни тайин қилмаган. Чунки нафс бу ишлардан табиатан нафратланиб, уларни инкор қилади. Сўнг бу икки турдаги ҳаром ишларни қилганларни қайтариш учун Аллоҳ таоло амри маъруф ва наҳй мункарни вожиб қилиб қўйди. Зеро, амри маъруф Аллоҳнинг буйруқларини жорий этиш бўлса, наҳй мункар қайтарикларидан сақланишдир. Чунки ёмон нафс буйруқларга итоат этишдан бўйин товлаш ва қайтариқларга берилиб кетишни ўзига жоиз кўради. Амру маъруф, наҳй мункар эса бу икки ҳолатни назорат қилиб, инсонларга кучли таъсир қилади. Шу боис Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Қайси қавм мункар ишни ошкора қилса, Аллоҳ ҳалок қилувчи азобни ҳаммасига юборади».

Шундай экан, мункар ишни қилувчилар доим икки ҳолатда бўлади. Биринчиси, ёлғиз бир ўзи бошқалар билан келишмаган ҳолда мункар иш қилувчилар. Буларни бўйсундириш осон бўлгани учун имконият ва куч етсагина, бундай ишга гувоҳ бўлганлар ёки эшитганлар уларга амри маъруф, наҳй мункар килишида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Мункар ишлардан қайтариш ақл жиҳатидан вожибми ёки шаръий жиҳатдан вожибми, деган саволга ҳар хил жавоб берилган. Баъзи мутакаллимлар бу ақл жиҳатидан вожиб, дейишади. Чунки ақл жиҳатидан вожиб

бўлгандагина инсон ёмон ишлардан тийилиб, бошқаларни ҳам ундан қайтишга ундайди. Зеро, бирор ишдан қайтиш ва унга йўламасликда ақл жиҳатидан вожиб бўлишнинг таъсири кучлироқдир. Абдуллоҳ ибн Муборак роҳматуллоҳи алайҳ келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар: «Дарҳақиқат, бир қавм кемага чиқиб, ҳар бири ўзи учун бир жойни эгаллашди. Шунда бир киши (ўзи эгаллаган) жойни болта билан тешa бошлади. Шунда (одамлар) унга: «Нима қиляпсан?», дейишди. У: «Бу менинг жойим, бу ерда ўзим хоҳлаган ишни қиламан», деди. Бошқалар уни бу ишидан қайтармади. Натижада унга кўшилиб ҳаммалари ҳалок бўлишди».

Баъзилар мункар ишлардан қайтариш ақл жиҳатидан эмас, балки шаръан вожибдир, дейишган. Агар ақл мункар ишдан тийилиш ва бошқаларни ҳам ундан қайтаришни вожиб қилганида эди, бу иш Аллоҳ таолога ҳам вожиб бўлиб қоларди ва шариат аҳли зиммасининг куфрга иқрор бўлишини ва уларни мункар ишдан қайтармасликни жоиз ҳисобламаган бўларди. Чунки ақл вожиб қилган нарсаларни шариат билан ботил қилиш жоиз эмас. Шариатнинг бу ишларни жоиз ҳисоблаши шуни кўрсатадики, ақл мункар ишдан қайтаришни вожиб этмайди. Агар мункар ишдан қайтармасликда қайтармаган кишига зарар етиш эҳтимоли бўлса, мункар ишдан қайтариш ҳар иккала тарафнинг фикрича ақлан вожиб бўлади. Агар мункар ишдан қайтаришда қайтарган кишига зарар етса ва агар қайтармаса, унга зарар етмаса, у ҳолда мункар ишдан қайтариш ҳам ақл, ҳам шаръий жиҳатдан вожиб эмас. Чунки ақл фойдаси йўқ зарарли ишларни қилишдан қайтаради. Шариатга келсак, қуйидаги ҳадис мавжуд: Абу Саид ал Худрий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мана бу ҳадисни ривоят қилган: «Мункар ишни қўлинг билан қайтар. Бас, бундай қила олмасанг, тилинг билан қайтар, шуни ҳам қила олмасанг, қалбинг билан (қайтар), бу имоннинг энг заифидир».

Агар бирор киши зарарлигини била туриб, мункар ишдан қайтаришни хоҳласа, қарайди: агар мункар ишдан қайтариш Аллоҳнинг динини азиз қилиш ва ҳақ сўзни юзага чиқариш билан боғлиқ бўлмаса, талафот ва зарар кўриш эҳтимоли кўп

бўлса ва мункар иш қилаётган одамдан қўркса, унга мункар ишдан қайтариш вожиб бўлмайди. Агар мункар ишдан қайтариш Аллоҳнинг динини азиз қилиш ва ҳақ сўзни юзага чиқариш билан боғлиқ бўлса ва шу билан мақсади амалга ошса, зарар ва талафот етишидан қўркса ҳам, ҳатто мағлубият ва ўлим хавфи бўлса ҳам, гарчи вожиб бўлмаса-да, ҳасан (мустаҳаб) дир. Шу маънода Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай ҳадисни айтганлар: «Золим султоннинг ҳузурида ҳақ гапни айтиш энг фазилатли амалларнинг биридир». Лекин мақсади амалга ошмасдан олдин ўлиб кетиш эҳтимоли бўлса, мункар ишдан қайтариш ақл жиҳатидан қабиҳ саналади. Шунингдек, мункар ишдан қайтариш унинг янада кўпайиши ва таркалишига сабаб бўлса ҳам, ундан қайтариш ақл жиҳатидан қабиҳ ҳисобланади.

Мункар ишни қилувчиларнинг иккинчи ҳолати ўзаро келишган ва бирлашган ҳолда жамоат ва гуруҳ бўлиб, мункар ишни қилишдир. Бундай кимсаларни мункар ишдан қайтариш вожиб ёки вожиб эмаслиги хусусида олимлар фикри ҳар хил бўлган. Баъзи ҳадис ва осор соҳибларининг сўзига қараганда вожиб эмас, бундай вақтда инсон мункар ишдан қайтаришдан тийилмоғи, ўз уйининг хавфсизлигини ўйлаб, тарғибу ташвиқларга аралашмасдан жим турмоғи афзалроқ.

Маҳдийнинг чиқишини кутаётган бошқа бир тоифаларнинг айтишларича, токи у чиққунича мункар ишдан қайтариш ва унга қаршилик кўрсатиш вожиб эмас. Маҳдий чиққач, мункар ишдан қайтаришни ўз зиммасига олади, қолганлар эса унга ёрдам беради. Бошқа бир тоифанинг айтишича, (Асомм ҳам уларни маъқуллайди) бундай ҳолатда одил имомнинг рухсати бўлганда, мункар ишдан қайтариш жоиз, фақат унинг рухсати бўлсагина мункар ишдан қайтариш вожиб бўлади. Аксар мутакаллимлар фикрича, бундай ҳолатда модомики ўз тарафдорлари ва ёрдамчиларига эга бўлсагина мункар ишдан қайтариш ва уни даф қилиш лозим. Агар тарафдорлар бўлмаган ҳолатда жим туриш керак бўлади. Чунки бир ўзи бўлса, мақсади амалга ошмасдан ўлиб кетиш эҳтимоли йўқ эмас. Бу эса ақл жиҳатидан қараганда қабиҳ саналади. Шулар амри маъруф, наҳй мункардан ирода

қилинган амр ва қайтариқларнинг мазмун-моҳияти ҳамда амри маъруф ва наҳй мункар қилувчиларнинг ҳолатларидир.

Яна кишилар тоат-ибодатни бажариш ва гуноҳлардан тийилишда тўрт ҳолатда бўлади.

Биринчиси, тоат-ибодатни бажаришда ҳозиржавоб ва ҳар доим гуноҳлардан тийилиб юрадиганлар. Бу диндорликнинг комил ҳолати ва тақводорликнинг энг фазилатли сифатидир. Булар амал қилувчиларнинг мукофоти ва итоат қилувчиларнинг савобини олишга ҳақлидир. Муҳаммад ибн Абдулмалик ал-Мадоиний роҳматуллоҳи алайҳ Нофеъдан, у Ибн Умар розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Гуноҳ унутилмайди, яхшилик эса эскирмайди, Дайён (Аллоҳ) ўлмайди. Бас, қандай хоҳласанг, шундай яша. Қандай амал қилсанг, шундай мукофотланасан». Баъзилар айтишган: «Ҳар ким экканини ўради ва қилган амалига яраша жазоланади». Яна айтишларича: «Бугунги экканинг эртанги хирмонингдир».

Иккинчиси, тоат-ибодатлардан бўйин товлаб, гуноҳлардан тийилмайди. Бу бандаларнинг энг ёмон ҳолатидир. Булар тоат-ибодатларга бепарво қараб, гуноҳдан ўзини тийманларнинг азобига лойиқдир. Бу ҳақда Ибн Шубрума шундай деган: «Касалликдан кўркиб, ширинликлардан ўзини тийган кишига ҳайронман. Қандай қилиб инсон жаҳаннам оловидан кўрқиб, гуноҳлардан тийилмайди-я!». Буни шоирлар шеър тарзида шундай келтирган:

Жисмингни совуқ ва иссиқда қийнаб ҳалок қилурсан,
Дўзахдан қўрқиб, гуноҳлардан тийилмоқ авлодир, билсанг.

Ибн Зубора шундай дейди: «Кўриб шуни билдикки, Аллоҳнинг тоатига сабр қилиш Унинг азобига сабр қилишдан енгилроқ экан». Яна бир олим шундай деган: «Эй Аллоҳнинг бандалари, савоби тайин бўлган амални қилишга сабр қилинглар ва азобига сабрингиз етмайдиган амални қилмасликка ҳам сабр қилинглар». Фузайл ибн Иёзга: «Аллоҳ сиздан рози бўлсин». У зот: «Аллоҳ қандай мендан рози бўлсин, ахир, мен Уни рози қилмадим-ку?!».

Учинчиси, тоат-ибодатларни бажарса ҳам, гуноҳлардан тийилмайди. Бу тоифа гуноҳкорлар тортадиган азобга мустаҳиқ-

дир. Чунки тоат-ибодатларни бенуқсон адо этишса-да, шаҳватига енгилиб, гуноҳга қўл урадилар. Бу ҳақда Расулуллоҳ алайҳиссаломдан шундай ҳадис бор: «Аллоҳ сизларнинг жонингизни олмасдан гуноҳлардан тийилинглар». Шунинг учун баъзи олимлар: «Инсонларнинг энг афзали шаҳват динини бузмаган ва шубҳа ишончини тарк килмаган кишидир», дейишди. Ҳаммод ибн Зайд: «Зарар етишини ўйлаб таомлардан ўзини тийган одамга ҳайронман, шармандa бўлишини ўйлаб қандай гуноҳлардан тийилмайди», деди. Солиҳлардан бири деди: «Гуноҳкорлар қалби касал кишилардир». Фузайл ибн Иёздан: «Энг ҳайратланарли нарса нима?», деб сўрашди. У: «Аллоҳни таниб, сўнг Унга осий бўлган қалб», деб жавоб берди. Бир оқил шундай деган: «Осий тоатига ишониб, катта гуноҳларни унутади». Бир киши Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан сўради: «Қайси бири сизга суюклироқ, гуноҳи ва амали оз кишими ёки гуноҳи ва амали кўп кишими?». У зот: «Бу иккиси орасида адолат билан ҳеч қандай ҳукм чиқара олмайман», деб жавоб берди.

Баъзи зоҳидлардан сўрашди: «Тунги намоз ҳақида нима дея оласиз?». Зоҳид: «Кундузи Аллоҳдан қўрқ ва тунда ухла», деди. Зоҳидлардан бири бир кишининг қавмга: «Сизларни уйқу ҳалок қилди», деганини эшитиб шундай деди: «Йўқ, сизларни бедорлик (кундузи Аллоҳдан қўрқмаслик) ҳалок қилди». Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан: «Тақво нима?», деб сўранди. У зот улардан бирига: «Тикопли ерда юрганмисан?» деб савол берди. У: «Ҳа», юрганман», деди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Қандай қилиб юргансан?», деб яна сўради. У: «Жуда авайлаб юрганман», деди. Абу Ҳурайра: «Гуноҳлардан ҳам шундай эҳтиёт бўл», деди. Абдуллоҳ ибн Муборак шундай деди: «Бирор киши менга гуноҳларни тарк қилишига кафолат бера оладими, мен унинг (охират азобидан) халос бўлиш кафолатини зиммамга олсам. Аллоҳга итоат килган қавм хотиржам бўлади ва гуноҳларнинг жабрини тортмайди».

Тўртинчиси, тоат-ибодатларни бажармаса ҳам, лекин гуноҳлардан ўзини тияди. Булар ўз динига эътиборсизлик ва ишонч заифлиги туфайли азобга лойиқдир. Абу Идрис ал-Хавлоний

роҳматуллоҳи алайҳ Абу Зар Ғифорийдан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Мусо алайҳиссалом саҳифаларининг ҳаммаси (яъни Таврот) ибратлардан иборат эди: Жаҳаннам олови борлигига ишониб сўнг кулаётган кишига ҳайронман, қадарга ишониб, ўзини қийнаётган кишига ҳайронман, дунёни ўз аҳли билан ўзгариб туришини кўриб, унга хотиржам бўлган кишига ҳайронман, ўлимга ишониб, хурсанд юрган кишига ҳайронман, эртанги ҳисоб-китобга ишониб, амал қилмаётган кишига ҳайронман», дедилар.

Яна Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Амал қилишни ўйлаганлар, агар унга қодир бўлмасангиз, гуноҳдан тийилинглар». Бунинг маъноси аниқ, яъни гуноҳлардан тийилиш тарк этиш бўлиб, бу осон. Тоат-ибодатни адо этиш эса бўйсуниш бўлиб, уни қилиш осон эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло бирор узр ёки узрсиз гуноҳ қилишни мубоҳ қилмаган, унга рухсат бермаган. Чунки гуноҳ қилмаслик тарк этиш демакдир. Узрли киши ҳам буни қила олади. Лекин Аллоҳ таоло бирор узр сабабли амалларни тарк қилишни мубоҳ қилган. Чунки узрли киши амални бажара олмаслиги мумкин. Бакр ибн Абдуллоҳ шундай деган: «Бор куч-қувватини Аллоҳнинг тоатига ишлатган кучли кишига ёки гуноҳни тарк қилган заиф кишига Аллоҳ таоло раҳм қилсин». Абдулаъло ибн Абдуллоҳ Шомий роҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

Умр камайиб борар, гуноҳлар-чи кўпаяр,
Кимки гуноҳ қилса, шу гуноҳи ўзига урар.
Аъзолар гувоҳлик берса, қандай гуноҳ қилинар?
Сўралишни билганда оз бўлишин ўйлаб, ўлимдан қочар.

Билгинки, тоат-ибодатларни адо этиш ва гуноҳлардан тийилишда иккита офат бор. Биринчиси, гуноҳни кўпайтирса, иккинчиси ажр-савобни камайтиради. Гуноҳни кўпайтирадиган киши қилган амали ва адо этган ибодатидан ужбанишдир. Чунки бундай ужбаниш кишини икки ёмон ҳолатга туширади:

Биринчиси, ўз амалидан ужбанган киши амалига ишониб, Аллоҳга миннат қилади. Ким Аллоҳга миннат қилса, Ундан етган неъматларга куфр келтирибди. Ибн Аббос розиялоҳу анҳу шун-

дай ривоятни келтиради: «Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бирига шундай ваҳий юборди: «Дунёда тақводор бўлишинг охиратдаги роҳатга шошилганингдир, Менга ўзингни бағишлашинг ўзингга иззатдир. Бу иккиси ўзинг учундир. Мен учун ниманг бор?».

Иккинчиси, ўз амалидан ужбланган киши амалига ишонганидан алданиб қолади. Амалига ишонган киши эса гуноҳкор ҳисобланади. Аллоҳга гуноҳ қилган кимса эса осийдир. Муваррик Ижлий шундай деди: «Ужб билан қилинган тоат-ибодатдан тоат-ибодат қилмаган яхшироқдир». Салафлардан бири шундай деган: «Ўз гуноҳини айтиб, кулиб юрган киши Роббисига ишониб йиғлаб юрган кишидан яхшироқдир. Гуноҳига пушаймон бўлиб йиғлаган киши бепарволигини айтиб кулган кишидан яхшироқдир». Ажрни камайтирадигани эса қилган амалларига суянин ва ишониб қолишдир. Чунки ишониб қолиш икки ёмон ишни келтириб чиқаради.

Биринчиси, қилган амалларига ишониб, кейин қилажак амалларда суст кашликка йўл қўяди. Ким суст кашликка йўл қўйиб, қилган амалларига ишониб қолса, савоби кўпаймайди ва шукрни адо қила олмайди.

Иккинчиси, ўз амалларига ишониб қолган киши хотиржам бўлади. Аллоҳдан хотиржам бўлган одам Ундан қўрқмайди. Ким Аллоҳдан қўрқмаса, унга буйруқлари арзимас, қайтариқлари осондек туюлади. Фузайл ибн Иёз айтади: «Аллоҳдан қўрқиш Уни танишга қараб маълум бўлади». Муваррик Ижлий шундай деган: «Тунда ухлаб тонгда пушаймон ҳолда уйғонишим тунни ибодат ила ўтказиб, тонгда мамнун ҳолда уйғонишимдан яхшироқдир». Донишмандлар шундай дейишган: «Ўзингда яхшилик бор деб ўйлашинг сенда яхшилик йўқлигининг аломатидир». Робия ал-Адавиядан сўрашди: «Қабул бўлади, деб ўйлаган бирор амал қилганмисан?». Робия: «Агар бундай амалим бўлса, у «амалим ўзимга қайтарилмасмикан», деган хавфсирашимдир, холос», деди. Ибн Саммок шундай дейди: «Албатта, биз ўтган ишларда Аллоҳникимиз. Бизнинг қилган ишларимиз қанчалар хатарли! Албатта, келгуси ишларда ҳам Аллоҳникимиз. Келгуси ишларда огоҳлигимиз қанчалар оз!».

Ҳикоя қилинишича, бир зоҳид бир жамоанинг олдига келиб, баланд овозда уларга: «Эй бойлар жамоаси, сизларга айтаман, яхшиликларни кўпайтиринг, чунки гуноҳларингиз кўпдир. Эй фақирлар жамоаси, сизларга айтаман, гуноҳларни камайтиринглар, чунки яхшиликларингиз камдир», деди. Шундай экан, Аллоҳ сизга чиройли тавфиқ ато этсин, Роббингиз тоатида сустканлик қилиб ва адо этган амалингизга ишониб, соғлик ва бўш вақтингизни зое қилмаслик лозим. Ҳаракатни соғлигингизнинг ганимати ва амални эса бўш вақтингиз фурсати деб билинг. Зеро, вақт қайтиб келмайди ва ўтиб кетган нарса топилмайди. Бўш вақтни беҳуда кетказишда адашиш ва пушаймонлик бор. Хилватда эса мойиллик ва афсусланиш бор. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай деган: «Роҳатланиш (ортиқча дам олиш) эркаклар учун гафлат, аёллар учун шахватпарастликдир». Бузургмеҳр шундай дебди: «Агар машғуллик фаоллик бўлса, бекорчилик бузғунчиликдир». Донишмандлардан бири шундай деди: «Хилват (бекорчилик) дан сақлан! Чунки у ақлни айнитади ва ечилган тугунларни қайтадан тугиб қўяди». Донишмандлардан яна бири шундай деди: «Кунингни бефойда ўтказма, молингни бекорга сарфлама. Чунки умр бефойда ишларга сарфланишдан кўра қисқа ва мол эса кераксиз ишларга сарфланишдан кўра кам». Оқил киши вақтини фойда ва яхшилик йўқ ишларга сарфлашдан ҳамда молини савоб ва ажри йўқ ишларга инфоқ қилишдан ўзини сақлайди. Бунга Исо алайҳиссаломнинг мана бу сўзлари яққол мисол бўла олади: «Яхшилик учта: гапириш, назар солиш ва жим туриш. Кимнинг сўзи зикрсиз бўлса, у лағв ва беҳуда гапларни айтибди. Кимнинг назари эътибор ва ибратдан холи бўлса, у хато қилибди. Кимнинг жим туриши тафаккурсиз бўлса, у эътиборсиз бўлибди».

Билгинки, инсон зиммасига ибодатлар юкланар экан, бу уч ҳолатда бўлади. **Биринчиси,** ибодатларни ҳеч қандай камайтирмай ва на унга қўшмасдан тўлиқ ва мукаммал адо этади. **Иккинчиси,** ибодатларни камайтирган ҳолда бажаради. **Учинчиси,** ибодатларни кўпайтирган ҳолда бажаради.

Биринчи ҳолат, инсон тоат-ибодатларни нафллардан бирон-тасини қўшмаган ҳолда тўлиқ бажаради. Бу энг мўътадил ҳолат-

дир. Чунки бундай қилишда гуноҳни келтириб чиқарадиган сустқашлик ҳам ва на ожизликни келтириб чиқарадиган кўпайтириш ҳам йўқ. Саид ибн Абу Саид розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар: «Юриш-туришда ва кечасию кундузи тўғри бўлинглар, якинлашинглар ва осонлаштиринглар». Шоир шундай ёзади:

Ишларнинг ўртачасин танла, чунки унда нажот бор,
Қийин ва оғирини танлаб, ўзингни қийнама бекор.

Иккинчи ҳолат, яъни тоат-ибодатларни бажаришда сустқашлик қилиш тўрт ҳолатда бўлади. Биринчиси, ожиз қолдирувчи узр ёки ибодатни бажаришга халақит берадиган касаллик сабабли сустқашликка йўл қўйиш. Бу сустқашлик ҳукмига кирмайди, балки тўлиқ бажарилган амал сифатида қабул қилинади. Чунки шариатга биноан ожизлик сабабли бажариш имкони бўлмаган ишлар соқит бўлади. Бу ҳақда Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мана бу ҳадис ворид бўлган: «Касаллик туфайли қилиб турган амалидан тўхтаб қолган бандага Аллоҳ таоло амали савобини ёзиб турувчи бир фариштани вакил қилиб қўяди».

Иккинчиси, рухсат берилганига алданиб ва кечирилишига умид қилган ҳолда сустқашликка йўл қўйиш. Бу ақлнинг алданиши ва нодонликка кўникишдир. Бундай киши ўзига гумонни захира, умидни қурол қилиб олади. Бундай киши яйдоқ ва бўш саҳрода озуқа топаман деган ниятда ҳеч қандай озуқасиз сафарга чиққан йўловчига ўхшайди. Ана шу гумон уни ҳалок қилади. Ахир у бундай қилмаслиги керак эди, Аллоҳ ҳам шунга буюрган. Ҳикоя қилинишича, қози Исроил ибн Муҳаммад шундай деди: «Бир мажнунни харобаларда учратдим. У менга: «Эй Исроил, Аллоҳдан шундай қўрққинки, бу қўрқув сени ражо(умид)дан машғул қилсин. Чунки ражо сени хавфдан машғул қилиб қўяди (тўсиб қўяди). Аллоҳга қочгин, Аллоҳдан қочмагин». Муҳаммад ибн Восиъга: «Йиғламайсизми?»,дейишди. У: «Йиғлаш хотиржам кишилар сифатидир», деб жавоб берди.

Ҳикоя қилинишича, Абу Ҳозим Аъраж Сулаймон ибн Абдулмаликка Аллоҳнинг гуноҳкорларга айтган ваъдини эслат-

ди. Шунда Сулаймон: «Аллоҳнинг раҳмати қаерда?», деди. У: «Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқиндир», деб жавоб берди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Мен Расулуллоҳ алайҳиссаломдан кейин Али ибн Абу Толибнинг менга ёзган мактубичалик бирон нарсадан манфаат ва ваъз-насиҳат олмадим. Унда шундай дейилган: «Аммо баъд! Албатта, инсон бой берган нарсани топишдан хурсанд бўлади ва топган нарсасини йўқотишдан хафа бўлади. Дунёда топган нарсангни деб кувонма, бой берганингни деб хафа бўлма. Охиратни амал қилмай умид қилувчилар ва узун орзу-хавасларга берилиб тавбани кечиктирувчилардан бўлма. Бор гап шу, вассалом». Маҳмуд Варроқ шундай деган:

Тақводор солиҳ банда ҳолидан хавотирдаман,
Гуноҳкор (нинг кечирилиши) га умид қиламан.
Бу менинг солиҳ бандага бўлган қўрқинчимдир,
Тажовузкор золим ҳолидан қандай қўрқмайин.
Зеро, адашган кимса ўз йўлини топиб олар-ку,
Тақводорнинг қалби эса бот-бот адашар.

Учинчи ҳолат, қолиб кетган ишларни келгусида охирига етказаман деб сусткашликка йўл қўйиш. Бундай киши узоқ яшашни орзу қилгани ҳамда олдин йўл қўйган камчиликларини кейин тузатаман, деб кейинга қолдиргани учун ўзини алдаб яхши ишларни кечиктиради ва ёмон ишларни қилиб, сусткашликда давом этади. Унинг бу каби орзуси тугамайди ва охири кўринмайди. Чунки орзу яна бошқа бир орзуни етаклаб келаверади. Расулуллоҳ алайҳиссаломдан шу маънода ҳадисни ривоят қилинган: «Ким эртага яшашни орзу қилса, у абадий яшашни орзу килибди». Қасамки, бу гоятда тўғри гап, чунки ҳар бир кунинг эртаси бор.

Агар орзу рўёбга чиқмаса ва камчиликларни тузатиш амалга ошмаса, орзу саробга, умид эса умидсизликка айланади. Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар: «Бу уммат ислоҳининг асоси зуҳд ва ишонч туфайлидир, унинг фасоди бахиллик ва орзу туфайлидир». Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

«Қайси банда орзу-ҳавасни кўпайтирса, амални ёмон адо этади». Бир киши басралик зоҳидлардан бирига: «Бағдодда бирор ишингиз борми?», деб савол берди. Зоҳид унга: «Сен Бағдодга бориб келгунингча узун орзуга берилишни хоҳламайман», деб жавоб берди. Донишмандлардан бири деди: «Жоҳил орзусига, оқил амалига суяниб яшайди». Яна бир донишманд шундай деди: «Орзу саробга ўхшайди. Саробни кўрган киши алданади ва уни умид қилган ноумид бўлади». Муҳаммад ибн Яздон шундай дебди: «Маъмуннинг олдига кирдим. У пайтлар мен унинг вазири эдим. Тик ҳолда бир қоғозни кўлига олиб қараётганини кўрдим. Шунда у: «Эй Муҳаммад, буни ўқидингми?», деди. Мен: «У амирул мўъминин қўлида-ку», дедим. Маъмун уни менга узатди, қарасам, унда шундай ёзилган эди:

Сен шундай ҳовлидасан, унда амал қилишга етарли вақт бор,
Қара, орзу қилувчи орзусини кесувчи ўлим шай турар.
Нимани хоҳласанг қилиб, гуноҳга шошиласан,
Яна тавбанг қабул бўлишидан ҳам умидинг йўқ эмас,
Ахир ўлим тўсатдан етар, бу оқил ва дононинг ишими?!

Бу шеърни ўқиб бўлгач, Маъмун: «Бу сен ўқиган энг ҳикматли шеърдир», деди. Абу Ҳозим Аъраж шундай деган: «Биз тавба қилмай туриб ўлишни хоҳламаймиз ва ўлишдан олдин тавба қилишни ҳам хоҳламаймиз». Донишмандлардан бири: «Вақтнинг кўплиги бепарволик ва лоқайдлик бошидир», деди.

Тўртинчи ҳолат, тоат-ибодатларни тўлиқ ва мукаммал адо этишни қийин ҳисоблаб, уни адо этишга эриниш ва хаёлига келгани билан кифояланиб, қолганларига кам эътибор берган ҳолда сусткаштликка йўл қўйиш. Бу ҳолат уч қисмга бўлинади.

Биринчиси, фарзни тўлиқ ва мукаммал адо этиб, ибодатни бекор қилмайдиган даражада хатога йўл қўйиб сусткашлик қилиш. Яъни, ибодат амалларидан фақат фарз ва вожибларини тўлиқ бажаришни етарли деб ўйлаб, унинг сунnат ва мустаҳабларида хатога йўл қўйишдир. Бундай киши гуноҳкор ҳисобланади, лекин ваъид ва итобга лойиқ бўлмайди. Чунки вожиб ва фарзни бажарини туфайли азоб соқит бўлади, суннатни бажармаслик савобни

тўлик олишига тўскинлик қилади. Донишмандлардан бири шундай деди: «Ким динга бепарво бўлса, хор бўлади, ким ҳақиқатни ешишга ҳаракат қилса, мағлуб бўлади». Бир шоир шундай деган:

Тавба қилишни сақлаб бошқасини тарк этар у,
Сақлаш ва риоя қилишга эга ҳақли барча омонат ва дини.

Иккинчиси, фарз ибодатларни адо этишда хатога йўл қўяди, лекин олдин қолдирган ибодатларни бажармасликни айб ҳисобламайди, яъни баъзи ибодатларни тўлик бажаради, баъзиларини бажаришда сустқашлик қилади. Бундай кишининг ҳоли олдингисидан ёмонроқдир. Унга ваъид ва итоб лойиқдир.

Учинчиси, фарз ибодатларни тўлиқ ва мукаммал бажармайди, лекин айримларини бажаради. Яъни, бир-бирига боғлиқ бўлган ибодатларнинг бир қисмига аҳамият бермайдиган бундай киши ҳаммасини тарк қилган ҳисобланиб, шунинг учун қилган амали инобатга олинмайди. Бу сустқашларнинг энг ёмон одати бўлиб, у тарк қилувчиларнинг ҳолати билан баробар, балки улардан ҳам ёмонроқдир. Чунки ҳеч қачон соқит бўлмайдиган фарз ибодатининг ҳақини тўлиқ адо этмаяпти. У ваъндга лойиқликда тарк қилувчилар билан тенг; фойдасиз ибодатни бажаришда улардан ёмонроқдир. Натижада дунё ва охиратда унинг барча амаллари зое кетиб, уларни деб зарар кўргувчилардан бирига айланади. У деярли ўз ҳолатини англамайди ва зарар кўраётганини билмайди, агар унинг молига арзимас талафот етса, буни дарров билган бўларди. Аҳли илмлардан бири менга шундай шеърни айтиб берди:

Эй ўғлим, одамлар ичида одамсифат ҳайвонлар бор,
Молига мусибат етса, сезар, динига етса, асло сезмас.

Учинчи ҳолат ўзига буюрилган амални кўпайтириш бўлиб, уч қисмга бўлинади.

Биринчиси, одамларга риё ва хўжакўрсин учун зиёдалик (кўпайтириш). Ҳатто бу бекарор қалбларни ўзига мойил қилиб, заиф ақллар унга алданади. Солиҳлардан бўлмаса ҳам, ўзини улардан деб мактанади. Ўзини яхшилар қаторига қўшади, ҳолбуки, уларнинг якинига ҳам бормайди. Расулуллоҳ алайҳиссалом амалини

деб риё қилувчини шундай мисол билан тавсифлаганлар: «Ўзиники бўлмаган нарсалар билан зийнатланган одам иккита сохта кийим кийган кимсага ўхшайди». «Иккита сохта кийим кийган киши» дан мурод солиҳлар кийимини кийган бўлса ҳам, аслида ўзи солиҳлардан бўлмаган кишидир. Чунки у риё қилиш туфайли ажру савобдан маҳрум бўлади, номи ҳам қораланади. Чунки у Аллоҳнинг розилигини қасд қилмагани учун ажр-савобдан маҳрум бўлади. Риёси одамлардан махфий бўлмайди, шу боис у мақтовга лойиқ эмас. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Бас, ким Роббисига йўлиқишни умид қилса, бас, солиҳ амал қилсин ва Роббисининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин».** (Каҳф сураси, 110-оят). Барча аҳли таъвиллар **«...ва Роббисининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин»** оятини «амали билан ҳеч кимга риё қилмасин», деб тафсир қилишган.

Риёнинг ширк деб аталишига Аллоҳ учун қилиниши керак бўлган амални риёкор бошқа учун қилиши сабаб бўлади. Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳ таолонинг: **«...Ва намозингни жаҳрий ҳам қилма ва уни махфий ҳам қилма...»** (Исро сураси, 110-оят) деган сўзи хусусида шундай деган: «Яъни, намозни риёкорлик ила жаҳрий қилма ва ҳаё қилган ҳолда уни махфий этма». Суфён ибн Уяйна роҳматуллоҳи алайҳ: **«Албатта, Аллоҳ адолат, яхшилик ва яқинларга эҳсон қилишга буюради ва фаҳш, мункар иш ва боғийликдан қайтаради»** (Наҳл сураси, 90-оят) деган оятни шундай таъвил қилади: «Адолат» Аллоҳ таоло учун қилинган амалда ботин ҳам, зоҳир ҳам бир хил бўлишидир. «Яхшилик» ботин зоҳирдан яхшироқ бўлишидир. «Фаҳш ва мункар иш» эса зоҳир ботиндан яхшироқ бўлишидир». Яна бир донишманд шундай деди: «Адолат» «Ла илаҳа иллаллоҳ» нинг шаҳодатидир. «Яхшилик» Аллоҳнинг амр ва қайтариқларига сабр қилиш ва ботинида ҳам, зоҳирида ҳам Унга итоатли бўлишдир. «Яқинларга эҳсон қилиш» силаи раҳмдир. «Фаҳш» зинодир. «Мункар иш» ёмонликлардир. «Боғийлик» эса кибр ва зулмдир. Амалларни деб риё қилиш ҳам шулар жумласига киради. Чунки риё ёмонликлардан биридир».

Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Умматимга келишидан мен қўрқадиган энг хатарли нарса ошкора риё ва махфий шаҳватдир». Яна бир ҳадисда шундай дейилган: «Қиёматда яхшилик, деб ўйлагани яхшилик бўлиб чиқмаган киши қаттиқ азобланади». Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай деган: «Ҳеч бир яхшиликни риё билан қилмагин ва ҳеч бир яхшиликни ҳаё қилиб тарк этмагин». Олимлардан бири деди: «Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмаган ҳар бир яхшилик риёнинг ёмонидир ва унинг самараси жазонинг ёмонидир».

Кўпинча риё риёкорнинг масхара бўлишига сабаб бўлади. Ҳикоя қилинишича, Тоҳир ибн Ҳусайн роҳматуллоҳи алайҳ Абу Абдуллоҳ Марвазийдан: «Қанчадан бери Ироқдасан, эй Абу Абдуллоҳ?», деб сўради. У: «Йигирма йилдан бери Ироқдаман, ўттиз йилдан бери рўзадорман», деб жавоб берди. Шунда Тоҳир ибн Ҳусайн: «Мен сендан бир нарса ҳақида сўрадим, сен бўлсанг икки нарсага жавоб бердинг», деди. Асмаъий роҳматуллоҳи алайҳ шундай ҳикоя қилади: «Бир аъробий жуда узоқ намоз ўқиди. Буни кўрганлар: «Қандаям чиройли намоз ўқидинг», дейишди. Аъробий эса: «Бунинг устига рўза ҳам тутганман», деди.

Намозига қойил қолиб, рўзасидан шубҳаландим,
Бундай рўзадор намозхондан тиянгли олиб қочгин.

Бундай риёнинг қанчалар ёмонлигига қара! Риёкор накадар ақли паст кимса!». Баъзан риёкор кишилар ўз устидан кулишларига имкон беради. Бу ҳақда шундай ҳикоя бор. Бир зоҳид пешонасида тангадек сажда аломати бор кишини кўриб қолди. У султон эшиги олдида турарди. Зоҳид унга: «Пешонангда шундай дирҳаминг бўла туриб, бу ерда нима қилиб турибсан?», деди. У киши: «Чунки бу дирҳам тангага зарб қилинмаган-да!» деб жавоб берди. Бу нокулай ҳолатдан чиқиб кетиш учун гап уловини бошқа ёққа буриб айтилган жавобдир. Ашъас ибн Қайснинг айтган мана бу сўзини одамлар мақташади. Ашъас бир куни намозни қисқа ўқиди. Шунда масжиддагилардан бири унга: «Намозни жуда енгил қилиб юбордингиз», деди. У зот: «Бу намозга риё аралашмаганидан», деб жавоб қайтарибди. Ашъас риёдан

воз кечиб, намозини сохтакорлик ва бировлар айбларидан сақлади. Агар намозида риёга йўл қўйганида, мункар иш қилиб, маломатга қоларди.

Абу Умома масжид олдидан ўтаётиб, бир кишининг йиғлаб намоз ўқиётганига кўзи тушди. Шунда унга: «Агар шу намозингни уйда ўқиганингда, яхширок бўларди», деди. Абу Умома унинг ишини маъқулламади, уни риёкорликда айбласа-да, бироқ у риё қилмаган бўлиши ҳам мумкин эди (лекин бу иши тўғри эмас). Энди риёкорлик асосий иллатга айланиб, шу туфайли танилиб, амаллари гуноҳдан иборат ва ёмонлиги шамолдан ҳам тез таркаладиган кишининг ҳоли не кечади?! Шунинг учун Абдуллоҳ ибн Муборак шундай деган: «Таквонинг энг афзали амални махфий қилишдир».

Баъзан фозил кишилар ўзларида риёга мойиллик борлигини сезиб қолсалар, фазилатлари уларни нафс ундаётган риёкорликка қарши курашишга чорлайди. Бу улардаги фазилатнинг энг юқори чўққисидир. Бу борада Умар ибн Хаттоб ҳақида шундай ҳикоя бор. У бир куни минбарда туриб таҳорати синганини сезиб шундай деди: «Эй инсонлар, мен ҳозир икки ўт Аллоҳни деб сизлардан қўрқмаслик билан сизларни деб Аллоҳдан қўрқмаслик орасидаман. Менга Аллоҳни деб сизлардан қўрқмаслик яхшироқдир. Ҳозир менинг таҳоратим кетди. Минбардан тушиб, таҳоратни янгилаб келаман». Бу Умар розияллоҳу анҳу ўз нафсига қаҳр қилиб, уни ҳоҳишларидан қайтарди. Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳу Муҳаммад ибн Каъб Қуразийга: «Менга насиҳат қил», деди. Шунда Муҳаммад: «Мен ўзимни сенга насиҳат қилувчи деб ўйламайман. Чунки мен бой ва фақирлар орасида ўтираман. Фақирга суянаман, бойга жой бераман. Зеро, Аллоҳ таолога амалда итоат этиш фақат Унинг розилигини деб бўлиши керак, Ундан бошқаси учун эмас». Ҳикоя қилинишича, бир қавм сафарга чиқиб, йўлдан адашибди. Шунда бир роҳибга йўлиқишиб, ундан: «Биз адашиб қолдик, қайси йўлдан борайлик?», деб сўрашибди. Роҳиб: «Бу ёққа», деб осмонга ишора қилибди.

Иккинчиси, бировга эргашиб, ибодатни кўпайтириш. Бу яхшилар ва тақводорлар билан ҳамсуҳбат бўлишнинг самараси-

дир. Шунинг учун Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Киши дўстининг динида бўлади. Шундай экан, ҳар бирингиз кимни дўст тутганига қарасин».

Агар киши яхшилар билан бирга ўтирса, уларнинг суҳбатидан узоқ вақт баҳраманд бўлса, уларга амалда эргашишни, улардан орқада қолмасликни, уларсиз бирор яхшиликни қилмасликни хоҳлаб қолади ва доим уларга тенглашишга ҳаракат қилади. Баъзан улардан кўра кўпроқ амал қилишга интилади ва саодатга эришиши ва амалларини кўпайтиришига сабаб бўлади. Арабларда шундай мақол бор: «Агар бирлик бўлмаганида, инсонлар ҳалок бўлишарди». Яъни, бир-бирини кўриб, яхши ишларда бир-бирларига эргашмаганларида, барча инсонлар ҳалокатга йўлиқарди. Шунинг учун донишмандлардан бири шундай деган: «Яхшиларнинг суҳбати энг яхши танлов, ёмонларни дўст тутиш энг ёмон танловдир». Бу ҳақ гап, чунки дўстлашишнинг бир-биридан ибрат олишга таъсири катта. Агар киши яхшиларга ёндашса, хулқи яхши бўлади, агар ёмонларга ёндашса, хулқи айнийди. Шунинг учун бир шоир шундай деб шеър битибди:

Бир киши солиҳ бўлса, унинг аҳли ҳам яхши,
Ёмонлиги унинг аҳлини ҳам айнитар аниқ.
Яхшилиги туфайли дунёда ҳурмат топар,
Ўлгач эса, аҳли ва фарзандлари ёдидан чиқмас.

Адаб аҳлидан бири менга Абу Бакр Хоразмийнинг мана бу шеърини айтиб берди:

Ҳар қандай ҳолатда дангасани тарк этгин,
Қанча солиҳлар шериги ёмонлигидан айтган.
Ақли йўқ аҳмоқнинг касали ақллига жуда тез юқар,
Зеро, чўғ кулга тушгач, албатта, сўниб-ўчар.

Учинчи қисм ўзидан келиб чиққан ҳолда савоб умидида ва Аллоҳга янада яқин бўлиш ниятида ибодатни кўпайтириш. Бу дин софлиги, имонч-эътиқоднинг тўғри ва мустаҳкамлигига далолат қилувчи ҳақиқий рағбат, пок нафснинг натижаси ва хоҳиш-истагидир. Бу амал қилувчиларнинг энг афзал ҳолати ва

обидларнинг энг юқори мартабасидир. Айтишларича, яхшилик қилишда тўрт тоифа бор. Биринчиси, ўзидан келиб чиққан ҳолда яхшилик қиладиганлар, иккинчиси, бировга таклидан яхшилик қиладиганлар, учинчиси, яхшилик қилмасликни яхши деб билганлар, тўртинчиси, яхшилик кила олмагани учун яхшиликни тарк килганлар. Биринчиси карим, иккинчиси ҳаким, учинчиси тарбиясиз, пасткаш, тўртинчиси бадбахтдир. Шунингдек, ибодатни кўпайтиришда икки ҳолат мавжуд.

Биринчи ҳолат, мақсадли ва узлуксиз қилиш. Бу энг афзал ҳолат ва энг олий мартабадир. Салафлар шу йўлдан бориб, кейинги уламолар ҳам шу йўлни тутганлар. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар: «Эй инсонлар, тоқатингиз етганича амал қилинглар. Агар амал қилиш сизларга малол келмаса. Аллоҳ таолога савобини бериш малол бўлмайди. Амалларнинг энг яхшиси давом этиб турганидир». Араблар шундай дейишади: «Мақсад ва давомли бўлиш сени доим олдинга чорлайди». Чунки беражак савобига кимнинг фикри тўғри бўлса, Аллоҳга итоат қилганидан хурсанд бўлади. Абдуллоҳ ибн Муборак шундай деди: «Бир роҳибга: «Сизларнинг байрамингиз қачон бўлади?», дедим. У: «Аллоҳга гуноҳ қилмаган ҳар куним менга байрамдир», деб жавоб берди». Унинг айтган бу сўзига қаранг! Унинг тоат этишга муҳаббати ва шу йўлда бор кувватини ишга солиши чиндан ҳам мақтовга лойиқ! Зоҳидлардан бири бир байрамга эски кийимини кийиб чиқди. «Нега шундай байрамда эски кийимда олдингиз, ахир ҳамма чиройли кийиниб олган-ку?», дейишди. Шунда зоҳид: «Аллоҳ учун зийнатланиш Унга итоат қилишга қараб бўлади».

Иккинчи ҳолат, кўп ибодат қилса ҳам, лекин доимий ва муттасил давом этмаслиги. Баъзан бу уни қилишга одатланмаган ожизлар ҳолатига ўхшаб кетади. Чунки амални бу тариқа кўпайтириш икки салбий ҳолатни юзага келтиради. Биринчиси, ибодатни адо этишга тўсқинлик қилади, бу кусурли бўлишдан бошқа нарса эмас, чунки бундай одам нуқсонли зиёдани ва фарзга тўсқинлик қиладиган нафлни ихтиёр этади. Иккинчиси, ибодатни мунтазам кўпайтириб бориш ҳамда фарз ва вожиблар-

да камчилик ва хатога йўл қўймасдан кўпроқ адо этишга монеълик қилади. Бунинг умри қисқа ва давом этиши оз.

Узоқ вақт оз-оздан давом этган амал Аллоҳ таолонинг ҳузурида қисқа вақтда қилинган кўп амалдан яхшироқдир. Чунки қисқа вақтда кўп амал қиладиган киши баъзан амал қилса, баъзан амал қилмайди. Кўпинча амал қилмаган пайтида бепарво ёки унутувчига айланиб қолади. Узоқ вақт оз-оздан амал қиладиган киши тафаккурда бўлиб, ҳар доим хотираси ўзи билан бўлади. Абу Солиҳ роҳматуллоҳи алайҳ Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан шундай ривоятни келтиради: «Расулуллоҳ алайҳиссалом Исломда учкун чиқиши ҳам бор эканига ишора қилдилар, у (тоат-ибодат) да ҳалдан ошишдир. Учкун чиқишининг ўз вақти бор, у (тоат-ибодатни) кўпайтиришдан кейинги ўз ҳолига ташлаб қўйишдир. Мана шу кўпайтириш, юқорида исботланганидек, қусур ёки шикаст етишдан холи бўлмайди. Қусур ва шикастнинг ҳеч бирида яхшилик йўқ. Ким тўғри бўлиб, (инсонлар билан) яқин муносабатда бўлса, ўша кишини орзу (ҳавас) қилинглар ва ким бармоқлар билан ишора қилинадиган (даражада ёмон) бўлса, уни (мусулмонлар қаторида) ҳисобламанглар».

Билгинки, Аллоҳ илми сизга ҳоким ва ҳақни йўлбошчи қилсин, дунёга келиш хатарли қарамликдир, ундан ажралиш куйдирувчи фожиадир. Дунё билан доимий қолиб бўлмайди, ундан ажралишдан бошқа чора йўқ. Ўзингизни дунёдан узоқ тутинг, шунда унга қул бўлиб қолмайсизлар, яқин борманглар, шунда унинг фожиаларидан омонда бўласизлар. Шундай ҳикмат бор: «Киши тугаб бораётган умридан қарз олади. Агар узун бўлса ҳам, умр оздир, агар тўлиқ ва кўп бўлса ҳам, бўш вақт камдир». Менга Али ибн Муҳаммад роҳматуллоҳи алайҳнинг шеърини айтиб берди:

Олтмиш ёшнинг олтидан бирига насиба эрур,
Ярми тун билан ўтар, ҳордиқ вақтлари бешдан биридир.
Ғам-ташвиш ҳам умрдан ўз ҳиссасин олмасдан қўймас,
Касаллик вақтлари кексалик дарахтин йиқар.
Шу тарзда бор умрнинг олтидан бир қисми қолар,
Агар ўзи ҳушёр ва зийраклик илмин олган бўлса.

Демак, нафсни риёзат қилдириш уч ҳолатда бўлади. Ҳар бир ҳолатнинг ўзидан кейин келадигани осон бўлишига сабаб бўладиган шохобчалари бор. **Биринчиси ҳолат**, қалбдан дунё муҳаббатини чиқариш. Чунки дунё сизни охиратдан чалғитади. Кучингизни дунёга сарфламанг, чунки у сизни ўзидаги насибангиздан махрум этади. Дунёга суянишдан сақланиб, унга ишониб қолманг. Расулуллоҳ алайҳиссаломдан бу ҳақда шундай ҳадис ворид бўлган: «Ким қалбини дунё муҳаббати билан сугорса ва унга суяниб қолса, у дунёга машаққатли машғулот, охири йўқ орзу ва чеки йўқ ҳирс билан ёпишиб қолади». Исо алайҳиссалом шундай деганлар: «Дунё иблиснинг экинзоридир, дунё аҳли унинг деҳқонларидир». Али ибн Абу Толиб шундай деган: «Дунё танаси юмшоқ, заҳри ўлдирувчи илонга ўхшайди. Дунё жилваларидан юз ўгир, чунки улар сен билан кўп қолмайди. Агар дунёдан ўтишингга ишонсанг, унинг ғам-ташвишидан воз кеч. Дунё учун амал қилишдан сақлан. Сен дунёда яшашни ёқтирасан. Ҳолбуки, дунё соҳиби ҳар қанча унга ишониб, хурсанд бўлмасин, ундан жудо бўлади ва ҳар қанча дунёга ошно бўлмасин, уни ташландиқ ҳолатда тарк этади».

Донишмандлардан бири шундай дейди: «Дунё чанқоқни қондирмайди, эгасига вафо қилмайди, фитнадан холи бўлмайди, машаққатдан аримайди. Дунё юз ўгиришидан олдин сен ундан юз ўгир, сени алмаштирмасдан уни алмаштир. Чунки унинг неъматлари кўчиб юради, ҳолатлари ўзгариб туради, лаззатлари йўқолиб, таъқиқланган лаззатлардан ҳосил бўлган гуноҳлар қолади». Донишмандлардан бири шундай деган: «Дунёга уни тарк қилган зоҳиднинг назари билан қара, дунёга берилган ошиқнинг орзуси каби уни орзу қилма». Шоирлардан бири шундай деди:

Дунё уйқудаги туш десам, асло хато бўлмас,
Лаззатли ҳаёт абадий ва мангу эмаслигин бил.
Кеча бир лаззатни топиб, уни йўқотган бўлсанг,
Худди туш кўргандек уни эсга олурсан.
Ўзи ғофил бўлмай туриб, ғафлатда юрганлар қанча,
Кўзлари очиқ бўла туриб, ухлаётганлар қанча?!

Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Дунёнинг Аллоҳ наздида арзимас ва ҳақирлиги шундаки, гуноҳ фақат шу дунёда қилинади ва уни тарк қилиш билан Аллоҳнинг розилигига эришилади». Суфён шундай ривоят келтиради: «Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга шундай деди: «Эй Мусо, дунёдан юз ўгир ва уни орқангга итқит. Чунки у сенинг жойинг эмас, унда қолишнинг иложи йўқ. Дунё бандаларга фақат охиратга тайёргарлик кўришлари учунгина берилган». Исо алайҳиссалом шундай деганлар: «Дунё кўприкдир, ундан ўтинглар, унинг устини обод қилманглар». Али розияллоҳу анҳу дунёни шундай тавсифлаган: «Дунёнинг аввали машаққат, охири фонийлик, ҳалолига ҳисоб бор, ҳаромига азоб бор. Ким унда соғлом бўлса, нажот топади, ким унда касал бўлса, надомат чекади, ким унга ишониб қолса, алданади, ким унга муҳтож бўлса, маҳзун бўлади, ким уни қувласа, унга ета олмайди, ким ундан воз кечса, унинг ўзи ёнига келади, ким унга боқса, уни кўр қилади, ким унга ибрат назари билан қараса, уни кўради». Донишмандлардан бири деди: «Дунё тез келиб, тез кочиб кетади, сабрсизлик билан келиб, шошилинч ажралади. Унинг яхшилиги оз, маишати қисқадир. Унинг юзланиши ёлғон, алдов, лаззатлари фоний, гуноҳлари боқийдир. Шу қиска вақтни ғанимат бил, қулай имкониятдан фойдалан, ўзингга фойдали нарсаларни ол, бугун эртанги кунинг учун тайёргарлик кўр». Ваҳб ибн Мунаббиҳ шундай деган: «Дунё ва охират кундош аёлларга ўхшайди. Бирини рози қилсанг, униси норози бўлади». Абдулҳамид шундай деган: «Дунё манзиллардан иборат. Бу манзилдан ўтиб кетадиганлар бор, унга тушиб қоладиганлар бор». Донишмандлардан бири шундай дейди: «Дунё ё осмондан тушган бало, ё заволга учрайдиган неъматдир». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Дунёда ўзининг зарарига далил бор». Шоир шундай деди:

Агар оқил бўлсанг, ғанимат бил дунёни,
Чунки сен унда амр ва қайтариқ орасидасан.
Дунё кишига дунёни қолдирса, йўқотгани зарар қилмас.
Дунё қадри пашша қанотича ва ё бир қуш қанотичамас,
Дунё мўминга савоб, кофирга жазо бўлишни хоҳламас.

Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Дунё икки кундир. Бири шодлик, бири маҳзунлик. Иккиси ҳам сиздан кетувчидир. Заволга учрайдиган амалларни тарк этиб, завол етмайдиган амалларни деб жонингизни қийнанглар». Исо алайҳиссалом шундай деганлар: «Дунё аҳли билан дунёси хусусида тортишманглар, акс ҳолда улар ҳам динингиз хусусида тортишади. У ҳолда дунё аҳлининг дунёсига ета олмайсиз ва динингизни ҳам сақлаб қола олмайсиз». Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтади: «Дунё ҳақида зоҳидлар гапини айтиб, унга қизиқувчилар амалини қиладиганлардан бўлма. Агар дунё берилса, унга тўймайдиган, агар ман қилинса, қаноат қилмайдиган, дунёда берилган неъматлар шукрини адо этишдан ожиз бўлишига қарамай, яна кўпини хоҳлайдиган, бошқаларни қайтариб ўзи қайтмайдиган, ўзи қилмайдиган ишга буюрадиган, солиҳларни яхши кўриб, уларнинг амалини қилмайдиган ва гуноҳкорларни ёмон кўриб, ўзи улар қаторида юрадиганлардан бўлма».

Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: «Дунёнинг турган-битгани ғамдир. Ундаги хурсандчиликлар худди шамолга ўхшайди». Донишмандлардан бири деди: «Дунё кўп ўзгарувчан, тез йўқоладиган, жуда маккор, ҳар доим ҳийла қилувчидир. Қалбингдан ҳавои нафс сабабларини (дунёни) чиқариб ташла, гўё амалларинг савобини кўриб тургандек узун орзуларингни камайтир». Яна бир донишманд шундай деган: «Дунё ё аламли мусибат, ё фожиали ўлимдир». Шоир шундай деди:

Дунёни тарк эт, яхшилик қилса, ортида бир ёмонлиги бор,
У ўзи тугиб, ўзига яхшилик қилганни оқ қилмиш онадир.
Ҳар бир нафс уни хурсанд қилишни хоҳлаб уринар,
Умидлар нафсига қулларни бошқарар, орзулар алдар.
Дастлаб меваси ширин, аччиғи кейинроқ билинар,
Унинг бағрида қулу ҳур бирдек ором олиб ётар.

Агар нафсингни мана шу ҳолатга ўргатган бўлсанг, у ҳолда мана бу уч хислатга эга бўласан.

Биринчиси, дунёни яхши кўрувчига раҳм қилиш ва ундан эҳтиёт бўлиш билан кифояланишингдир. Раҳм қилувчининг ишончи йўқ, эҳтиёт бўлувчининг роҳати йўқ.

Иккинчиси, дунё кўнгилхушликларига алданиб қолишдан сақланишингдир. Шунда дунёнинг балою офатларидан узоқда бўласан. Чунки дунё билан кўнгилхушлик қилувчи алданган, алданган эса хавф-хатардадир.

Учинчиси, дунёни деб яшаш машаққати ва уни деб кийналишдан хотиржам бўласан, қутуласан. Чунки ким бир нарсани яхши кўрса, уни излайди, ким бир нарсани изласа, уни деб машаққат чекади, машаққат чеккан агар қўлга киритса, чарчайди, агар қўлга кирита олмаса, маҳрумга айланади.

Расулуллоҳ алайҳиссалом Каъбга шундай дедилар: «Эй Каъб, инсонлар икки тоифадир. Ўз нафсини сотиб олиб, уни озод қилувчи ва ўз нафсини сотиб, уни қул қилувчилар бор». Исо алайҳиссалом шундай дедилар: «Дунёни деб амал киласизлар, аслида ҳеч қандай ташвишсиз дунёда сизларга ризқ етиб турибди. Охиратни деб амал килмайсизлар, аслида охиратда (шу дунёдаги амал) туфайли ризкланасизлар». Донишмандлардан бири: «Дунёнинг бевафолиги ҳеч қачон у бир ҳолатда ўзгармай турмаслигидадир. Бирини тузатсанг, яна бирини бузасан, бирини хурсанд қилсанг, яна бирини хафа киласан. Дунёга суяниш хатарли, ишониш алдовдир», деди. Ҳакимлардан бири деди: «Дунё берган совғасини сўзсиз қайтариб олади, замон эса ҳасадгўйлигидан қайси парсанинг олдига борса, уни ўзгартириб юборади. Дунё яшаётган одам учун тугамас ҳожатдир».

Маздак дунёнинг энг афзал, деб билган парсасига эришгач, уни тарк қилиб шундай деган экан: «Бу хурсандчилик бўларди, аслида у алдов бўлмаса, у неъмат бўларди, аслида у пуч бўлмаса, мулк бўларди, аслида у нобуд бўлмаса, бойлик бўларди, аслида у фоний бўлмаса, улуғлик бўларди, аслида у хорлик бўлмаса, аслида у мақтовга лойиқ бўларди, йўколувчи бўлмаса, аслида у захира бўларди, сароб бўлмаса, аслида у юксалиш бўларди, хокисорлик бўлмаса, аслида у юксаклик бўларди, балою фитна бўлмаса, аслида у яхшилик бўларди, маҳзунлик бўлмаса, аммо у эртасига ишонч йўқ кундир».

Ҳакимлардан бири шундай деган: «Роғиб (дунёга кизиқувчи) бўлса ҳам, зоҳид бўлса ҳам, ҳеч ким дунёга эгалик қила олма-

ган. Рогибни сақлаб қолишни хоҳламади, зоҳидни ҳам тўхтатиб қолмади». Абул Атоҳия шундай деган:

Дунё озор ва ташвиш ҳовлиси, фонийлик ва алдов бисёр,
Охирига етдим деганда, умр тугаб, мақсад ҳосил бўлмас.
Эй узоқ яшашни орзу қилган, билсанг, унда зарар бор,
Улғайган чоғда, биласанки, кексайгач, яшашда хайр йўқ.

Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Аллоҳим, Сендан фойдаси йўқ илмдан, тўймайдиган нафсдан, қўркмайдиган қалбдан ва ёш тўкмайдиган кўздан паноҳ сўрайман. Сизлар фақат туғёнга кетказувчи бойликни, ё Аллоҳни унуттирувчи фақирликни, ё бузувчи касалликни ва мажолсиз қариликни, ё кутилаётган киёмат аломатларининг энг ёмони Дажжолни, ё охиратни кутмоқдасизлар, холос. Охират жуда қўрқинчли ва аччиқдир». Ҳикоя қилинишича, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга ваҳий юборибди: «Менга қалбингдан хушуъни бер, баданингдан хузуъни бер, кўзингдан ёшларни бер. Чунки Мен яқинман». Исо алайҳиссалом шундай дедилар: «Аллоҳ таоло ерга шундай ваҳий қилди: «Ким Менга хизмат қилса, сен ҳам унга хизмат қил, ким сенга хизмат қилса, сен ҳам уни ишлатгин (қийнагин)». Донишмандлардан бири айтди: «Узун орзуингдан қисқа амалингга қўшиб бер. Чунки дунё булутнинг сояси ва уйқудаги тушдир. Ким уни таниб туриб, талаб қилса, йўлдан адашади ва тавфиқдан маҳрум бўлади». Донишмандлардан бири айтди: «Дунё сенга юзланса, унга ишониб қолма, бир куни барибир сени таплаб кетади, мол-давлатга ишониб қолма, у барибир бир кун тугаб йўқолади. Яна бир донишманд: «Дунёда ўтган кунлар худди бўлмагандек, қолган кунлар эса худди ўтган кунлардек», деди. Бир зоҳиддан сўрашди: «Дунёни тарк қилдинг, нафсингни бунга қандай ўргатдинг?». Донишманд: «Дунёдан бир кун кетишимни билгач, ундан ўз хоҳишим билан кетишни хоҳладим». Ҳурфа бинти Нўъмондан: «Нега йиглаяпсан?», деб сўрашди. У: «Аҳлимнинг фаровон ва хурсандлигини кўрдим. Қайси ҳовли хурсандчиликка тўлса, албатта, изидан ғам-қайгуга ҳам тўлади». Ибн Саммок айтди: «Кимни майл кўрсатгани учун дунё ўз ҳаловати билан

ўраб олган бўлса, ёмон кўргани учун охират ҳам кишини азоби ва аччиқлиги билан ўраб олади». «Калила ва Димна» муаллифи шундай деган: «Дунёни излаган киши денгиз сувини ичаётганга ўхшайди. Аммо ичган сари яна чанқоғи кучайиб боради». Умар ибн Абдулазиз шундай байтларни айтиб берди:

Эй алданган инсон, кундузинг хато ва гафлатда ўтишин англа,
Тунинг уйқудан иборатлигин билиб, надомат чек.
Туш кўраётган киши ундаги лаззатдан хурсанд бўлгандек
Ўткинчи нарсаларга хурсанд орзу-ҳавасдан хурсандсан,
Оқибати ёқимсиз ишлар машғул этар, ҳайвонлар шундай яшар.

Бир киши бировнинг шеригига шундай деб айтаётганини эшитиб қолди: «Аллоҳ сенга ёмонликни кўрсатмасин». Шунда у: «Сен шеригингга ўлим тиладинг. Чунки шеригинг дунё аҳлидандир, унинг ёмонлик кўришидан бошқа чораси йўқ». Абу Атоҳия шундай дебди:

Замон ўз аҳлига мулойим кўринса-да, аслида қаттиқдир,
Унинг ташлаган қадамлари гўё тек тургандек кўринур.

Нафс риёзати ҳолатларининг иккинчисига мувофиқ, дунёда берилган, орзу қилинган нарсалар ва сизга келган дунё ғаройиботлари вақтинчалиги ҳамда берилган нарса топширилиши ва омонат қайтариб берилишини нафсингизга уқтириш лозимлигини билишингиздир. Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Қиёмат куни одам фарзандининг оёғи уч нарса – ўтказган ёшлиги, кечирган умри ва молни қаердан топгани ва қаерга сарфлагани ҳақида сўралмагунича ердан жилмайди». Исо алайҳиссалом айтдилар: «Молда учта хислат бор». Одамлар: «Улар қайсилар, эй Руҳуллоҳ?», деб сўрашди. Исо алайҳиссалом: «Молни харомдан топади», дедилар. Улар: «Агар ҳалолдан топса-чи?» деб сўрашди. Исо алайҳиссалом: «Молни ноўрин сарфлайди», дедилар. Улар яна: «Ўрнига ишлатса-чи?», деб сўрашди. Исо алайҳиссалом: «Мол уни Роббисига ибодат қилишдан тўсиб қўяди», деб жавоб бердилар.

Абу Ҳозим роҳматуллоҳи алайҳ Бишр ибн Марвоннинг олдига кириб, унга: «Биз бу кийин ҳолатдан қандай чиқиб кета-

миз, эй Абу Ҳозим?», деди. Абу Ҳозим: «Ўзингники бўлганни ўз ўрнига сарфла, ўзингники бўлмаганни ноҳаклик билан олма», деди. Шунда Бишр ибн Марвон: «Буни ким ҳам қила оларди, эй Абу Ҳозим?» деди. Абу Ҳозим: «Шунинг учун Жаҳаннам жинлар ва инсонларга тўлдирилади-да», деди. Яҳудийлар Исо алайҳиссаломни фақирликда айблашганда шундай деб жавоб бердилар: «Сизлар бойлик туфайли ёмон ҳолга тушгансизлар». Бир қавм бир обиднинг уйига кириниб, ўтиришга ҳеч нарса топиша олмади. Шунда обид уларга: «Агар дунё абадий қўнимгоҳ бўлганида, албатта, биз унга бирор жиҳоз олган бўлардик», деди. Зоҳидларнинг бирига айтишди: «Васият қилмайсизми?». У: «Нимани васият қиламан, Аллоҳга қасамки, бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, бизнинг бировда, бировнинг бизда ҳам ҳеч нарсаси йўқ», деди. Бу жавобга эътибор беринг, бу роҳат ва тинчликка қаранг, қандай хотиржамлик! Шунинг учун ҳам фақирлик ҳисоб-китоби йўқ мулкдир, дейишади.

Исо алайҳиссаломдан: «Уйланмайсизми?», деб сўрашди. У зот: «Биз боқий дунё – охиратда кўпайишни хоҳлаймиз», деб жавоб бердилар. Яна у зотга: «Аллоҳга дуо қилсангиз бўларди, сизга бир эшак берса», деб айтилди. У зот: «Эшакка хизмат қилганимдан кўра шу ҳолда юрганим афзалроқ», дедилар. Абу Ҳозим роҳматуллоҳи алайҳдан: «Мол-дунёнг қанча?», деб сўрашди. У: «Иккита молим бор: бири Аллоҳдан розилигим, иккинчиси одамлардан беҳожатлигим», деди. Яна у зотга: «Сиз мискинсиз?», дейишди. У зот: «Қанақасига мискин бўлай, ахир еру осмон, улар орасидаги ва тупроқ остидаги нарсалар Мавломники бўлса», деди.

Донишмандлардан бири деди: «Қанча-қанча хурсандчилик туфайли шодланиб юрганлар бор, аслида бу дард эканини билмайдилар ва қанча-қанча дарддан маҳрумлар бор, аслида бу шифо эканини билмайдилар». Адиблардан бири айтди: «Инсонлар ҳар хил ва ҳар бир жамоанинг тарқалиши бор». Донишмандлардан бири деди: «Тақводорлик ишонч тўғрилиги, ишонч тўғрилиги эса динниng нури туфайли бўлади. Кимнинг ишончи тўғри бўлса, бойликда тақво қилади, кимнинг дини кучли бўлса, жазога ишо-

нади. Жонингиз саломатлиги ва кечаги кунингиз тинчлиги сизни алдаб қўймасин. Чунки умрнинг муддати оз ва жоннинг соғлиги абадий эмас». Шоирлардан бири шундай шеър айтди:

Қанчадан-қанча дарахтлар гуркираб ўсар,
Ниҳолини экканлар аллақачон ўтиб кетгандир.
Замон ҳам худди шундай, фикр этсанг агар,
Унинг азаси тўйидан кўра яқинроқдир.

Агар нафсингиз айтиб ўтилганларга рози бўлса, ундан уч хил ҳолат келиб чиқиши мумкин.

Биринчиси, нафсингизга насиҳат қилиш ва унга назар солиш. Шунда у сизга бўйсунади ва суянади. Зеро, нафсини алдаган таҳқирланади, нафсидан юз ўгирган аҳмоқ ҳисобланади.

Иккинчиси, ўзингизники бўлмаган нарсадан сақланиш, уни эгаллаш ва талаб қилишга қарам бўлиб қолишдан сақланиш.

Учинчиси, ўзингизники бўлган нарсани ўз ўрнида ишлатиш ва ўзига лойиқ жойга сарф қилиш имконинг бой бермаслик. Шунда у қиёматда захира бўлиб, зарарингизга ишламайди. Бир ҳадисда шундай дейилган: «Бир киши Расулуллоҳ алайҳиссаломга: «Ё Расулуллоҳ, мен ўлимни ёмон кўраман», деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Молинг борми?» деб сўрадилар. У киши: «Ҳа», деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Молингни садақа қил, чунки мўминнинг қалби молининг ёпида бўлади». Оиша розияллоҳу анҳо шундай ривоят қилади: «Бир қўйни сўйиб, уни садақа қилдик. Шунда мен: «Ё Расулуллоҳ, фақат кураги қолибди», дедим. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Курагидан бошқа ҳаммаси қолибди (савоби тегибди)», дедилар». Ҳикоя қилинишича, Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд ҳовлисини саксон минг дирҳамга сотди. Одамлар унга: «Шу пулдан ўғлингизга сақлаб, захира қилиб қўйинг» дейишди. У зот: «Мен бу пулларни Аллоҳ таолонинг ҳузурида ўзим учун захира қилиб қўяман ва Аллоҳни ўғлим учун захира қиламан», деди ва пулларни садақа қилиб юборди.

Саҳл ибн Абдуллоҳ кўп садақа қилганидан одамлар уни гап қила бошлашди, шунда у зот: «Ахир, инсон бир ҳовлидан иккин-

чисига кўчишни хоҳласа, биринчи ҳовлисида бирор нарсани қолдирадими?!» деган экан. Сулаймон ибн Абдулмалик Абу Ҳозимдан: «Биз нега ўлимни ёмон кўрамиз?», деб сўради. Абу Ҳозим: «Чунки сизлар охиратингизни хароб этиб, дунёнгизни обод қилгансизлар, обод жойдан хароб жойга кўчишни хоҳламаяпсизлар», деди. Абдуллоҳ ибн Умарга шундай дейишди: «Зайд ибн Хорижа юз минг дирҳамни олмади». Ибн Умар: «Лекин дирҳамлар уни ташлаб кетмайди», деди. Ҳасан Басрий шундай деган: «Аллоҳ қайси бандага неъмат берса, у ўша неъматникидир, лекин Сулаймон ибн Довуд бундай эмас. Чунки Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «Бу бизнинг сенга берган туҳфамиздир. Бас, сарфла ёки сақла, унинг ҳисоб-китоби йўқдир». Абу Ҳозим айтади: «Агар бизга ато қилинган нарсалардан ёмонлик етмаганида, тўплаганларимиздан зарар кўрмасдик». Баъзи салафлар айтишди: «Борини сарфланг, сизга фойда бўлади. Ҳамма нарсани ҳам сақлайверманг, сизга зарар бўлади». Иброҳим шундай деди: «Эшигингизни қоқиб, охират учун нима берасизлар, деб сўраб келган қавм қандаям яхши!». Саид ибн Мусаййиб айтди: «Сила ибн Ушайм олдимга келганда ўрнимдан туриб кутиб олмасликдан ўзимни тутиб тура олмадим ва унга: «Эй Абу Саҳбо, менинг ҳақимга дуо қил», дедим. У: «Аллоҳ сени боқий нарсага қизиқтирсин, фоний-сига қизиқтирмасин, сенга нафс хотиржам бўладиган ва динда фақат унгагина суяниладиган ишончни берсин».

Абдулмалик ибн Марвон ўлими яқинлашиб қолганда қўлига қандайдир кийимни ўраб олган бир ғассолни кўриб шундай деди: «Қанийди ғассол бўлиб қолсам, доим кунма-кун топган маошим билан яшардим». Унинг бу сўзи Абу Ҳозимга етиб боргач, шундай деди: «Уларни ўлим олдида биздаги нарсаларни орзу қилдирган ва бизни ўлим олдида улардаги нарсаларни орзу қилдирмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин». Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Одам фарзанди, молим, молим, дейди. Молингдан фақат еб тугатганинг, кийиб тўзғитганинг ва бериб тарқатганинг бор, холос». Холид ибн Сафвон айтади: «Туни билан яшил денгиз ва қизил тиллоларни қўлга киритсам деб орзу қилиб чиқдим. Вахоланки, менга икки дона кулча, икки кўза сув ва иккита

жулдур кийимнинг ўзи етарли экан». Муваррик ал-Ижлий айтди: «Эй одам, ҳар куни ризкинг берилиб туради, сен эса, махзун бўласан. Умринг қисқармоқда, уни деб хафа бўлмайсан. Етарли нарсалар ёнингда туриб туғёнга солувчи нарсаларни излайсан». Абу Ҳозим айтди: «Биз билан подшоҳлар орасида бир кун, у ҳам бўлса, бугун бор, холос. Кеча ўтиб кетди, унинг лаззатини энди кўрмайдилар. Биз ҳам, улар ҳам эртанги кун нима бўлишидан қўрқиб турамиз. Эртанги кун ҳам ҳадемай кириб келади».

Салафлардан бири айтди: «Ман қилинган нарса ўзингга кимматли бўлади. Чунки сенга берилган нарса узоқ вақт бирга қолмайди». Бир донишманд айтди: «Ким дунёдагисини тарк қилса, охиратдаги насибасини тўлиқ олади». Яна бир донишманд шундай деди: «Дунёга берилишни олдин тарк этиш боғланиб қолгандан кейин тарк этишдан енгилроқдир». Бошқа бир донишманд айтади: «Дунёни мажбур бўлиб изла, қилган ишларингни эслашинг ибрат юзасидан бўлсин ва охират учун амалинг олдиндан бўлсин **(Мажбур бўлмасанг дунёни талаб қилма, эслаганда ибрат оладиган ишларни қил ва охиратга олдиндан тайёр тур. – тарж.)**».

Донишмандлардан яна бири шундай деди: «Зоҳид боридан ҳам айрилмаслик учун йўқотилган нарсани изламайди». Яна бир донишманд айтди: «Ким охиратга имон келтирган бўлса, дунёга ҳирс қўймайди. Ким жазо бўлишига ишонса, яхшиликдан ёмонликни устун қўймайди **(яхши ишни қўйиб, ёмонини қилмайди. – тарж.)**». Донишмандлардан яна бири шундай деган: «Ким нафсини ҳисоб-китоб қилса, фойда кўради, ким ундан ғафлатда бўлса, зарар кўради». Абул Атоҳия шундай деган:

Дунё кимда бўлса, қўпайган сари азобга ҳам йўлиқар,
Ким дунёга интилса, хорлаб, қарамаса, унга талпинар.
Кераксиз матоларни тарк қилгин-у ҳожатингга ярашани ол.

Асмаъий роҳматуллоҳи алайҳ шундай ҳикоя қилади: «Бир куни Ҳорун ар-Рашид роҳматуллоҳи алайҳнинг олдига кирдим. У китоб ўқиб ўтирар ва кўз ёшлари яноқларидан оқиб турарди. Мени кўргач, шундай деди: «Менинг ҳолимни кўрдингми?». Мен: «Кўрдим, эй амирул мўъминин», дедим. Ҳорун ар-Рашид: «Дунё

ишларини деб бундай йиғламайман», деди. Сўнг менга бир қоғозни берди, унда Абул Атоҳиянинг мана бу шеъри битилган экан:

Яшаш жойи хароб бўлган кишидан ибрат олдингми?
Замон мағлуб қилиб, аскарлари ташлаб кетгандан ибрат олдингми?
Яқинлари тарк этиб, минбарлари бўш кишини кўрдингми?
Подшоҳлар ва улуғлар қани, сен ҳам ўтурсан албат,
Дунёни охиратдан устун қўйиб, фахр-ифтихор қилувчи,
Дунёдаг олмоқчи бўлган нарсангга эриш, ўлим дунё охиридир.

Ҳорун ар-Рашид менга деди: «Аллоҳга қасамки, бу шеър менга атаб ёзилган, бошқага эмас». Шу воқеадан сўнг ҳеч қанча ўтмай у вафот этди».

Нафсингни риёзат қилдирадиган учинчи ҳолат унга бу дунёда қанча яшашингни англатмоғинг ва орзуга алданиб қолишдан уни қутқармоғингдир. Шундагина орзу қисқа муҳлатингни узайтирмайди ва ўлим ҳамда қайта тирилишни ёдингдан чиқишига йўл қўймайди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом хутбаларининг бирида шундай деганлар: «Эй инсонлар, албатта, кунлар ўтиб, умрлар тугаб боради, баданлар чирийди. Албатта, тун билан кун худди чопар сингари бир-бирини қувиб ўтади, ҳар бир узоқни яқинлаштиради ва ҳар бир янгини эскиртиради. Шу билан бирга, Аллоҳнинг бандаларини шаҳват (хоҳиш-истак) лардан тўсади ва боқий қолувчи солиҳ амалларга тарғиб қилади». Мисъар шундай деган: «Кунни қарши олиб, уни бефойда ўтказганлар қанча! Эртанги кунни кутиб, унга етиб бора олмаганлар қанча! Агар ажалнинг келиш аниқ вақтини билганингда, орзу билан алдовидан ғазабланар эдинг». Ансорлардан бир киши Расулуллоҳ алайҳиссаломдан: «Инсонларнинг энг зийраги ким?», деб сўради. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ўлимни кўп эслайдигани ва унга тайёр турадигапидир. Бу зийрак кишилар дунёнинг шарафи ва охиратнинг кароматини олиб кетдилар». Исо алайҳиссалом айтдилар: «Ухлаганингиздек ўласизлар, уйғонганингиздек қайта тириласизлар». Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай деган: «Эй инсонлар, бир нарсани айтсангиз, эшитадиган, сир сақласангиз биладиган Аллоҳдан қўрқинглар. Қочсангиз етиб оладиган, тек

турсангиз тутиб оладиган ўлимга шошилинглар». Абу Ало ибн Мусаййиб айтди: «Ўлимдан олдин ўлимдан-да қаттиқроқ ҳеч нарса йўқ, ўлимдан кейин ўлимдан-да осонроқ ҳеч нарса йўқ».

Донишмандлардан бири айтди: «Олдиндагилар учун ўтмишда ибрат бор, охиргилар учун аввалгиларда огоҳлантириш бор. Бахтли одам алдовга ишонмайди, тамага алданмайди». Солиҳлардан бири шундай деган: «Албатта, сенинг боқийлигинг фонийлик, фонийлигинг боқийликкадир. Шундай экан, боқий эмас фонийлигингдан фоний бўлмайдиган боқийлигинг учун амал қилиб қол». Олимлардан бири шундай деган: «Қандай қилиб ҳаёт яхши ва роҳат бўлсинки, ўлимнинг табиби йўқ бўлса?!». Донишмандлардан бири деди: «Ҳар ким ажали етгунча ва амал саҳифалари ёпилгунча яшайди. Шундай экан, ўзинг учун фойдали ишларни қилиб қол, бугунги кунингни кечагиси билан қиёсла, умринг тугаши, амал ва ҳаракатдан тўхташингдан олдин ёмонликлардан тийил, яхшиликларни кўпайтир». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Ким офатларга йўлиқмаса, уларнинг ўзи унга йўлиқади». Абул Атоҳия шундай деган:

Қабрларга не бўлди, гамгин одамлар чақирса, жавоб бермас,
Усти ёпиқ «чуқурлар» устида қабртош ва дўнгликлар бор.
Уларда болалар, чақалоқлар, йигитлар ва қариялар бор,
Уларда фироқи менга оғир ботган қанча суйганларим ётар.
Баъзи тошлар мен суйган кимсанинг қабрига қулаб тушган,
Ўзимга тасалли бердим, улар билан кўришмоғим яқин деб.

Расулуллоҳ алайҳиссалом бир кишига шундай насиҳат қилдилар: «Дунёдаги хоҳишингни камайтир, хур яшайсан, гуноҳларни камайтир, сенга ўлим енгил бўлади ва қилган амалингни фарзандингда кўр, чунки томирдан ўтади **(яъни, ёмон ишларинг фарзандингга ҳам ўтади. – тарж.)».**

Рашид роҳматуллоҳи алайҳ Ибн Саммокка: «Менга мўъжаз ва қисқа насиҳат қил», деди. У: «Сен ўладиган халифаларнинг энг биринчисисан», деди. Бир аъробий ёш боласи вафот этган кишига шундай деб таъзия билдирди: «Фарзандингни дунё машаққатларидан қутқарган ва ҳаётида бўлажак хатарлардан халос

этган Аллоҳга ҳамд бўлсин». Салафлардан бири айтди: «Ким охират учун амал қилса, охират ва дунёни топади, ким дунёни охиратдан устун қўйса, дунё ва охиратдан маҳрум бўлади».

Бир солиҳ киши шундай деган: «Ўлим нафасини ва амал қилиш имконини ғанимат бил, узр ва сабабларни рўкач қилишни тўхтат. Чунки муҳлатинг оз, нафасинг интиҳоси яқин ва умринг қисқа». Бир донишманд деди: «Агар огоҳлантирилган касалга даво топа олмаса, табибда айб йўқ». Яна бир донишманд шундай деган: «Жўнаб кетадиган одамнинг амалини қилгин. Чунки ўлим сени ҳеч қаерга қоча олмайдиган бир кунга олиб кетади». Али ибн Абу Толиб Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин шундай деган:

Орзу-ҳавас жоҳилни алдар, ажали етган ўлар,
Ўлими яқин одам ҳийласидан қутула олмас.
Охири боқий парсанинг аввали ғойиб бўлар,
Кишига қабрда фақат амали шерик бўлар.

Абул Атоҳия шундай деган:

Ўлимдан сақланиб бўлмас, парда ва қўриқчилар тўсса ҳам,
Ўлим пайконига зирҳ ва қалқон тут, нишонга урар аниқ,
Нажот топмоқ истайсан, билмайсанки, кема саҳрода сузмас.

Агар нафсинг айтиб ўтилган сифат ва ҳолатларга рози бўлса, унда учта ҳолат мавжуд.

Биринчиси, ҳалок қиладиган орзуни ортда қолдириш ва озор берадиган, иложи йўқ мушкул ишларни тарк қилишингдир. Чунки орзуга берилиш алдов, иложи йўқ ишларни қилиш эса зарардир.

Иккинчиси, охират амали учун уйғонишинг ва қолган умрингда яхши амалларни ғанимат билишингдир. Зеро, ким орзу-ҳаваса берилмай, умр муҳлатини оз деб билса, унинг амали чиройли бўлади.

Учинчиси, қутулиш иложи йўқ қийинчиликларга учрашингга кўникишинг ҳамда ечими йўқ муаммоларни осон қабул қилишингдир. Чунки ким ечими қийин бир ишни ўзи учун ойдинлантирса, ўша иш келганда унга арзимасдек туюлади.

Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Қалбингни фикрлаш билан огоҳлантир, баданингни уйқудан узоқлаштир ва Аллоҳдан қўрқ». Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абу Зарр розияллоҳу анҳуга: «Менга насиҳат қил», деди. Абу Зарр розияллоҳу анҳу: «Етган ризқингга рози бўл, ўлимдан қўрқ, дунёни рўзанг, ўлимни ифторинг деб бил», деб насиҳат қилди. Умар ибн Абдулазиз шундай деди: «Биздаги ишончдан бошқа ишончсиз шакка ўхшаган шаксиз ишончни кўрмадим. Агар тан олсак, аҳмоқ бўламиз, агар тан олмасак, ҳалок бўламиз». Ҳасан Басрий айтди: «Кундуз сенинг меҳмонинг, уни яхшилаб меҳмон қил. Агар сен уни яхши меҳмон қилсанг, жўнаётиб сени мақтаб кетади, агар ёмон меҳмон қилсанг, жўнаётиб сени ёмонлаб кетади. Тунинг ҳам шу кабидир».

Ал-Жоҳиз «Ал-Баён» номли китобида шундай дейди: «Мен кўрган тошда шундай деб битилган экан: «Эй одам фарзанди, умринг камайиб бораётганини кўрганингда, орзу-ҳаваса берилмай, амални кўпайтирардинг ва ҳирсу ҳийлаларингни камайтирардинг. Агар қадаминг тойган бўлса, аҳлинг ва мулозимларинг сени тарк қилганда, якинларинг сендан ажралганида ва яхши кўрганларинг сендан айрилганида эрганги кунинг сенга надомат билан йўлиқади». Ўлими яқинлашганда Бишр ибн Мансур хурсанд бўлди. Шунда ундан: «Ўлим келса ҳам хурсанд бўласизми?», деб сўрашди. У: «Мен ҳар доим зикрида бўлганим Холиқ Зотнинг ҳузурига бораётганимни қўрқадиган махлуқ ҳузурида қолиш билан тенглаштиряпсизларми?!». Ўлим тўшагида ётган Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга: «Табибни чақирайликми?», дейишди. У зот: «Табиб мени кўрди», деди. «Табиб сизга нима деди?», деб сўрашди. У зот: «Табиб: «Албатта, Мен нимани хоҳласам, шуни қилувчи Зотман», деди», деб жавоб берди. Робиъ ибн Хусаймдан касал бўлиб қолганида: «Сизни табиб кўрсинми?», деб сўрашди. У зот: «Мен ҳам шуни хоҳлагандим, сўнг Од, Самуд, Асҳоби Расс ва бошқа қавмларни эслаб билдимки, улар ҳам касал бўлишган ва табиблари ҳам бўлган, лекин барибир барчаси бу дунёдан ўтиб кетишган», деди. Анушервондан: «Дунё ҳаётида қачон роҳат бўлади?», деб сўрашди. У: «Инсоннинг ҳаётда қилмоқчи бўлган иши амалга ошса», деб жавоб берди. Донишмандлардан бири

деди: «Ким ўлимни эсласа, орзуни унутади». Адиблардан бири деди: «Ўлимдан қочма, у пат сингари юлиниб кетади». Донишмандлардан бири: «Орзу ажалнинг пардасидир», деди. Адиблардан бири Али розияллоҳу анҳунинг шеърини айтиб берди:

Агар ўлганимиздан кейин ҳеч нарса бўлмаса,
Ўлим барча тирикларга қандаям роҳат!
Лекин ўлсак, қайта тирилиб, сўраламиз.

Шоирлардан бири шундай дебди:

Дунё қўйнин топиб, жўнайдиган қўналга,
Юради-ю қаерга кетаётганин ўзи ҳам билмас,
Нимани қилсангиз, ўша нарсани тўлиқ оласиз.

Саид ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай ривоят келтиради: «Абу Дардо розияллоҳу анҳу: «Ё Расулаллоҳ, менга васият қилинг», деди. У зот: «Ҳалол касб қил, яхши амал қил, Аллоҳ таолодан кунлик ризкингни сўраб, ўзингни ўлимга тайёрла», дедилар. Робиъ ибн Хайсам ўз акасига шундай деб мактуб ёзди: «Энг зарур нарсаларингни тайёрла, юкларингни ташла ва нафсингга насиҳат қил. Вассаллом».

Салафлардан бири деди: «Дунёга ундан ҳазар қилган киши эришади, сақланганга унинг ўзи келади». Муҳаммад ибн Восиъ бир қавмнинг олдидан ўтаётганда: «Бу қавм зоҳидлардир», дейишди. Шунда у: «Дунёдан юз ўгиргапларга мақталган дунё қадри қанча бўларди?!», деди. Донишмандлардан бири деди: «Саодатманд киши кечаги кунига ибрат назари билан қараб ўзига ундан фойда кўрган кишидир. Бадбахт эса бошқа учун тўплаб, ўзидан қизғанган кишидир». Бир донишманд деди: «Васиятсиз юрма. Агар жисминг саломат, умринг мазмунли бўлса ҳам, билгинки, вакт хиёнаткордир ва барча мавжуд нарсалар бир кун йўқ бўлур». Шоирлардан бири деди:

Ким ўлимни келувчи, қабрни маскан, қайта тирилишни ҳақ деса,
Жаннатда роҳат-у жаҳаннамда куйиш орасида туришин билса,
Тақводан бошқаси кўзга арзимас ва жирканч кўринар,
Дунёни ватан қилиб олган одам ўлим қачон олиб кетишин билмас.

Жаъфар ибн Муҳаммад розияллоҳу анҳу Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилади: «Расулуллоҳ ўз хутбаларидан бирида шундай деганлар: «Эй инсонлар, албатта, сизларнинг ниҳоянгиз (ўлишингиз) бор, ниҳоянгизга боринглар (унга тайёргарлик кўринглар), албатта, сизларнинг белгиларингиз (яхши-ёмон хулқларингиз) бор, белгиларингизга боринглар **(хулқингизга ярашасини олинглар. – тарж.)**. Албатта, мўмин икки хавф орасидадир: Аллоҳ қандай ҳукм чиқарганини билмай ўтказган кунлари ва Аллоҳ қандай ҳукм чиқаришини билмай қолган кунлари. Бас, банда ўз фойдаси учун амал қилсин, дунёсида охирати учун амал қилсин ва ҳаётида ўлимидан олдин амал қилсин. Чунки дунё сизлар учун яратилган, сизлар эса охират учун яратилгансизлар. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, ўлимдан сўнг жаннат ва дўзахдан бошқа овуниш, хурсандчилик қиладиган жой ҳам, дунёдан кейин бирор ҳовли ҳам йўқ». Ҳасан Басрий айтди: «Кеча муҳлат, бугун амал, эрта эса орзудир». Абул Атоҳия буни шеър қилиб назмга тизди:

Ўйлаб кўр, кунларингда тотиб кўришга арзирли лаззат борми?
Умринг бўйи яшаётган вақтдан ҳозирги соатда борсан, холос.
Нафсингни фақат керакли ва зарур нарсалар ила овут,
Акс ҳолда, у тоқатинг етмайдиган нарсаларни талаб қилар.

Бир зоҳиддан сўрашди: «Нима учун ҳассага таяниб юрасиз, ахир қари ёки касал эмассиз-ку?». Зоҳид: «Мен бу дунёда мусофирлигимни, дунёнинг ўткинчилигини ва ҳассанинг сафар асбоби эканини ҳам биламан», деб жавоб берибди. Бу гапларни бир шоир шеър қилиб назмга солган:

Ҳассани ўзимга етган заифлик ва қариликдан эмас,
Балки мусофирлигимни эслатиб туради деб олиб юраман.

Сўфийлардан бири айтди: «Дунё оз вақтдан иборат соатдир. Уни тоатга айлантир». Зулқарнайн шундай деган: «Дунёда жоҳил ҳолда эркин юрдик, унда ғофил ҳолда яшадик ва ундан мажбуран кетказилдик». Абдулҳамид айтди: «Киши қисқа умрнинг асиридир». Бир мавъизада шундай дейилган: «Ажабо! Азобдан қўрққан киши қандай қилиб гуноҳдан тийилмайди? Ажабо! Са-

вобни умид қилган киши қандай қилиб амал қилмайди?». Бир донишманд айтди: «Ёмон одам ўликдир, гарчи тирик бўлса ҳам. Яхши одам тирикдир, гарчи ўлган бўлса ҳам». Салафлардан бири деди: «Аллоҳ бурро тиллар ва доно дилларнинг хилоф ишларидан паноҳ сўралувчи Зотдир».

Яна бир донишманд айтди: «Кеча ва кундуз сенда амал қилади, сен ҳам уларда амал қилиб қол». Яна бири шундай деган: «Учиб кетаётгандек ўтаётган бу кунларда охиратинг учун амал қилиб қолгин». Бошқа бир донишманд айтди: «Ўлим сенинг охирги чегарангдир. Дунёдан охиратинг учун олиб қол». Яна бир донишманд айтади: «Эй Аллоҳнинг бандалари, сақланинглар, алҳазар. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ айбларингизни худди кечирганга ўхшаб беркитди, сизларни ўз ҳолингизга қўйиб қўйганга ўхшаб, сизларга муҳлат берди». Яна бири деди: «Кунлар амалларингиз саҳифаларидир. Уларни чиройли амалларингиз билан тўлдиринг». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Соч оқининг насиҳатини қабул қил, ҳали эрта бўлса ҳам». Яна шундай дейилган: «Қуёш ҳар чиққанида кечаги кун билан насиҳат қилади». Муҳаммад ибн Башир роҳматуллоҳи алайҳ айтди:

Кечаги кунинг «шаҳид» га айланганин кўр,
Бугунинг амалларинг ила «шаҳид» лик топар.
Кеча гуноҳ қилдингми, уни яхшилик ила ўчир,
Шунда мақтовга лойиқ инсонлар қаторидасан,
Яхшиликни эртага қўйма, эҳтимол эртага йўқсан.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мана бу ҳадисни ривоят қилиб келтиради: «Талаб қилувчиси ухлаётган жаннатга ўхшаш бирор нарсани кўрмадим. Қочаётгани ухлаётган жаҳаннамга ўхшаш бирор нарсани кўрмадим» (**яъни, жаннат ўхшаши йўқ шундай нарсаки, уни талаб қилувчилар ғафлатда бўлади ва жаҳаннам ўхшаши йўқ шундай нарсаки, ундан қочадиганлар ҳам ғафлатда бўлади. – тарж.**).

Исо алайҳиссалом шундай деган: «Қиёматда хавф ва хафа-гарчиликка йўлиқмайдиган Аллоҳнинг бандалари шундай кишиларки, инсонлар дунёнинг зоҳирига қарасалар, улар ботинига қарашади, инсонлар дунёнинг узунлигига қарасалар, улар

қискалигига қарашади. Улар дунёда қалбларнинг ўлимига сабаб бўладиган нарсаларни ўлдиришади, дунёда уларни бир кунмас-бир кун тарк қиладиган нарсалардан воз кечишади».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай деган: «Инсонлар талаб қилишда иккига бўлинади. Бири дунёни талаб қилади. Уни ўз ҳолига қўйишлар. Чунки у гоҳида кидирган нарсасини топади ва толган нарсаси сабабли ҳалокатга учрайди. Иккинчиси охиратни талаб қилади. У билан охиратни талаб қилишда беллашинг». Абу Дардо розияллоҳу анҳу Шомга келиб шундай деди: «Эй шомликлар, насиҳатгўй биродарингиз сўзини эшитинг». Инсонлар унинг олдига йиғилишди. У: «Сизларга нима бўлди, ўзингиз яшамайдиган уйларни қуриб, ўзингиз емайдиган нарсаларни йиғаяпсизлар? Сизлардан олдингилар ҳам иморатлар қуришган, орзу-ҳавасга берилган ва мол-дунё тўплашган. Озгина ўтмай шу орзулари алдовга, йиққанлари заволга ва масканлари қабрга айланди». Абу Ҳозим айтди: «Дунё кўп кавмларни алдади. Натижада улар ноҳақ ишларни қилишди. Ўлим етиб келгач, шошиб қолишди ва молларини ўзлари ёктирмаган кимсаларга ташлаб кетишди. Биз улардан кейин яралганмиз. Демак, улар қилган ёмонликларни кўриб, улардан тийилишимиз ва қила олмаган яхшиликларни қилишимиз лозим бўлади». Зоҳидлардан бири подшоҳнинг эшиги олдидан ўтиб кетаётиб шундай деди: «Янги эшик, барҳақ ўлим, қийин жон бериш ва узун сафар».

Бир зоҳид одамлар атрофини ўраб олган бир кишининг олдидан ўтаётиб: «Нима бўлди?», деб сўради. Улар: «Бу бир мискин экан, бир ўғри унинг чопонини ўғирлабди», дейишди. Шунда бир одам мискинга чопонини ҳадя қилди. Зоҳид **«Албатта, саъйи ҳаракатларингиз турличадир»** (Лайл сураси, 4-оят) оятини ўқиб: «Аллоҳ рост сўзлади», деди. Бир донишманд айтди: «Қайта тирилиш ва ҳисоб кунига ишонган ва ажр-савобда тақво қилган киши ўз нафсига қандаям инсофли!». Яна бири шундай деди: «Орзу-ҳаваснинг кўплиги туфайли қалблар қотади, холис ният туфайли гуноҳлар камаяди». Яна бир донишманд: «Орзу-ҳавасдан сақлан. Чунки у дунёю охиратда сенга халал берадиган нодонлар юкидир», деди. Бошқа бир донишманд деди: «Орзу-ҳавасингни камайтир, чунки

умр қисқадир. Сийратингни яхшила, чунки яхшилик камдир». Абдуллоҳ ибн Муътазз роҳматуллоҳи алайҳ айтади:

Ҳар лаҳза ажал сари бориб, кунларимиз карвондек ўтар,
Орзуларга берилсак, ўлимни ҳам унутгаймиз.
Ёшликдаги гуноҳлар қандаям ёмон, энди нима қиламиз,
Сочимизга оқ тушиб, мункайиб қолган чоғда.
Тақво билан озиқлан, дунёдан кеч, чунки умр поёни яқин.

Абдулмалик ибн Марвон мана бу икки байтни айтиб юрарди:

Хотиржам ҳолда амал қилавер, чунки сен ўласан,
Ўзинг учун ишлаб, меҳнат қил, эй инсон!
Бўлар ишлар бўлиб ўтса ҳам бўлмагандек туюлар,
Мавжуд ишлар эса худди бўлиб ўтгандек бўлур.

Сулаймон ибн Абдулмалик ойнага қараб: «Мен ёш подшоҳман», деди. Шунда жорияси унга: «Сен қандаям яхши матоҳ бўлардинг, агар инсонлар боқий қола олмаётган бир пайтда боқий қолганингда биз сенда инсонлардаги фонийлик айбини кўрмас эдик, лекин сен ҳам фоний бўласан», деди.

Абдулазиз ибн Абдуссамад роҳматуллоҳи алайҳ Анас розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом бурни кесик туяларига миниб олган ҳолда бизга шундай хутба ўқидилар: «Эй инсонлар, гўё ўлим бу дунёда биздан бошқаларга ёзилгандек, гўё ҳақ бу дунёда биздан бошқаларга вожиб бўлгандек, бизлардан олдинги ўлганлар гўё қайтиб келадигандек, уларнинг жасадлари тепасида яшаймиз ва қолдирган нарсаларидан еймиз» **(меросларидан еймиз. – тарж.).** Гўё биз улардан кейин абадий қоладигандек, насиҳатларни унутдик, офатларни ўйламадик. Бировнинг айбини қидиришдан тийилиб, ўз айбини қидирган, топган молини гуноҳга сарфламаган, диндорларга ва мискинларга раҳм қилган ҳамда фақиҳ ва ҳакимларга қўшилган кишига тубо (жаннат) бўлсин. Нафсини тузатиб, хулқини чиройли қилган ва ботинини поклаган кишига тубо бўлсин. Илмига амал қилиб, молидан ортиғини инфоқ қилган, ортиқча гап-сўздан тийилган, суннатга амал қилган ва суннатни бидъатга алмашмаган одамга тубо бўлсин».

Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Қабрларни зиёрат қилишлар, уларни кўриб охиратни эслайсизлар. Ўликларни ювинглар, чунки бу оч жасад (ҳирсли нафс) лар муолажаси ва таъсирли насиҳатдир». Робиъ ибн Хайсам роҳматуллоҳи алайҳ ҳовлисида бир қабр ковлаб қалби қорайганини билгудек бўлса, шу қабр ичига кириб Аллоҳ хоҳлаганича у ерда ётганича: **«Роббим, мени** (яна ҳаётга) **қайтар. Шояд олдин тарк қилган солиҳ** (амалларим) **ни қилиб олсам»,** (Мўминин сураси, 99-100-оятлар) деган оятини ўқирди. Сўнг ўз нафсига: «Тур, сени ҳаётга қайтардим, ҳаракатингни қил», дер эди ва яна Аллоҳ хоҳлаганича шу ҳолатда юрарди. Абу Муҳриз Туфовий шундай деган: «Олдинги умматларни эслатишда қабр сенга кифоя қилади». Зоҳидларнинг биридан: «Энг таъсирли насиҳат нима?», деб сўрашди. У: «Ўликларнинг маҳалласига назар солиш», деди. Абул Атоҳия буни шеър қилиб шундай деди:

Жим ётган майитлар насиҳат берар сенга,
Ўтган замонлар таъзия изҳор этар сенга,
Чириган юзлар ва йўқ бўлган суратлар ҳақида гапирар.
Сенга ўлмай туриб тириклигингда қабрингни кўрсатар.
Эй менинг ўлимимни хоҳловчи инсон, ўлим тугамас,
Қанча ҳасадчилар ўтиб кетиб, ўрнига қанчаси келар.

Бир қабр устига шундай деб ёзилган экан: «Бизга қаҳр қилганларга биз ҳам қаҳр қилдик, лекин мана, инсонларга ибратдан бошқа нарсага ярамадик». Бошқа бир қабр устига шундай деб ёзилган экан: «Ким мангу яшаб қолишни орзу қилган бўлса, алданган ҳолда биз келган жойга келади». «Мансур-ул ҳикам»да: «Ҳақни била туриб, уни адо қилмаганлар канчалар кўп», дейилган. Донишмандлардан бири деди: «Ким ўлмаса, ўтмайди». Бир солиҳ шундай деган: «Ҳар бир маййитнинг ҳолида бизга насиҳат, молида эса ибрат бор». Олимлардан бири шундай деди: «Ким бировнинг ўлимидан ўзига ибрат олмаса, унинг сўзидан ҳам ибрат олмайди». Бир донишманд айтди: «Кечаги кунингдан камайган бир соат умрингдан камайган бир бўлакдир». Абул Атоҳия буни шеърга солиб шундай деди:

Замоннинг эртаси бор, эртасининг келишига қара,
Ҳаётдан олган ҳар бир лаззат жасадга ўлим етганидир.

Искандар вафот этгач, донишмандлардан бири шундай деди: «Подшоҳ кеча бугунгидан кўра кўпроқ сўзларди, бугун эса кечагидан кўра кўпроқ насиҳат қилаётир». Абул Атоҳия шу маънода шеър ёзган:

Сени кўмгунимча маҳзунлик ва хафалик етди,
Сўнг қабринг тупроғини қўлимдан қоқдим.
Ҳаётингда менга кўп панд-насиҳатлар борки,
Бугун эса пайтингдан кўпроқ насиҳатгўйсан.

Донишмандларнинг бири деди: «Агар гуноҳларнинг ҳиди бўлганида, одамлар шарманда бўлишар ва бир жойда бир-бирлари билан ўтира олмасди». Абул Атоҳия бупи шеър қилиб шундай деган:

Аллоҳ гуноҳларимизни ҳидсиз қилиб бизга раҳм қилди,
Пинҳон гуноҳлар ошкор этилса, шармандалик бўлар, холос.

Булар ҳаммаси Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг мана бу ҳадисларидан олинган: «Агар бир-бирларингизга сирларингиз очилганида эди, бир-бирингизни дафн қилмасдингиз». Бир киши Абул Атоҳияга шундай деб мактуб ёзди:

Эй Абу Исҳоқ, сенинг дўстлигингга ишонаман,
Қасамки, айбимни тузатишда йўл-йўриғинг ила ёрдам бер.

Абул Атоҳия унга шундай деб жавоб ёзди:

Қўлингдан келганича Аллоҳга итоат қил,
Сўраган Мавлога қулинг тоатини тортиқ қил.

Донишмандлардан бири деди: «Кимни фарзандлари хурсанд қилса, унинг ўзи ёмонлашади». Шу маънода Абул Атоҳия бир шеър ёзибди:

Ўғил улғайган сари отанинг фонийлиги ортиб борар,
Азиз фарзандининг камоли унга ўлимидан хабар.

Шу маънода бир ҳикоя келтирилади: «Зирр ибн Ҳубайш бир юз йигирма йил яшаб ўлими яқинлашгач, шундай деб шеър айтди:

Агар кишининг фарзандларидан фарзанд туғилса,
Қариликдан баданлари қалтираб касали хуруж қилса,
Билгинки, булар йиғим-терими яқинлашган экиндир.

Бир киши Солиҳ ибн Абдулқуддусга шундай деб мактуб ёзди: «Ўлим эшикдир, ҳар бир инсон ундан кирувчидир. Бу эшикдан кейин қандай ҳовли борлигини билишни хоҳлайман». Солиҳ ибн Абдулқуддус шундай деб жавоб ёзди: «Агар Аллоҳ рози бўладиган амалларни қила олсанг, унинг ортида Адн жаннатлари бор, агар Аллоҳ рози бўлмайдиган амалларни қилсанг, олов бордир. Булар инсонлар учун ҳозирланган жойдир. Ўзингга қара, шундан қайси бирини танлайсан».

ТЎРТИНЧИ БОБ

ДУНЁ ОДОБИ

Билгинки, Аллоҳ таоло Ўз қудратини олам ва борликда намоён этиб, Ўз ҳикматини етказувчи ҳамда тадбири ила мавжудотни яратиб, тақдир-ўлчови ила йўқдан бор қилувчи Зотдир. У одамзодни муҳтож ва ожиз қилиб яратганининг ҳикмати борки, ана шу хусусият тақдир ва тадбир қилган ишлари ичида энг латифи ва ажойибидир. У бандаларига Ўзининг йўқдан бор қилувчи Холиқ зот ва бсҳожатлиги туфайли ризқ берувчи Раззоқ зотлигини билдирди. Бас, қўрқув ва умид ила унинг итоатига бўйсунамиз, ожиз ва ҳожатманд ҳолда ўз айб-нуқсонимизга иқрор бўламиз.

Аллоҳ таоло инсонни жамики жонзотлар ичида ҳожатманд қилиб яратганига ҳужжат-далил шуки, ҳайвонлар ичида ўз жинсига қўшилмай ёлғиз яшайдиганлари бор. Инсон зоти эса бундай эмас. У табиатан ўзига ўхшашлар билан бирга яшашга мажбур, ёрдам сўраб бир-бирини излаши фитратидаги мавжуд сифат ва жавҳаридаги ўзгармас хилқатдир. Шунинг учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бир ояти каримада: «**Инсон ожиз қилиб яратилгандир**» (Нисо сураси, 28-оят), деди. Яъни у нимага муҳтож бўлса, унга сабр қилиши ва нимадан ожиз бўлса, унга тоқат қилишидир.

Агар ўйлаб кўрилса, жамики жонзотлар ичида инсон ожиз ва муҳтожроқ. Чунки ҳожатмандлик бир нарсага муҳтожликка бир нарсага муҳтожлик ундан ожизликка далолат қилади. Донишмандлардан бири: «Бир нарсага муҳтож бўлмаслик муҳтож бўлишдан яхшироқдир», деди. Аллоҳ таоло ҳожати кўплик ва ожизлик машаққати бойлик туғёни ва куч-қудратда ҳаддидан ошишга йўл қўймаган учун инсонга ҳожатмандлик ва ожизликни писмат ва лутф-марҳамат қилиб берди.

Чунки инсон табиатан бой-беҳожат бўлиб яратилганида ҳаддидан ошарди, агар қодир бўлса, уни тажовуз ва зулмкорлик эгалларди. Аллоҳ таоло бу хусусда Қуръони каримда шундай хабар беради: «**Албатта инсон туғёнга кетади, агар ўзини бой кўрса**» (Алақ сураси, 6-7-оятлар). Инсон зотининг бир нарсага ҳожатманд қилиб яратилганининг яна бир ҳикмати шундаки,

ожиз ва заифлигига ҳожатмандлик энг кучли гувоҳ ва ёрқин далил бўлиши эътиборда тутилган. Менга адаб аҳлидан бири Ибн Румийнинг мана бу байтларини айтиб берди:

Мени нуқсли деб айблама зинҳор?
Айтгин,бу иллат кимда йўқ дейсан?
Айбу нуқсони йўқ кимса бормикан,
Етук ва комиллик мақомига кўтарсанг?
Гувоҳлик бераман, ожиз бандаман аниқ,
Лекин кўпларга қиёслансам, мен каби эмас.
Бу халқ фазл ва ақлда мусобақалашар.
Бас, қай бирида ўзингни афзал дейсан.
Аллоҳ Одам фарзандига етуклик берса,
Мангу қолдирарди, Ўзи хоҳлаган ишни қилур.

Аллоҳ таоло инсонни ҳожатманд ва ожиз қилиб яратган экан, шу ҳожатини амалда кўрсатиш учун сабабларни ва ожизлигини кетказиш учун чора-тадбирларни ҳам яратди, бу сабаб ва чора-тадбирларга йўл кўрсатадиган ақл, зеҳн ва фаросат ато этди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **«У шундай Зотки тақдир қилди ва тўғри йўлга бошлади»** (Аъло сураси, 3-оят), деди. Мужоҳид деди: «Банданинг ҳаёти ва умрини ўлчовли қилиб, уни яхшилик ва ёмонлик сари йўллади». Ибни Масъуд Аллоҳ таолонинг сўзидаги: **«Ва биз уни икки баландликка йўллаб қўйдик-ку»** ни (Балад сураси, 10-оят), яъни икки йўлга – яхши йўлга ва ёмон йўлга деб, тафсир қилди.

Демак, ақл ҳожатлар тушадиган нарсанинг сабабига далолат қилувчи бўлиб, ризқ-насиба топишда бандалар ўз ақлларига ва ожизликда фаҳм-фаросатларига ишониб қолмасликларини деб Аллоҳ таоло муваффақият ва идрокни Ўзи тақсим ва тақдир қилган ишга боғлаб қўйдики, шунда умид ва қўрқувда давом этиб, Аллоҳ таолонинг беҳожат ва қодир Зотлигини ҳис этиб турадилар. Баъзан бу Яратувчиси ҳақида ёмон гумонда бўлган киши эътиборидан четда колиб, ҳатто уни адаштиради. Шоир айтганидек:

Кунларни ўз манзилига қўйган ва инсонларни арзимас
Ёки ҳавас қилса арзийдиган қилиб қўювчи Зот покдир.

Ақли бор оқилни тутган йўллари ҳолдан тойдирар,
Жоҳилни кенг ва мўл-кўл ризққа етишганин кўрасан.
Фалакнинг шу иши ақлни ҳайратга чулғар,
Билимли ақл эгасини зиндиққа айлантирар.

Агар ақлли киши назари тўғри эканига ишонса, албатта зиндиқлик эмас, сиддиқлик мақомига кўтарадиган манфаат ва фойдалар сабабини билган бўларди. Чунки манфаат ва фойда сабаблари ичида зоҳирию ҳам, зоҳир эмаслари ҳам ва бутунлай яширин-ғойиблари ҳам бор. Бу ҳикматнинг эгаси Аллоҳ таолодир. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳ таоло ҳақида яхши гумонда бўлиш Унга ибодат қилишдир», дедилар.

Аллоҳ таоло охиратни жазо ва абадий уй қилганидек, инсондаги ҳожат сабаблари ва ожизлик чораларини масъулият ва амал уйи – шу дунёга хослаб қўйди. Шунинг учун инсон бу дунё ишига алоҳида эътибор бермоги керак. Чунки у ўзига охирати учун бу дунёдан озиқа ҳозирлаш ва ҳожатига яраша ни олишга мажбур. Ким ҳожатидан ошиғини олмаса, нафсини тийса, дейилганда, дунёга қизиққан киши маломат қилиниб, ҳожатидан ошиғини талаб қилувчи ёмонланиши тушунилади. Бунда рағбат ҳожат миқдоридан ўтиб кетган нарсага қаратилса, ортиқчалик эса кифоя қадаридан кўпроғини билдиради, деб олдинроқ айтган сўзимизга зидлик йўқ.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга шундай дейди: **«Қачон сиз дунё ишларидан фориғ бўлсангиз, Парвардигорингизга юзингизни буринг»** (Шарҳ сураси, 7-8-оятлар). Бу оятни тафсир қилган уламолар шундай дейишади: «Агар дунё ишларидан бўшасанг, Парвардигоринг ибодатига тургин». Аллоҳ таолонинг бу сўзи Пайғамбаримиз алайҳиссаломни дунёга тарғиб эмас, балки у зотни дунёдан кифоя даражасини олишга чақиради. Шунга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом деганлар: «Охирати учун дунёни ёки дунё учун охиратини тарк этган киши яхшиларингиз эмас. Балки яхшиларингиз унисидан ҳам, буписидан ҳам олган кишидир». Ривоят қилинадики, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Дунё кандаям яхши улов, унга минганлар, сизларни охиратга етказади», дедилар.

Бир киши Али ибн Аби Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ҳузурида дунёни ёмонлади. Ҳазрати Али: «Дунёга ишонган кишига у сидқ ҳовлисидир, дунёнинг шамалигига ақли етган кишига у пажот ҳовлисидир ва мол-дунё йиғиб-тўплаган кишига у бойлик ҳовлисидир», деди. Мукотилдан ҳикоя килинишича, Иброҳим Халилуллоҳ: «Эй Роббим, қачонгача дунё талабида ҳаракат қилайин?» деганида унга: «Бундай дема. Чунки тирикчилик ҳаракатида бўлиш дунёни талаб қилиш эмас», дейилди. Суфён Саврий розияллоҳу анҳу айтди: «Тавротда: «Агар уйда донинг бўлса, ибодат қил, агар бўлмаса, уни изла», деб ёзилган. Эй одам фарзанди, қўлингни ҳаракат килдир, у ризкинг келишига сабаб бўлади». Бир донишманд деди: «Бировга муҳтож бўлмаслик даражасида касб-кор қилиш дунёга ҳирс қўйиш эмас». Бир адиб деди: «Баданга қувват бўладиган даражада дунёни излаш очкўзлик эмас». Маҳмуд Варроқ айтади:

Дунё ва унинг кулларини ёмон деб тарк этма,
Гарчи сенга бир мусибат етган бўлса ҳам.
Дунёнинг шараф ва фазилатин билмоқчи эрсанг,
Шу иккисин деб охиратда даражанг ошар.

Демак, айтиб ўтганимиздек дунё ишларини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак ва шу баробарида дунё ҳолини ўрганиш, унинг яхши ва ёмон жиҳатларини тадқиқ қилиб билиш лозим. Шундай қилинса, унинг яхшию ёмон бўлиш сабабларини ва ислоҳ бўлиш ҳамда айниш, обод ва хароб бўлиш омилларини билиб оламиз. Дунё аҳлидан ҳайрат шубҳалари кетиши ва уларга яхшилик сабаблари очилиши учун унинг ишларини қасд қилиб, қоида ва сабаблари ислоҳига киришадилар.

* * *

Билгинки, дунё салоҳи (яхшилиги) икки жиҳатдан эътиборлидир: биринчиси туфайли дунёнинг барча ишлари тартибга келтирилади. Иккинчиси туфайли дунё аҳлидан ҳар бирининг ҳоли яхшиланади. Бу иккиси икки нарса бўлса ҳам, ислоҳи бир-бирига боғлиқ. Чунки дунё фасоди ва ишлари тартибсиз бўлишига қарамай, кимнинг ҳоли яхши бўлса, унга дунё фасоди таъсир қил-

майди ва обрў-эътиборини туширмайди. Чунки у дунёдан ўзига куч-қувват ва ёрдам олиб, охирати учун ҳозирлик кўради. Дунё салоҳи ва ишлари тартибли бўлишига қарамай, ким ўз ҳолини тузатмаса, дунёнинг салоҳи унга татимайди ва дунёда яшашдан маъно топмайди. Чунки инсон ўз нафсига якиндир, агар дунё унга яхши бўлсагина салоҳни кўради ва агар дунё ўзига ёмон бўлсагина фасодни кўради. Чунки унинг нафси хосроқдир ва ҳоли сезувчироқдир. Шундай экан, унинг назари ўзига тааллуқли нарсага бурилиб, фикри ўзига тегишли нарсага қаратилади.

Билгинки, дунё ўзининг жамики аҳлини бахтли қилмайди ва на ҳамма аҳлидан тўлиғича юз ўгирмайди. Чунки дунё ихтилоф ва тафовут сабабли бир-бирига яқин бўлишлари ҳамда бир-бирига ёрдам қўлини чўзиб, кўмаклашиш сабабли иттифоқ бўлишлари учун ҳаммаларидан тўлиқ юз ўгириши ҳалокат ва ҳаммаларини тўлиқ бахтли қилиши ҳам фасоддир. Қачонки дунё аҳлининг барчаси баробар ва тенг бўлсалар, бир-биридан ёрдам сўрамай қўяди, айтиб ўтилган ҳожат ва ожизликдан бир-бирини халос этишни ўйламайди. Ана шунда дунё аҳлининг (амаллари) зое кетиб, ожиз ҳолда ҳалокатга йўлиқади. Аммо бир-биридан фарқ қилиб, турли ҳолатда бўлишса, ёрдам бериш учун бир-бирига яқинлашади ва бир-бирига эҳтиёж сезиб, алоқа ўрнатади. Чунки ҳожатни адо этувчи алоқа боғловчидир, муҳтож эса унга боғланувчидир. Аллоҳ таоло айтади: **«Улар** (одамлар) **мудом ихтилоф қилурлар, магар Парвардигорингиз раҳм қилган кишиларгина** (ҳақ йўлда иттифоқ бўлиб яшарлар)**. Уларни шунинг учун яратгандир»** (Ҳуд сураси, 118-оят). Ҳасан айтади: «(бу оятдаги ихтилоф сўзининг маъноси) ризқдаги ҳар хилликдир». Буниси бой ва буниси фақир. Шунинг учун уларни яратди. Яъни бой ва фақирликда бир-биридан фарқланиб туришлари учун. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ айримларингиздан айримларингизни ризқда устун қилиб қўйди»** (Наҳл сураси, 71-оят). Лекин дунё яхши бўлса, унинг хурсанд қилиши кўпаяди ва ундан юз ўгириш осон бўлади. Чунки дунё (бир нарсани) берса, бахтли қилиб, омонат тарзида беради. Агар уни қайтариб олса, яхшилик ва раҳм-шафқат қилибди. Агар дунё бузилса, унинг ёрдами макр-ҳийла ва юз ўгириши

айёрликка айланади. Чунки дунё бир нарсани берса, ҳолдан тойдириб, қийнайди, агар қайтариб олса, уни тўлиғича олади. Шу билан бирга, дунё салоҳи омонатдорликлари ва дин-диёнатлари кучли бўлишига қараб ўз аҳлига яхшилик қилувчидир ва дунёнинг фасоди омонатдорлик камлиги ва дин-диёнат заифлигига қараб ўз аҳлини бузувчидир. Бу нарса ҳаётда ҳолат далили тақозо этганидек, тажриба ва урф ҳолида мавжуд. Дунё фасодидан ёмонроқ нарса бўлмаганидек, унинг яхшилигидан ҳам фойдалироқ нарса йўқ. Чунки бу нарса туфайли одамларнинг дин-диёнатлари кучайиб, омонатдорликлари ошади. Дин-диёнатлари заифлашиб, омонатдорликлари бой бериладиган нарсадан зарарлироқ нарса йўқ. Абу Бакр ибн Дурайддан бир шеър ўқидим:

Одамлар ўз замонига ўхшайди бешак,
Ҳудди бир нарсани иккига бўлганидек.
Даҳр аҳли ўзгариш ва ҳолида замонингга ўхшар,
Шунга ўхшаш мабодо замон айниса,
Фасоди кишиларга ҳам урмасдан қолмас.

Энди бу сўзимизни шу жойда тўхтатиб, дунё қандай қилиб ислоҳ топса, шуни баён қилайлик ва мана шу ҳолатда инсон ҳоли қандай ислоҳ топса, унинг баёнига ўтайлик.

Билғинки, дунё ислоҳ топадиган ишларнинг тартиб-қоидаларида унинг ҳоли тартибли бўлиши ва ишлари тузалиши учун олтита нарса мавжуд ва яна улар ўз навбатида бундан бошқа тармоқларга ҳам бўлинади. Улар **итоат этиладиган дин, қаттиққўл султон, ҳаммага бир хил адолат, умумий хавф-хатар йўқлиги, доимий мўл-кўлчилик ва чексиз орзу-умидлардир.**

Биринчи қоида, итоат этиладиган дин. Чунки дин нафсларни истак-хоҳишидан тўсиб, қалбларни унга мубтало бўлишдан сақлайди. Ҳатто дин қалблар учун қаҳр қилувчи ва ақллар учун зажр этувчига айланади. Инсон бир ўзи ёлғиз қолганида дин нафсни кузатувчи ва бало-мусибат етганида унга насиҳат қилувчига айланади. Бу ишларга диндан бошқаси билан эришилмайди ва одамлар ҳоли фақат шу ишлар туфайли ислоҳ топади. Дин дунёнинг ислоҳ топиб, тузалишида кучли қоида

ҳамда тартиб топиб, бузилмаслигида фойдалидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло одамзодни яратганидан бери унинг фикрини шаръий таклиф ва диний эътиқодга қаратди. Дин ҳукми ва кўрсатмасига итоат этилганда дунё аҳлининг қарашлари ҳам бир хил бўлиб, унинг амрига итоат этганларидан ҳавойи нафс уларга ҳукмини ўтказа олмайди. Уламолар розияллоҳу анҳум ақл билан шариат хусусида баҳс-мунозара юритиб, иккови бирга келганми ёки ақл олдин келиб, кейин шариат келганми, деб ихтилофга боришди. Бир тоифаси ақл ва шариат бирга келган, бири бошқасидан олдин келмаган, деди. Бошқа тоифаси йўқ, ақл олдин бўлиб, кейин шариат келган, деди. Чунки комил ақл орқали шариатнинг тўғрилигига ҳужжат-далил келтирилади. Аллоҳ таоло: **«Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилади деб ўйлайдими?!»** (Қиёмат сураси, 36-оят)», деди.

Бу нарса фақатгина инсон ақли комилликка эришганидагина мавжуд бўлади (яъни ақл тўлишиб, муайян даражага етганида шариат кераклигини англайди). Шундай экан, дин дунё ислоҳида кучли қоидалардан биридир ва охират ислоҳида эса унга тенг келадигани йўқ. Дунё ва охират ислоҳи дин туфайли амалга ошади. Ақли расо киши динни маҳкам тутиши ва унга риоя этиши шарт. Донишмандлардан бири: «Одоб иккитадир: шариат одоби ва сиёсат одоби. Шариат одоби таклиф этилган фарз амалларни адо этиш бўлса, сиёсат одоби ер юзини ислоҳ ва обод қилишдир. Бу икки одоб айнан султон саломатлиги ва шаҳарлар ободлиги омили ҳисобланган одилликка қайтади. Чунки ким таклиф этилган фарз амалларни тарк этса, ўзига зулм қилибди ва ким ер юзини харов қилса, ўзидан бошқага зулм қилибди». Саъд бин Ҳумайд айтади:

Соғломлик ҳар доим фойдали бўлмас,
Токи дин ва хулқлар тузалмас экан.

Иккинчи қоида, қаттиққўл султон бўлиши. Султон қаҳридан қўркиш оқибатида ҳавойи нафслар ўз истагидан воз кечиб, бир-бирига яқинлашади ва унинг ҳайбати туфайли бир-биридан узоқлашган қалблар бирлашади, қаҳр ва сиёсат остида низолар барҳам топиб шу қўрқув мавжуд экан, душманга айланган нафс-

лар босилади. Чунки инсоний табиатда баҳс-тортишув ва ўзига маъқул нарсани деб рақобатни яхши кўриш ва ўзига қарши гапирганларга қаҳр қилиш бор. Шундай экан, инсонларни бу табиатларидан фақат кучли тўсувчи ва буйруғини ўтказувчи қайтара олади. Бу ҳақда Мутанаббий фасоҳат тилида шундай деди:

Юксак шараф азиятдан қутула олмас,
Ҳатто атрофида қон тўкилмагунча.
Зулм нафслар истагидир, агар пок киши бўлса,
Сабаби у зулм қилмагани учундир.

Зулмдан қайтарувчи бу сабаб тўрт нарсадан ҳоли эмас ё ман этувчи ақл, ё тўсувчи дин, ё қайтарувчи султон ва ноилож пайтдаги ожизликдан ҳоли эмас. Агар бу сабаблар ҳақида ўйлаб кўрсанг, уларга боғланадиган бешинчи сабабни кўрмайсан. Султондан қўрқиш улар ичида энг кучлисидир. Чунки ақл ва дин заифлашиб қолади ёки ҳавои нафс голиб келиши туфайли иккиси мағлуб бўлиши мумкин. Шундай экан, султондан қўрқиш энг яхши тийиб қўювчи ва энг кучли қайтарувчидир. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Султон Аллоҳнинг ер юзидаги соясидир, ҳар бир мазлум унга суянади», дедилар. Яна ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло Қуръон туфайли тийилмаганлардан аксарини султон туфайли тўхтатиб-жиловлаб туради. «Набий алайҳиссалом: «Аллоҳнинг осмонда ва ер юзида қўриқчилари бор. Осмондаги қўриқчилар фаришталар ва ер юзидаги қўриқчилар ризқларини бериб, одамлардан ҳимоя қиладиганлардир», дедилар. Яна бир ривоятда: «Қаттиққўл бошлиқ фитнадан яхширокдир, ҳаммасида ҳам яхшилик йўк ва баъзи ёмонларда яхшилик бор», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтди: «Султон бузилади, лекин Аллоҳ у туфайли кўпларни ислоҳ қилади. Агар султон одил бўлса, ажр-савоби ўзига ва сизларга шукр қилиш вожиб. Агар султон зулм қилса, гуноҳи ўзига ва сизларга сабр қилиш вожиб». Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳузурларида ажамларни ёмонланди. У зот бу ишдан қайтариб: «Уларни ёмонламанглар. Чунки улар қурдирган шаҳарларда Аллоҳ таолонинг бандалари яшайди», дедилар. Балоғат уламолардан бири

деди: «Султон сиртида раҳбар имомдир, унинг сийратида машруъ дин бор. Агар у зулм қилса, ҳукмда унга бирон киши тенг кела олмайди ва агар адолат қилса, бирон киши зулм қилишга журъат эта олмайди». Адиблардан бири деди: «Даъватлар ичида энг таъсирлиси солиҳ султон даъватидир, яхшиликлар ичида энг авлоси яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришдир» Булар дунё аҳволидаги султоннинг осор (белги, нишона) лари ва у туфайли тартибланадиган ишлардир.

Билгинки, султонда динни ҳимоя этиш ва уни ҳавойи нафслардан сақлаш, ундайларга бўлган ўзгаришлар олдини олиш, муртад бўлган, қайсарлик қилган ёки динда бир фасод ишни юзага келтирадиганларни тийиб қўйиш ҳуқуқлари бор. Агар қудратли султон ва тўлиқ риоя этиш орқали динни сақланмаса, ўша жойда ҳою ҳаваслар кўпайиб, фикрлар айний бошлайди. Қайси диннинг султони бўлмаса, ўша жойда дин аҳкомлари ўзгаришга учраб, тартиб-қоидалари йўқолиб боради. Динда эътибор қозонган кишилар бидъатга берилиб, унинг заифлашишига сабаб бўлади. Ўз навбатида ўз аҳли итоат қилишни фарз ва бир-бирларига ёрдам беришни вожиб ҳисоблайдиган бўлишлари учун қалбларни бирлаштирадиган динда бўлмаган султон ҳам кўп турмайди ва кунлари ҳам сафоли бўлмайди. Натижада султон қаҳр этувчи ва замона бузғунчисига айланади. Абдуллоҳ ибн Муътаз дейди:

Мулк дин туфайли тургайдир мудом,
Дин мулк туфайли бўлур барқарор.

Одамлар бу нарса ақл туфайли вожиб бўладими ёки шариат туфайли вожиб бўладими, деб ихтилофга боришди. Бир тоифа ақл туфайли вожиб, деди. Окиллар ҳолидан маълумки, ўз ихтилофларида бир ҳақли раҳбардан кўркиш уларнинг фойдасига қаратилган. Бошқалар эса унинг шариат билан вожиб бўлишини маъқуллайди. Чунки бошлиқ тайинлашдан максад ҳад-жазоларни белгилаш ва ҳақларни адо этиш каби шаръий ишларни амалга оширишдир. Агар ибодат максад қилинмаса, баъзан бу ишларга ҳожат бўлмайди. Ирода қилинмаган нарсадан беҳожат бўлиш авлодир.

Шунга биноан пайғамбарларни юбориш шарти хусусида ихтилофга борилди. Ким уни ақлга суяниб, шарт деса, пайғамбарлар юборилишини шарт, деб маъқуллайди. Ким уни шариат туфайли вожиб деса, пайғамбарлар юбориш шартлигини маъқулламайди. Чунки пайғамбарларни юборишдан мақсад одамларга шаръий манфаат ва фойдаларни етказишдир. Бу ишлардан мукаллаф бандаларга фойда йўқ, деб ўйлаш уларга пайғамбарларни юборишни вожиб этмайди.

Аммо бир замон ва бир шаҳарда икки ёки уч бошлиқни тайинлаш ижмоъга кўра жоиз эмас. Аммо турли шаҳарлар ва бир-биридан узоқ юртларда жоизлигига кам тоифалар ҳужжат-далил келтиради. Чунки бошлиқ фойдали ишларга тавсия этилган. Агар икки шаҳар ёки икки ноҳияда алоҳида бошлиқ тайинланса, ҳар бири ўз олдидаги ишни бажариб, ўзига боғлиқ ишни амалга оширади. Чунки бир замонда икки пайғамбарни юбориш жоиз бўлгач ва у пайғамбарликни бекор этишни келтириб чиқармагач, раҳбарларда бу нарсанинг бўлиши авлодир ва бу нарса раҳбарликни бекор қилишга олиб бормайди.

Жумҳур уламолар бир замонда икки раҳбар бўлиши шаръан жоиз эмас, дейдилар. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Агар икки амирга байъат қилинса, улардан бирини тайинланглар», дедилар. Яна бир ривоятда: «Икковидан бирини қатл этинглар», дейилган. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинади: «Агар Абу Бакрни бошлиқ қилиб олсангиз, уни Аллоҳ таоло динида қаттиқ, лекин жисмонан заиф ҳолда топасиз. Агар Умарни бошлиқ қилиб олсангиз, уни Аллоҳ азза ва жалла динида қаттиқ, яна жисмонан бақувват ҳолда топасиз. Агар Алини бошлиқ қилиб олсангиз, уни ҳидоят қилувчи ва йўл кўрсатувчи ҳолда топасиз». Бу ҳадиснинг зоҳиридан маълумки, бир вақтнинг ўзида уларни раҳбарликка тайинлаш дуруст эмас. Агар бу иш дуруст бўлса, унга ишора қилиниб, эътибор каратилган бўларди. Уммат султонига лозим бўладиган ишлар етти нарсадан иборат:

Биринчиси, бирон ўзгариш кириб қолишидан динни ҳимоя қилиш ва унга амал қилишга лоқайд бўлмаслик.

Иккинчиси, уммат бирлигини сақлаш ва дин душмани ёки ҳавойи нафс ва молни деб ноҳақлик қилганлардан уларни ҳимоя қилиш.

Учинчиси, фойдали мақсадда шаҳарларни обод қилиш, унинг йўл ва кўчаларини таъмирлаш ва тузатиш.

Тўртинчиси, молларни айирбошлашда диний кўрсатмаларга бипоан барқарор нархни белгилаш.

Бешинчиси, зулмга қарши курашда инсофли бўлиш ва уммат аҳли ўртасида тенглик яратиш ва мазлумларга ёрдам бериш.

Олтинчиси, ҳақли кимсаларга адолат билан ҳад-жазоларни белгилаш.

Еттинчиси, турли ишларда мутахассис ва омонатдор ноибларни танлаб олиш.

Айтиб ўтилган ишларни султон тайинлаган киши амалга оширса, у ўзининг қўл остидагиларга Аллоҳ таоло ҳақини адо этиши, тоат ва насиҳатларини вожиб қилиши ва холис меҳр-муҳаббатларига сазовор бўлиши керак.

Агар султон бу ишларни ўз ўрнига қўймаса, ҳак ва шартларни ўз вақтида адо этмаса, шуни деб жавобгарликка тортилиб, жазоланади. Сўнг у раъиятнинг маъсиятни ошкор қилиш истаги ва нафратидан ҳимояланишга мажбур бўлади. Улар эса ниятларини амалга ошириш учун қулай фурсатни кутиб, ошкор этиш учун йўл қидирадилар. Аллоҳ таоло айтади: **«Айтинг, Оллоҳ сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб юборишга ёки сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб аралаштириб-қоришгириб** (яъни бир-бирига душман тўдаларга айлантириб) **юбориш** (айримларингизга айримларингизнинг зарарини тоттириб қўйишга) **Қодир бўлган Зотдир»** (Анъом сураси, 65-оят). Аллоҳ таолонинг: **«Сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб»,** деган сўзида икки таъвил бор:

Биринчиси, устларидан етган азоб – ёмон бошлиқлардир, оёқлари остидан бўлган азоб – ёмон халқ. Бу Ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг сўзидир.

Иккинчиси, устларидан етган азоб тошбўрон, оёклари остидан эса – похуш воқеа. Бу Мужоҳид ва Саъид ибн Жубайрнинг

сўзидир. Аллоҳ таолонинг: **«Сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб аралаштириб юборишга»**, деган сўзида икки хил таъвил бор.

Биринчиси, турли хоҳиш-истаклар. Бу Ибн Аббос розиялоҳу анҳумо сўзидир.

Иккинчиси, фитна ва тартибсизликлар. Бу Мужоҳиднинг сўзидир.

Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ҳар бир қабила бошлиғи қиёмат куни қўллари бўйинларига боғлик ҳолда келадилар. Уни амали қутқаради ёки ҳалок этади», дедилар. Яна бир ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Яхши бошлиқлар шундай кишиларки, уларни яхши кўрасизлар ва улар ҳам сизларни яхши кўрадилар. Ёмон бошлиқлар шундай кишиларки, уларни ёмон кўрасизлар ва улар ҳам сизларни ёмон кўради ва уларни лаънатлайсизлар, улар ҳам сизларни лаънатлайдилар», дедилар. Бу тўғридир. Бунга сабаб шуки, агар бошлиқ яхши бўлса, ўз қавмини яхши кўради ва қавм ҳам уни яхши кўради. Агар бошлиқ ёмон бўлса, у қавмини ёмон кўради, қавм ҳам уни ёмон кўради. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга шундай дейди: «Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўрса, халқига ҳам уни яхши кўрсатади. Одамлар наздида тутган даражангга қараб Аллоҳ таоло ҳузуридаги мақомингни билиб ол. Аллоҳ ҳузурида сен учун аталган нарса наздингда Аллоҳ учун аталган нарсадекдир». Бу биз айтиб ўтган маънони очиб беради.

Бунинг асли шуки, Аллоҳдан кўркиш бандаларни унга итоат эттиради. Бу тариқа итоат У Зотни яхши кўришга олиб боради. Шунинг учун қавмнинг мехр-муҳаббати бошлиқнинг яхшилиги ва Аллоҳдан кўркишига аломатдир, аксинча, қавмнинг ёмон кўришлари эса, бошликнинг ёмонлиги ва ўзини-ўзи тафтиш қилмаслигига далилдир. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ноибларидан бирига: «Одамларни деб Аллоҳдан кўркишинг ва Аллоҳни деб одамлардан кўркмаслигингни васият қиламан», деди. Умар ибн Абдулазиз ўзи билан ўтирганлардан бирига деди: «Албатта мен бўйнимга олган ишларда Аллоҳ таолодан кўркаман». Сўнг унга айтди: «Мен Аллоҳдан кўркишингдан кўркмайман, балки Аллоҳдан кўркмаслигингдан кўркаман». Бу аниқдир.

Чунки Аллоҳ таолодан кўркқан киши ноҳақлик қилмайди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абу Марям Салулийга (Салулий Умар ибн Хаттобнинг акаси Зайд ибн Хаттобни ўлдирган киши эди) шундай деди: «Аллоҳга қасамки, ер қоши яхши кўрмагунича, мен сени яхши кўрмайман». У: «Бу нарса мени ҳақдан тўсадими?» деди. Ҳазрати Умар йўқ, деди. У: «Ҳечқиси йўқ, яхши кўрмасликдан ноумид бўлиш аёллар ишидир», деди.

Абдураҳмон ибн Муҳаммад ривоят қилиб деди: «Талҳа ибн Убайдуллоҳ Абу Бакр қизи Умму Кулсумга юз минг дирҳам маҳр берди. У бу миқдорда маҳр берган дастлабки киши эди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу олдидан молни олиб ўтилаётганида нималигини сўради. Абу Бакрнинг қизи Умму Кулсумнинг маҳри, дейишди. Умар ибн Хаттоб уни байтулмолга олиб боришни буюрди. Буни Талҳага хабар бериб, бу ҳақда Умар билан ўзинг гаплашиб кўр, дейишди. У: «Бундай кила олмайман. Агар Умар ўзини бу ишда ҳақ деб билса, айтганим билан рози бўлмайди ва агар ўзини ноҳақ деб билса, албатта уни қайтариб беради», деди. Талҳа: «Тонг отгач, Умар молни қайтарди ва уни Умму Кулсумга олиб борилди», деди.

Ҳикоя қилинадики, Ҳорун ар-Рашид Абул Атоҳияни ҳибсга олганида у қамоқхона деворига шундай деб шеър битди:

Аллоҳга қасамки, зулм таъна-маломатдир,
Ёмонлик қилгувчи золим ҳолида қолгай.
Қиёмат куни Даййон олдига борамиз,
Аллоҳ ҳузурига хусуматчилар тўпланғай,
Тонг-ла қиёмат кунида учрашсак билурсан,
Молик Зот ҳузурида ким золимлигин.

Буни Ҳорун ар-Рашидга айтиб беришганда ҳўнг-ҳўнг йиглади. Абул Атоҳияни олдига чақириб, унга минг динор бериб, қамоқдан озод қилди.

Учинчи қоида, ҳаммага бир хил адолатли бўлиш. Бу ўзаро бирликка чақиради, итоат этишга ундайди, шу адолат туфайли шаҳарлар обод бўлиб, мол-мулк ва насл кўпаяди, султон тинч-хотиржам ҳукм юритади. Ҳурмузон ҳазрати Умарнинг бемалол

ухлаб дам олаётганини кўрганида: «Адолат қилдинг, хотиржам бўлдинг ва тинч ухладинг», деган экан.

Ер юзининг хароб бўлиши ва халқнинг айнишида жабр-зулмдан кўра бузувчироқ нарса йўқ. Чунки жабр-зулмда ҳад-чегара ва ниҳоя йўқ. Токи ҳадди-аълосига етиб бормаса, унинг ҳар бир қисми учун фасоддан бир улуш бор. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Охират учун йиғилган энг ёмон озиқа бандаларга адоват қилишдир», дедилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар: «Уч нарса нажот берувчи ва уч нарса ҳалок этувчидир: нажот берувчилар ғазаб ва ризоликда одил бўлиш ҳамда махфий ва ошкор ҳолатда Аллоҳдан қўрқиш, бой ва фақирликда одил бўлишдир. Аммо халок этувчилар рахбарнинг қизғанчиқлиги, эргашиладиган ҳавойи хоҳиш ва кишининг ўзидан ужбланишидир».

Ҳикоя қилинадики, юртларида қонунлар камлигини кўриб, Искандар ҳинд донишмандларига: «Нима учун юртингизда қонунлар кам?», деб сўради. Улар: «Ўз нафсимиздан ҳақни талаб қилганимиз ва подшоҳларимиз бизга адолат қилганидан», дейишди. Яна Искандар: «Адолат ёки шижоатдан қай бири афзал?», деб сўрганида улар: «Агар адолатга амал қилинса, у шижоатдан афзалроқ», дейишди. Донишмандлардан бири: «Адолат ва инсоф туфайли бирдамлик ва дўстлик қарор топади», деди. Балоғат олимларидан бири: «Адолат халқ учун қўйилган ва ҳақ учун барпо этилган Аллоҳнинг мезонидир. Бас, унинг мезонига қарши чиқма, қароридан юз ўгирма ва адолатли бўлишга икки хислат орқали ёрдам сўра: кам тама қилиш ва кўп тақво қилиш. Агар адолат фақат шу туфайли тартиб топадиган дунё қоидаларидан бири бўлса ва дунёдаги силоҳлик фақат шу адолат туфайли амалга ошса, инсон ўзидан бошламоғи ва ундан кейин бошқаларга адолат қилмоғи вожиб бўлади.

Аммо ўз нафсига адолатли бўлиш нафсни яхши ишларга ундаб, ёмон ишлардан тийиш туфайли бўлади. Сўнг яна икки ишдан ўртачароғи – ошириб юбориш ёки камайтиришда нафс ҳолидан воқиф бўлиш туфайли бўлади: чунки ошириб юбориш нафсга жабр, камайтириш унга зулмдир. Ким ўз нафсига зулм

қилса, ўзидан бошқага ҳам зулм қилади. Ким ўзига жабр қилса, ўзидан бошқага ҳам жабр етказади. Донишмандлар бири деди: «Ким ўз нафсига қарамаса, (амаллари) зое кетибди».

Аммо ўзидан бошқага адолатли бўлишга келсак, инсон ҳоли бу борада уч қисмга бўлинади.

Биринчи қисм, султон ўз раиятига ва бошлиқ ўз ходимларига қилганидек, ўзидан пастроқдаги кишига адолатли бўлишдир. Бу тариқа адолат тўрт нарса билан амалга ошади. Енгил нарсага эргашиб, қийин нарсадан воз кечиш, куч билан эгалик қилишни тарк қилиш, сийратда ҳақни хоҳлаш билан бўлади. Чунки осон нарсага эргашиш давомлироқ, қийин нарсадан воз кечиш хатарсизроқдир. Биров устидан ҳукм юритишдан воз кечиш муҳаббатга боғловчироқ ва ҳақни хоҳлаш нусратга сабаб бўлувчидир. Бу ишлар идора қилувчи бошлиқни халос этмаса, унинг фикрида фасод кўпайиб, тадбирида ихтилоф намоён бўлади.

Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Қиёмат куни Аллоҳ ўз султонлигига шерик қилган бўлсаю, ҳукмда ноҳақликка йўл қўйган киши бошқалардан кўпроқ азоб тортади», дедилар. Донишмандлардан бири айтади: «Подшоҳлик куфр устида турса ҳам, лекин зулм устида узоқ турмайди». Адиблардан бири айтади: «Золимнинг қўшниси йўқ ва унинг ҳовли-жойи обод бўлмайди». Балоғат олимларидан бири деди: «Жуда тез амалга ошувчи нарса зулм қилувчининг қулаши ва жуда тез етиб борувчи ўқ мазлумнинг дуосидир». Донишмандлардан бири деди: «Ўзининг иззат-ҳурмати раъияти итоатига боғлиқлигини била туриб, уларни бузмоқчи бўлган подшоҳдан ажабланаман». Ардашер ибн Бобак айтади: «Агар султон адолатдан юз ўгирса, раият ҳам унга итоат этишдан юз ўгиради». Айбдорларни жазоламай озод қилганида Анушервонга таъна қилинди. Бунга у: «Улар касаллар, бизлар эса табиблар. Агар афв қилиш билан даволамасак, уларни ким даволайди?», деб жавоб берди.

Иккинчи қисм, инсон ўзидан юқоридагиларга адолат қилиши. Раият ўз султони ва ходимлар ўз бошлиғига қилганидек. Бу уч нарса – холис итоат, ёрдам бериш ва аҳдига вафо туфайли амалга ошади. Чунки холис итоат тарқоқларни бирлаштиради,

ёрдам бериш заифликни кетказиб, аҳдига вафо бадгумон бўлишдан сақлайди. Агар бу ишлар бир кишида бўлмаса, ҳимоясига олган киши унга ҳукмини ўтказади ва сақланиш учун бир кишига муҳтож бўлади. Буҳтурий айтганидек:

Қачон саховатли кишига муҳтожлик сезсанг,
У ёмон хулқларидан бири билан олдингга келур.

Бунинг давом этишида умумий низом ва шомил салоҳиятнинг бузилиши бор. Абравиз **(Ҳурмузнинг ўғли, Форснинг донишманд подшоҳларидан бири. – тарж)** айтади: «Агар ўзингдан юқоридагига итоат этсанг, ўзингдан пастдаги ҳам сенга итоат этади». Донишмандлардан бири деди: «Зулм неъматларни кеткизиш ва ноҳақлик адоватни юзага чиқаришга сабабдир». Донишмандлардан бири: «Аллоҳ таоло ўз ҳақини адо этадиган бандаларидан рози бўлади. Берган неъматига шукр қилиш, умматга насиҳат қилиш, савоб ишни чиройли адо этиш ва шариатга амал қилиш Аллоҳнинг ҳақидир», деди.

Учинчи қисм, инсон ўзи қаторидагиларга адолатли бўлиши. Бу уч нарса – кибр-ҳавони тарк этиш, беҳурматликдан четланиш ва озор етказишдан тийилишдир. Чунки кибр-ҳавони тарк этиш дўстлашиш, беҳурматликдан четланиш хайрихоҳлик ва озор етказишдан тийилиш эса инсофли бўлишдир. Агар бу ишлар ўзи қаторидагиларга ихлос билан қилинмаса, ўзаро узилиш содир бўлиб, бузиладилар ва бузадилар.

Умар ибн Абдулазиз ибн Аббос розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Сизларга энг ёмон одам кимлигини айтайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расулуллоҳ», дейишди. У зот: «Ёлғиз бир ўзи таом еса, (иложи етиб) ёрдам бермаса ва қулини қамчи билан урса», дедилар. Яна: «Бундан ҳам ёмонроғини айтайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расулаллоҳ», дейишди. «Яхшилигидан умид йўқ ва ёмонлигидан тинчлик йўқ кимса», дедилар. Сўнг у зот: «Бундан ҳам ёмонроғини айтайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расулаллоҳ», дедилар. У зот: «У одамларни ва одамлар ҳам уни ёмон кўрадиган киши», дедилар. Ривоятга кўра, Исо ибн Марям алайҳиссалом Бани Исроилга хутба қилиб айтди: «Эй Бани Исроил, жоҳиллар ҳузурида ҳик-

матни гапирманглар, ҳикматга зулм килиб қўясизлар. Лекин ҳикматни унинг аҳлидан ман этманглар, уларга зулм қилиб қўясизлар, золим билан тенг келманглар, улар фазлингизни кеткизади. Эй Бани Исроил, бу ишлар учтадир, тўғрилиги аниқ бўлган иш, унга эргашинглар, яна бири эгрилиги аниқ бўлган иш, ундан четланинглар ва яна бири сизлар ихтилофда бўладиган иш, уни Аллоҳ таолога топширинглар». Бу сўз ҳамма ҳолатларда одил бўлиш одобларини ўзида жамлайди. Донишмандлардан бири: «Ҳамма билан муроса қилмайдиган ақл ақли том (расолик) эмас», деди. Шоирлардан бири деди:

Модомики, тириксан, ҳамма билан муроса қил,
Чунки сен муроса қилиш ҳовлисидасан.
Ким билса, муроса қилади, ким билмаса,
Озгина ўтиб, надоматлар ила афсусланар.

Баъзан бу табақаларга бир қанча ишлар хосдир. Бу ишларда табақалар адолати меъёридан кам билан кўп орасида ўртача йўл тутиш орқали амалга ошади. Чунки одиллик ўртача йўл тутишдан олинган. Агар бир нарса ўртача ҳолатидан ўтиб кетса, у адолат ҳаддидан ошганидир. Донишмандлардан бири деди: «Фазилатлар икки ноқис нарса ўртасидаги ҳолатдир. Яхши ишлар икки ёмон нарса ўртасидадир. Ҳикмат ёмонлик билан жаҳолат, шижоат қўрқоқлик билан мардлик, иффат очкўзлик билан шаҳват заифлиги, типчлик қаҳр билан ғазаб заифлиги, рашк ҳасад билан ёмон одат, хушфеълик хулқсизлик билан қўполлик, тавозеъ кибр билан пасткашлик, саховат исроф билан зиқналик, ҳилм ғазаб билан ғазабланмаслик, муҳаббат гўзаллик билан ҳусни хулқ, ҳаё уятсизлик билан дудуқлик ва викор таҳкирлаш билан бефаросатлик ўртасидадир.

Агар бир нарса мўътадилликдан чиқиб, номўътадил ҳолатга ўтса, ўртача ҳолатдан ўртача бўлмаган ҳолатга ўтганидир. Баъзи балоғат олимлари айтади: «Ёмон султон пок ва бегуноҳ кишиларни кўркитиб, пасткашлардан фойдаланади, ёмон шаҳар пасткашларни тўплаб, ёмонликларни мерос қолдиради. Ёмон бола ўтганларни қоралаб, шарафни кстказади. Ёмон кўшни би-

ровларга сирни ёйиб, ўртадаги пардани йиртади». Бу ишлар кераги-дан керакмасига ўтгани учун адлликдан адлсизлик ҳолатига чиққанини билдиради. Фасоднинг сабаби зиёда ва нуқсон ўртасидаги ўртачаликдан ўртача бўлмаган ҳолатга ўтишдан иборат. Шундай экан, ўртача бўлмаган нарсадан зарарлироқ нарса бўлмаганидек, ўртачаликдан кўра фойдалироқ нарса ҳам йўқ.

Тўртинчи қоида, умумий хавф-хатар йўқлигидир. Шу туфайли нафслар тинчланиб, ташвишлар тарқайди, айбсиз кишилар хотиржам бўлиб, у туфайли заиф унс-яқинга айланади. Чунки қўрқувчига роҳат йўқ ва эҳтиётқорга хотиржамлик йўқ. Донишмандлардан бири: «Омонлик завқли яшашдир, адолат кучли лашкардир», деди. Чунки хавф-хатар одамларни баҳраманд бўлиш манфаатидан тўсиб, ўз ихтиёрига қўймайди, яшаш учун керакли нарсаларни юзага чиқариш йўллари ва жамоавий ташаббусга имкон қолдирмайди. Агар осойишталик одилликдан ва жабр-зулм адолатсизликдан пайдо бўлса, кўпинча жабр-зулм кишилар мақсадининг одиллик – инсофдан чиқувчи бўлишидан юзага келади.

Баъзан одамлар мақсадида бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келиб, адолат мезонидан чиқмаган ҳисобланади. Шунинг учун дунё тартибида одиллик ҳолатидан ошган нарса туфайли юзага келган осойишталик одиллик каби қоида бўлишга етарли эмас. Агар гап шундай бўлса, хавф-хатар йўқлиги умумий бўлади. Хавф эса баъзан турланиб, баъзан ҳаммага баробар етиши керак. Унинг турланиши баъзан ўзига, баъзан ўз аҳлига ёки баъзан молига нисбатан бўлиши туфайлидир. Умумийлиги жамики ҳолатларни қамраб олмоғидир. Унинг ҳар бир тури учун қўрқувдан бир насиба ва хафаликдан бир улуш бор. Баъзан сабаблар ҳар хил бўлиши туфайли у турлича бўлиб, унинг жиҳати бир-биридан фарқли бўлиши билан ажралиб туради ва қўрқилган нарсада рағбат-хоҳишнинг ҳар хил бўлишига қараб бўлади. Шунинг учун унинг турларидан ҳар бирининг ҳолатини қўрқинч миқдори ва хафалик насибасига қараб тавсифлаш жоиз эмас. Айниқса, бир нарсадан қўрқилса, бутун диққат-эътибор шунга қаратилиб, ундан бошқасига аҳамият берилмайди. Чунки инсон ўзига хавф фақат шу нарсадан етади, деб ундан бошқаси-

да хавф-хатар йўқлигини неъмат маъносида қадрламайди. Бас, у ўз касали билан овора бўлиб, ундан бошқасини ўйламаган ғофил кишига айланади. Эҳтимол ғофил қолган нарсаси мубтало бўлганидан каттароқдир.

Яралар тузалар, лек энг майдасига эътибор қилинар,
Агар катта нарсалар ўтиб кетса ҳам.
Яъни инсон бўлиб ўтган воқеаларни унутар,
Улар улуғ воқеалар бўлса ҳам,
Лек ўзига алоқадор жиҳатларга эътибор берар.

Ҳикоя қилинишича, бир киши олдида турган аъробийга: «Тиш оғриғи қандаям ёмон!», деди. Аъробий: «Ҳар бир дард дарддан оғирроқ», деди. Кимга амният (омонлик) умум бўлса, тўлиқ офиятга етишган одамга ўхшайди. У кўрқувни ҳис этмас экан, амният-омонлик туфайли неъмат қадрини билмайди ва мусибатга йўлиқмас экан, офият туфайли неъмат қадрини офият топган кишидек англамайди. Бир донишманд деди: «Неъмат қадрини унинг зиддига қиёслаш орқали билинади». Абу Тамом Тоий буни олиб шундай деган:

Агар ҳодисалар ёмонликлари сенга етса,
Унинг яхшиликлари қадридан хабар берар у.

Шундай экан, ақли расо киши ўзига касаллик ва хавф-хатар етганида бошқа пайтдаги офият, омонлик ва ўзига берилган неъмат кадри касали ва унинг хатаридан оғирроқ эканини эслаши яхшироқдир. Натижада у шикоят қилмай, шукур қилади ва сабрсизликни сабрга алмаштиради. Шундай қилса, хурсанд ва масрур бўлади. Ҳикоя қилинадики, Якуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссалом билан учрашганида: «Мендан кейин сенга нима бўлди?», деди. Юсуф алайҳиссалом айтди: «Акаларимнинг қилган ишлари ҳақида сўраманг, Роббим менга қилган ишлар ҳақида сўранг». Шоир айтади:

Соғломликда касал кунларни унутма,
Мулоҳазани ташлашнинг оқибати пушаймонлик.

Бешинчи қоида, доимий мўл-кўлчилик. Шу мўл-кўлчиликни деб нафслар таскин топади, бойлар билан фақирлар низолашмайди, одамлар орасида ҳасад камайиб, бир-бирини кўролмаслик барҳам топади. Ана шу вақтда нафслар қаноат ҳосил қилиб, ўзаро ёрдам ва алоқа кўпаяди. Бу нарса дунё ислоҳи ва унинг аҳволи тартибга тушишида энг кучли сабаблар қаторига киради. Чунки мўл-кўлчилик бойиш омили бўлиб, ундан омонат ва саховат пайдо бўлади. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абу Мусо Ашъарийга шундай деб мактуб ёзди: «Фақат ҳасабли ёки бой кишини қозиликка тайинла. Чунки ҳасабли киши оқибатдан қўрқади ва бой киши бошқанинг молига қарамайди». Салафлардан бири деди: «Мен дунё ва охират яхшилигини тақво ва бойликда, дунё ва охират ёмонлигини фужур ва камбағалликдан кўрдим». Шоирлардан бири деди:

Диндан кейин бойликдан яхшироқ нарса кўрмадим,
Куфрдан кейин фақирликдан ёмонроқ нарса кўрмадим.

Бахиллар камайиши ва уларга ёрдам бериш ҳамда сахийлар ва қўли очиқлар кўпайиши бойликка қараб бўлади. Диъбил айтганидек:

Токи ноилож қолиб бермайдиган бўлсанг,
Сен бой эмассан ва замонада қучмайсан зафар.
Қайси бир идиш тўлдирганда тошмас,
Қайси бир бахил тўқчилик вақтида бермас.

Агар бойлик айтиб ўтилган яхшилик сабабларини юзага келтирмаса, камбағаллик туфайли яхшилик зидди ҳисобланган фасод сабаблар пайдо бўлади. Худди тўқчилик ва борчилик салоҳияти барчага баробар бўлганидек, худди шундай йўқчилик ёмонлиги ҳам барчага баробар бўлади. Агар салоҳиятни омм қилувчи нарса мавжуд бўлсаю, у нарса йўқолса, фасод ҳам барчага баробар бўлади. Шундай экан, бу салоҳлик қоидалари ва истиқомат сабабларидан бўлишга лойиқдир.

Мўл-кўлчилик икки сабабдан бўлади: касб-кордаги барака, иккинчиси, моддий фаровонлик. Касб-кордаги барака осойиш-

талик билан боғлиқ моддий фаровонлик туфайли вужудга келади. Моддий фаровонлик кўпинча адолат натижалари билан боғлиқ илоҳий сабаблардан келиб чиқади.

Олтинчи қоида, чексиз орзу-умидлардир. Бу орзу-умид умр етмайдиган имкониятларни қўлга киритишга ундаб, орзу-умид эгаларини ҳаётда иложи йўқ ишларга чорлайди. Агар орзу-умид бўлмаса, кейинги авлод олдинги авлод барпо қилган имкониятлардан фойдаланиб, янада кучли авлодга айлана олмас эди. Агар орзу-умид бўлмаса, турли даврда яшаган дунё аҳли яшаш жойлари ва экин ерларини янгидан барпо этишга мажбур бўлишарди. Бунинг иложи ва имкони йўқлиги аник.

Шунинг учун Аллоҳ таоло бандаларига орзу-умидларни ҳамроҳ қилиб яратиб қўйди. Шу туфайли дунёни обод қилиб, камини тўлдириб борилади, дунёнинг гуллаб-яшнаши кейинги замонга ҳам етиб боради. Дунё аҳволи асрдан асрга ўтиши билан ислоҳ топиб, замон ўтиши туфайли тартибли бўлиши учун иккинчи авлод олдингиси охирига етказа олмаган ишни охирига етказади ва учинчиси иккинчиси йўл қўйган хато ва камчиликларни тузатади. Агар орзу-умидлар камайса, бир кунлик эҳтиёждан нарига ўтилмас ва ундан бошқасини ташвиш қилинмасди. Албатта дунё бир кишидан кейингисига хароба ҳолда ўтиб, ҳожатга ярашасини ҳам топиш имкони бўлмасди. Шундан кейин дунё бир кишидан кейингисига ўз-ўзидан янада хароб ва бузуқ ҳолатда етиб борарди. Натижада ер юзида экин экилмас, куп-куруқ саҳрога айланиб, унда яшаш имкони йўқоларди. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Орзу-умид умматимга Аллоҳнинг раҳматидир, агар шулар бўлмаганида, бирон ниҳол экилмасди ва бирорта она боласини эмизмай қўярди», дедилар. Шоир айтади:

Нафслар ўлимдан қўрқиб турган бўлса ҳам
Орзу-ҳаваслар уларга бағишлар қувват.
Ҳаёт уларни кўпайтирса, замон олиб қўяр,
Нафс уларни ёйса, ўлим уларни маҳв этар.

Аммо охират ишлари билан боғлиқ орзу-умид ҳолати унинг ҳолидан ғофил бўлиш ва тайёргарлик камлигидаги энг кучли сабаб-

лардан биридир. Лабид ибн Рабиъа, аъробий бўлиши билан бирга, икки ишда орзу қилувчининг ҳолатини чиройли баён қилиб деди:

Нафсга ёлғон сўзла, агар унга гапирсанг,
Нафс сўзига кирсанг, орзулар билан айбдор этар.
Лек тақвода ҳеч қачон нафсга ёлғон сўзлама,
Уни яхшилик билан қўлга олгин,
Улуғлик Аллоҳникидир.

Орзу-умид билан ҳою-ҳавас ўртасидаги фарқ орзу-умидларнинг сабабларга боғланиши ва ҳою ҳаваснинг эса сабаблардан ажралишидир. Шундай экан, бу олти қоида туфайли дунё ҳоли ислоҳ қилиниб, ундаги жамики ишлар тартибга тушади. Дунёдаги барча тартиб-қоидалар мукаммал ва тўлиқ бўлса, салоҳияти ҳам мукаммал ва тўлиқ бўлади. Аммо дунё ишлари кўнгилдагидек мукаммал бўлиши ва барча салоҳияти тўлиғича омм бўлиши эҳтимолдан йироқ ишдир. Чунки дунёга ўзгариш ва фонийлик ҳамда тугаш ва инқироз тақдир қилинган. Бир донишманд бир кишининг: «Аллоҳ дунёни ўзгартирди», деганини эшитиб: «Ундай бўлса, у тузалади, чунки дунё айлантириб турилади», деди. Бир шоир деди:

Кунларнинг одатидир ишлари ёмонлиги,
Агар бири хурсанд бўлса, яна бири хафадир.
Кунларни фақатгина ёмон деб танийман,
Замон йўқ, бори ҳам қасос талаб қилади, деб билдим.

Дунё бузилиши ва фасоди унинг тартиб-қоидаларига футур етиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

ФАСЛ

Аммо инсон ҳолининг яхши бўлиши уч нарсадан иборат. Булар инсон ишидаги қоидалар ва ҳолининг низомидир: тўғри йўлга юрувчи ва эгри йўлдан қайтувчи нафс, у туфайли қалблар боғланади ва ёмонликларни кетказувчи бўлган умумий ҳамжиҳатлик ҳамда нафс таскин топувчи ва ночор ҳолатни тузатишга кифоя қилувчи етарли модда.

Аввалги қоида итоатга келган нафсдир. Чунки нафс итоатга келса, инсон унга ҳукмини ўтказа олади, аксинча, инсон осийлик қилса, нафс унга ҳукмини ўтказади, у нафсга ҳукмини ўтказа олмайди. Ким ўз нафсига ҳукмини ўтказа олмаса, бошқа нарсага ҳам ҳукми ўтмаслиги аниқроқ. Кимга нафси итоат этмаса, бошқанинг ҳам унга бўйсунишига умид йўқ. Бир донишманд: «Ақлли киши нафси итоат қилмаётганини била туриб, ўзига бошқа бировнинг итоат этишини талаб қилмаслиги керак», деди. Бир шоир шундай дейди:

Суъдо қалбини ўзингга мойил этишни хоҳлайсанми?
Қалбинг сенга осийлик қилганин била туриб.

Нафс итоати икки хил: бири насиҳат ва иккинчиси бўйсуниш. Аммо насиҳат ишларнинг асл моҳиятига аҳамият беришдир. Шундагина нафс тўғриликни тўғри деб уни ўзига яхши деб кабул қилади. Эгриликни эса эгри деб уни ўзига ёмон деб билади. Агар нафс ўзининг ҳавойи истакларидан тийилса, унинг тўғри йўлга юрганини билдиради. Шунинг учун кимки фикрласа, ҳақиқатни кўради, дейилган. Аммо нафсга бўйсуниш буюрилса, тўғри йўлга юрмоғи, агар қайтарса, эгри йўлдан қайтмоғидир. Агар нафс ҳою ҳаваслар баҳс-тортишувидан қутулса, бу нарса нафснинг қабули бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳою ҳавасга берилган кимсалар эса** (ҳақ йўлдан) **бутунлай оғиб кетишингизни истайдилар»** (Нисо сураси, 27-оят).

Нафснинг бир канча одоблари борки, бу одоблар унинг тўлиқ итоати ва унга етадиган фойдадан иборат. Мазкур китобда унга алоҳида бир бобни ажратдик ва тартиб тақозосига кўра ҳозирча шу қадарини етарли деб билдик ва бу мавзуга яна қайтамиз.

Иккинчи қоида жамловчи бирлашишдир. Чунки инсон машаққатга нишон ва неъмат туфайли ҳасадга мубтало этилган. Агар ўзаро бирлашиш ва ҳамжиҳатлик барҳам топса, ҳасадгўйлар ҳаддидан ошиб, душманларнинг ҳавои нафси унга ўз ҳукмини ўтказади. Шу сабабли инсон бироп неъматга эриша олмасди ва хотиржам ҳаёт кечирмасди. Агар ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик юзага келса, у туфайли душманларига қарши қувватланиб, ҳасадгўйлардан қутуларди. Натижада тонгани ўзига буюриб, хотиржам ҳаёт кечирарди. Агар замон ундан юз ўгириб, нотинч ҳолга тушса ҳам.

Ибни Журайж Ато раҳимаҳуллоҳдан, у Жобир розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Мўмин бир-бирига яқин бўлишдир. Дўст-бародари йўқ ва биров билан дўстлашмаган кишида яхшилик йўқ. Одамлар ичида энг яхшиси одамларга кўпроқ фойдаси тегувчироғидир». Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳ таоло сизлардан уч нарсада рози бўлади ва уч нарсада рози бўлмайди. Ўзига ибодат қилиш, ширк келтирмаслик, (тавҳид) арқонидан маҳкам тутиш ва ихтилофга бормаслик, Аллоҳ ишларингизни топшириб қўйган кишига насиҳат қилишингиздан рози бўлади ва ҳар хил гап-сўзлар, кўп савол бериш ва молни зое кетказишингиздан рози бўлмайди». Буларнинг ҳаммаси Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонидан ўзаро бирлашув ва жипслашувни рўёбга чиқаришга ундовдир. Араблар кимки кам ва тарқоқ бўлса, бировга тобе бўлади, деган. Қайс ибн Осим айтди:

Қадаҳлар жамланса, бир кучли киши
Газабнок ҳолда синдириш учун отса,
Қадаҳлар бирлашиб, асло синмагай.
Қадаҳларни ҳар томонга сочиб ташланса,
Заифлик ва синдирилиш тарқоқлар учундир.

Агар айтиб ўтилганлардан бирлик ҳосил бўлса, жипслик ва ҳамжиҳатлик пайдо бўлиб, у бировга тобе бўлишга йўл қўймайди. Эндиги ҳолат шу бирлик сабабларини айтиб ўтишни тақозо этади. Бир-бири билан бирлашиш ва ҳамжиҳат бўлиш сабаблари асосан беш хил, яъни дин, насаб, кудачилик, ўзаро меҳр-муҳаббат ва яхшиликдир.